



*К. Паустовский*

**ЙИРОҚ,  
ЙИЛЛАР**

**ПОВЕСТЬ**

**«ТОШКЕНТ» БАДИИ  
АДАБИЁТ НАШРИЁТИ**

**1966**

Ажойиб сўз устаси К. Паустовскийнинг номи фақат бизнинг Ватанимиздагина эмас, балки бутун дунёда машҳурдир. Езувчининг ўткир мушоҳадаси, ниҳоятда нозик диди унинг барча асарларига ўзининг салмоқли муҳрини босган. Қўлингиздаги ушбу повесть автобиографик характерга эга. Бироқ моҳир ёзувчи ўзининг шахсий кечинмалари ва ёшлигида бошидан кечган воқеаларни лирик идрок этиш билангина чекланиб қолмайди. Асарда ўша давр ижтимоий ҳаёти, революцион ларзалар ва шу боисдан кишилар онгида рўй берган ўзгаришлар ҳақида зўр самимийлик билан ҳикоя қилинади.

Ҳ. ТУРАБЕКОВ, И. ҒАФУРОВ, Х. ЭРҒАШЕВ

*таржимаси*

## ОТАМНИНГ УЛИМИ

Белая Церковь яқинидаги Городишче қўрасида отанг жон беряпти, деб телеграмма келганида, мен Киев гимназиясининг еттинчи синфида ўқир эдим.

Эртасига Белая Церковга етиб келдим ва отамнинг эски ошнаси — почта конторасининг нозири Феокистовнинг уйига тушдим. Феокистов узун соқолли, қалин кўзойнак тақиб олган чол бўлиб, эгнига почта хизматчилари киядиган, ёқасига мис карнайча ва чақмоқ белгилари чатилган кўна тужурка кийиб олганди.

Мартнинг охирлари эди. Шивалаб ёмғир ёғарди. Қаққайиб турган яланғоч тераклар туман аралаш кўзга чалинарди.

Феокистов ўша туни тезоқар Росда муз кўчганлигини айтди. Отам жон бераётган қўра мана шу дарёнинг ўртасидаги оролда — Белая Церковдан йигирма чақирим нарида жойлашган эди. Қўрага тош тўғон орқали ўтиб бориларди.

Тошқин сув ҳозир тўғон устидан шовиллаб оқиб ўтар, шу сабабдан мени оролга ўтказиб қўядиган бирон кишининг топилиши амри маҳол эди. Ҳатто энг жасур балагула — извошчининг ҳам бу ишга юраги дов бермаслиги аниқ эди.

Феокистов белая церковлик извошчилар орасида энг довюраги қайси бири, деб узоқ бош қотирди. Гирашира меҳмонхонада Феокистовнинг қизи, гимназистка Зина ҳафсала билан роялда қандайдир бир куйни чаларди. Мўзика садосидан хонадаги фикус япроқлари титрарди. Мен ликопчадаги сиқиб суви чиқарилганидан

оқариб кетган бир бўлак лимонга тикилганимча, сукут сақлардим.

— Бўпти, Брегманни чақириб қўя қоламиз,— ниҳоят, бир қарорга келди Феоктистов.— Шайтонга ҳам чап беради у чол.

Тез орада Феоктистовнинг зарҳал муқовали «Нива» журналлари уюлиб ётган хонасига Белая Церковдаги «шайтонга ҳам чап берадиган чол»— извошчи Брегман кириб келди. У кўзлари мушукникига ўхшаш кўм-кўк, соқоли ҳаккам-дуккам, миқтидан келган, пак-пакана яҳудий эди. Чолнинг шамолдан қорайган юзи анордек қип-қизил эди. У қамчисини ўйнатганича, Феоктистовнинг сўзларига кулимсираб қулоқ солиб турарди.

— Эҳ, аттанг, аттангга, пане Феоктистов!— деди у, ниҳоят, ингичка товуш билан.— Менинг фйтоним жуда енгил, отларим ҳам ориқ-тириқ. Лўдиларнинг оти-да! Улар бизни тўғон устидан тортиб ўтолмайди. Отлар ҳам, фйтон ҳам, йигитча ҳам, кекса извошчи ҳам чўкиб кетади. Кейин бу ҳалокат ҳақида бирон киши «Киевская мысль»да ёзиб чиқса ҳам майли эди-я! Ҳатто шу ҳам бўлмайди. Мана шунисига доғман-да, пане Феоктистов. Боришга-ю, албатта, бораверамиз. Нега энди бормас эканмиз? Ўзингиз яхши биласиз, балагуланинг ҳаёти атиги уч сўм туради, мен беш сўм ёки айтайлик, ўн сўм, деб онт ичиб ҳам ўтирмайман.

— Раҳмат, Брегман,— деди Феоктистов.— Мен сизнинг йўқ демаслигингизни билардим. Ахир, сиз Белая Церковдаги энг довурак кишисиз-ку. Бу ишингиз учун йилнинг охиригача сизни «Нива» журнаliga ёздириб қўяман.

— Агар ҳақиқатанам сиз айтгандай довурак бўлсам,— деб чийиллади Брегман тиржайиб,— мени яхши-си «Русский инвалид»га ёздириб қўя қолинг. Ҳеч бўлмаса унда мен кантонистлар<sup>1</sup> ва георгий кавалерлари ҳақидаги хабарларни ўқиб юрарман. Бир соатдан сўнг отлар эшик олдида бўлади, пане.

Шундай деб Брегман чиқиб кетди.

---

<sup>1</sup> Кантонист — крепостнойлик ҳуқуқи давридаги Россияда солдатларнинг ўғли шундай деб аталар эди: улар туғилган кундан ҳарбий маъмурият ихтиёрига ўтиб, қуйи ҳарбий мактабда тарбияланар эди. (Тарж.)

\* \* \*

Мен Киевда олган телеграммада «Белая Церковдан ўзинг билан бирон руҳонийни ёки ксендзни олиб кел — ким бўлишидан қатъи назар, фақат бу ерга келишга розилик берса бўлгани», деган ғалати бир жумла бор эди.

Мен отамнинг феълени билардим, шунинг учун ҳам бу жумла мени ташвишлантирар ва ҳаяжонга соларди. Отам шаккок одам эди. У доим ксендзлар ва руҳонийлар устидан куларди ва шунинг учун бувим билан айтишгани-айтишган эди. Бувим асли поляк бўлиб, аксари поляк аёллари каби жуда мутаассиб эди.

Мен руҳоний ҳақидаги гаплар отамнинг синглиси Феодосия Максимовна ёки Дозя холадан чиққанини сездим.

Дозя хола гуноҳларни ювиш маросимидан бошқа ҳеч қанақа черков урф-одатини тан олмас эди. Тунука қопланган сандиққа яширилган Шевченконинг «Қўбизчи»сини таврот деб биларди. Бу китоб ҳам таврот каби мум томиб доғ-дуғ бўлиб кетган ва сарғайган эди. Баъзан қоронғи кечалари Дозя хола уни сандиқдан олар ва қора дастрўмол билан кўзларини арта-арта «Катерина»ни ўқир эди.

У Катеринага ачинарди, чунки ўзининг тақдири ҳам Катеринаникига ўхшаб кетарди. Қўрғон орқасидаги майсазорда унинг ўғли, бундан анча йиллар муқаддам, ҳали Дозя хола ёшгина жувон бўлган пайтда вафот этган «беғуноҳ норасида»нинг қабри кўм-кўк бўлиб дўппайиб турарди. Бу бола, ўша давр таъбири билан айтганда, Дозя холанинг «ғайри қонуний» ўғли экан.

Севган кишиси Дозяни алдаб, ташлаб кетибди. Бироқ Дозя хола, бир кунмас бир кун у қайтиб келади, қайтганда ҳам албатта қасалманд, юпун ва хор-зор бўлиб қайтиб келади ва шунда мен уни яхшилаб қойийман-да, сўнг бошпана бериб эркалайман, деб садоқат билан уни кутган экан.

\* \* \*

Руҳонийлар тоби қочганлиги ёки юмуш кўплигини баҳона қилиб, биронтаси ҳам Городишчега боришга

кўнмади. Фақат ёш бир ксендзгина мен билан бирга жўнашга рози бўлди. У олдини олиб, жони узилаётган кишидан рози-ризалик олиш маросимида ишлатиладиган илоҳий сувдан олиш учун ибодатхонага киришимизни ва бу илоҳий сувни олиб бораётган киши билан сўзлашмай мумкин эмаслигини айтди.

Ксендз духоба ёқали узун қора пальто кийиб олганди, унинг аломат юмалоқ шляпаси ҳам, қўлқопи ҳам қора эди.

Ибодатхонанинг ичи қоронғи ва совуқ эди. Қўл-оёғи тахтага парчинланган Исо пайғамбарнинг сурати солинган бут тагликлари олдида осифлиқ тўқ қизил қоғоз атиргуллар бужмайиб қолган эди. Ибодатхона шамларсиз, жарангдор қўнғироқларсиз, органининг улуғвор садосисиз безатилмаган, кундузги театр сахнасидек фэйзсиз эди.

Бошда биз извошда жимгина бордик. Фақат Брегмангина лабларини чўпиллатиб, қоқ суяк тўриқ отларни ҳайдаб борарди. У отларни ҳайдаркан, барча балагуллалардек «но!» деб эмас, «вьё!» деб қичқирарди. Ёмғир томчилари қуйи чорбоғлардаги дарахтларнинг шохшаббасига тегиб шатир-шутур қиларди. Ксендз илоҳий сув солинган идишни қора саржага ўраб қўлида олиб борарди. Менинг кул ранг гимназистча шинелим ёмғирдан бўжиб қора тусга кирган эди.

Ёмғир томчилари ҳосил қилган сув пардасида графиня Браницкаянинг машҳур Александр боғи кўккача бўй чўзгандек туюларди. Бу боғ жуда улкан бўлиб, Феоктистовнинг айтишига қараганда, катталиги жиҳатидан Версалдан ҳам қолишмас экан. Боғдаги қор эриб, дарахтларни совуқ туман қоплаб олганди. Брегман биз томонга ўгирилиб, бу боғда ёввойи кийиклар борлигини айтди.

— Бу боғни Мицкевич жуда севар экан, — дедим мен ксендзга, унинг бутун йўл давомида жим бориш лозимлигини унутиб.

Ксендзга бу оғир ва хавфли сафарга розилик бергани учун миннатдорлигимни билдирмоқчи бўлиб, бирон яхши гап айтгим келарди. Гапимга жавобан ксендз жилмайиб қўйди.

Ёмғирдан ачима бўлиб кетган даланинг ҳар ер-ҳар ерида кўлмаклар ҳосил бўлганди. Уларда чуғур-чуғур қилиб учиб юрган зағчаларнинг акси кўринарди. Мен

шинелимнинг ёқасини кўтариб олганимча отам ҳақида ўй суриб борардим.

Туғилганимдан буён доим у билан бирга бўлсам-да, отамни яхши тушунмас эдим. У ўша даврнинг машҳур статистикларидан эди ва ҳаётини Москва — Брестъ, Петербург — Варшава, Жанубий-Гарбий ва Харьков — Севастополь темир йўлларида хизмат қилиш билан ўтказган эди.

Биз тез-тез бир шаҳардан иккинчисига кўчиб ўтардик; Москвадан Псковга, кейин Вильнога ва ундан Киевга кўчиб ўтардик. Қаерга бормайлик отам бошлиқлар билан чиқишолмасди. У жуда иззат нафсли, енгил-так ва соддадил одам эди.

Бундан ташқари, бир йил муқаддам отам Киевдан кетиб қолди ва Орёл губернасидаги Брянск заводига статистик бўлиб ишга кирди. Бироқ кўп ўтмай, кутилмаганда хизматдан бўшаб бобомнинг қўраси — кўҳна Городишчега қайтиб келди. У ерда отамнинг укаси — қишлоқ ўқитувчиси Илько амаким ва Дозя хола истикомат қилишарди.

Унинг дабдурустдан ишдан бўшаши барча қариндошларимиз ва айниқса, онамни ташвишга солиб қўйди. Ўша пайтда онам катта акам билан Москвада яшар эди.

Городишчега келгандан сўнг бир ой ўтгач, отамнинг тоби қочиб қолди, мана энди у жон талвасасида ётибди.

Йўл жарлик ёқалаб, пастга қараб кетди. Жарнинг этагидан сувнинг тинимсиз шовқини қулоққа чалина бошлади. Брегман ўтирган жойида типирчилаб қолди.

— Тўғон! — деди у нафаси ичига тушиб. — Бу ёғига энди худога сиғинаверинглар, жаноб пассажирлар!

Муюлишдан ўтишимиз биланоқ, тўғон кўз олдимизда намоён бўлди. Ксендз ўрнидан туриб Брегманнинг ранги ўчиб кетган қизил белбоғидан ушлаб олди.

Сув гранит қоялар орасида қисилиб қолганидан тўлқинланиб жуда тез оқарди. Росъ дарёси шу жойда қутуриб кўч одамлар унча яхши билмайдиган Авратин тоғларини ёриб ўтарди. Дарё тош тўғон оша туриб, шаффоф долғага айланар, пишқирганича пастга отилиб кишининг юзига муздек сув зарраларини пуркар эди.

Дарёнинг у бетида, тўғоннинг нарёғида азим те-

раклар кўкка бўй чўзган бўлиб, улар орасидан муъ- жазгина бир уй оқариб кўзга чалинарди. Мен ёш бо- лалигимда яшаган оролдаги ўша қўрани, унинг чор- боғ ва четан деворларини, турнага ўхшаш қудуқ чи- гириқларини ҳамда қирғоққа яқин, сув ичига ёриб кирган ҳайбатли қояларни танидим. Қоялар дарё су- вини айрим-айрим қудратли оқимларга бўлиб юборар эди. Бир вақтлар отам билан икковимиз ана шу қоя- лардан туриб қармоқ билан мўйловдор тошбошларни овлардик.

Тўғон олдида етиб келгач, Брегман отларни тўх- татди-да, извошдан тушиб қамчи дастаси билан абзал- ларни тўғрилади ва ўз аравасига шубҳа билан кўз югуртириб, бошини чайқаб қўйди. Ана шунда ксендз биринчи бор индамаслик аҳдини бузди.

— Ё Биби Марьям!— деди у паст овоз билан.— Бу ердан қандай қилиб ўтамиз?

— Э-э!— жавоб берди Брегман.— Буни мен қаёқ- дан билай? Жимгина ўтирсангиз-чи. Қўрмаяпсизми, отлар бусиз ҳам дағ-дағ титрапти.

Тўриқ отлар тумшуқларини баланд кўтарганлари- ча, пишқириб шиддат билан оқаётган сувга қадам қўйишди. Сув қутуриб шовиллар ва энгилгина извош- ни тўғоннинг очиқ чеккасига қараб сурарди. Арава ғилдирагининг темир чамбарларини ғижирлатганича ёнламасига оғиб юриб борарди. Отлар сувга ётгудек бў- лар, Брегман қамчисини боши устида гир айлантитарди.

Тўғоннинг ўртасида, сув айниқса шиддат билан оқаётган ва ҳатто шовиллаётган жойда отлар тўхтаб қолди. Сув уларнинг ингичка оёқларига урилиб кўпи- риб оқарди. Брегман йиғи аралаш қичқириб юборди ва отларни аёвсиз савалай бошлади. Улар орқага тиса- рилиб аравани тўғоннинг нақ чеккасига суриб келти- ришди.

Шу пайт мен Илько амакимни кўриб қолдим. У кўк отини чоптириб қўрадан тўғон томон яқинлашиб ке- ларди. Амаким нимадир деб қичқирар ва боши усти- да арқон боғламини айлантитарди.

У тўғоннинг четига етиб келди-да, арқоннинг бир учини Брегманга қараб ирғитди. Брегман шошиб-пи- шиб уни ўзи ўтирадиган курсичанинг қаеригадир боғ- лаб қўйди. Шундан сўнг икки тўриқ от ва бир кўк от бирлашиб, ниҳоят, извошни оролга судраб чиқишди.



Ксендз ҳамма католиклар каби қўлларини кен. ёзиб, чўқиниб олди. Извошчи Илько амакимга кўз қисиб, Брегман каби балагулани одамлар ҳали кўп вақт эслаб юришади, деб қўйди. Мен амакимдан отамнинг аҳволини сўрадим.

— Ҳали тирик,— жавоб берди Илько амаким ва дағал соқолини юзимга ботириб пешанамдан ўпди.— Илҳақ бўляпти. Онанг қани? Қани Мария Григорьевна?

— Мен унга Москвага телеграмма юбордим. Эртага етиб келса керак.

Илько амаким, дарёга қаради.

— Сув яна кўпаяпти,— деди у.— Иш чатоқ, азизим Костик. Ҳай майли, балким пасайиб қолар. Қани уйга кетдик.

Эшик олдида бизни бошдан-оёқ қора кийган, йиғлайвериб кўзлари қизариб кетган Дозя хола кутиб олди.

Дим хоналарда ялпиз ҳиди анқирди. Афти ангори заъфарон, кўкимтир соқоли ўсиб кетган чол — отам эканлигига аввал ишонгим келмади. Чунки отам эндигина эллик ёшга кирган эди. Менинг хотирамда у бир оз мункайган бўлса-да, лекин хушбичим ва келишган, сочлари тим қора, маъюс жилмайиши ўзига ярашадиган, кўк кўзлари жиддий боқувчи бир киши сифатида гавдаланар эди.

Ҳозир у оғир нафас олиб, креслода ўтирар ва кўзини мендан узмасди. Унинг сарғайган юзига бир томчи ёш думалади ва соқолигача оқиб тушиб, илашиб қолди. Дозя хола уни оппоқ дастрўмол билан артиб олди.

Отам гапира олмасди. У қил томоқ касалига мубтало бўлиб, сўниб борарди.

Кечаси билан отам олдида ўтириб чиқдим. Ҳамма уйқуга кетган. Ёмғир ҳам тинган эди. Юлдузлар дераза ортидан тундлик билан милтиллаб турарди. Дарё борган сайин кучлироқ шовилларди. Унинг суви тез кўтарилиб кетгандан Брегман билан ксендз оролда қолишга мажбур бўлишди.

Отам аста қимирлаб кўзини очди. Мен у томон энгашдим. У бўйнимдан қучоқламоқчи бўлди-ю, бироқ мадори келмади. Шунда у хириллаб:

— Сени... иродасизлик... ҳалок қилмасайди деб..., қўрқаман,— деди.

— Йўқ,— секин эътироз билдирдим мен.— Бундай бўлмайди.

— Онангни кўрганигда айт,— шивирлади отам,— Мен унинг олдида айбдорман... Мени кечирсин...

У жимиб қолди ва астагина қўлимни қисиб қўйди.

Мен ўшанда унинг сўзларига яхши тушунмаган эканман, фақат анчадан кейингина, орадан кўп йиллар ўтгач, менга бу сўзларнинг аччиқ маъноси аён бўлди. Ана шундагина мен отам аслида статистик эмас, балки шоир бўлганлигини англадим.

Тонготарда отам жон берди, бироқ мен бунини дарров сезганим йўқ. Менга у тинчгина уйқуга киргандек бўлиб туолган эди.

Бизнинг оролда Нечипор бобо деган бир чоляшарди. Ана шу кишини отамнинг жасади устида забур оятларини ўқиш учун чақириб келишди.

Нечипор тез-тез оят ўқишдан тўхтаб, махорка чекиб олиш учун, даҳлизга чиқиб келарди. Чол у ерда менга ночор хотирасида чуқур из қолдирган олди-қочди воқеаларни шивирлаб ҳикоя қилиб берарди. Бултур ёзда Белая Церковда ичган бир шиша пивоси ҳам, Плевна ёнида Скобелевни яқингинадан, «худди анови четангача бўлган масофа»дан туриб кўргани ҳам, яшинқайтаргичдан куч олиб ишлайдиган ажойиб америка везялкаси ҳам ана шундай воқеалар сирасига кирар эди. Нечипор бобо оролдагиларнинг айтишига қараганда, «енгилтак киши», ёлғончи ва сафсатабоз эди.

Чол куни билан ва эртасига тун бўйи забур ўқиди. У кир тирноқлари билан шамнинг сўхтасини тирнаб туширар, тик турганича кўзи илиниб хуррак тортиб юборар ва чўчиб уйғониб, яна оятларини минғирлашга тушарди.

Кечаси нариги қирғоқда кимдир фонус силкитиб, чўзиб-чўзиб қичқира бошлади. Мен Илько амаким билан қирғоққа чиқдим. Дарё ваҳшат солиб ўшқирар, сув тўғон оша совуқ шаршарага айланиб оқиб ётарди. Тун оғиб атрофга зимистонлик чўккан, осмон узра биронта ҳам юлдуз кўринмасди. Кишининг юзига эрувгарчилик ва тошқин шабадаси муздек келиб урилди. Нариги қирғоқдаги одам мудом фонус силкитиб қичқирар, бироқ дарёнинг шовқини туфайли унинг нима деяётганини англаб бўлмасди.

— Онам бўлса керак,— дедим мен Илько амакимга қараб.

Аmmo у жавоб бермади.

— Қани, юр уйга,— деди у бир оз жим тургач.— Бу ер совуқ экан. Шамоллаб қоласан.

Менинг уйга боргим келмади. Илько амаким яна бир оз жим тургач, уйга қараб кетди, мен эса ҳамон узоқдаги фонусга тикилганимча, жойимда тек турардим. Шамол теракларни тебратганича борган сайин кучлироқ эсиб, қаердандир димоққа ёнаётган сомоннинг чучимтир ҳидини олиб келиб урарди.

\* \* \*

Эрталаб отамни дафн этдик. Нечипор билан Илько амаким жарлик ёқасидаги дарахтзордан гўр қазишибди. У ердан Роснинг нариги қирғоғидаги йироқ ўрмонлар ва март осмони оппоқ бўлиб кўзга яққол ташлашиб турар эди.

Тобутни уйдан каштагулли энли сочиқларда кўтариб олиб чиқишди. Олдинда ксендз борарди. У ўзининг кўкиш мулойим кўзларини тўғрига тикканича пичирлаб, лотин тилида дуо ўқирди.

Тобутни айвонга олиб чиқишганда нариги қирғоқдан мен отлари чиқарилиб ғилдиракларга боғлаб қўйилган эски коляскани ва қора кийим кийган кичкинагина аёл — онамни кўрдим. У қирғоқда қимир этмай турарди. Онам турган еридан тобутни олиб чиқаётганимизни кўрди. Кўрди-ю, аввал тиз чўкиб, сўнгра юз тубан қум устига йиқилди.

Унинг ёнига баланд бўйли, қотма извошчи келиб тўхтади-да, энгашиб ниманидир гапира бошлади. Бироқ онам ҳамон қимир этмай ётарди.

Кейин у сакраб ўрнидан турди-да, дарё ёқалаб тўғон томон чопиб кета бошлади. Лекин извошчи уни ушлаб қолди. Шунда у ҳолсизланиб ерга ўтирди ва юзини қўллари билан тўсиб олди.

Отамни дарахтзор томон бориладиган йўлдан олиб боришарди. Муюлишга етганда, мен орқамга ўгирилиб қарадим. Онам худди боягидай икки қўли билан юзини тўсганича ўтирарди.

Ҳамма жим турарди. Фақат Брегмангина дам-бадам қамчисини этиги қўнжиги уриб қўярди.

Гўр ёқасига келганимизда, ксендз кўк кўзларини совуқ осмонга тикканича, лотин тилида аниқ-аниқ қилиб секингина деди:

— Reguiem aeternam dona eis, domine et lux perpetua luceat eis!

• (Осий бандангга абадий тинчлик ва боқий нур ато эт, ё парвардигор!)

Ксендз дуо ўқишдан тўхтаб, атрофга қулоқ сола бошлади. Дарё шовқин соларди, тепамизда кекса қайрағочларнинг шохлари орасида читтаклар чийилларди.

Ксендз уҳ тортиб, яна абадий бахтга эришолмаслик гуссаси ва кўз ёшлар водийси ҳақида сўзлай бошлади. Бу сўзлар отамнинг ҳаётига жуда ҳам мос келарди. Бу сўзларни эшитиб юрагим сиқилиб кетди. Кейинчалик ҳам кўп марталаб бахтга чанқоқлик ва кишиларнинг ўзаро муносабатидаги қусурни кўрганимда, юрагим ана шундай сиқиладиган бўлиб қолди.

Дарё шовқин солишини қўймасди, қушлар ҳам оҳистагина чийиллашарди. Энли сочиқлардаги тобут нам тупроқ тўкиб, шитирлаганича аста гўрнинг қаърига тушиб борарди.

Ўшанда мен ўн етти ёшда эдим.

## **БОБОМ МАКСИМ ГРИГОРЬЕВИЧ**

Отамни дафн этганимиздан сўнг мен яна бир неча кун Городишчеда яшаб турдим.

Онам фақат орадан уч кун ўтгач, дарёнинг суви пайсайгандан кейингина тўғондан ўтишга муваффақ бўлди.

У озиб-тўзиб, қорайиб кетганди. Энди у кўз ёши қилмас, фақат отамнинг қабри устида соатлаб ўтиргани ўтирган эди.

Гул мавсуми бўлмаганлиги учун қабрни қоғоз саллагуллар билан безашди. Уларни қўшни қишлоқдаги қизлар ясашар эди. Қизлар бу ясама гулларни ранг-баранг шойи ленталар билан сочларига тақиб юришни яхши кўришарди.

Дозя хола менга тасалли бериб, кўнглимни кўтаришга ҳаракат қиларди. У қазноқдан қадимий нарсаларга

тўла сандиқни олиб чиқди. Сандиқнинг қопқоғи жаранг-журунг қилиб очилар экан.

Сандиқда мен сарғайиб кетган «универсал»— лотин тилида ёзилган гетман ёрлиғи, тамғали мис муҳр, турклар билан бўлган урушда кўрсатган қаҳрамонлиги учун олинган Георгий крести, «Тушнома», чекишга созланган бир неча тамаки трубкаси ҳамда нозик ва нафис қилиб тўқилган қора тўр топиб олдим.

«Универсал» билан муҳр оиламизнинг узоқ бобокало-ни бўлмиш гетман Сагайдачкийдан мерос қолган экан. Отам ўзининг «гетманлардан келиб чиққан»лигидан кулиб юрар ва аслида Запорожье казакларининг авлоди бўлишимизга қарамай, ота-боболаримиз оддий ва сабрли ғаллакорлар бўлиб, ўз қўллари билан ер ҳайдаганларини гапиришни яхши кўрар эди.

Екатерина иккинчи даврида Запорожье Сечаси тарқатиб юборилгач, казакларнинг бир қисми Белая Церковь яқинига, Рось дарёси қирғоқларида жойлашиб қолишган экан. Казаклар истар-истамас деҳқончилик қила бошлашибди. Бироқ уларнинг жангари ўтмиши узоқ вақтгача таъсир кўрсатиб келган. Ун тўққизинчи асрнинг охирида туғилган бўлишимга қарамай, ҳатто мен ҳам қариялардан поляклар билан бўлган қонли жанглар ва туркларга қарши урушлар, Умандаги қирғин ва Чигир гетманлари ҳақида жуда кўп нарсаларни эшитганман.

Бу ҳикояларни эшитгач, биз Запорожье жангларига таҳассуб қилиб, акаларим билан қўранинг орқасидаги чакалакзор билан қопланган жарликда уруш-уруш ўйнардик. Тиканакларнинг қизил гули ва барглари кун исиб кетганида атрофга чучмал ҳид таратарди. Осмонда паға-паға расмана украин булутлари жарлик устида тўхтаб қолаётгандек туюларди. Болаликдаги таассуротлар шу қадар кучли бўлар эканки, ўшандан буён поляклар ва турклар билан бўлган урушлар ҳақида сўз кетса, дарҳол кўз олдимда ҳамма ёғини чанг босган чакалакзорли бий дала гавдаланади ва унинг чучмал ҳиди димоғимга келиб урилаётгандай бўлади. Тиканак гуллари эса худди қуюлиб қолган казак қонини эслатади.

Йиллар ўтиши билан запорожьеликларга хос гажирлик сусая борди. Болалик йилларимда бу хусусият казакларнинг графиня Браницкая билан ҳар бир парча ер учун кишини хонавайрон қиладиган узоқ судлашиш-

рида, хуфия ов қилишларда ва казак қўшиқларида сезилиб қоларди. Бу қўшиқларни бизга, бобом Максим Григорьевич айтиб берарди.

Бобом жуссаси кичик, соч-соқоллари оппоқ, нурсиз кўзлари кишига меҳрибонлик билан боқадиган бир киши эди. У ёзи билан сержаҳл турк бувимнинг сиқувидан қочиб, чорбоғ орқасидаги асалари қутилари орасида яшар эди.

Бир вақтлар бобом чумак<sup>1</sup> бўлган экан. У туз ва қуритилган балиқ олиб келиш учун ҳўкиз аравада Перекоп ва Армянскка қатнаган. Қаердадир, «Катеринославшина» ва Херсоншинанинг зангори ва тилла ранг даштлари ортида Қрим деган бир жаннати жой борлигини ҳам мен биринчи бор шу бобомдан эшитганман.

Бобом чумак бўлмасдан аввал Николай армиясида хизмат қилиб, турклар билан бўлган урушда қатнашган экан. Шу урушда у асир олинбди ва Фракиядаги Қозонлиқ шаҳридан гўзал бир турк қизига уйланиб қайтибди. Қизнинг исми Фотма экан. Бобомга турмушга чиққач, у христианлик эътиқодига ўтибди ва Гонората деган янги исмини қабул қилибди.

Турк бувимдан биз бобомдан ҳам кўра кўпроқ қўрқардик ва иложи борича унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилардик.

Бобом чайла ёнида ўсган қовоқ палагининг сариқ гуллари орасида ўтириб олиб, хирилдоқ ингичка товуш билан бизга казак ашулалари ва чумак қўшиқларидан айтиб берар ёки ҳар хил қизиқ воқеалардан ҳикоя қиларди.

Мен чумак қўшиқларини ҳазинлиги учун яхши кўрардим... Бундай қўшиқларни аравада осмонга қараб ётганча, филдиракларнинг гичирлашига ҳамоҳанг қилиб соатлаб куйлаш мумкин эди. Қазак ашулалари эса кишининг қалбида тушуниб бўлмайдиган бир маъюслик уйғотарди. Улар менга гоҳ оёғига турк кишани урилган тутқунларнинг ноласи, гоҳ отларнинг дупур-дупурига монанд қилиб айтиладиган поход қўшиқлари бўлиб туюларди.

Бобом бизларга нималарни куйлаб бермаеди, дейсиз! Кўпроқ у биз севиб қолган қўшиқни куйларди:

---

<sup>1</sup> Чумак — эски замонда ҳўкиз аравада Украинадан Қримга галла олиб бориб, у ердан Украинага туз ва балиқ келтириш билан шуғулланган деҳқон, (Тарж.)

Казаклар чалар ҳуштак  
Походга деб тунданоқ.  
Йиғлайди Марусенька  
Ялтирар кўзи — мунчоқ.

Бобомнинг ҳикоялари орасида бизга энг ёқадигани лирачи Остап ҳақидаги афсона эди.

Билмадим, сиз украин лирасини бирон марта бўлса ҳам кўрганмикинсиз. Ҳозир, чамаси, уни фақат музейдагина кўриш мумкин, холос. Бироқ у пайтларда сўқир лирачиларни фақат кичкина шаҳарчаларнинг бозорларидагина эмас, ҳатто Киев кўчаларининг ўзида ҳам учратиш мумкин эди.

Улар одатда бўз кўйлак кийиб олган оёқ яланг, кичкина етакловчиларнинг елкасидан тутиб юришарди. Елкаларида нон, пиёз ва тоза латтага ўроғлиқ туз солинган холст тўрва, кўкракларида эса лира осиглиқ бўларди. Лира бирмунча скрипкага ўхшаб кетарди, бироқ унинг биқинига даста ва филдиракчали ёғоч стержен ўрнатилган эди.

Лирачи дагани айлантирар, филдиракча торларга ишқалашиб айланад ва улар гўё атрофда қўлга ўрганган меҳрибон асқарилар жўр бўлиб гўнғиллаётгандек, ҳар хил оҳангда куйлай бошларди.

Лирачилар ҳеч қачон «шула айтишмасди. Улар қироат билан ўз ашулалари, «оятлари» ва қўшиқларини ҳикоя қилишарди. Сўнг жимиб қолишар, лирага бошларини эгиб уни садо беришини анчагача тинглаб туришар, шундан кейингина сўқир кўзлари билан тўғрига тикилганларича, садақа сўрай бошлашарди.

Садақани ҳам улар оддий гадойларга қараганда бошқачароқ қилиб сўрашарди.

Черкасси шаҳридаги баланд бўйли бир лирачи ҳали ҳам эсимда: «Мен бечора сўқирга ва манови болакайга бир-икки чақа садақа қилинг, — дерди у, — чунки сўқир бечора бу болакайсиз адашиб кетади ва оламдан ўтгач, худойи таолонинг жаннатига йўл тополмай қолади».

Мен лирачиси бўлмаган биронта ҳам бозорни эслай олмайман. Одатда у чанг босган теракка суяниб ўтирарди. Лирачи атрофига кўнгилчан аёллар тўпланишар ва дам-бадам уҳ тортиб унинг олдидаги ёғоч идишга кўкариб кетган мис чақаларни ташлаб туришарди.

Мен лирачиларни эслаганимда доимо хотирамга эр-га саҳарда ҳали шудринг ўт-ўланлар устида марварид каби товланиб турган, ҳали дарахтларнинг салқин сояси чанг босган йўлларни кесиб ўтган ва эндигина қуёшнинг илк нурига чўмган ер устида кўкимтир тутун ўрлаётган маҳалда бўладиган украин бозорлари келадн.

Муздек сут тўлдирилган сопол кувачалар, сув солинган пақирларнинг бандидаги ҳўл бахмал лахтаклари, сатиллардаги қора буғдой гулидан олинган асал, майизли иссиққина ватрушкалар, қип-қизил олчага тўла ғалвирлар, тузланган балиқларнинг ўткир ҳиди, черков қўнғироқларининг жангир-жунгури, «бижилдоқ» хотинларнинг ўзаро бидир-бидири, қишлоқ оймчаларининг тўр тутилган зонтиклари ва кўзлари ола-қула бўлиб кетган бирон румин кўтариб бораётган мис қозоннинг қўққисдан жаранглаб кетиши ҳали-ҳали ёдимда. Бозорга келган барча «амакилар» албатта қамчи дастаси билан қозонни уриб, румин мисини синаб кўришни унутишмасди.

Лирачи Остап тарихини мен қарийб ёддан билардим.

— Бу воқеа Васильково шаҳри ёнидаги Замоще қишлоғида рўй берган, — ҳикоя қиларди бобом, — Остап ўша қишлоқда темирчи эди. Унинг устахонаси қишлоқдан чиқаверишда дарёнинг нақ бўйгинасида зич бўлиб ўсган самбит толларнинг тагида жойлашган эди. Остапнинг ошиғи доимо олчи бўлиб, у муваффақиятсизлик нима эканлигини билмас — отларни тақалаб, миҳ ясар ва чумак аравалари учун ўқ ҳозирлаб юрарди.

Бир куни кечқурун Остап босқон босаётган эди. Шу пайт ташқарида момақалдиरोқ гумбурлаб, ён-атрофдаги кўлмаклар сатҳини баргларга тўлдирган ва чириб пўкакка айланган самбит толни қулатган эди. Остап босқон босаётиб бирдан тулпорларнинг дупур-дупурини эшитиб қолди. Отлар устахона эшиги олдига келиб тўхтаган эди. Шу чоқ бир аёл жарангдор товуш билан темирчини чақирибди.

Остап ташқарига чиқибди-ю, турган жойида қотиб қолибди; эшикнинг нақ ёнгинасида қора тулпор ер тегиб турар, от устида эса қўлида қамчи ушлаган, юзига калтагина қора тўр парда тутиб, эгнига узун духоба кўйлак кийган бениҳоя гўзал бир аёл ўтирарди. Парда остидан унинг кўзлари ажиб жилмайиб тураркан. Садафдай тишларини айтмайсизми. Аёлнинг эгнидаги мо-



вий тусли майин духоба кўйлагиди ёмғирдан сўнг қора самбит толлардан томаётган томчилар жилоланарди. Аёлнинг ёнгинасида ёш бир сувори офицер от устида ўтирарди. Уша кезларда Васильковода уланлар полки жойлашган экан.

«Темирчи, азизим,— дебди аёл,— отимни тақалаб бер. Тақаси тушиб қолибди. Ёмғирдан сўнг тайғончоқ йўлдан юролмапти».

Аёл отдан тушиб тўнка устига ўтирибди, Остап эса отни тақалай бошлабди. Қўли ишда-ю, нуқул аёлга қараб-қараб кўяркан. Шунда аёл ҳам бирдан қизариб кетибди-да, юзидан тўрини олиб, у ҳам Остапга тикилиб қолибди.

«Шу пайтгача сизни ҳеч учратмагандим,— дебди унга Остап.— Бу ерлик бўлмасангиз керак-а?»

«Мен Петербургдан бўламан,— жавоб берибди аёл.— Жуда яхши тақалар экансан!»

«Тақалаш ҳам гап бўптими!— дебди секингина Остап.— Бунақа ишни ойдинда оёғим қилиб ташлайди. Мен сизга темирдан шундай бир нарса ясаб берайки, бундай ажойиб нарса дунёдаги биронта ҳам маликада бўлмасин».

«Қанақа нарса экан у?»— сўрабди аёл.

«Кўнглингиз истаганини буюринг. Масалан, энг нозик атиргулни барглари ва тиканлари билан бирга ясаб беришим мумкин».

«Жуда соз!— оҳиста жавоб берибди аёл ҳам.— Раҳмат сенга темирчи. Мен гулигни олиб кетгани бир ҳафтадан сўнг келаман».

Аёл отга минаётганида Остап узангидан тутиб турибди. Шунда аёл суянмоқчи бўлиб Остапга қўлини узатибди. Ёш темирчи ўзини тиёлмай унинг қўлқоп кийган қўлини эҳтирос билан лабига босибди Аёл қўлини тортиб олишга улгурмасданоқ ҳалиги офицер:

«Кўрпангга қараб оёқ узат, мужик!»— деганича қамчи билан Остапнинг юзига қулочкашлаб тушириб қолибди.

Отлар бир сапчиб елиб кетишибди. Остап офицернинг орқасидан отмоқчи бўлиб болғага ёпишибди. Бироқ мадори келмабди. Кўзи ҳеч нарсани кўрмай, бутун юзи қонга беланган экан. Офицер унинг бир кўзини уриб чиқарган экан.

Лекин Остап ногирон бўлиб қолган кўзи ҳақида унча қайғурмабди. У фақат бир нарсадан чўчибди — хўш,

бир кўз билан энди атиргулни қандай қилиб ясайман, деб ташвиш тортибди. Иннайкейин, бу туҳфани олиб кетгани аёлнинг келиш-келмаслигига ҳам имони унча комил эмас экан.

Аммо шундай бўлса ҳам, Остап оғриққа бардош бериб олти кун деганда атиргулни ясаб битирибди. Гулни кўрган кишилар темирчига тасанно айтишибди ва бундай гулни ҳатто Италияда ҳам ҳеч ким ясай олмаса керак, дейишибди.

Еттинчи кун кечаси кимдир тулпор миниб секингина устахона ёнига келибди ва отдан тушиб уни панжара устунига боғлабди.

Остап ташқарига чиқишга ботинмабди. Ногирон юзини кўрсатишдан қўрқиб, кўзларини қўли билан тўсганича кутиб турибди.

Шунда ҳалиги одам енгил қадам босиб ичкарига кирибди-ю, кимнингдир илиқ қўллари темирчини қучоқлабди. Остапнинг елкасига бир томчи кўз ёши юмалаб тушибди.

«Биламан, ҳаммасидан хабардорман,— дебди аёл.— Шу етти кун ичида юрагим зардобга тўлди. Мени кечир, Остап. Мени деб сен шундай қора кунга қолдинг. Мен уни, қайлигимни ҳайдаб юбордим. Энди Петербургга кетяпман».

«Нега?»— оҳиста сўрабди Остап.

«Азизим, жонгинам,— дебди аёл,— барибир кишилар бизни бахтли бўлгани қўйишмайди».

«Таъбингиз,— жавоб берибди Остап.— Мен шунчаки оддий бир темирчи одамман. Менга сиз ҳақингизда ўйлашнинг ўзиёқ бахт».

Аёл гулни олибди-да, Остапни ўпиб, отини оҳиста юргизганича жўнаб кетибди. Еш темирчи бўсафага чиқиб унинг кетидан тикилганича қоронғига қулоқ бериб жим турибди. Аёл қайтмоқчи бўлиб икки марта отини тўхтатибди ҳам. Бироқ қайтмабди. Соё устида юлдузлар жилваланар ва улардан баъзилари, гўё осмону фалакнинг ўзи темирчининг муҳаббати устида кўз ёши тўкаётгандек дашти биёбон устига учиб тушар экан. Ана шунақа, йигитча.

Шу ерга келганда бобом нуқул жим бўлиб қоларди. Мен қимир этишга қўрқиб, жимгина ўтирардим. Бироқ бобомнинг сукут сақлашига узоқ чидаёлмасдим-да, сўрардим.

— Шундай қилиб, улар бошқа кўришишмабдими?

— Йўқ,— жавоб берарди бобом.— Уларнинг кўришишмагани аниқ. Остапнинг кўзи кўр бўлиб қола бошлабди. Шунда у кўзи бутунлай кўр бўлиб қолмасдан бурун севгилисининг дийдорини яна бир бор кўриш учун Петербургга боришга қарор қилибди. Подшо пойтахтига етиб борибди ҳам. У ерда Остап аёлнинг вафот этгани ҳақида хабар топибди — боёқиш айриликка чидаёлмаган бўлса керак-да: Йигит қабристонга бориб, оқ мармар тошдан мақбара ўрнатилган мазорни ҳам топибди. Топишга топибди-ю, мармар тошга бир қарашдаёқ юраги пора-пора бўлиб кетибди. Чунки мақбара устида ўзи ясаган темир гул турарди. Аёл, ўлганимдан сўнг уни қабрим устига қўйинглар, деб васият қилиб кетган экан. Умрбод эсдалик бўлсин дебди-да. Остап эса лирачилик қила бошлабди. Шу зайлда юриб у катта йўллардан бирида ёки бирон бозорда арава соясида ётиб, ўлиб кетган бўлса керак. Омин!

Бутун тумшуғи чакамуғ тиканга тўлиб кетган бароқит Рябчик бобомнинг ҳикоясини эшитар экан, маромига келтириб эснарди. Мен ғазабланиб унинг биқинига туртардим. Бироқ Рябчик буни кўнглига қаттиқ олмай, иссиқ тилини осилтирганича эркаланиб менга суйкала бошларди.

Рябчикнинг оғзидан ярим-ёрти сўйлоқ тишлари кўриниб турарди. Бултур кузда биз Городишчедан жўнаб кетаётганимизда у араванинг ғилдиракларини тишлаб уни тўхтатмоқчи бўлган эди. Тишлари ҳам ўшанда синганди.

Аҳ, бобом Максим Григорьевич! Табиатимнинг ўта таъсирчанлиги ва романтизмга мойил бўлишимга шу бобом сабабчи бўлган. Ана шу таъсирчанлигим туфайли ёшлигимда воқелик билан оғир тўқнашувлар рўй берди. Мен бундан қаттиқ азоб чекардим. Аммо шундай бўлса ҳам бобомни ҳақ деб билардим. Чунки оқиллик ва мулоҳазали ҳаёт яхши бўлса ҳам бордиру, аммо мен учун у оғир ва беҳуда бир нарса бўлиб туюларди. «Ҳар бир кишининг ўз ўлчови бор», дерди бобом. Дарвоқе, ҳар бир киши ҳам ўзининг ана шу ўлчови билан иш тутади.

Бобомнинг бувим билан чиқиша олмаслигининг боиси ҳам шунда бўлса керак. У ўзини бувимдан олиб қочиб юрарди. Бувимнинг қиёфаси томирида оқаётган турк

қони туфайли чиройли кўринса-да, лекин аслида сержаҳл аёл эканлиги сезилиб турарди.

Бувим золим ва инжиқ-табиат бир аёл эди. У кунига бир қадоққа яқин ўткир қора тамаки чекарди. Тамакини у ўтда роса тобланган калтагина трубкаларда чекарди. Бутун хўжалик ишлари бувимнинг қўлида бўлиб, унинг қора кўзлари оила ишларидаги қиттак чатоқликни ҳам дарҳол кўра қоларди.

Байрам кунлари бувим қора тўр тутилган атлас кўйлагини кийиб уйдан чиқар ва эшик олдидаги супачада трубкасини тутатганича тезоқар Рось дарёсига тикилиб ўтирарди. Аҳён-аҳёнда у нималарнидир ўйлаб қаҳ-қаҳ отиб кулиб қўяр, бироқ у нимадан кулаётганини сўрашга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Бизни бувим билан совунга ўхшаш қаттиқ қизғиш нарасагина сал-пал мурасага келтириб турарди. Бувим уни кийим-кечак сақланадиган жавонда сақларди. У баъзи-баъзида ҳалиги нарсани жавондан олиб фаҳр билан бизга ҳидлагани берарди. Мушк атрофга атиргулларнинг анвойи ҳидини таратарди.

Отам менга бувим туғилиб ўсган шаҳар — Қозонлиқ атрофидаги водий — Гуллар водийси деб аталишини, у ерда кишилар атиргул мойи тайёрлаш билан шуғулланишларини ва ҳалиги ажойиб нарса таркибига ана шу мойдан сингдирилган қандайдир мушк эканлигини ҳикоя қилиб берди.

Гуллар водийси! Бу сўзларнинг ўзиёқ мени ҳаяжонга соларди. Шоирлар макони бўлиши лозим бўлган ана шундай гўзал жойда қандай қилиб бувим каби бадфеъл одам дунёга келганига ақлим сира бовар қилмасди.

## ТОВОНБАЛИҚЛАР

Отамнинг ўлиmidан сўнг Городишчеда яшаб турарканман, болалигимни, ёзни шу ерда ўтказмоқ учун Киевдан келган хушчақчақ ва бахтиёр кунларимизни эслаб кетдим. Уша кезларда отам ва онам ҳали ёш, бобом ва турк бувим ҳаёт эдилар. Мен эсам гўдак бола бўлиб, ҳар хил бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлаб чиқаришни яхши кўрардим.

Киевдан чиққан поезд Белая Церковга кечқурун етиб

келарди. Отам дарҳол вокзал майдонида бақириб-чақириб юрган извошчилардан бирини ёлларди.

Городишчега биз тунда етиб борардик. Извошда мудраб борарканман, рессорларнинг ғашга тегувчи ғижирлаши, тегирмон сувининг шовиллаши ва итларнинг ҳуриши қулоғимга чалинарди. Отлар пишқиарар, четан деворлар қасир-қусур қиларди. Осмонда сўнмас юлдузлар чарақларди. Зах қоронғиликдан бурган ҳиди келарди.

Дозя холам мени уйғотиб ўтирмай кўтариб оларди-да, ранго-ранг пояндозлар тўшалган иссиқ уйга олиб кирарди. Хонадан пиширилган сут ҳиди келарди. Мен бир дақиқага кўзимни очардим-да, нақ рўпарамда Дозя холамнинг қордай оппоқ енгидаги йирик-йирик кашта гулларни кўрардим.

Эрталаб оппоқ деворларда акс этаётган иссиқ қуёш нуридан уйғониб кетардим. Очиқ деразанинг олдида қизил ва сариқ тугма гуллар силкиниб турарди. Уларнинг ёнидан хонага настурция гули мўраларди, унинг ичига ҳурпайган болари кириб олганди. Мен қимир этмай унинг жаҳл билан орқага тисарилиб, япроқлари ғужанак гул ичидан базўр ўрмалаб чиқишини кузатиб ётардим. Хонанинг шифтида тинимсиз нур ёғдуси, енгил тўлқинлар — дарёнинг акси липиллаб турарди. Рось уйнинг шундоқ ёнгинасидан айқириб оқарди.

Сўнгра ҳазилкаш Илько амакимнинг кимгадир:

— Анавини қаранг-а, офтоб мўралаши биланоқ меҳмонлар йўлга тушишибди-да! Дозя, тезроқ дастурхон ёзиб, столга олча ароғу сомсалардан қўй! — деган товуши эшитиларди.

Мен ўрнимдан сакраб туриб, яланг оёқ дераза ёнига югурардим ва келаётган меҳмонларни томоша қилардим. Нариги қирғоқдан тўғон устида серкўз ҳассаларини тўқиллатишганича, бошларига соябони кенг украинча сомон шляпа кийиб олган чоллар оҳиста қадам ташлаб келишарди. Уларнинг жигар ранг чакмонларига қадалган медаллари бир-бирига урилиб жиринглар ва офтобда ялт-юлт қиларди.

Булар қўшни Пилипчи қишлоғининг муҳтарам мўйсафидлари бўлиб, улар бизни бехатар етиб келганимиз муносабати билан табриклагани ва қутлагани келишмоқда эди. Олдинда бўйнига мис тўқача осиб олган қишлоқ оқсоқоли чўтир Трофим келарди.

Уйда югур-югур бошланарди. Дозя хола бир силкиб стол устига дастурхон ёзарди. Хонада енгил шабада турарди. Онам шошиб-пишиб идишларда пирог келтириб қўяр ва колбаса тўғрарди. Отам қўлбола олча ароқли шишанинг оғзини счар, Илько амаким бўлса, столга қиррали стаканчаларни териб чиқарди.

Сўнгра Дозя холам билан онам қайта кийингани қўшни хонага чиқиб кетишар, отам билан Илько амаким эса тантанавор юриш қилиб тақдир каби муқаррар яқинлашиб келаётган чолларни кутиб олмоқ учун эшик олдига чиқишарди.

Мўйсафидлар ниҳоят етиб келишар, отам ва амаким билаң индамай ўпишар ва ҳаммалиги бараварига уҳ тортиб қўйишарди. Ана шунда оқсоқол Трофим аввал бир томоқ қоқиб олиб, ўзининг эзгу сўзларини айтарди:

— Сизни, муҳтарам Георгий Максимович, бу ерга, бизнинг осойишта жойларимизга эсон-омон етиб келганингиз муносабати билан табриклашга рухсат этгайсиз!

— Раҳмат!— дерди отам.

— Ҳа-а!— деб қўйишарди чоллар бараварига ва енгил хўрсинишарди.— Албатта, раҳмат деганинг дурусту-ку-я...

— Ҳа-а!— такрорларди Трофим ва деразадан уй ичига, шишалар ялтираб турган стол устига кўз қирини ташлаб қўярди.

— Шунақаям ишлар бўлар экан дунёда,— дерди кекса, танқа бурун Николай солдати.

— Шунақасиям бўлади!— гапга аралашарди ўн икки қизнинг отаси бўлмиш жимитдан келган синчков чол Недоля.

У қартайганликдан қизларининг исмини унутиб қўйган ва уларни бармоқ билан санаб бештасидан ортиғини эслай олмасди: Ганна, Парася, Горпина, Олеся, Фрося... Шундан сўнг чол янглишиб кетар ва қайтадан санай бошларди.

— Шунақа гаплар — дейишарди мўйсафидлар ва узоқ вақт жим қолишарди.

Шу чоқ уйдан бобом Максим Григорьевич чиқиб келарди. Мўйсафидлар ўринларидан туришиб, унга чуқур таъзим қилишарди. Бунга жавобан бобом ҳам уларга таъзим қиларди. Шундан сўнг чоллар пишиллаб уҳ тортишар, яна супачага ўтириб олиб томоқ қиришар ва

индамай ерга тикилишарди. Ниҳоят, Илько амаким уйда ҳамма нарса зиёфатга тахт бўлганлигини қаёқдандир сезар ва дерди:

— Хўп, суҳбатингиз учун ташаккур, азизлар. Энди, марҳамат қилиб, худо берганидан татиб кўрмак учун уйга кирсанглар.

Ичкарида мўсафидларни чиройли ёзги кўйлак кийган онам кутиб оларди. Чоллар унинг қўлини ўпишар, баайни таомил онам ҳам уларнинг жигар ранг қўллари-дан ўпарди. Эгнига зангори кўйлак кийиб, елкасига қипқизил атиргулларнинг расми босилган рўмол ташлаб олган, юзлари қирмизи ва чиройли, сочлари барвақт оқарган Дося холам чолларга икки букилиб таъзим қиларди.

Елимшак олча ароқдан бир стаканини ичиб олгач, Недоля синчковлигидан ўзини қўярга жой тополмай, савол ёғдиришга тутинарди. Биз Киевдан олиб келган борки нарсалар чолни таажжубга солар ва у уларни кўрсатиб сўрай бошларди:

— Анови нимаси, мана бунинг ҳикмати нимаси?

Отам унга, бу қизитилган ҳаво билан ишлайдиган дазмол, буниси эса морожний қиладиган идиш, жавонда турган ановиниси буклама ойна, деб тушунтира бошларди. Недоля қойил қолиб бош силкирди.

— Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, деб шуни айтадилар-да...

— Шунақа-я албатта!— унинг фикрига қўшилишарди мўсафидлар, ароқдан қулт-қулт ютиб.

Городишчеда айни ёз пайти эди, иссиқ авжига минар, момақалдироқлар ваҳимали гулдирар, дарахтлар шитир-шитирини қўймас, дарёдаги муздек сув ўйноқлаб олға интиларди. Биз балиқ овига борар, маймунжон терардик. Кунларимиз беташвиш ва ўйинқароқлик билан ўтиб борарди.

Бобомнинг қўраси жойлашган орол, биз учун дунёдаги энг сирли жой эди, албатта.

Унинг ортида улкан ва чуқур ҳовуз бор эди. У ер кекса мажнунтоллар сояси ва қорамтир сув туфайли доимо ғира-шира қоронғи бўлиб турарди.

Ҳовузларнинг нариги ёнидаги кўтарма бошдан-оёқ қалин ёнғоқзор билан қопланган эди. Ёнғоқзордан сўнг ялангликлар бошланиб, белга урар. чиройли гуллар ўсиб ётарди. Улар шу қадар хушбўй эдики, иссиқ кун-

ларда уларнинг ҳидидан кишининг бошига оғриқ турарди.

Ялангликларнинг ортида, асалари қутилари турган жойда — бобомнинг чайласи олдида енгилгина тутун ўрларди. Бобомнинг чайласидан сўнг ҳали ўзлаштирилмаган ерлар — ер бағирлаб ўсган бутачалар ва майда қулупнай билан қопланган қизил гранит қоялар бошланарди.

Бу қоялардаги чуқурчаларда ёмғирдан сўнг кўлмаклар ҳосил бўларди. Жибилажибонлар ола-була думларини ликиллатганларича кўлмакнинг илиқ сувидан ичардилар. Бесўнақай ва суллоҳ сертук арилар учиб кела туриб, бирдан кўлмакка қумалаб тушар, сув устида гўнғиллаганларича ўртоқларини ёрдамга чақириб, беҳуда овора бўлардилар.

Қоялар Рось дарёсининг бўйига келганда тик тушиб кетарди. Бизга, у ерга боришга рухсат беришмасди. Лекин баъзан, барибир, биз қоянинг четига эмаклаб келиб, пастга қарардик. Остимизда кўзимизни тиндириб, шаффоф сувли Рось оқиб ётарди. Сув тубида ингичка балиқлар титраб-титраб оқимга қарши аста сузиб боришарди.

Нариги соҳилда тепалик бўйлаб графиня Браницкаянинг дахлсиз ўрмони ястаниб ётарди. Зич ўсган бу ўрмондаги дарахтларнинг қудратли шохлари орасидан ўтишга ҳатто қуёш нурлари ҳам ожизлик қиларди. Фақат баъзи-баъзидагина қуёшнинг адашиб қолган бирон нури чангалзорни қиялаб кесиб ўтар, ана шундагина ўсимликлар дунёсининг буюк кучи кўз олдимизда намоён бўларди. Жимит қушлар гўё ялтироқ чанг зарралари каби бу нур ичида пайдо бўлиб қоларди. Улар чийиллашиб бир-бирини кетидан қувишар ва худди зангори сувга шўнғиб кетгандек, шох-шаббалар ичида ғойиб бўлишарди.

Бироқ мен ҳаммасидан ҳам кўра ҳовуз бўйига боришни яхши кўрардим.

Ҳар куни эрталаб отам у ерга балиқ тутгани борарди. У мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди.

Биз каллаи саҳарлаб уйдан чиқардик ва намиқиб оғирлашган ўтларнинг устидан оҳиста юриб борардик. Тонгги ғира-ширада қора пардага ўранган шох-шаббалар орасида қуёшнинг илк нурлари ёритган мажнунтолларнинг новдалари олтин каби жилваланарди. Сокин



сув сатҳидан баъзан товонбалиқларнинг шапиллаши эшитилиб қоларди. Оқ нилуфарлар, рдест, игнабарг ва сув қорабуғдойининг новдалари гўё зимистон ва тубсиз жарлик устида осилиб тургандек туюларди.

Қўз ўнгимда ўсимликлар ва сувнинг мажҳул дунёси ўз ажойиботлари билан намоён бўларди. Бу манзара мени ўзига шу қадар мафтун қилиб қўяр эдики, ҳовуз бўйида эрталабдан то қош қорайгунча қимирламай ўтираверсам дер эдим.

Отам секингина қармоқ ташлар ва трубкасини тутатарди. Тамаки тутуни сув сатҳида силжиб борар ва қирғоқдаги новдаларга чирмашиб кетарди.

Мен ҳовуздан челақда сув олиб, унга ўт юлиб ташлардим-да, кутиб ўтирардим. Қизил пўкаклар ҳовуз бетида қимир этмай туришарди. Сўнг улардан бири атрофида кичик-кичик доиралар ҳосил қилиб, қимирлай бошлар, бирдан шўнғиб кетар ёки илдам четга сузиб кета бошларди. Отам бирдан қармоқни тортиб қолар, ип таранг тортилар, ёнғоқ новда ёй каби эгилар ва сув устида сузиб юрган енгил туман қўйнида қул-қул, шаллоп-шулуп, олатасир бошланарди. Кичик-кичик тўлқинчалар ҳосил бўлиб, нилуфарлар у ёқдан-бу ёққа тебрана бошлар, сузғичлар тўзир ва ниҳоят, зимистон сув тубидан олтин каби товланиб балиқ чиқа бошларди. Отам топталган кўкат устига семиз товонбалиқни тортиб чиқармагунча унинг қанақа балиқ эканлигини дарҳол сезиб ҳам бўлмасди. Балиқ ёнбошлаб ётиб, оғир нафас олар, сузғичларини қимирлатиб-қимирлатиб қўяр ва унинг тангачаларидан сув ости дунёсининг ажиб ҳиди келиб турарди.

Мен балиқни олиб челақка солардим. У челақдаги ўтлар орасида у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб сузиб юрар ва бирдан думи билан сувни шапиллатиб, юзимга сув сачратарди. Мен лабимдаги томчиларни ялаб олардим. Шу чоқ балиқ ва ўт-ўланлар солинган челақдаги сувдан жуда ҳам ичгим келарди-ю, бироқ отам бунга йўл қўймасди.

Мен товонбалиқ ва ўт-ўланлар солинган челақдаги сув баҳор ёмғири каби хушбўй ва тотли бўлса керак деб ўйлардим. Ёмғир сувини эса биз, болалар ҳавас билан тўйиб-тўйиб ичардик. Чунки бундай сувдан ичган одам бир юз йигирма йил яшайди деб ишонардик. Ҳар қалай Нечипор бобо бизни шунга ишонтирарди.

## ЧЕНСТОХОВГА САФАР

Днепрдаги Черкасси шаҳрида менинг бошқа бувим — баланд бўйли, поляк кампир Викентия Ивановна яшарди.

Унинг қизлари (яъни менинг холаларим) жуда кўп эди. Холаларимдан бири бўлмиш Ефросиния Григорьевна Черкассидаги қизлар гимназиясининг нозираси эди. Бувим ана шу холамникида данғиллама ёғоч уйда яшарди.

Викентия Ивановна доимо мотам либоси кийиб, сочларига қора тўр тутиб юрарди. Бувим бу либосни биринчи бор 1863 йилги поляклар қўзғолони тор-мор келтирилгач кийган экан ва ўшандан буён бирон марта ҳам бу кийимини ечмабди. Биз қўзғолон пайтида бувимнинг мағрур поляк исёнчиларидан бири бўлмиш севгилиси ҳалок бўлганига қатъий ишонардик. У бир вақтлар Черкасси шаҳрида нотариус бўлиб ишлаган бизнинг бобомизга асло ўхшамаган бўлса керак.

Бобомни мен унча яхши эслаёлмайман. У мўъжазгина болохонада истиқомат қилар ва у ердан аҳён-аҳён-дагина пастга тушарди. Бувим уни атайдан ўша ерга жойлаштирганди, чунки бобомнинг жони-тани тамаки бўлган экан.

Баъзан биз унинг аччиқ тамаки-тутуни қоплаб ётган хонасига чиқардик. Стол устида қутичалардан тўкилган тамаки уюм-уюм бўлиб ётарди. Бобом креслода титроқ қўллари билан кетма-кет тамаки ўраб чекиб ўтирган бўларди.

У биз билан гаплашмасди, фақат оғир қўллари билан бошимизни силаб сочимизни тўзғитарди-да, тамаки қутисидан чиққан ялтироқ бинафша ранг қоғоздан туҳфа қиларди.

Биз Киевдан тез-тез Викентия Ивановнаникига меҳмонга келиб турардик. У ҳамма нарсани ўз тартиби билан қиларди. Ҳар баҳор маҳали бувим католикларнинг Варшава, Вильно ёки Ченстоховдаги илоҳий жойларини зиёрат қилгани борарди.

Бир йили отам Венага статистикларнинг конгресси-га кетганида бувим ўзи билан бирга зиёратга мени ҳам олиб кетди. Кейин отам бундан хабар топиб улар жуда қаттиқ айтишиб қолишди. Мен бувим билан борганим-

дан бахтиёр эдим ва отамнинг ғазабини тушунмасдим. Ушанда эндигина саккиз ёшга тўлган эдим.

Вильнонинг мусаффо баҳори ва бувим диний маросимларда қатнашмоқ учун борадиган Острая Брама ибодатхонаси ҳали-ҳали эсимда.

Бутун шаҳар илк япроқларнинг ям-яшил ва тилла ранг ёғдусига чулганган. Айни пешинда Замок тоғидаги Наполеон давридан қолган тўп гумбурлаб ўқ узарди.

Бувим жуда ўқимишли аёл эди. У менга тинмай нарса ва ҳодисаларнинг ҳикматини тушунтириб борарди.

Бувимнинг тақводорлиги ажиб бир равишда илғор ғоялар билан чатишиб кетганди. У Герценнинг ижодига қизиқар ва айни вақтда Генрих Сенкевич асарларини ҳам севиб ўқирди. Пушкин билан Мицкевичнинг портретлари унинг хонасида доимо Ченстохов момо ҳавосининг расми туширилган бут ёнида осиглиқ турарди. 1905 йил революцияси пайтида у ўз уйига революционер-студентларни яширган экан. Погром кезларида эса яҳудийлар ҳам унинг уйдан паноҳ топишаркан.

Вильнодан биз Варшавага қараб йўл олдик. Варшавада менинг эсимда қолган нарса Коперник ҳайкали-ю, кавярна-қаҳвахоналар бўлди. У ерда бувим мени «пшеврүцона кава» — «тескари қаҳва» билан меҳмон қилди. Бундай дейилишининг боиси ичимликка қаҳвадан кўра кўпроқ сут солинаркан. Бувим менга оғизда ширин-шаккар бўлиб эрийдиган муздек ёғлиқ меренга пирожнийларидан ҳам олиб берди. Буларни бизга бурма фартук тутган қилпиллама қизлар келтириб беришганди.

Биз Варшавадан бувим билан Ченстоховга, католикларнинг машҳур монастири «Свента гура»га қараб йўл олдик. Момо ҳавонинг «кароматли» иконаси ўша ерда сақланаркан.

Ушанда мен илк бор диний мутаассиблик билан юзма-юз тўқнашдим. У менинг қалбимни ларзага келтирди ва дилимга ваҳима солди. Ушандан буён мутаассибликдан кўрқиш ва ундан нафратланиш менинг онгимга сингиб қолган.

Мен узоқ вақт бу кўрқувдан қутулолмай юрдим.

Поезд Ченстоховга эрта саҳарда етиб келди. Вокзалдан кўм-кўк майса билан қопланган баланд тепаликка жойлашган ибодатхонагача икки километр келарди.

Вагондан зиёратчилар — эркак ва аёл поляк деҳқонлари тушишди. Улар орасида бошига чанг босган шля-

па қўндириб олган шаҳар фуқаролари учраб турарди. Семиз, кекса ксендз ва эгнига бурма кийимлар кийиб олган оятчи болалар зиёратчиларни вокзалда кутиб туришган экан.

Вокзалнинг шундоқ ёнидан ўтган чанг йўлда зиёратчилар қатор бўлиб сафга тизилишди. Ксендз уларга фотиҳа берди ва минғиллаб дуо ўқиди. Зиёратчилар бирдан тиз чўкишиб, оятларни куйлашганича ибодатхона томон эмаклаб кета бошлашди.

Улар нақ ибодатхона соборигача эмаклаб боришди. Ҳаммадан олдинда ранги ўчиб, юзини изтироб қоплаган оппоқ сочли бир аёл эмаклаб борарди. У бир қўлига ёғочдан ясалган қоп-қора бут ушлаб олганди.

Ксендз тўда олдида лоқайдлик билан секин юриб борарди. Қун жуда иссиқ, атроф ниҳоятда чанг эди, юзлардан дувиллаб тер оқарди. Кишилар хириллаб нафас олишар, орқада қолаётганларга ўқрайиб-ўқрайиб қараб қўйишарди.

Мен бувимнинг қўлидан ушлаб олдим-да, секингина шивирлаб сўрадим:

— Нега булар бундай қилишяпти.

— Қўрқма,— жавоб берди бувим поляк тилида.— Улар осий бандалар. Улар, парвадигор гуноҳимиздан ўтсин, деб шундай қилишяпти.

— Кетамиз, бу ердан,— дедим мен бувимга.

Бироқ у ўзини менинг гапимни эшитмаганликка солди.

Ченстохов ибодатхонаси ўрта аср қасри экан. Унинг деворларида швед урушидан қолган замбарак ўқлари занглаб ётарди. Қалъа хандақларидаги сув турғун бўлиб сасиб кетган эди. Тупроқ қўрғоннинг устида зич ўсган дарахтлар шовиллаб турарди.

Кўтарма кўприклар темир занжирлар билан пастга тушириб қўйилган экан ва биз извошда ана шу кўприкларнинг биридан ўтиб, ибодатхонанинг аралаш-қуралаш бўлиб кетган ҳовлилари, тор кўчалари ва пештоқлари сари кириб бордик.

Белбоғ ўрнига арқон боғлаб олган монах бизни меҳмонхонасига бошлаб борди. Бизга гумбазсимон шифтли бир совуқ хонани ажратиб беришди. Одатдагидек, деворда бут осифлиқ турарди. Мих билан тахтага парчинланган Исонинг жез оёқларига кимдир қоғоз гулдан гулчамбар осиб қўйибди.

Монах бувимдан, касал эмасмисиз, шифо топишни истамайсизми, деб сўради. Бувим ниҳоятда васвас бир кампир эди, у дарҳол юрагидаги оғриқлардан шикоят қила бошлади. Монах жигар ранг чўнтагидан кумушдан ясалган бир қисм юракчалар, қўлчалар, каллачалар ва ҳатто ўйинчоқ гўдакларни олди-да, уларни стол устига уйиб қўйди.

— Ҳар хил юраклар бор,— деди у,— беш сўмлиги ҳам, ўн сўмлиги ҳам, йигирма сўмлиги ҳам топилади. Юраклар табаррук қилиб бўлинган. Уларни дуо ўқиб момо Ҳавонинг иконасига осиб қўйсангиз бас.

Бувим кичкинагина думалоқ юракни ўн сўмга сотиб олди.

Кечаси костёлга<sup>1</sup> тантанали ибодатга борамиз, деб бувим менга Варшава қотган кулчалари билан чой ичирди-да, ўзи ҳам дам олгани ётди. Бир оз ўтгач, у ухлаб қолди. Мен пастакқина деразадан ҳовлига қараб ўтирдим. Мана эгнига офтоб нурида ўнгиб ялтираб кетган ридо кийиб олган монах ўтиб кетди. Сўнгра икки поляк деҳқони девор соясига бориб ўтиришди-да, тугунларидан қора нон ва чеснок олиб тамадди қила бошлашди. Кўк кўзли бу деҳқонларнинг тиши ниҳоятда соғлом кўринарди.

Жуда зерикиб кетганимдан, секингина кўчага чиқдим. Бувим, ибодатхонада ҳечам русча гаплашмагин, деб тайинлаганди. Шунинг учун ҳам юрагимга фулғула тушди. Мен беш-олтитагина полякча сўз билардим, холос.

Мен адашиб, баланд деворлар орасидаги тор кўчага кириб қолдим. Унинг сатҳи дарз кетган плиталар билан қопланган эди. Плиталар орасидан баргизуб ўсиб чиққанди. Деворларга чўян фонуслар ўрнатиб қўйилган экан. Улар аллазамондан бери ёқилмаган кўринарди, фонуслардан бирига қандайдир қуш ин ҳам қуриб олибди.

Девордаги торгина эшик очиқ турган экан. Мен ичкарига қарадим. Тепаликдан қиялаб тушган олмазор офтоб нурида гуркираб гуллаб ётарди. Оҳиста ичкарига кирдим. Дарахтлар қийғос гуллаган. Улардан сарғая бошлаган гуляпроқлари учиб тушарди. Костёл минорасидан қўнғироқларнинг ингичка, бироқ ёқимли жаранг-журунги етиб келарди.

---

<sup>1</sup> Костёл — поляк католиклари ибодатхонаси (тарж.).

Кекса олма дарахти остидаги чим устида ёшгина бир поляк жувон боласини эмизиб ўтирарди. Бола юзини буриштириб, хириллаб нафас оларди. Жувоннинг ёнида қонсиз юзи шишинқираган деҳқон йигит турарди. Унинг бошидаги янги фетр шляпасининг гирасига ҳаво ранг атлас лента чатилган бўлиб, бир четида товус пати қис-тирилган эди. Йигит юмалоқ кўзларини ерга қадаганича қимир этмай турарди.

Сочлари тўкилиб кетган паст бўйли бир монах қўли-да гулқайчи тутганича аёлнинг қаршисида ётган тўнка устига келиб ўтирди. У диққат билан менга бир оз тикилиб турди-да, деди:

— Нех бендзи похвалёни Езус Христус!

— На веки векув!<sup>1</sup>— жавоб бердим мен бувим ўр-гатганидай қилиб.

Қўрқувдан юрагим тўхтаб қолгандай бўлди.

Монах яна жувон томон ўгирилиб унинг гапларига қулоқ сола бошлади.

Аёлнинг оппоқ сочлари патла-патла бўлиб юзлари-га тушиб турарди. У нозик қўллари билан сочларини тузатиб шикоят қилди.

— Уғилчамиз эндигина беш ойлик бўлганида Ми-хась бир лайлакни отиб ўлдирди. У лайлакни уйимизга олиб келганида, мен кўзимга ёш олиб дедим: «Нима қилиб қўйдинг, каллаварам! Биласан-ку, ахир, ҳар бир нобуд қилинган лайлак учун парвардигор одамларни битта боласидан жудо қиларкан. Нега сен уни отдинг, Михась?»

Фетр шляпа кийган ҳалиги йигит эса ўша-ўша ло-қайдлигича ерга тикилиб турарди.

— Ушандан буён,— давом этди деҳқон хотин,— ўғилчамизнинг юзидан қон қочди ва томоғи хиппа бў-ғилиб, боши касалдан чиқмайдиган бўлиб қолди. Момо Ҳаво унга шифо ато қилармикин?

Монах кўзини четга олиб қочиб ҳеч қандай жавоб қилмади.

— Эҳ, худойим-эй!— деди аёл ва қўллари билан то-моғини пайпаслай бошлади.— Эҳ, худойим-эй!— қичқир-ди у яна ва боласини бағрига босди.

Бола кўзларини олайтирар ва хирилларди,

---

<sup>1</sup> — Ҳазрати Исонинг номи абадий муборак бўлсин!

— Омин!

Шу пайт хотирамга ибодатхона хизматчиси бувимга кўрсатган кумуш гўдакчалар келди. Аёлга жуда раҳимим келаётган эди. Мен унга, йигирма сўм тўлаб, ҳалиги гўдаклардан бирини олинг-да, уни Ченстохов иконасига осиб қўйинг, демоқчи бўлдим. Бироқ бундай мураккаб маслаҳат бериш учун мен биладиган полякча сўзлар етишмас эди. Иннайкейин, ҳалиги боғбон — монах ҳам мени анча чўчитиб турарди. Мен индамай боғдан чиқиб кетдим.

Хонага қайтиб келганимда бувим ҳамон ухлаб ётарди. Мен ечиниб ўтирмай дағал тўшакка чўзилдим, ўша заҳоти ухлаб қолдим.

Ярим кечада бувим мени уйғотди. Ўрнимдан туриб катта чинни тосдаги муздек сув билан юз-қўлимни ювдим. Ҳаяжонланганимдан бутун аъзойи баданим қалтқалт титрарди. Дераза ортида фонус тутган кишилар у ёқдан-бу ёққа юрар, оёқларининг дупур-дупури, қўнғироқларнинг жангир-жунгури қулоққа чалинади.

— Бугун ибодатни, кардинал, папа нунцийсининг ўзи ўқиркан,— деди бувим.

Зўр машаққат билан қоронғида костёлга етиб бордик.

— Мени ушлаб ол!— деди бувим қоп-қоронғи костёл эшиги олдига тез етиб борганимизда.

Биз пайпасланиб костёл ичига кирдик. Кўзим ҳеч нарсани илғамасди. Костёлнинг баланд тўрт девори ичида биронта шам ёки биронта милт этган ёруғлик кўринмасди. Ҳамма ёқ зимистон бўлиб, бинонинг ичи юзлаб кишиларнинг нафас олишидан дим бўлиб кетган эди. Қоронғиликдан гулларнинг чучмал ҳиди анқирди.

Мен чўян плиталари ётқизилган сийқа полга оёқ қўйганимни сезиб, яна бир қадам илгари юрган эдим, нимагадир қоқилиб кетдим.

— Жим тур!— деди бувим шивирлаб.— Кишилар полда чилпарчин бўлиб ётишибди. Биронтасини босиб оласан.

У дуо ўқий бошлади, мен эсам унинг тирсагидан ушлаб кутиб турдим. Полда ётган кишилар секингина уҳ тортиб қўйишарди. Атрофдан мунгли шивир-шивир эшитиларди.

Бирданига бу оғир зимистонда деворларни ларзага келтириб органнинг ҳўнграб гумбурлагани эшитилди.

Уша ондаёқ юзлаб шамлар лоп этиб ёнди. Мен қўрқиб ва кўзим қамашиб кетганидан қичқириб юбордим.

Тунги ибодатдан сўнг биз бувим билан гумбазсимон шифтли узун коридорга чиқдик. Тонг ёришиб борарди. Девор тагларида ибодатчилар тиз чўкиб туришарди. Бувим ҳам тиз чўкди ва менга ҳам шундай қилишни буюрди. Кўзлари телбаларникидек олайган бу кишилар нимани кутишяпти, деб бувимдан сўрашга юрагим дов бермасди.

Коридорнинг охирида кардинал кўринди. У енгил қадам ташлаб илдам юриб келарди. Унинг қип-қизил ридоси ҳилпирар ва ибодатчиларнинг юзини силаб ўтарди. Улар эса ридонинг барига чанг солишар ҳамда эҳтирос ва хокисорлик билан уни лабларига босишарди.

— Ридони ўп,— деди тез-тез шивирлаб бувим менга. Бироқ мен унинг гапига қулоқ солмай, алаимдан рангим ўчиб, кардиналнинг юзига тик қарадим. Чама-си, ўшанда кўзимга ёш ҳам келган бўлса керак. Кардинал тўхтаб, кичкинагина қуруқ қўллари билан бир дақиқа бошимни. силади-да, поляк тилида деди:

— Норасиданинг кўз ёши — парвардигор номига қилинган энг яхши ибодатдир.

Мен яна унинг юзига қарадим. Кардиналнинг узунчоқ юзи жигар ранг бўлиб, гўё хира бир шуъла уни ёритиб тургандай эди. Руҳонийнинг хиёл қисилган қора кўзлари ниманидир кутиб менга тикилиб турарди.

Мен индамай туравердим. Кардинал бирдан тескари ўгирилиб, боягидай енгил қадамлар билан ридосини ҳилпиратганича нари кетди.

Бувим қўлимни шундай қисдики, бақириб юборишимга сал қолди. У мени коридордан ташқари олиб чиқди.

— Отангдан бир тукинг ҳам ўзгача эмас!— деди у ҳовлига чиққач.— Отангнинг ўзисан! Ё парвардигори олам! Ҳаётинг не кечади сен боланинг!

## ПУШТИ ТОЛГУЛАР

Бувимнинг Черкассидаги уйининг айвонида катта-катта кўк тувакларда толгул ўсгувчи эди. Унинг гули пушти ранг зонти эслатарди. Толгулнинг қора барглари ва пушти гулларини жуда яхши кўрардим. Уни



кўрганимда негадир денгиз ва унинг қирғоғига жойлашган йироқ, илиқ, ана шундай толгуллар билан қопланган мамлакатларни тасаввур қилардим.

Бувим гул ўстиришга жуда уста эди. Қиш кезлари унинг хонасида доимо фуксиялар гуллаб турарди. Ёзда эса деворлари остида қариқиз ўсган боғида шу қадар кўп гул очилар эдики, боғнинг ўзи ҳам бир бутун гулдастага ўхшаб қоларди. Гулларнинг анвойи ҳиди ҳатто бобомнинг болохонасигача кирар ва у ердан тамаки тунини сиқиб чиқарарди. Бундай кезларда бобом жаҳл билан деразаларни тақа-тақ ёпиб оларди. Бобомнинг айтишича, бу ҳид эски астма касалини қўзғар экан.

Бувимнинг боғи ва ундаги барча гуллар менинг хаёлотимга бениҳоя қаттиқ таъсир кўрсатарди. Мендаги сайёҳликка иштиёқ, чамаси, ана шу боғда пайдо бўлган бўлса керак. Болалигимда мен, бояги, албатта боражак мамлакатни уфққа довури ўт-ўлан ва гуллар билан қопланган даст-баланд водий тарзида тасаввур қилардим. Унда шаҳар ва қишлоқлар ҳам ана шундай гулга кўмилган бўларди. Скорий поездлар бу мамлакатдан ўтганида, вагонларнинг деворига қалин гулчанги ўтириб қолса керак, деб ўйлардим.

Мен бу ҳақда акаларим, опам ва ойимга ҳикоя қилардим, бироқ уларнинг биронтаси ҳам мени тушунишни исташмасди. Катта акам бўлса гапимга жавобан мени майна қилиб «фантазер» деб лақаб ҳам қўйиб олганди.

Мени фақат бувимнинг кенжа қизи — Надя холам тушунарди, холос.

Ўша кезларда у йигирма уч ёшга кирган эди. У Москва консерваториясида ўқирди. Надя холамнинг ажойиб контральто овози бор эди.

Надя холам пасха байрамида ва ёзги таътил пайтида дам олгани Черкассияга — бувимникига келарди. Дарҳол данғиллама ва осойишта уйда тўс-тўполон бошланар ва катта хоналар торайиб қолгандай бўларди. Хушбичим, ингичкадан келган Надя холам чиройли сарғиш сочларини ҳурпайтириб ва доимо сал очилиб турадиган бежирим оғзидаги оппоқ тишларини кўрсатиб хандон ташлаганича биз билан у ёқ-бу ёққа чопиб юрар ва ҳар хил ўйинлар ўйнарди.

Унинг қўй кўзларидан олтин заррачалар сочилгандек бўларди. У ҳар нарсага: бўлар-бўлмас ҳазилга ҳам,

қочириқ гапга ҳам, ҳатто бизнинг тўс-тўполонимиздан энсаси қотган мушук Антоннинг тумшугини нафратомуз осилтириб юришига ҳам кулаверарди.

— Дунёни сел олиб кетса ҳам Надянинг тўпиғига чиқмайди!— дерди ойим бир оз таъна аралаш.

Надя холамнинг беғамлиги оиламизда афсона бўлиб қолган эди. У тез-тез қўлқоплари, упа-элиги ва пулларини йўқотса ҳам, лекин миқ этмай парвойи фалак юраверарди.

У келган Луни роялининг қопқоғи кўтариб қўйилар ва то Надя холам ўзининг қувноқ ва меҳмоннавоз Москвасига қайтиб кетгунга қадар ёпилмас эди.

Креслоларда ноталар уюм-уюм бўлиб ётарди. Туни билан шамлар бурқсиб чиқар ва баъзан мен чин юракдан баркаролани куйлаётган нафис товушдан уйғониб кетардим.

Эрталаб эса Надя холам ёнимга келиб секингина, шивирлаб қўшиқ айтар ва илиққина сочлари билан юзларимни қитиқлаб мени уйғотарди.

«Тургин-да тезроқ,— куйларди у,— уят бўлади, хаёл дарёсига бундай шўнғимоқ! Аллазамонлар қушлар куйлади, сени деб гуллар ҳам очилди шу чоқ!»

Кўзимни очишим ҳамоно Надя холам мени ўпиб оларди-да, дарҳол ғойиб бўларди. Орадан бир минут ўтар-ўтмас қулоғимга унинг залда ўз укаси — юнкер Коля тоғам билан пириллаб вальс тушаётгани шарпаси эшитилиб қоларди. Коля тоғам ҳам баъзан пасха байрами кезларида Петербургдан бувимникига келиб турарди.

Мен бугунги кунни кутилмаган ўйинлар, қувноқлик ва завқ-шавқ билан ўтишини сезиб, сакраб ўрнимдан турардим.

Надя холам куйлаганида, ҳатто бобом ҳам болохона эшигини ланг очиб қулоқ солар ва сўйгра бувимга дерди:

— Бу дейман, Надянгни томирларида лўлининг қони борми-а?

Бувим, Надянинг томирида лўлиларнинг эмас, полякларнинг қони бор, деб ишонтира бошларди. У адабиётдан ва Реча Посполитанинг тарихидан мисоллар келтириб, поляклар орасида ҳам жуда қувноқ, тўполончи ва беғам аёллар учраб туради, деб исботламоқчи бўларди.

— Айтганинг тўппа-тўғри!— ачитиб жавоб қиларди бобом ва эшикни тақа-тақ ёпиб оларди...— Айтганинг тўппа-тўғри!— вағиллаб дерди, у яна ичкаридан туриб тамаки ўрашга тутинаркан.

Едимда, бир сафар пасха байрамининг сўнгги кунлари бўлиб, Черкасидаги боғлар гулга бурканган пайт эди. Биз Киевдан пароходда келдик. Биздан кейин Москвадан Надя холам ҳам етиб келди.

Мен бу байрамни яхши кўрардим, бироқ пасханинг арафа кунларини хуш кўрмасдим. Чунки бу кунларда менга соатлаб бодом мағизи янчитишар ёки қўлингга қошиқ олиб, тухумнинг оқини кўпчитгин, деб буюришарди. Мен бу ишлардан жуда чарчардим ва ҳатто пинҳона йиғлаб ҳам олардим.

Бундан ташқари, арафа кунлари бувимнинг уйи алғов-далғов бўлиб кетарди.

Барини липпасига қистириб олган хотинлар фикус<sup>1</sup>, рододендрон<sup>2</sup>, пол ва ойналарни ювишар, гилам ва жиҳозларни қоқиб тозалашар, дераза ва эшикларнинг мис қабзаларини ихлос билан ишқалаб ялтиратишарди. Бундай кезларда бизни у хонага ҳайдашгани ҳайдашган эди.

Уй кўтаришдан сўнг бувим зўр дабада билан байрамга ширин нон ёки оиламизда юритилишича «тамано» пиширмоқ учун хамир қоришга тутинарди. Кўпикчалар пайдо бўлган сап-сариқ хамир тоғорада қалин кўрпа билан ўраб-чирмаб қўйилар ва то у ошмагунча хоналарда югуриб бўлмас, эшикни қаттиқ ёпиш, баланд товуш билан сўзлашиш мумкин эмасди. Мабодо, кўчадан извош ўтиб қолгудек бўлса, бувимнинг капалаги учиб кетарди, салгина қимирлаб кетса борми, у ҳолда хамир «ўтириб қолар», биз эсак, шафран<sup>3</sup> ҳиди анқиб турган ва устига шакар қиём суртилган ғоваклик ширин нондан маҳрум бўлган бўлардик.

Ширин нондан ташқари бувим майиз ва бодом қўшилган ҳар хил «мазуркалар»— кулчалар пиширарди. Иссиқ кулчали товалар печдан олинганда уй шунақаям анвойи ҳидларга тўлиб кетардики, ҳатто бобом ҳам

---

<sup>1</sup> Фикус — ҳамиша кўм-кўк турадиган баркаш баргли декоратив ўсимлик (тарж.).

<sup>2</sup> Рододендрон — гули нафис тоғ ўсимлиги (тарж.).

<sup>3</sup> Шафран — бир хил олма (тарж.).

ўз болохонасида туриб асабийлаша бошларди. У эшикни очиб пастга, қалин дастурхонлар ёзилган узун мармар столли меҳмонхонага кўз югуртирарди.

Арафа куни, ниҳоят ҳамма ёқ сарапжом-саришта қилиниб, уйда югур-югур ва бақир-чақирлар тинарди. Эрталаб бизга бир стакан суюқ чой билан сухари беришар ва шундан сўнг кун уззукун ибодатдан сўнгги оғиз очаргача ҳеч нима тотмасдик. Бундай оч юриш бизга бир оз ёқиб ҳам тушарди. Кун бизга жуда узоқ бўлиб туюлар, қулогимиз шангиллар, бувимнинг камроқ гапирларинг, деб даkki бериши туфайли ўзимизни тантанавор тутардик.

Ярим кечаси туриб, эрталабки ибодатга отланардик. Эғнимга тилла суви югуртирилган тугмали матросча куртка ва шим кийгизишар, сочларимни шчётка билан оғритиб қаттиқ тарашарди. Мен ойнага қараб қаттиқ ҳаяжонга тушган қирмизи ёноқли болага кўзим тушар ва ўз кўринишимдан жуда мамнун бўлардим.

Ўз хонасидан холам Ефросиния Григорьевна чиқиб келарди. Арафа кунларидаги тайёргарлик ишларида фақат шу холамгина иштирок этмасди. У доим касалга чалиниб юрар, жуда кам гапирар ва бизнинг шўхлик қилиб бақириб-чақирешларимизга жавобан мулоийимгина жилмайиб қўярди.

У бўйнига соатнинг тилла занжирини осиб, елкасига чиройли бант қадалган сипогина ҳаво ранг кўйлагини кийиб чиқарди. Ойим менга бу бантнинг «шифр» деб аталишини ва у холам Ефросиния Григорьевна таҳсил топган институтда ўртак кўрсатиб ўқиганлар учун мукофот тариқасида берилажagini тушунтирди.

Ойим ўзининг байрамларда киядиган кул ранг кўйлагини, отам эса оқ жилети билан қора костюмини кийарди.

Сўнгра тантанавор юриш қилиб, қора шоҳи куйлак кийган ва корсажига сунъий ҳазорангул тақиб, чиройли бўлиб кетган бувим пайдо бўларди. Силлиққина қилиб таралган ояпоқ сочлари тўр санандози остидан кўриниб турарди. Унинг кўйлаги шалдирар, ўзи эса енгил қадам ташларди — бувим арафа туни яшаргувчи эди.

У шамчироқларни ёқар, шундан сўнг қора тўр қул-

қопини тортиб киярди. Отам боғичлари кенг лентадан қилинган мантильяни<sup>1</sup> унинг елкасига тутарди.

— Сиз эрталабки ибодатга бормасангиз керак, албатта?— совуққина бир илтифот билан сўрарди бувим.

— Йўқ, Викентия Ивановна,— жилмайиб жавоб берарди отам.— Мен бир оз мизғиб оламан. Қайтганингизда уйғотиб қўйишар.

— Оҳ,— дерди бувим ва елкасини қисиб мантильясини тўғриларди.— Ишқилиб, сизнинг ҳазил-мутойибаларингиз худойи таолонинг жонига тегиб, у сиздан юз ўгирган бўлсин-да.

— Узим ҳам шундан жуда умидвор бўлиб юрибман,— эҳтиром билан жавоб берарди отам.

Бувим бобом билан хайрлашмоқчи бўлиб бирров болохонага чиқарди. У бобомнинг олдидан тушиб келаётганида, залга Надя холам кириб келарди. У доим кечикиб юрарди.

Йўқ, холам кировий одамлардек кириб келмасди — у, бурма қилиб тикилган оппоқ шоҳи кўйлагини кийиб залга нозик ва гўзал бир қуш каби учиб кирарди. У ҳансираб нафас олганидан кўкрагидаги сариқ атиргул титраб турарди.

Дунёдаги бутун нур, бутун қувонч унинг чарос кўзларида мужассамлангандек туюларди.

Бувим зинапояда тўхтаб қолар ва дастрўмолини олиб кўзларига тутарди. У кенжа қизининг ҳуснини кўрганида кўз ёшларини тўхтатиб қололмасди. Чамаси, бувим ҳар гал Надя холамнинг тақдири, бу оғир ҳаётда унинг аҳволи не кечиши ҳақида ўйлаганида кўзларига беихтиёр ёш келарди.

Бу гал биз черковдан қайтганимизда отам ухламаган экан. Ҳаво жуда иссиқ бўлганидан, у меҳмонхонанинг боққа қараган деразаларини ланг очиб қўйибди.

Биз оғиз очиш учун стол атрофига ўтирдик. Шундоқ ёнгинамизда тун ўз ҳукмини ўтказиб турарди. Юлдузлар кўзимизга тикилиб милтиллашарди. Боғдан бедор тун қушининг чий-чий қилаётгани қулоққа чалинарди. Ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам гапирар ва қоронғида гоҳ баландлаб, гоҳ пасайиб эшитилаётган қўнғироқнинг жангир-жунгурига қулоқ солишарди.

Надя холам ранги оқариб, ҳорғин ўтирарди. Отам

<sup>1</sup> Мантилья — аёлларнинг елкага ташлаб юрадиган енгсиз кийими, (Тарж.).

даҳлизда пелерина<sup>1</sup>сини ечишга ёрдамлашаётиб, унга ҳаёо ранг телеграмма тутқизганини сезиб қолдим.

Надя холам бирдан қизариб кетиб телеграммани гижимлаб ташлади.

Оғиз очардан сўнг дарҳол мени ухлашга чиқариб юборишди. Уйғонганимда алламаҳал бўлиб, ошхонада идишларнинг жиринглаши эшитилар ва катталар қаҳва ичиб ўтиришарди.

Овқат вақтида Надя холам қўшни шаҳарча Смелада яшайдиган дугонаси Лиза Яворскаядан телеграмма олганини айтди. Лиза Надя холамга Смела яқинидаги қўрасига келиб бир кун дам олиб кетишни таклиф қилибди.

— Мен эртага бормоқчиман, — деди Надя холам, сўнг бувимга қаради-да, қўшиб қўйди: — Қостикни ҳам бирга олиб кетаман.

Мен хурсандликдан қизариб кетдим.

— Борсанг, бора қол, — жавоб берди бувим. — Фақат ҳазир бўлинглар, шамоллаб-помоллаб юрманглар, тағин.

— Улар бизни олиб кетгани арава юборишади, — деди Надя холам.

Поезд Черкассидан Смелагача бир соат йўл юрарди. Смеладаги станцияда бизни семиз ва серкулги Лиза Яворская кутиб олди. Қўш отли экипажга ўтириб, чиройли шаҳарчанинг тоза кўчаларидан ўтиб бордик. Икки чети ўт-ўлан билан қопланган кўм-кўк жарлик тубида гирдобли Тасмин дарёси сокин оқиб ётарди. Фақат гирдобларнинг ўртасидагина сувнинг кумуш каби товланиб оқаётгани сезиларди. Ҳаво иссиқ эди. Дарё устида ниначилар учиб юрарди.

Биз шаҳар ташқарисидаги бўм-бўш паркка кириб борганимизда Лиза Яворская, бу ерда Пушкин сайр қилишни яхши кўрарди, деб қолди. Мен Пушкиннинг бу ерда бўлганига ишонгим келмади, чунки у бўлган жойда менинг ҳам бўлишимга ақлим бовар қилмасди. У кезларда Пушкин мен учун афсонавий бир зот эди. Унинг ажиб ҳаёти бу украин узлатларидан четда ўтиши лозим эди, деб ўйлардим мен.

— Нарироқда Раевскийларнинг қўрғони Каменка жойлашган, — деди Лиза Яворская. — Пушкин уларни-

<sup>1</sup> Пелерина — елкага ташлаб юриладиган кийим. (Тарж.).

Ҳида узоқ муддат меҳмон бўлиб турган ва у ерда ажд-  
йиб шеърлар яратган.

— Қайси шеърларини айтяпсан?— сўради Надя хо-  
лам.

Соз чал, Адель  
Билма оҳ,  
Харитлар, Лель  
Қилган никоҳ,  
Тебратган, бил  
Бешигинг гоҳ,

Мен «харити» ва «лель» сўзларининг маъносини ту-  
шунамасдим, бироқ бу шеърларнинг мусиқий кучи, кўҳ-  
на парк, юз йиллик арғувонлар ва осмону фалакда су-  
зиб бораётган булутлар таъсири туфайли теварак-ат-  
роф кўз ўнгимда афсонавий манзара касб этганди. Уша  
кун менинг хотирамга бепоён сокин даштнинг баҳор  
байрами сифатида ўрнашиб қолди.

Лиза Яворская кенг хиёбонга етиб келганимизда из-  
вошни тўхтатди. Биз аравадан тушиб четдаги зич бў-  
либ ўсган наъматак орасидан ўтган йўлқадан уй томон  
бора бошладик.

Кутилмаганда йўлқанинг мўюлишидан офтобда қо-  
райган серсоқол бир киши чиқиб қолди. У бош яланг,  
елкасига қўшоғиз ов милтигини осиб олганича қўлида  
иккита отилган ўрдакни кўтариб келар эди. Тугмалари  
солинмаганидан куртқасининг остидан бақувват; жигар  
ранг бўйни кўриниб турарди.

Надя холам уни кўрди-ю, ранги оппоқ оқариб таққа  
тўхтаб қолди.

Серсоқол киши қўлига тикани кириб қонатганига  
ҳам парво қилмай гунчалари очилай деб турган наъма-  
такнинг йўғон новдасини синдириб олди-да, уни Надя  
холамга узатди. Холам сертикан наъматакни оҳиста  
олиб, унга қўлини узатганди серсоқол киши уни лабига  
босди.

— Сочларингиздан пороҳ ҳиди келяпти,— деди На-  
дя холам.— Қўлларингиз ҳам шилиниб кетибди. Тикан-  
ларни чиқариб олмоқ керак.

— Ҳечқиси йўқ! — деди серсоқол киши ва жил-  
майди.

Унинг тишлари оппоқ ва текис эди. Мен энди яқин-  
дан кўрганимда ҳали жуда ёш эканлигини сезиб қолдим,

Биз уйга қараб юра бошладик. Серсоқол киши жуда галати қилиб, ҳар тўғрида бирваракайига гапираверар экан. У бирпаснинг ичида Москвадан келганига икки кун бўлгани, бу ернинг ажойиблиги, индинга Венецияга жўнаб кетиши лозимлиги, рассом Врубелнинг натурачи лўли қизи сеҳрлаб қўйганлиги, умуман ўзи ўнғалмас одам эканлиги ва фақат Надя холамнинг товушигина уни қутқариб қолиши мумкинлиги ҳақида гапира кетди.

Надя холам жилмаярди. Мен серсоқол кишидан кўзимни олмасдим. У менга жуда ёқиб қолганди. Ҳақиқатан ҳам ундан порох ҳиди келарди. Унинг қўллари ёпишқоқ қарағай смоласи билан қопланганди. Ўрдакларнинг қорамтир тумшуғидан ҳар замон-ҳар замонда йўлакка чакиллаб қип-қизил қон томарди.

Серсоқол кишининг қалин сочларига ўргимчак инининг толалари ва қарағай барги илашиб қолган бўлиб, уларнинг орасида ҳатто қуриган бир новдача ҳам кўриниб турарди. Надя холам унинг тирсагидан ушлаб тўхтатди-да, ҳалиги новдачани олиб ташлади.

— Қуюлмадингиз, қуюлмадингиз-да!— деди у.— Ҳадиям ёш боласиз,— қўшиб қўйди у яна маъюс жилмайиб.

— Тушунсангиз-чи ахир,— ёлворувчан товуш билан ғудраниб деди серсоқол киши,— бу ерлар шунақаям ажойибки! Мен қарағайзор ичидан базўр ўтиб олдим. Ҳамма ёғим шилиниб кетди. Бироқ оппоқ чиннигуллар, қарағай баргларининг тилла ранг жилоланиши, ўргимчак уяларининг сирли тўқимаси олдида у ер-бу ернинг тирналгани нима деган гап! Атроф шунақаям гўзалки!

— Ана шунинг учун ҳам мен сизни севаман-да,— секингина деди Надя холам.

Серсоқол киши бирдан милтиғини қўлига олди-да иккала оғзидан осмонга қаратиб бирваракайига ўқ узди. Милтиқ, оғзидан кўкиш порох тутуни ўрлади. Итлар вовиллаб биз томон чошиб келишди. Қаердадир ўтакаси ёрилган товуқ қақалади.

— Ҳаётга салют!— деди серсоқол киши.— Жин ургур бу дунёда яшаш қандай ажойиб-а!

Биз ҳаяжонга тушиб жон-жаҳди билан вовиллаётган итлар қуршовида уйга яқинлашдик.

Уй оппоқ бўлиб, унинг гир атрофига колонналар ўрнатилган эди. Деразаларда йўл-йўл дарпардалар кўз-



га ташланарди. Бизни оч бинафша ранг кўйлак кийиб, лорнет тутган, оппоқ сочлари жингалак кичик бир кампир, Лиза Яворскаянинг онаси кутиб олди. У кўзини сузганича Надя холамнинг қўлидан анчагача ушлаб турар экан, унинг ҳуснини олқай бошлади.

Салқин хоналарда елвизак ўйнар, дарпардалар тараанг тортилиб, стол устида ётган «Русское слово» ва «Киевская мысль» газеталари учиб тушарди. Ҳар ёқни искашиб хонада итлар изғиб юришарди. Паркдан бирор шубҳали шарпа эшитилиб қолгудай бўлса, уларнинг бариси жон-жаҳди билан вовиллаганича бир-бирини қулатишиб, ташқарига чопиб қолишарди.

Қуёш нури шамолдан жилваланиб, гоҳ вазани ва рояль оёғидаги мис ғилдиракчаларни, гоҳ тилла суви юргизилган ромлар ва Надя холамнинг стол устига ташлаган сомон шляпасини, гоҳ эса дераза токчасидаги серсоқол киши қўйган милтиқнинг кўкиш стволини ярқиратарди.

Биз емакхонада қуюқ қаҳва ичиб ўтирардик. Серсоқол киши менга қандай қилиб Парижда, нақ момо Ҳаво ибодатхонасининг қаршисидаги қирғоқнинг ўзидан туриб балиқ тутганини ҳикоя қиларди. Надя холам унга тикилганича майин жилмайиб ўтирарди. Лизанинг онаси эса дам-бадам:

— Аҳ, Саша! Билмадим қачон катта бўласиз-да! Қуюлсангиз ҳам бўларди энди!— деб қўярди.

Қаҳвадан сўнг серсоқол киши Надя холам ва менинг қўлимдан олиб, ўз хонасига бошлаб борди. Хонада рассомлик мўй қаламлари, эзилган бўёқ тубиқлари сочилиб ётар ва умуман уй ичи ағдар-тўнтар эди. Серсоқол киши сочилиб ётган кўйлаклар, ботинка, холст лахтақларини шошиб-пишиб йиғиштириб олди-да, уларни кат остига тиқиб қўйди. Сўнг у трубкасига мой сингдирилган тамаки солиб тиқди ва бизга, дераза токчасига бориб ўтиринглар, деб буюрди.

Биз унинг амрини бажо келтирдик. Офтоб елкамизни қаттиқ қиздирарди. Серсоқол киши деворда холст билан ёпилган ҳолда осиглиқ турган картина олдига борди-да, холстни тортиб туширди.

— Мана, кўринг!— деди у тушқун оҳангда.— Барибир чиқаролмадим.

Картинада Надя холам тасвирланган эди. У пайтларда мен рассомчиликда ҳеч нарсани тушунмас эдим.

Отам билан Коля тоғамнинг Верешагин (бу рассомни отамнинг жини суймас эди) ва Врубель ҳақида баҳс-лашганларини эшитгандиму, бироқ умрим бино бўлиб биронта ҳам яхши картинани ўз кўзим билан кўрмагандим. Бувимнинг уйидаги картиналарда нуқул қопқоронғи дарахтзор ва ариқдан сув ичаётган кийиклару, оёғи осмондан бўлиб осилиб ётган жигар ранг ўрдаклар тасвирланган бўлиб, кишини зериктириб юборарди.

Серсоқол киши портретнинг устини очганда, мен беихтиёр кулиб юбордим. Портрет, Надя холамнинг чеҳрасида гуркираб турган баҳор шавқи, кўҳна паркка гўё бир олтин шалола каби қуйилаётган қуёш нури, хоналарда кезиб юрган елвизак, баргларнинг кўкимтир товланиши билан қўшилиб кетганди.

Надя холам портретга узоқ тикилиб турди, сўнг қўли билан серсоқол кишининг сочини астагина тўзғитдида, индамай хонадан чиқиб кетди.

— Уфф, худога шукур-э!— хўрсиниб қўйди серсоқол киши.— Демак, картинани Венецияга кўргазмага олиб борсам бўларкан.

Пешиндан сўнг биз қайиққа тушиб Тасминда сайр қилдик. Парк сувда кунгурадор кўк деворга ўхшаб акс этарди. Чуқурликдан ҳали сув юзига ўсиб чиқишга улгурмаган нилуфарларнинг юм-юмалоқ япроқлари кўзга ҳалинарни.

Кечқурун уйга қайтишимиздан олдин Надя холам пастаккина залда ашула айтди. Серсоқол киши рояль чалиб унга жўр бўлар, бироқ смолага бўялган бармоқлар клавишларга ёпишиб қолаверганидан адашиб кетарди.

Илк висол дамлари, энг сўнгги видо  
Дилдорнинг жон олар хуш товушлари...

Шундан сўнг биз яна қўш отли экипажга ўтириб Смелага жўнадик. Серсоқол киши билан Лиза бизни кузатгани чиқишди. Отлар заранг ерни дупурлатиб боришарди. Дарёдан муздек шамол эсар, қурбақалар қурилларди, осмони фалакнинг бир четида юлдуз милтилларди.

Станцияда Лиза мороженое олиб бермоқчи бўлиб, мени буфетга бошлади, серсоқол киши билан Надя холам эса гулзордаги скамейкага бориб ўтиришди. Бу-

фетда мороженое йўқ эди, албатта. Биз гулзорга қайганимизда Надя холам билан серсоқол киши ҳамон ҳаёл суриб скамейкада ўтиришарди.

Кўп ўтмай Надя холам Москвага жўнаб кетди. Шундан сўнг мен уни бошқа кўрмадим. Орадан бир йил ўтгач, масленица байрамида у уч отли аравада Петровский паркка бориб, совуқда ашула айтибди-ю, зотилжам бўлиб қолибди. Пасха байрамининг арафасида у вафот этди. Дафн маросимида бувим ва ойим билан бирга отам ҳам борди.

## ҚАРАҚАТ СОҚҚАЧАЛАР

Қутичанинг ичида оппоқ ва юмшоқ соққачалар у ёқдан-бу ёққа юмаларди. Мен улардан бирини олдимда, сув тўлдирилган тосга ташладим. Соққача сувда шиша бошлаб, сўнг бирдан ёрилиб, гоҳ кўзлари қизил, қора филга, гоҳ сап-сарик аждаҳога ёки яшил баргли атиргулга айланарди.

Қарақатдан ясалган бу мўъжизали хитой соққачаларини менга Пекиндан тоғам ва тутинган отам Иосиф Григорьевич ёки ўзимизнинг аташимизча, Юзя тоғам олиб келганди.

— Қип-қизил авантюрист у!— дер эди отам у ҳақда. Бироқ отамнинг товушида таъна сезилмасди, аксинча унинг Юзя тоғамга бир оз ҳаваси ҳам келарди.

Чунки Юзя тоғам бутун Африка, Осиё ва Европани кезиб чиққанди. Кезганда ҳам боадаб сайёҳ сифатида эмас, балки ҳамманинг тўс-тўполонини чиқарувчи истилочи сифатида кезиб чиққанди. Ер куррасида тоғам бормаган ва инсон ақлига сиғмайдиган ишлар бошлаб юбормаган биронта ҳам хилватгоҳ қолмаганди. Шанхай, Аддис-Абеба, Харбин ва Машҳадда ҳам унинг доверуғи таралганди. Бироқ у бошлаган ишларнинг барчаси ҳам муваффақиятсиз тугарди.

— Қани энди Колондайкка боролсам,— деб юргувчи эди Юзя тоғам,— мен бу америкаликларга бир кўрсатиб қўярдим!

Колондайклик ашаддий олтин изловчиларга нимани кўрсатиб қўймоқчи эканлиги номаълум эди. Бироқ тоғамнинг ҳақиқатан ҳам Юкондан Аляскага доверуғи номини кишилар орасида дoston қиладиган бирон иш қилиши мумкинлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмасди.

Бувим Викентия Ивановна учта ўғли ичида фақат Юзя тоғамдангина ҳайиқарди. Бувим уни, худонинг балоси, оиламизнинг бошига тушган фалокат, деб ҳисобларди. Тўполон қилиб қўйган ёки ўжарлик қилган кезларимда, у нуқул менга:

— Иккинчи Юзя бўлиб етишма тагин!— дегувчи эди.

Бечора бувим! Бу тоғамнинг ҳаёти мени нақадар қизиқтиришини қаёқдан ҳам билсин! Аслида «иккинчи Юзя тоға» бўлиш менинг энг катта орзум экаплигини ақлининг қайси бурчагига келтирибди у.

Юзя тоғам Киевда, бизникидā ёки бувимнинг Черкассидаги уйида бехосдан пайдо бўлиб, худди шундай бехосдан ғойиб бўларди. Орадан бир-икки йил ўтар, эшик тепасидаги кўнғироқ қаттиқ чалиниб, уйда яна Юзя тоғам пайдо бўларди-ю, хоналарни унинг хирилдоқ товуши, полдан судраб олиб кирилаётган ҳар хил ажойиботларга тўла оғир чамадонларнинг тақир-туқури, тоғамнинг йўтали ва хохолаб кулиши тутиб кетарди.

Тоғам баланд бўйли серсоқол бир киши бўлиб, бурнининг бир четини ўқ учуриб кетганди. Унинг бармоқлари ниҳоятда бақувват эди. Ҳеч қачон қувлик аримайдиган кўзлари билан кишига бамайлихотир тикилиб туриб, бир сўмлик тангани эгиб бериш унинг учун чўт эмасди.

У на худодан, на шайтондан ва на ўлимдан қўрқарди. Бироқ аёлларнинг кўз ёши-ю, болаларнинг инжиқлиги олдида эсанқираб, нима қиларини билмай қоларди.

Биринчи бор мен уни инглиз-бур урушидан сўнг кўрган эдим.

Ўша урушда Юзя тоғам кўнгилли бўлиб бурлар қаторига бориб қўшилган эди. Тоғамнинг бу беғараз ва мардона иши қариндош-уруғлар орасида унинг обрўсини анча ошириб юборганди.

Бу уруш биз, болаларни ниҳоятда ҳаяжонга солган эди. Биз ўз мустақиллиги учун қон тўкаётган совуққон бурларга ачинар ва инглизларни кўргани кўзимиз йўқ эди. Биз ер куррасининг нариги бурчагида кетаётган ҳар бир жанг — Ледисмитнинг қамали-ю, Блюмфонтейн яқинидаги қирғинбарот ва Маюба тоғига қилинган штурмнинг икир-чикирига довур хабардор бўлиб юрардик. Бур генераллари Деветти, Жубер ва Бота биз учун

энг машхур кишилар эди. Биз такаббур лорд Китченердан нафратланар ва инглиз солдатларининг қизил мундир кийиб жанг қилишлари устидан кулиб юрардик. Уша кезларда «Трансвалли ёш бур Питер Мариц» деган китоб қўлимиздан тушмасди.

Бироқ фақат бизгина эмас, балки бутун дунёдаги илғор кишилар Ваал ва Сариқ дарёлар орасидаги даштларда рўй бераётган фожиа — кичик халқнинг дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири билан тенгсиз кураш олиб боришини юрак ҳовучлаб кузатиб борарди. Ҳатто ҳанузгача фақат «Айрилиқ»ни чалиб юрадиган Киев шарманкачилари ҳам «Трансваль, Трансваль азиз ватаним, ўт ичра қолдинг сен шу кунда, афсус» деган янги қўшиқни ижро эта бошлагандилар. Бунинг учун биз уларга мороженое оламыз, деб яшириб юрган чақаларимизни ҳам бериб юборардик.

Инглиз-бур уруши мен каби болаларнинг хаёлотида бутун бир тўнтариш ясади. Африка биз «Дунё бўйлаб» сериясидан чиққан романларни ўқиб ёки инженер Городецкийнинг Киевнинг Банк кўчасидаги уйини томоша қилиб тасаввур қилганимиздан бутунлай бошқача бўлиб чиқди.

Қалъага ўхшаш бу беўхшов кул ранг бинонинг деворларига каркидонлар, жирафалар, арслонлар, тимсоҳлар, кийиклар ва Африкада яшовчи барча бошқа ҳайвонларнинг беўхшов ҳайкаллари ўрнатиб ташланган эди. Филларнинг йўлак устида осилиб турган бетон хартумлари тарнов хизматини ўтарди. Каркидонларнинг оғзидан сув томиб турарди. Девордаги қоронги токчаларда кул ранг тошдан йўнилган бўғма илонлар бош кўтариб ётарди.

Бу уйнинг эгаси, инженер Городецкийнинг жони-тани ов эди. У ов қилгани ҳатто Африкага ҳам борган экан. Ана шу овдан хотира бўлиб қолсин, деб, у ўз уйини ҳар хил ҳайвонларнинг суяклари билан беаган эди. Катталар Городецкийни девона деб аташарди, бироқ биз болалар бу ғалати уйни жуда яхши кўрардик. У Африка ҳақидаги тушунчамизни бойитишга кўмаклашарди.

Лекин ҳали ёш бола бўлсак ҳам, инсон ҳуқуқи учун кураш ва унинг учун заҳмат чекиш бу улкан ҳабашлар қитъасида ҳам бошланиб кетганлигини тушунардик. Авваллари бу қитъа бизнинг тасаввуримизда хартумини

осмонга кўтариб ўкровчи доно филлар, миазмалар<sup>1</sup> билан нафас олаётган тропик ўрмонлар, ҳали тадқиқ этилмаган буюк дарёлар четидаги қуюқ ботқоқликларда пишиллаб юрган бегемотлар ўлкаси эди, холос. Унга қадар Африкани биз Стенли ва Ливингстон каби сайёҳларгина бора оладиган бир макон деб тушунардик.

Уруш бизга ҳақиқий Африка қиёфасини кўрсатиб қўйди. Бошқа болалар каби мен ҳам, хаёл қилиб юрган Африкадан ажралгим келмасди. Хаёлан биз арслон овига чиқар, қуёшнинг илк нуруни саҳрои Кабирда кутиб олар, Нигер дарёсини солда кезиб чиқардик. Ушанда қулоғимиз остидан камон ўқлари визиллаб ўтар, атрофда беҳисоб маймунлар қий-чув қилар, йўлимизга ўтиб бўлмас зимистон ўрмонлар тўсиқ бўларди. У ерда бизни ҳар қадамда хавф-хатар кутарди. Хаёлан биз неча бор бирон фортнинг ёғоч девори остида ётиб якка ўқнинг вижиллашига қулоқ берганимизча ва заҳарли нам ўтларнинг ҳидини туйиб, яллиғланган кўзларимиз билан зимистон осмонда сўниб бораётган чўмич юлдузига тикилганимизча безгакдан ёки оғир ярадорликдан ҳалок бўлардик.

Менинг ўзим ҳам неча марталаб хаёл оғушида сирли Африкани Жазоирдан тортиб то Эзгу Умид бурунигача, Конгодан то Занжибаргача кезиб чиқа олмай, бевақт, қисқа-ҳаёт кечириб ўлиб кетаётганимдан афсусланган вақтларим ҳам бўлган.

Ҳар қалай Африка ҳақидаги бу тасаввурни миядан буткул чиқариб ташлаб бўлмасди. У хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Киевдаги зерикарли кўчамизда Африка қуёшида тобланган бошига кенг соябонли бур шляпаси ва эгнига ёқаси очиқ кўйлак кийган ҳамда белига ўқ камар тақиб олган серсоқол киши, Юзя тоғам пайдо бўлганида менинг нақадар ҳаяжонланганим ва қувониб бошим кўкларга етганини тил билан ифода қилиб бўлмайди.

Мен бир қадам ҳам қолмай тоғамнинг кетидан юрар ва нуқул унинг кўзларига тикилардим. Бу кўзлар Сарик дарёни зулусскрааллари, инглиз суворилари ва Тинч океан тўфонларини кўрганига ишонгим келмасди.

---

<sup>1</sup> М и а з м а — ел, бод. Ён-атрофдаги муҳитдан киши организмга ўтиб, касал тарқатадиган манбалар ҳақидаги эскирган тушунча. (Тарж.).

Уша пайт Трансваалнинг президенти, кекса ва семиз Крюгер бурларга ёрдам сўраш ниятида Россияга келган эди. Юзя тоғам унга ҳамроҳ бўлиб келган экан. У Киевда атиги бир кун туриб, сўнг дарҳол Крюгернинг кетидан Петербургга жўнади.

Юзя тоғам, Россия бурларга ёрдам қўлини чўзадй, деб қатъий ишонарди. Бироқ Петербургга боргач, у отамга қуйидаги хатни ёзди: «Давлатнинг олий манфатлари рус ҳукумати қабихлик қилишга мажбур қилибди — бурларга биз ёрдам бермаймиз. Демак, ҳаммаси барбод бўлди, мен энди тагин Узоқ Шарққа, ўз уйимга кетяпман».

\* \* \*

Қасби нотариус бўлган бобомни давлатманд кишилар қаторига қўшиб бўлмасди. Агар у ўғилларини Киев кадет корпусига бермаганида, уч ўғли-ю беш қизини ўқитишга қурби етмасди. Корпусда эса курсантлар бепул ўқитиларди.

Юзя тоғам ҳам ўз акалари билан ана шу корпусда ўқибди. Тўрт йил тинчгина, беғалва ўтибди-ю, аммо бешинчи йили ишнинг пачаваси чиқибди, тоғамни Киевдан Волга бўйидаги Вольс шаҳрига жойлашган штраф «каторга» корпусига ўтказиб юборишибди. Вольскка эса кадетларни «оғир жиноятлар» учун сургун қилишаркан. Юзя тоғам ана шундай жиноят қилибди.

Киев корпусида ошхона подвалга жойлашган экан. Қайсиям байрам арафасида шу ошхонада бир талай ширин кулча ёпишибди-да, совисин, деб узун стол устига териб қўйишибди. Юзя тоғам узун таёқ топиб, унинг учига мих боғлабди ва очик деразадан унга кулчаларнинг анчагинасини санчиб олибди-да, ўз синфига бориб базми-жамшид бошлаб юборибди.

Вольск корпусида Юзя тоғам икки йилгина ўқиди. Учтинчи йили офицерни ургани учун уни корпусдан ҳайдаб, солдатликка туширишди: офицер уни кўчада тўхтатиб, кийимидаги арзимас нуқсон учун ҳақорат қилган экан.

Юзя тоғамга солдат шинелини кийгизиб, қўлига милтиқ тутқизишибди-да, Вольскдан Варшава яқинидаги Кутно шаҳрига жойлашган тўпчи қисмга пиёда жўнатишибди.

У йўлидаги ҳамма гарнизон бошлиқларига кўриниш бериши лозим экан. Шу алфозда тоғам қишлоқларда нон тилаб олиб ва дуч келган жойларда тунаб, қиш кези шарқдан ғарбга қараб бутун мамлакатни кезиб ўтибди.

Вольскдан чиққанида қизиққон йигитча бўлган тоғам Кутнога етиб боргунча қаҳри қаттиқ солдатга айланибди.

Кутнода тоғам биринчи офицерлик мартабасига эришди. Унга пропоршчик унвони беришди.

Ҳарбий хизматда Юзя тоғамнинг сира омади юришмади. Уни тўпчи қисмдан пиёда аскарлар қисмига ўтказишди. Юзя тоғам хизмат қилаётган полкни Николай иккинчига тож кийгизиш маросими пайтида соқчилик қилиш учун Москвага чақирдишди. Юзя тоғамнинг ротаси дарёнинг Кремль ёнидаги қирғоғида қўриқчилик қилганди.

Тож кийгизиладиган кун азон маҳали тоғам, солдатларнинг бирдан қирғоқ томон югуриб қолишганини ва у ерда ур-йиқит бошланиб кетганини кўриб қолибди. У ҳам қиличини ушлаганича солдатларнинг олдига югуриб борибди.

Бундай қараса, қирғоқдаги балчиқда ҳамма ёғи сим билан чирмаб ташланган мис бошли бир махлуқ ётганмиш. Солдатлар бу махлуқни ағдариб, босиб олишибди. Шунда у қўпол темир этиги билан беўхшов тепина бошлабди. Солдатлардан бири махлуқнинг мис бошига уланган қовурғали резинка ичакни қисиб олибди. Шундан сўнг махлуқ бир оз хириллабди-да, жимиб қолибди. Тоғам, бу махлуқ ғаввос эканлигини сезибди-ю, солдатларга ўшқириб, уларни четлатибди ва дарҳол мис шлёмни бураб олибди. Бироқ ғаввос дунёий боқийга рихлат қилган экан.

Тоғамни ҳам, солдатларни ҳам Кронштадтдан келган ғаввослар ажал машиналари қўйилмаганлигини текшириш учун ўша куни эрталаб Москва дарёсининг тубини текшираётганликлари ҳақида хабардор қилиб қўйишмаган экан.

Шу воқеадан сўнг Юзя тоғам армия сафидан бўшатилади. У Ўрта Осиёга жўнади ва бир қанча вақт Уралскдан Хива ва Бухорога қатнайидиган карвонларда карвон боши бўлиб хизмат қилди. У пайтларда ҳали Ўрта Осиё билан Россия орасида темир йўл алоқаси йўқ эди.



Шу боисдан товарлар Уралъскдан у ёғига туяларда ташиларди.

Қарвон боши бўлиб юрган ўша кезларда Юзя тоғам Урта Осиёнинг тадқиқотчилари ака-ука Грум-Гржимай-лорлар билан дўстлашиб қолибди ва бир неча бор улар билан бирга йўлбарс овлабди. Ушанда бувимга йўлбарс терисини совға қилиб юборган эди. Бироқ йўлбарснинг важоҳати қўрқинчли кўринганлигидан, бувим терининг устига нафталин сепиб дарҳол уни подвалга яшириб қўйди.

Юзя тоғам қандай қилиб, чиябўриларни турган жойида, бир аксириш билан ўлдирганлигини ҳикоя қилишни яхши кўрарди. Саҳрода тунаб қолган кезларида тоғам егулик солинган хуржунни бошига қўйиб ётар ва ўзини ухлаганга соларкан. Чиябўрилар думларини қисшиб, секингина ўрмалаб келишаркан. Энг олғири хуржунни тишлаб оҳиста торта бошлаганида, тоғам қаттиқ аксириб юбораркан. Шунда қўрқоқ чиябўри овоз ҳам чиқаролмай ўтакаси ёрилиб, тил тортмай ўлиб қоларкан.

Эрталаблари Юзя тоғамнинг қулоқни батангга келтириб аксиришини кўп марта эшитганимиздан, биз бунга ишонардик. Тоғам аксирганда уйнинг деразалари дириллаб кетар, ола мушугимиз эса ўзини қўярга жой тополмай, у ёқдан-бу ёққа зир югуриб қоларди.

Юзя тоғамнинг ҳикоялари бизга барон Мюнхаузеннинг саргузаштларидан ҳам қизиқроқ бўлиб туюларди. Мюнхаузенни хаёлангина кўз олдимизга келтирардик. Юзя тоғам бўлса шундоқ ёнгинамизда қаҳ-қаҳ уриб диванда силкинганича, оғзидан паға-паға тамаки тутуни буруқситиб ўтирарди.

Шундан сўнг бир неча йил мобайнида Юзя тоғамнинг нималар қилиб юргани биз учун қоронғи. У Европани кезибди, айтишларига қараганда, Монте-Каролда қимор ҳам ўйнабди, сўнг Ҳабашистонга бориб қолибди. У ерда кўрсатган қандайдир хизматлари учун негус Менелик тоғамга фаррошларнинг тўқасини эслатадиган катта тилла орден инъом қилибди.

Туманли узоқ Шарқ, Манжурия ва Уссурия ўлкаси унинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмагунга қадар, Юзя тоғам ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрди. Адмирал Невелский бу ўлкани фақат тоғамга ўхшаш кишиларнигина назарда тутиб Россияга қўшиб олгандек туюларди,

Тоғам каби қўли очиқ одам «аҳмоқона қонунларга» бўйсунмай ҳар қанча шўхлик қилса ҳам у ер кўтараверар — хуллас, бу ўлкада у тийиқсиз табиатини чеклаб ўтирмай уддабуронлик билан ҳар қандай ишни қилавериши мумкин эди.

Бу рус Аляскаси бўлиб кимсасиз, бой ва хатарли бир мамлакат эди. Юзя тоғамнинг табиатига мос бундан бошқа ажойиб жой топиш мумкин эмас эди. Амур, тайга, олтин, Тинч океани, хитойлар, Корея, нари ёғи — Камчатка, Япония ва Полинезия. Узоқ Шарқ соҳилида ҳали текширилмаган сирли ва бепоён ўлка кучли денгиз тўлқини каби шовиллаб ястаниб ётар ва дилга гулгула соларди.

Юзя тоғам ёш ва заҳматкаш хотинини олиб (заҳматкаш бўлмаса, Юзя каби кишига хотинлик қилармиди, дегувчи эди ойим) Узоқ Шарққа жўнаб кетди.

У ерда тоғам хитой қўзғолони пайтида Харбинни мудофаа қилишда ва хунхузлар билан бўлган жангларда қатнашибди, Шарқи-Хитой темир йўлининг қурилишида ишлабди. Фақат Трансваалга жўнаш учунгина у бу ишидан воз кечибди.

Инглиз-бур урушидан сўнг тоғам яна Узоқ Шарққа қайтди. Бироқ энди у Манжурияга, Порт-Артурга бориб истиқомат қила бошлади. Юзя тоғам у ерда Кўнгилли флотнинг агенти бўлиб ишлади. Уша кезлари бизга ёзган хатларида у пароходчиликни жуда севиб қолгани ва ёшлигидан денгизчи бўлмаганлигига ачинаётганлигини хабар қилган эди.

Бу орада унинг хотини вафот этиб, икки ёш қиз Юзя тоғамнинг қўлида қолди. У бутун меҳрини қизчаларига бағишлаб, ўзи Сен-ич-Чой деб атайдиган Хитой хизматкори билан биргаликда уларни билганича тарбиялай бошладى. Садоқатли хизматкорини эса Юзя тоғам қизчаларидан кам севмасди. Тоғам умуман хитойларни жуда яхши кўрар ва ёмғир ёққанда саросимага тушиб кўрқиши демасанг, бу жуда ажойиб, меҳрибон ва дошишманд халқ, деб юрар эди.

Япон уруши даврида Юзя тоғам эски офицер сифатида армияга чақирилди. Шундан сўнг у қизларини Сен-ич-Чой билан бирга Харбинга жўнатиб юборди.

Урушдан сўнг у қариндошларини кўргани Киевга келди. Мен тоғамни сўнгги марта ана ўшанда кўргандим.

Унинг сочлари оқариб кетган, ўзи анча мулойимла-

шиб қолган эди. Лекин кўзларида ҳамон аҳён-аҳёнда бўлса-да, шўх учқунлар чатнаб турарди.

У бизга Пекин, Хитой императорларининг боғу эрамлари, Шанхай ва Сарик дарё ҳақида ҳикоя қилиб берганди.

Унинг ҳикояларини эшитгач, Хитой менинг тасаввуримда доим илиқ ва булутсиз оқшом бўлиб турадиган бир мамлакат сифатида гавдаланадиган бўлиб қолди. Эҳтимол, Юзя тоғам энди ҳеч нимани ўйлаб чиқармай, кўзларини ола-кула қилмай ва деразаларни дириллатиб қаҳқаҳа урмай, балки минут сайин тамаки кулини чертиб тушириб, ҳорғин товуш билан ҳикоя қилгани учун ҳам шундай туюлгандир.

Бу воқеа 1905 йили рўй берди. Юзя тоғам сиёсатни яхши тушунмасди. У ўзини кекса солдат деб ҳисоблар ва ҳақиқатан ҳам ичган қасамига содиқ, виждонли бир жангчи эди. Отам мавжуд тузумни сўкиб, унинг нобоплиги ҳақида гап бошлаганида, Юзя тоғам бир оғиз сўз айтмас, ўрнидан туриб боққа чиқар ва ўша ерда скамейкада ўтириб олиб, бир ўзи тамаки чекарди. Отамни у «сўлларнинг сўли» деб атарди.

Киевда бешинчи йили сапёрлар батальони қўзғолон кўтарди. Унга тўпчилар батареяси қўшилди. Сапёрлар ҳужум қилаётган казаклар ҳамласини қайтариб, жанг қилганларича бутун шаҳарни кесиб ўтдилар ва Демиев заставасининг нарёғидаги тепаликка ўрнашиб олдилар.

У ердан қўзғолончилар батареяси генерал-губернатор саройи ва казаклар казармасига қараб ўт очди. Бироқ батарея онда-сондагина бир ўқ узиб қўяр, ўшанда ҳам нишонни хато оларди, на сарою, на казармага биронта ҳам снаряд келиб теккани йўқ.

Ўша куни Юзя тоғам жуда тажанг бўлиб, боғда у ёқдан-бу ёққа юрганича устма-уст тамаки чекар ва аста сўкинарди.

— Ношудлар!— минғилларди у.— Э, тўпчи бўлмайд қўлинг синсин сен жўжа хўрозни! Шарманда!

Пешин пайти у кутилмаганда уйдан ғойиб бўлиб қолди, кечга яқин эса қўзғолончилар батареяси рўпарадан ўт очиб, ҳамла қилиб келаётган казакларни тумтарақай қилиб юборди, сўнг казарма, қалъа фортлари ва генерал-губернатор саройини мерганлик билан тўхтовсиз ўққа тута бошлади.

Шаҳар ҳарбий қўмондонлиги саросимага тушиб қолди. Енгилиши аниқ бўлиб қолган сапёрлар артиллерия ҳимояси остида Киевнинг ғарб томонидаги ўрмон ва ботқоқларга кириб тарқалиб кетишди.

Юзя тоғам шу кетганича на кечқурун, на тунда, на эртаси қайтиб келди. У бутунлай ғойиб бўлганди. Фақат орадан ярим йил ўтгачгина, унинг қизи Харбиндан бизга хат ёзиб юборди. Ўз хатида у, Юзя тоғам Японияда яшаётганлиги ва қутилмаганда ғойиб бўлгани учун афв этишларини ўтиниб сўраганлигини хабар қилган эди.

Кейинчалик, бизга маълум бўлишича эски тўпчи бўлмиш Юзя тоғам қўзғолончиларнинг тўп отишдаги уқувсизлигига чидаб туролмабди. У уйдан чиқиб, қўзғолончиларга бориб қўшилибди-да, ўзининг таъбири билан айтганда, ҳукумат қўшинларининг «адабини бериб қўйибди».

Турган гап, у шундан сўнг қочишга мажбур бўлган. У Японияга боради ва тезда Қобе шаҳрида юрак астмаси ҳамда мудҳиш ностальгия — ватанни қўмсаш касалидан вафот этади.

Ўлимдан олдин бу паҳлавонсифат ва забардаст одам Россия ҳақида бир оғиз гап эшитса ҳам кўзига ёш оладиған бўлиб қолибди. Ҳазил тариқасида ёзган сўнги хатида у биздан ўзи учун энг қимматбаҳо совға — Киев каштанининг қуритилган япроғини конвертга солиб юборишни илтимос қилган эди.

## СВЯТОСЛАВ КУЧАСИ

Болалигимда Черкасси ва Городишчеда ўтказган кунларим мен учун бир байрам эди. Киевда, Святослав кўчасидаги фэйзсиз уйимизда ўтган куз ва қиш кунлари эса бир зайлда ва жуда зерикарли ўтарди.

Икки ёнига сариқ Киев ғиштидан ижара уйлари қурилган, йўлкалари ҳам шу ғишдан терилган Святослав кўчаси чуқур сойлар кесиб ўтган кенг сайхонликка бориб тақаларди. Шаҳарда бундай сайхонликлар бир неча бўлиб, одамлар уларни жар деб аташарди.

Куни билан уйимиз ёнидан Святослав жари томон қуюқ лой ортган «каламашка»лар қарвони ўтиб турарди. Каламашка деб Киевда тупроқ ташийдиган арава-

ларни айтишарди. Аравакашлар сайхонликдаги жарларни тупроқ билан тўлдириб, янги уйлар қуриш учун майдон ҳозирлашарди.

Аравалардаги тупроқ тош йўлга тўкилар ва у ер доим ифлос бўлиб ётарди. Шунинг учун ҳам Святослав кўчасини ёмон кўрар эдим.

Жарга асти бора кўрмаларинг, деб бизга қағтиқ тайинлаб қўйишган эди. У ер хосиятсиз жой бўлиб, ўғри ва тиламчиларнинг макони эди. Лекин барибир баъзан ён-атрофдан болалар тўпланишиб жарга борардик. Ҳар эҳтимолга қарши чўнтагимизга полиция ҳуштаги солиб олардик. Ҳуштак биз учун револьвердек бир қурол эди.

Бошда биз қўрқа-писа жарликка қараб турардик. У ерда синиқ ойна парчалари ялтилар, занг босган тослар сочилиб ётар ва ахлат титкилаб итлар изғиб юрар, бизга парво ҳам қилишмасди.

Сўнг сал ботиниб, бадбўй сариқ тутун ўрлаётган жарликка туша бошлардик. Бу тутун атрофга жарликдаги ертўла ва кулбалардан тараларди. Кулбалар ҳар хил эски-туски нарсалардан қурилган бўлиб, унинг деворларида синиқ фанер ва чириган тунука парчасини ҳам, бузилган яшик ва стул ўриндиғини ҳам ва ҳатто пружиналари чиқиб ётган тўшакни ҳам учратиш мумкин эди. Эшик ўрнида исқирт қоплар осиглиқ турарди.

Кулбалар олдидаги илма-тешик самовар трубаси ўрнатилган лойдан ясалган ўчоқлардан буруқсиб тутун чиқарди.

Менга ҳаммасидан ҳам шарманкачининг кулбаси ёқарди. Кундуз куни шарманкачи ҳеч қачон уйда бўлмас — у шарманкасини чалиб ҳовлима-ҳовли юрарди. Кулба олдида заҳил юзли, чиройли шаҳло кўзлари маъюс бир қиз картёшка арчиб ўтирарди. Унинг бир оёғи латта-путталар билан ўраб қўйилган эди.

Бу шарманкачининг қизи эди, у гимнастка бўлиб, одамлар унга «суяги йўқ қиз» деб ном қўйишганди. Илгарилари у отаси билан ҳовлима-ҳовли юрар, хипчагина эгнига ҳаво ранг трико кийиб олиб, ерга ўзи ёзиб қўйган гиламча устида моҳирлик билан ҳар хил муаллақ ўйинлар кўрсатарди. Ҳозир унинг оёғи лат еган бўлиб, «ишга» чиқолмай қолганди.

Баъзан у муқоваси йиртиб олинган бир китобни

Ўқиб ўтирарди. Ундаги суратларга қараб бу китоб Дюманнинг «Уч мушкетер»и эканлигини фаҳмладим.

Қиз бизга норози бўлиб бақирарди:

— Нега энди бу ерга танда қўйиб қолдиларинг! Нима, умрларингда одамларнинг қандай яшашини кўрмаганмисанлар!

Бироқ кейинчалик бизга кўникиб қолди ва бақирмай қўйди. Унинг отаси паст бўйли, сочлари оппоқ шарманкачи бир куни бизни жарда кўриб қолиб, деди:

— Қўявер, бизнинг жамоа қандай қийналаётганини кўриб қўйишсин. Балки, студент бўлишганда бирон фойдаси тегиб қолар.

Авваллари биз жарга тўда-тўда бўлиб борардик. Кейинчалик мен жарда яшовчиларга ўрганиб қолдим ва у ерга бир ўзим борадиган бўлдим.

Буни мен анчагача ойимдан яшириб юрдим, бироқ сирни шарманкачининг қизи ошкор қилиб қўйди. Мен унга ўқиш учун «Том тоғанинг кулбаси» китобини берган эдим, бироқ тобим қочиб қолди-ю, китобни олгани анчагача у ерга боролмадим. Шарманкачининг қизи бундан хавотирланиб, китобни уйимизга ўзи олиб келди. У келганда эшикни ойим очди-ю, ҳаммаси аён бўлди-қўйди. Буни мен ойимнинг лабларини қимтиб, тумшайиб олганидан сездим.

Кечқурун емакхонада ойим билан отам бебошлигим ҳақида гаплашишди. Мен уларнинг гапларини эшик орқасидан эшитиб турардим. Ойим бўғилиб, зардаси қайнаб гапирарди, лекин отам, бунинг ҳечам ёмон ери йўқ, Қостянинг ёмон йўлга кириши мумкин эмас, мен ўғлимнинг Киев савдогарлари ва чиновникларининг болалари билан ўртоқ бўлишидан кўра ана шу мазлум-бечора одамлар билан дўстлашганини маъқул кўраман, дерди. Ойим бўлса, бу ёшда болани турмушнинг оғир таассуротларидан эҳтиёт қилмоқ керак, деб эътироз билдирарди.

— Тушунсанг-чи,— деди отам,— бу одамлар инсоний муносабатга шундай садоқат билан жавоб қайтарадиларки, бундай садоқатни бизнинг тоифамизда сира тополмайсан. Турмушнинг оғир таассуротлари деганинг нимаси.

Ойим бир оз сукут сақлаб турди-да, сўнг жавоб қилди:

— Ҳа, аҳтимол, гапинг тўғридир...

Соғайиб, ўрнимдан туриб кетгач, ойим менга Марк Твеннинг «Шаҳзода ва гадо» китобини тутқазиб, шундай деди:

— Мана... буни ўзинг... шарманкачининг қизига обориб бер. Мен унинг исмини ҳам билмайман.

— Лиза, — қўрқа-писа жавоб қилдим мен.

— Хўп, майли шу китобни Лизага совға қилиб олиб бор.

Шу-шу Святослав жарига борганим учун мени ҳеч ким койимай қўйди. Энди буфетдан янги дўстларим учун қанд ёки шабқур тўтиқуш Митька учун ёнғоқ ўғирлашимнинг ҳожати қолмаган эди. Мен буларни дангал ойимдан сўрардим. У ҳам йўқ демас эди.

Бунинг учун мен ойимдан миннатдор эдим ва ўзимни виждони пок бола каби жуда енгил ҳис этардим.

Бир куни, эрта куз пайти шарманкачи ҳовлимизга тўтисиз бир ўзи келди. У шарманка дастасини лоқайд айлантириб, «Юр, юра қол фариштам, рақс тушайлик икковлон» полькасини чалар ҳамда одамларнинг қоғозга ўралган чақа ташлашларини кутиб, ланг очиқ дераза ва балконларга кўз югуртирарди.

Мен югуриб шарманкачининг олдига тушдим. У шарманка дастасини айлантиришдан тўхтамай, деди:

— Митьканинг тоби қочиб қолди. Худди типратиконга ўхшаб ҳурпайиб ўтирибди. Сенинг ёнғоқларингга ҳам қиё боқмай қўйди. Куни битиб қолганга ўхшайди.

Шарманкачи чанг босган қора шляпасини олиб, юзини артди:

— Унғалмайдиганга ўхшаб қолдик! — деди у. — Митькасиз, биргина шарманканинг ўзи билан нима ҳам қилиб бўларди. Ризқи-рўз у ёқда турсин, юз грамм ароққа ҳам пул топиш амри маҳол. «Бахт» қоғозларини ким чиқариб беради энди?

Тўтиқуш фол очирувчи беш тийин берса ҳар хил кароматлар ёзилган яшил, ҳаво ранг ва қизил билетчалар тортиб чиқариб берарди. Бу билетчаларни негадир «бахт» деб аташарди. Шарманкачи уларни найча қилиб бўш папирос қутисига жойлаб қўярди. Билетчани тортиб чиқаришдан аввал Митька анчагача ходача устида депсиниб турар ва норози оҳангда қичқирарди.

Орадан бир кун ўтгач, Митька дунёдан ўтди. Мен уни ботинка солинадиган картон қутида жарга кўмдим. Шарманкачи ароқ ичиб, қаёққадир ғойиб бўлди.

Мен ойимга тўтининг ўлими ҳақида ҳикоя қилиб берар эканман, лабларим қалтирар, бироқ ўзимни йиғидан тийиб турардим.

— Қани кийин, — деди жиддий оҳангда ойим. — Бурмистровнинг олдига борамиз.

Бурмистров қариганидан соқоли кўкиш тусга кирган бир чол эди. Унинг Бессарабкада каталакдек келадиган қоронғи бир магазини бўларди. Қулоғи оғирроқ, гномга<sup>1</sup> ўхшаш бу чол дўконида ҳар хил ажойиб нарсалар — қармоқлар, ранг-баранг пўкаклар, аквариумлар, тилла балиқчалар, қушлар, чумоли тухуми ва ҳатто қоғозга кўчириладиغان суратлар сотарди.

Ойим Бурмистровдан оёғига қалай ҳалқача урилган, патлари кўм-кўк кекса бир тўтиқушни сотиб олди. Бурмистровдан қарзга қафас ҳам олдик. Тўтини қафасга қамадим. Йўлда у пайт пойлаб туриб, бармоғимни суягигача қаттиқ ўйиб тишлаб олди. Дорихонага кирдик. У ерда бармоғимни боғлаб қўйишди, бироқ мен шу қадар ҳаяжонланган эдимки, оғриқни сезмасдим.

Тўтиқушни шу заҳоти шарманкачига олиб бориб бермоқчи бўлган эдим, бироқ ойим:

— Мен ҳам сен билан бирга бораман. Уни ўз кўзим билан кўришим керак, — деб қолди.

У бошқа кийинмоқ учун ўз хонасига кириб кетди. Ойимнинг фақир, бечора кишиларникига бориш учун ҳам бошқа кийинмоқчи бўлганидан жуда уялдим, бироқ бирон нарса дейишга ботина олмадим.

Бир неча минутдан сўнг, ойим хонадан чиқиб келди. У эгнига тирсақлари чатилган эски кўйлагини кийибди. Бошида рўмоли, лекин негадир қўлида ҳар гал киядиган чиройли лайка қўлқопи кўринмасди, оёғига эса пошнаси едилган туфлисини кийибди.

Ойимга олижаноблигингиз учун раҳмат, деган мазмунда қараб қўйдим. Ниҳоят йўлга тушдик.

Ойим дадил жарга тушиб, ҳайратдан донг қотган, сочлари тўзғиқ хотинлар ёнидан ўтиб борди. У ҳатто ахлат ва кул уюмларидан эҳтиётлаб юбкасини бирон марта кўтариб ҳам қўймади.

Лиза бизнинг тўтиқуш кўтариб келаётганимизни кўриб, қип-қизариб кетди, унинг заъфарон ёноқлари лола

---

<sup>1</sup> Гном-гном (Ғарбий Европа афсоналарида — ер тагидаги хазиналарни сақлайдиган бадбуруш митти, пакана одам), (Тарж.),



ранг тус олди, сўнг у кутилмаганда ойимга тиз букиб таъзим қилди. Шарманкачи уйда йўқ эди — у ҳали ҳам қайғусининг зўридан ошналари билан Демиевқада ароқ ичиб юрган экан.

Лиза тўтиқушни олар экан, баттар қизариб кетиб:

— Вой, нега овора бўлиб юрибсиз! Бекорга овора бўлибсиз-да!— дер эди.

— Унга «бахт» билетларини тортиб чиқаришни ўргатса бўладими?— сўради ойим.

— Ҳа, икки кундаёқ ўрганиб олади!— хурсанд бўлиб жавоб қилди Лиза — Нега шундай қилдингиз-а!— Вой худойим-эй! Нега? Бунга озмунча пул кетмайди-ку!

Уйда отам буни эшитиб мийиғида кулиб қўйди ва:

— Худди ойимчаларнинг хайр-эҳсон беришидан бўлибди-ку! Кўнгилчан бўлиб ўсгансан-да!— деди.

— Э, худойим-эй,— деди ойим ўксиниб.— Қараб туриб ўзингга ўзинг қарши чиқяпсан-а. Қизиқ феълинг бор-да! Менинг ўрнимда бўлганингга ўзинг ҳам худди шундай қилган бўлардинг.

— Йўқ,— жавоб қилди отам,— мен янаям кўпроқ ёрдам қилган бўлардим.

— Кўпроқ дейсанми?— қайта сўради ойим, энди у пўписа билан гапирарди.— Хўп, яхши! Кўрамиз!

— Кўрсак кўраверамиз!

Мен ўшанда отам ойимни жиғига тегиш учун жўрт-тага гапираётганини тушунмагандим.

Шу можаронинг эртасига ойим Святослав жарига, Лизага опамнинг қора кўйлаги ва ўзининг жигар ранг ботинкасини бериб юборди.

Отам ҳам ойимдан қолишмади. У ўз ниятини шарманкачи янги тўтиқуш билан ҳовлимизга келган кунни амалга оширди.

Шарманкачи бўйнига қизил шарф ўраб олганди. Бурни кўп ароқ ичадиганлигидан мана ман деб қизариб турарди. Ойимнинг шарафига у шарманкаси чалиши мумкин бўлган ҳамма куйларни: «Ватанни қўмсаб» марши, «Дунай тўлқинлари» вальси, «Айрилиқ» полькаси ва «Эҳ тўлиб-тошган менинг саватчам» қўшиқларини ижро этди.

Тўтиқуш «бахт» билетчаларини тортиб чиқара бошлади. Қоғозга ўралган чақалар деразалардан дўлдай ёғиларди. Шарманкачи улардан баъзиларини шляпаси билан чаққон илиб оларди.

Кейин у шарманкасини орқасига ташлади-да, одати бўйича паст букчайиб, секин юриб кетди. У кўчага эмас, зинапоядан юқори кўтарилиб, бизнинг эшик олдига келди ва қўнғироқ дастасини тутди.

У бошидан шляпасини олиб, уни қўлида тутганича ер қадар эгилиб ойимга миннатдорчилик билдирди ва унинг қўлидан ўпди. Шу пайт отам чиқиб шарманкачини ўз хонасига таклиф қилди. Шарманкачи чолғусини даҳлизда деворга суяб қўйди-да, отамнинг кетидан аста юриб, ичкари кирди.

Отам шарманкачига коньяк қуйиб берди, сўнг унинг қандай машаққатли ва нотўғри ҳаёт кечираётганлигидан хабардорлигини, шунинг учун ҳам Жануби-Ғарбий темир йўлида қоровулликка жойлаб қўйишини айтди. Қоровулга мўъжазгина уй билан полиз қилиш учун ер ҳам берилар экан.

— Мени афв этингу, Георгий Максимович,— оҳиста жавоб қилди шарманкачи ва қизариб кетди.— Будкачи бўлиб ишлолмайман, юрагим сиқилиб хун бўлиб кетади. Пешанамга умр бўйи шарманка чалиб дайдиб юриш ёзилган, шекилли.

У кетди. Ойим, гарчи бир оғиз сўз айтмаса ҳам, лекин ниҳоятда хурсанд эди.

Бир неча кундан сўнг полиция кутилмаганда Святослав жариди яшовчиларни кўчириб юборди. Шарманкачи билан Лиза, чамаси, бошқа шаҳарга кўчиб кетишган бўлса керак, кўринмай қолишди.

Лекин улар ғойиб бўлгунга қадар, мен жарга яна бир марта боришга улгурдим. Шарманкачи мени «ульфатчиликка» таклиф қилган эди.

Тўнтариб қўйилган қути устида қўрда пиширилган помидор ва қора нон терилган тақсимча билан олчадан солинган бир шиша вино турарди. Тақсимча атрофида пушти ва оқ чизиқли ифлос конфетлар сочилиб ётарди.

Лиза сочларини чиройли ўриб, янги кўйлагини кийиб олган эди. У овқатни кам еяётганимдан ранжиб «тортинма, ўз уйингдагидай еб ўтир» деб қўярди. Тўтиқуш кўзларини юмиб, мудраб ўтирарди. Шарманка баъзан ўзидан-ўзи оҳангдор пишиллаб қўярди. Шарманкачи, қандайдир найчаларда туриб қолган ҳаво чиқса, шундай бўлади, деб тушунтирди.

Сентябрь кириб қолган, қош қорая бошлаганди. Қи-

ев кузини кўрмаган одам бу соатларнинг нақадар ажиб ва дилрабо эканини асло тасаввур қилолмайди.

Осмони фалакнинг қаеридадир милт этиб биринчи юлдуз пайдо бўлади. Кузнинг ҳашамдор либосига бурканган боғлар индамай тунни кутишади. Тунда эса албатта юлдуз учади. Боғлардаги дов-дарахтлар бу сайёҳ юлдузларни илиб оладилар-да, авайлаб ерга туширадилар. Шаҳарда бу пайт ҳамма уйқуда бўлади ва кишилар боғ билан юлдузнинг ошиқ-маъшуқлигидан беҳабар қоладилар.

Лиза мени уйгача кузатиб келди. Хайрлашаркан, у қўлимга пушти ранг ёпишқоқ конфетни тутқазди-да, пошналарини тўқиллатганича чопиб тушиб кетди. Мен кеч қолганим учун койишларидан чўчиб, узоқ вақт қўнғироқ дастасини ушлашга ботинолмай туриб қолдим.

## ҚИШКИ ТОМОШАЛАР

Рождество байрами кунни отам менга «галифакс» конькиси совға қилди.

Агар ҳозирги болалар ўша конькини кўриб қолгудек бўлишса, роса кулишган бўларди. Бироқ ўша пайтларда Галифакс шаҳрида ишланган конькидан яхшиси ҳеч қаерда йўқ деса бўларди.

Бу шаҳар қаерда ўзи? Мен ҳаммадан шуни сўраб суриштирар эдим. Қорга бурканган бу кўҳна Галифакс шаҳри қаерга жойлашган? У ерлик болалар ана шундай коньки тақиб яхмалак отишар экан. Бутун аҳолиси истеъфодаги денгизчилару, шўх мактаб болаларидан иборат бўлган, йил ўн икки ой қиш бўлиб турадиган бу мамлакат қаердайкин-а? Бу саволларимга ҳеч ким жавоб беролмасди.

Катта акам Борянинг айтишича, Галифакс шаҳар эмас, балки коньки ихтирочисининг номи экан, отам эса, Галифакс, ҳақиқатан ҳам Американинг шимолий қирғоғида жойлашган Нью-Фаунденд оролидаги бир шаҳарча бўлса керак, у фақат конькилари билан эмас, ғаввос итлари билан ҳам машҳур экан, деб айтди.

Коньки столим устида ётарди. Мен унга қараб ўтирар ва Галифакс шаҳри ҳақида ўй сурардим. Конькини олган заҳотим мен шу шаҳарни хаёлан шундай яққол

тасаввур қила бошладимки, унинг кўча ва майдонлари планини бемалол чизиб бера олардим.

Уша йили қишда гимназияга кириш имтиҳонларига тайёрланаётган эдим. Олдимга Малинин ва Бурениннинг масалалар тўпламини қўйиб олиб, узоқ вақт Галифакс ҳақида хаёл суриб ўтирардим.

Бу одатимдан ойим ташвишга тушарди. У менинг «фантазияларим»дан чўчир ва нуқул сенга ўхшаган болалар катта бўлганда қашшоқ бўлиб яшайди-да, бир кунмас-бир кун бирон девор тагида ўлиб кетади, дегувчи эди.

Уша кезларда «девор тагида ўлиб кетасан» деб каромат қилиш одат бўлиб қолган эди. Девор тагида ўлиш негадир ўта шармандалик ҳисобланарди.

Мен бундай кароматли сўзларни ҳар қадамда эшитиб турардим. Бироқ ойим кўпроқ менга қараб, «миянг жойида эмас, бошқа болаларга сира ўхшамайсан» дер ва ишқилиб, толеинг паст бўлиб чиқмасин-да, деб ташвиш торгарди.

Отам унинг сўзларини эшитиб, тутақиб кетар ва ойимга қараб:

— Толеи пастми, гадоми, дайдами, ким бўлса бўлсин, лекин ундан лаънати Киев обиватели чиқмаса бўлгани!— дерди.

Бора-бора ўзим ҳам хаёлчанлигимдан чўчиб уялаган бўлиб қолдим. Менга уйимдагилар елиб-югуриб бирор фойдали иш қилиб юрган пайтда, ҳар хил бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида бош қотиришим эриш туюла бошлади. Опам билан акаларим гимназияга қатнаб, уйга келиб дарс тайёрлашар, отам Жануби-Ғарбий темир йўли бошқармасида хизмат қилар, онам эса бизга кийим тикиб, ҳар хил уй-рўзғор ишлари билан шуғулланарди. Фақат мен оила манфаатларидан четда яшар ва вақтимни беҳуда ўтказардим.

— Уйда бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида бош қотириб ўтиргандан кўра яхмалак отгани чиқсанг-чи,— дерди ойим,— қандай боласан ўзинг, ахир! Авзойингни қара!

Мен яхмалак отгани кетардим. Қиш кунлари бир тутам бўларди. Қош қорайган пайтда ҳам яхмалакда бўлардим. Кеч кириши билан яхмалакка Ҳарбий оркестр келарди. Пўстинча кийиб олган гимназист қизлар қўлларини мўйнадан тикилган кичкина енгчага яшириб, тебрана-тебрана доира бўйлаб яхмалак учишарди, Гим-

назистлар эса орқалари билан бир оёқларига ўтиришганча, иккинчи оёқларини узатиб, «пистолет» услубида коньки отишарди. Бундай қилиш катта маҳорат саналарди. Уларга жуда ҳавасим келарди.

Уйга совуқдан қизариб, чарчаб қайтардим. Бироқ дилимдан тараддуд аримасди. Чунки яхмалак отиб қайтганимдан сўнг ҳам ўзимда хаёлга берилишга бўлган хатарли мойилликнинг йўқолмаганини сезардим,

\* \* \*

Қишда мени театрларга олиб боришарди.

Мен биринчи марта «Измаил қалъасининг олиниши» деган пьесани кўргандим. Саҳнанинг бир четида эски духоба шим кийган ва кўзойнакли бир кишини кўриб қолганим туфайли пьеса менга ёқмади. Ҳалиги киши Суворовнинг ёнида турарди. Бир вақт у Суворовнинг елкасидан қаттиқ итариб юборган эди, лашкарбоши сакраб-сакраб саҳнага чиқди-да, чинқириб ашула айта бошлади.

Бироқ иккинчи пьеса, Ростаннинг «Грез маликаси» мени ҳайратда қолдирди. Унда кема палубаси, ҳайбатли елканлар, трубадурлар, рицарлар, малика — хуллас, мени ҳаяжонлантирадиган ҳамма нарса бор эди.

Мен Соловцов драматик театрини, у ердаги курсиларнинг ҳаво ранг духобадан тикилган жилдларини ва мўъжазгина ложаларни жуда севиб қолдим. Спектаклдан сўнг, чироқлар ўчмагунча, мени театрдан олиб кетиш амри маҳол эди. Атир-упа ва апельсин пўстлоғининг ҳиди анқиб турган театр залидаги ғира-шира қоронғилик мени ўзига шу қадар ром қилиб қўйган эдики, бирон курси остига яшириниб олиб, бутун тунни бўм-бўш театрда ўтказишни орзу қилиб юардим.

Болалигимда мен театр томошаларини айни воқелик деб тушунганимдан ҳар спектаклдан сўнг ростакамига изтироб чекар ва ҳатто бетоб бўлиб қолардим.

Мендаги китоб ўқишга ҳавас биринчи бор театрга борганимдан сўнг пайдо бўлди. Масалан, «Мадам Сан-Жен» спектаклини кўришим биланоқ Наполеон ҳақида чиққан бор китобларни зўр бериб ўқий бошлардим. Шу тариқа театрда кўрилган давр ва кишилар ажойиб бир тарзда жонланар ҳамда зўр қизиқиш ва жозиба касб этарди.

Мен фақат спектаклларнинг ўзинигина севиб қолганим йўқ. Менга деворларига хира олтин ранг ромларга солинган кўзгулар осифлиқ коридорлар ҳам, пўстинлардан мўйна ҳиди анқиб турган ғира-шира кийимхоналар ҳам, садаф дурбинлар ҳам, театр эшиги олдида турган отларнинг дўпир-дўпири ҳам кўнглимга хуш ёқарди.

Антракт пайтлари мен коридор охирига югуриб борардим-да, деразадан ташқарига қарардим. Ташқари зимистон қоронғилик бўлиб, фақат дарахтларга инган қоргина оқариб кўринарди. Мен дарров орқамга ўгирилиб қарардим-да, ҳашамдор залдаги қандиллар ёғдусини, аёлларнинг сочи, билагузуклар, зиракларнинг ялт-юлтини ва саҳнанинг духоба пардасини кўрардим. Антракт пайтларида залдан эсан илиқ шамол пардани тебратиб турарди. Дераза олдида туриб, гоҳ ташқарига, гоҳ залга қарашни жуда яхши кўрардим.

Операни унча ёқтирмасдим. Балки мени биринчи бор Рубинштейннинг «Иблис» операсига олиб тушганлари учун ҳам шундай бўлгандир. Хўппа семиз, мертик юзли сурбет бир актёр эринчоқлик билан чўзиб-чўзиб Иблис парчасини ижро этарди. У юзини қарийб грим қилмаган эди. Қорни дўппайиб чиққан бу кап-катта кишининг ҳамма ёғига ялтироқ пистон тақилган қора докадан узун кўйлак кийиб, елкасига қанот боғлаб олгани жуда кулгили эди. Актёр «р» ҳарфини яхши талаффуз этолмасди. У «Проклятий мир, презренный мир»<sup>1</sup> деб ашула айтганда мен ўзимни кулгидан тўхтата олмагандим. Ойимнинг аччиғи чиқиб, мени шу-шу операга бошқа обормай қўйганди.

Ҳар йили қишда бизникига Городишчедан Дозя холам меҳмон бўлиб келарди. Ойим уни театрга олиб боришни яхши кўрарди.

Театрга борадиган куни Дозя холам кечаси ёмон ухлаб чиқарди. Спектаклнинг бошланишига бир неча соат қолганда у сариқ гул ва япроқларнинг сурати туширилган жигар ранг атлас кўйлагини кийиб, елкасига шу рангдаги рўмолини ташлаб олар ва қўлига тўр тутилган дастрўмолини олиб ўн ёшлар чамаси яшариб кетарди, сўнг чўчиброқ извошга чиқиб ўтирарди-да, ойим билан театрга кетарди. Барча украин аёллари каби Дозя

---

<sup>1</sup> «Лаънати дунё, манфур бу ҳаёт».

холам ҳам бошига кичик-кичик атиргулларнинг расми туширилган қора рўмол ўраб оларди.

Театрда ҳамманинг назари Дозя холамда бўлар, бироқ унинг ўзи спектаклга берилиб кетганлигидан атрофдагиларга эътибор ҳам қилмасди.

Уни аксари «Наталка Полтавка», «Запорожьелик Дунай ортида» ва «Шельменко-деншик» каби украин пьесаларига олиб боришарди. Бир куни Дозя холам спектаклнинг ўртасида шартта ўрнидан турибди-да, ёвуз одам ролини ижро этаётган актёрга қараб украин тилида қичқирибди:

— Нима қилипсан, аблаҳ! У-у кўзинг тешилсин сен уятсизни!

Томошабинлар гур этиб кулиб юборишибди. Дарҳол парда туширилибди. Дозя холам уялганидан эртаси кун бўйи йиғлаб, отамдан ўтиниб кечирим сўради, биз эсак уни қандай қилиб юпатишни билмасдик.

Кинога ҳам биринчи бор Дозя холам билан борганмиз. У пайтларда кинони «иллюзион» ёки «Люмьер синематографи» деб аташарди.

Биринчи сеанси Опера театрида кўрсатишганди. Отам иллюзионга жуда қойил қолган ва уни, йигирманчи асрнинг ажойиб янгиликларидан бири, деб олқишлаганди.

Саҳнага кул ранг нам полотно осиб қўйишди. Кейин қандиллар ўчди. Кишининг юрагига ваҳима солиб полотнога кўкимтир шуъла тушди ва пилдираб қора доғлар уча бошлади. Нақ бошимиз устидан чанг зарраларини ёритиб нур отилиб ўтди. Алланарса қаттиқ жазиллар, гўё орқамизда бутун бир тўнғизни ёгда қовуришаётгандек туюларди. Шунда Дозя холам ойимдан сўради:

— Бу иллюзион деганлари мунча жазиллайди? Товуқхонага ўт тушгандай ёниб кетмаймизми ишқилиб?

Полотнодаги шуъла узоқ липиллаб тургач, ниҳоят, «Мартиника оролида лаванинг отилиб чиқиши. Тасвирий картина» деган ёзув пайдо бўлди.

Экран титраб кетди, унда, гўё осмондан дўлдек ёғаётган чанг тўзони орасидан чиқиб келгандай, ёнар тоғ пайдо бўлди. Унинг қаъридан қуюндек лава отилиб чиқарди. Бу манзарадан ҳайратда қолган залда ғала-ғовур кўтарилди.

Тасвирий картинадан сўнг француз казармаси ҳаётидан олинган комедияни кўрсатишди. Горнист барабан

чалди, солдатлар ўринларидан сакраб туришиб, шоша-пиша шимларини кия бошлашди. Бир солдатнинг иштонига катта каламуш кириб қолган экан. У сакраб тушиб, казармада у ёқдан-бу ёққа югура бошлади. Солдатлар эса қўрқувдан қалт-қалт титрашганича, кўзларини ола-кула қилиб койка, эшик ва деразалар устига чиқиб кетишди. Шу билан картина ҳам тугади.

— Масхарабозлик!— деди ойим.— Фарқи фақат шундаки, Контракт ярмаркасидаги масхарабозлар одамни кўпроқ кулдиришади.

Бунга жавобан отам, калтабин одамлар бир вақтлар Стефенсоннинг паровозидан ҳам кулишган эди, деб жавоб қилди. Дозя холам эса отам билан ойимни муросага келтирмоқчи бўлиб, деди:

— Қўйинглар ўша иллюзионни! Бундай нарсаларга биз аёлларнинг ақлимиз етишига йўл бўлсин.

## ГАРДЕМАРИН

Киевда баҳор Днепр тошқини билан бошланади. Шаҳардан чиқиб, Владимир тепалигига кўтарилишингиз биланоқ, кўз ўнгингизда ястаниб ётган зилол денгиз намоен бўлади.

Бироқ Днепрнинг тошишидан ташқари, баҳор кезлари Киевда яна бир тошқин — қуёш нурлари, мусаффо ҳаво, илиқ ва муаттар шабада тошқини ҳам бошланади.

Бибиков хиёбонида адл шотераклар куртак ёзар, ён-атрофидаги кўчаларга улардан ладан ҳиди тараларди. Сўнг каштан новдаларида илк япроқлар пайдо бўларди. Сал ғижимлангандек бу тиниқ япроқлар қизғиш момиқ билан қопланганди.

Каштанларнинг сариқ ва пушти ранг гуллари қийғос очилганда, баҳор айни авжига чиққан бўларди. Кўҳна боғлардан кўчаларга салқин шабада, майсаларнинг намхуш ҳиди, яқиндагина ёзилган япроқларнинг шилдир-шилдири тараларди.

Ҳатто Крещчатикнинг йўлкаларида ҳам капалак қуртлари ўрмалаб юришарди. Шамол қуриган гулбарглари уюм-уюм қилиб тўпларди. Май қўнғизи ва капалаклар трамвай вагонларига учиб киришарди. Тун чоғи боғларда булбул наво қиларди. Терак кучаласи денгиз



кўпиги янглиғ йўлкаларга сурилиб келарди. Тош йўл ёқалари бўйлаб сап-сарик, момақаймоқ ўсиб ётарди.

Қандолат дўкони ва қаҳвахоналарнинг очиқ деразалари тепасига офтоб тушмасин деб, йўл-йўл соябонлар ўрнатишганди. Ресторан столчаларида сув сепилган сирень гуллари турарди. Қизлар сирень бутоқчалари орасидан беш япроқли гулни ахтаришарди. Буғдой поясидан тўқилган ёзги шляпаларини кийиб олишгандан уларнинг чеҳралари сарғиш тус олганди.

Киевда гул мавсуми бошланарди. Баҳорда мен кун бўйи боғларда қолиб кетардим. Уша ерда ўйнар, дарс қилар ва китоб ўқир эдим. Уйга эса фақат тушки овқатни егани-ю, тунгани келардим.

Улкан Ботаника боғининг мен кириб чиқмаган жойи қолмаганди, у ердаги жарлар, ҳовуз ва асрий аргувонлар ўсган серсоя хиёбонни беш панжамдек билардим.

Бироқ ҳаммасидан ҳам сарой ёнига жойлашган Липкадаги Мария паркини хуш кўрардим. У шундоққина Днепр тепасида жойлашганди. Уч одам бўйи келадиган нопармон ва оппоқ сирень буталар болариларнинг кўплигидан гўнғиллаб ва тебраниб турарди. Майсазорлар ўртасида фонтанлар сув пуркаб ётарди.

Днепрнинг қизғиш тусдаги тик қирғоқлари бўйлаб улкан гасма янглиғ Мария ва Сарой парклари, Подшоҳ ва Тужжорлар боғи чўзилиб кетганди. Тужжорлар боғидан машҳур Подол манзараси кўриниб турарди. Киевликлар бу жой билан жуда фахрланар эдилар. Тужжорлар боғида ёзи билан симфоник оркестр чалаётган музика садолари тинмасди. Бу ерда музика эшитишга ҳеч нима халақит бермасди. Аҳён-аҳёндагина Днепрдан сузиб кетаётган пароходларнинг чўзиқ гудоги музика садоларини бир оз босиб кетарди.

Днепр қирғоғидаги сўнги боғ Владимир тепалиги эди. У ерда князь Владимирнинг қўлида катта бронза крестини ушлаган ҳайкали бўларди. Крестга электр лампочкаларини ўрнатиб қўйишганди. Кечқурунлари уларни ёқишганда Киев осмонига ўтли бир крестни осиб қўйилгандек бўларди.

Киев баҳор кезлари шу қадар гўзал бўлардики, мен оғимнинг якшанба кунлари нима учун албатта Боярка, Пуша Водица ёки Дарница каби чорбоғларга боришга қизиқишини сира тушунолмасдим. Пуша Водицадаги бир-бирига айнан ўхшаш боғ участкалар мени зерикти-

рарди. Бояр ўрмонидаги шоир Надсон хиёбони эса мен учун эътиборсиз жой эди. Қарағайлар атрофи топталганлиги ва папирос қолдиқлари аралаш қум сочилиб ётганлиги учун Дарницани иқим суймасди.

Баҳор кунларининг бирида Мария паркка бориб Стивенсоннинг «Хазиналар ороли»ни ўқиб ўтиргандим. Опам Галя ҳам ёнимда ўтириб, китоб ўқирди. Унинг яшил лента тақилган ёзги шляпаси скамейкада ётарди. Шамол ленталарни ҳилпирашиб ўйнар эди.

Галянинг кўзлари бир оз хира бўлиб, у жуда оқ кўнгили қиз эди. Унинг бирон нарсадан ранжиб юрган пайтини мен сира кўрган эмасман.

Эрталаб ёмғир ёғиб ўтган, ҳозир эса баҳор осмони артилган шишадек тиниқ эди. Фақат сирень буталаридангина сергимаган ёмғир томчилари майса устига чакиллаб томиб турарди.

Бошига капалакнусха қилиб лента тақиб олган бир қизча қаршимизга келиб тўхтади-да, арғамчисини айлантириб сакрай бошлади. У китоб ўқишимга халақит бера бошлади. Мен сирень бутасини силкитдим. Ундаги ёмғир томчилари шувиллаб қизча билан Галянинг устига қуйилди. Қизча менга тилини кўрсатиб, қочиб кетди, Галя эса китобдаги ёмғир томчиларини силкиб тушириб, ўқишида давом этди.

Хўдди ўша чоқ мен келажак ҳақида рўёбга чиқмайдиган орзулар билан дилимга бир неча йил ғулғула солиб келган кишини кўриб қолдим.

Хиёбондан энгил одим ташлаб, нобча, хотиржам юзи офтобда қорайган баланд бўйли гардемарин<sup>1</sup> ўтиб борарди. У қора қинли ханжарини ялтироқ камарига осиб олганди. Зарҳал бўёқ билан лангарнинг расми туширилган қора ленталари энгил шабадада ҳилпираб борарди. Унинг бутун кийим-боши қора эди. Одмигина қилиб тикилган камзулидаги зарҳал нашивкаларигина кўзга яққол ташланиб турарди.

Денгизчилар аҳён-аҳёндагина кўриниб қоладиган Киевга бу одам фрегат «Паллада» ва елканли кемаларнинг афсонавий дунёсидан, барча океанлар, денгизлар, порт шаҳарлари, барча шамоллар ва денгиз сайёҳининг меҳнати билан боғлиқ бўлган барча жозибалар дунёси-

---

<sup>1</sup> Гардемарин — чор Россиясида денгизчи кадетлар корпусининг юқори синфида тарбияланган талаба (тарж.).

дан келиб қолгандай эди. Унинг ёнидаги дастаси қора қадимий шамшир Мария паркига гўё Стивенсон асари саҳифасидан чиқиб келгандай туюларди.

Гардемарин қумни шувиллатиб қадам босганича ёнимиздан ўтиб кетди. Мен ўрнимдан туриб унинг ортидан жўнадим. Кўзи хиралигидан Галя менинг ғойиб бўлганимни сезмай қолди.

Менинг денгизга бўлган бутун қизиқишим ҳозир ана шу кишида мужассамлашган эди. Мен гоҳ туманли, гоҳ кечки шафакдан зарҳал тусга кирган денгизлар ҳақида, янги-янги мамлакатлар сари узоқ саёҳатларга чиқиш ҳақида узоқ хаёл суриб юрардим. Қани энди, бирон кимса менга жилла бўлмаса кўҳна лангарнинг занг босиб кетган кичик бир бўлагини ҳадя қилса! Мен уни энг қимматбаҳо нарсадай сақлаган бўлардим.

Гардемарин ўгирилиб қаради. Унинг соябонсиз шапкасидаги қора лентада «Азимут» деган сирли сўзга кўзим тушди. Кейинчалик билишимча, бу Болтиқ флотидаги таълим кемасининг номи экан.

Мен унга эргашиб аввалига Елизавета, сўнг Институт ва Николаева кўчаларидан ўтиб бордим. Гардемарин пиёда қисм офицерларига бепарво, лекин келиштириб честь берар эди. Киев ҳарбийларининг бесўнақай ва қўполлигидан унинг олдида уялиб кетдим.

Бу орада бир неча бор орқасига ўгирилиб қараган Гардемарин Мерингов кўчасининг муюлишига етганда тўхтаб, мени олдига чақирди.

— Хўш, йигитча,— сўради у истеҳзо аралаш,— нега энди шатакка олинган кемадай менинг орқамдан тушиб қолдингиз?

Мен қип-қизариб кетдим ва ҳеч нима демардим.

— Ҳаммаси равшан: бу киши денгизчи бўлишни орзу қиладилар,— деди гардемарин негадир менинг ҳақимда учинчи шахсда гапирар экан.

— Кўзим узоқни кўролмайди,— жавоб бердим мен нафасим ичимга тушиб.

Гардемарин озғин қўлларини елкамга ташлади:

— Қани, юринг, Қрешчатиккача борамиз.

Биз ёнма-ён юриб кетдик. Мен гардемаринга қарашга ботинмас ва фақат унинг ялтиратиб мойланган пишқ ботинкасинигина кўриб борардим.

Қрешчатикка етганимизда гардемарин мен билан Семадени қаҳвахонасига кирди-да, икки порция мо-

роженое билан икки стакан сув буюрди. Бизга мороженоени уч оёқли кичкина мрамар столчага келтириб беришди. Муздек совуқ столчанинг ҳамма ёғига рақамлар ёзиб ташланганди — Семадени қаҳвахонасида аксари биржа корчалонлари йиғилишар ва мрамарга ёзиб ўз фойда ва зиёнларини ҳисоблашар экан.

Биз индамай мороженоени еб тугатдик. Гардемарин ҳамёнидан елканли ва кенг трубали ажойиб корветнинг фотосуратини чиқариб, менга узатди:

— Эсдаликка олиб қўйинг. Бу менинг кемам. Мен унда Ливерпулга борган эдим.

У қўлимни маҳкам қисиб қаҳвахонадан чиқиб кетди. Ён-атрофда иссиқдан терлаб-пишиб ўтирган кундашундалар ва официант менга ажабланиб қарай бошлагунча қаҳвахонада ўтириб қолдим. Кейин ўнғайсизланиб у ердан чиқдим-да, Мария парки томон югуриб кетдим. Скамейкада ҳеч ким йўқ эди. Галя кетиб қолибди. Йиғлаб юборишимга сал қолди. Гардемарин менга ачинганини фаҳмадим. Шунда биринчи бор ачиниш киши дилига оғир ботишини тушундим.

Шу учрашувдан сўнг денгизчи бўлиш ҳақидаги орзу мени кўп йиллар давомида қийнаб келди. Мен денгиз сари интилардим. Уни биринчи марта юзакигина Новороссийскда, у ерга отам билан бир неча кунга борганимда кўрган эдим. Бироқ бу мен учун етарли эмасди.

Соатлаб атласга тикилиб ўтиришни, океан қирғоқларидан номаълум шаҳарчалар, бурун, ороллар, дарёларнинг қуйилиш жойларини қидириб топишни яхши кўрардим.

Ушанда мен мураккаб бир ўйинни ўйлаб чиқаргандим. Мен «Қутб юлдузи», «Вальтер Скотт», «Хинган», «Сириус» каби номлари жарангдор пароходларнинг узун рўйхатини тузиб чиқдим. Бу рўйхат кундан-кунга катталашиб борарди. Дунёдаги энг катта флот меники эди.

Мен албатта, ўзимга тегишли пароход конторасида, сигара тутунига ўралиб, ранг-баранг плакатлар ва жадваллар орасида ўтирардим. Катта деразалар, табиий, қирғоққа қараган бўларди. Пароходларнинг сариқ мачталари деразанинг шундоқ ёнгинасида қаққайиб турар, девор ортида эса қайрағочлар шовиллашини қўймасди. Пароход тутуни ачиган намақоб ва яқингинада тўқилган ранг-баранг чипта ҳиди билан аралашиб, хонага оқиб кириб турарди.

Ўз пароходларим учун ажойиб рейслар рўйхатини тузиб чиққандим. Ер куррасида биронта хилватгоҳ қолмаган эдики, у ерга менинг пароходларим бормаган бўлсин. Улар ҳатто Тристан Д'Акунья оролига ҳам бориб туришарди.

Мен пароходларимни бир рейсдан олиб иккинчи рейсга юбораверар эдим. Мен ўз кемаларимнинг сузишини диққат билан кузатиб борар ва бугун «Адмирал Истомин» қаерда-ю, «Учқур голландиялик» қаёқда эканлигини аниқ билардим: «Истомин» Сингапурда банан ортаётган, «Учқур голландиялик» эса Фарер оролларида ун тушираётган бўларди.

Бундай катта пароход агентлигига раҳбарлик қилиш учун мен жуда кўп нарсаларни билишим керак эди. Шунинг учун ҳам ҳар хил маълумотномалар, кема жүрналлари, хуллас, денгизга сал бўлса-да тааллуқли бўлган барча китобларни тинмай ўқирдим.

Ўшанда биринчи бор ойимдан «менингит» деган сўзни эшитгандим.

— Бу ўйинлари билан бир балога гирифтор бўлмасайди, ҳали,— деди ойим бир куни.— Ишқилиб менингитга дучор бўлмасин-да.

Мен менингит — ўқишни жуда эрта ўрганиб олган болаларнинг қасаллиги, деб эшитгандим. Шунинг учун ҳам ойимнинг ташвишини эшитиб илжайиб қўя қолдим.

Охири ойим билан дадам, ёзда бутун оиламиз билан денгиз соҳилига борамиз, деган қарорга келишди.

Энди фаҳмлашимча, ойим ўшанда бу саёҳат билан менинг денгизга бўлган иштиёқимни сўндирмоқчи бўлган экан. Ойим, мени бошқаларда ҳам бўлгани каби орзу қилиб юрган нарсаси билан бевосита тўқнашгач, ундан ҳафсаласи пир бўлади, деб ўйлаган эди. Бироқ унинг фикри қисмангина тўғри чиқди.

## ЖАННАТНИНГ КУРИНИШИ

Бир куни ойим дабада билан, яқинда ҳаммамиз Қора денгизга, Новороссийск ёнидаги кичкинагина шаҳарча Геленжиққа жўнаймиз, деб қолди.

Менинг жануб ва денгизга бўлган иштиёқимни сўн-

дирмоқ учун Геленжиқдан дурустроқ жойнинг ўзи бўлмаса керак.

Геленжиқ ўша пайтларда дов-дарахт деган нарсдан нишон ҳам йўқ, ҳамма ёғини чанг босган ва доим жазирама иссиқ бўлиб турадиган бир шаҳарча эди. Новороссийскнинг гармсели — норд-ост бир неча километр атрофдаги кўкат зотини буткул жизғанак қилиб ташлаган эди. Боғчаларда фақат чақир тиканагу, сариқ япроқлари қовжираб қолган жонсиз акацларгина ўсарди. Баланд тоғлардан соҳил томон жазирама иссиқ эсарди. Кўрфазнинг бир четида цемент заводи трубаларидан тутун буруқсимоқда эди.

Бироқ Геленжиқ кўрфазининг ўзи жуда чиройли эди. Кўрфазнинг илиқ ва шаффоф сувида пушти ва зангори гуллар каби катта-катта медузалар сузиб юришарди. Сув тубидаги қумда ола-була камбалалар ва майда чақчаймакўз балиқлар мудраб ёғишарди. Тўлқин қирғоққа қип-қизил йўсин, балиқчиларнинг тўридан узилиб тушган чирик пўкаклар ва сув у ёқдан-бу ёққа суравериб сийқалаган тўқ яшил шиша синиқларини чиқариб ташларди.

Геленжиқни кўрганимдан кейин ҳам денгиз кўз ўнгимда ўз латофатини йўқотмади. У фақат менинг ширин орзуларимдагига қараганда оддийроқ ва шунинг учун ҳам янада жозибалироқ бўлиб қолди.

Геленжиқда мен кекса қайиқчи Анастас билан дўстлашиб қолдим. Унинг миллати грек бўлиб, ўзи асли Воло шаҳрида туғилган экан. Анастаснинг елканли янги шлюпкаси бўлиб, унинг тепаси оқ, таги эса қизил рангга бўялган эди. Қайиқчи шлюпка тўшамасини доим топ-тоза қилиб ювиб қўяр экан.

Анастас шлюпкада дам олувчиларни сайр қилдириб юрарди. У эпчил ва моҳир қайиқчи сифатида ном чиқарган эди. Шунинг учун ойим баъзан Анастас билан бир ўзим сайр қилишимга ҳам рухсат берарди.

Бир куни Анастас билан кўрфаздан очиқ денгизга чиқдик. Елкан шамолдан шишиб, қайиқ ичига сув кириб кетар даражада бир томонга қийшайиб, сузиб кетган пайтда қандай даҳшатга тушганим ва шу билан бирга дилим шавққа тўлгани сира ёдимдан чиқмайди. Улкан долғалар шовиллаганича кўкиш товланиб, қаршимиздан сирпаниб келар ва шўртанг сув томчиларини юзимизга уфуриб ўтиб кетарди.

Мен елканни тортиб турган арқонга ёпишдим, соҳилга қайтгим келиб кетди. Бироқ Анастас трубкасини тишлаганича ниманидир минғиллаб хиргойи қиларди. Кейин у:

— Войбўй, чувагинг зап чиройли эканми! Ойинг уни нечпулга олиб берди?— деб сўраб қолди.

Анастас юмшоқ кавказча туфли-чувакларимга ишора қилди. Оёқларимгача қалтираб кетганлигидан жавоб ҳам қилолмадим. Анастас эснаб қўйиб гапида давом этди:

— Ҳечқиси йўқ! Баданинг ивуса иштаҳанг карнай бўлади. Овқат еяётганингда, отанг учун е, онанг учун е, деб ялинишларига ҳам ҳожат қолмайди.

У бепарволик билан шлюпкани дадил бурди. Қайиқнинг ичига бир оз сув кирди-ю, биз гоҳ пастга тушиб, гоҳ долға тепасига кўтарилиб, кўрфаз томон сузиб кетдик. Тўлқинлар ўшқирганича қўйруқ остидан ўтиб, ортда қоларди. Юрагим орзиқиб-орзиқиб тушарди.

Кутилмаганда Анастас ашула бошлаб қолди. Мен қалтирашдан тўхтаб, таажжубда унинг ашуласига қулоқ солдим:

Ботумидан Сухумгача —  
Ой-вой-вой!

Сухумидан Ботумгача —  
Ой-вой-вой!

Бола қочди, олиб қути —  
Ой-вой-вой!

Сўнг йиқилди, синди қути —  
Ой-вой-вой!

Шу ашула оҳанги остида биз тезда пристанга етиб келиб, елканни туширдик. У ерда бизни қўрқувдан оппоқ оқариб кетган ойим кутиб турган экан. Анастас мени қўлига олиб, пристанга қўйди-да, деди:

— Ана мадам, ўғлингиз шўр сувдан тотиб кўрди! Энди денгизда бемалол сузавериши мумкин.

\* \* \*

Бир кунни отам катта бир извошни кира қилиб, бизни Геленжиқдан Михайлов довонига олиб борди.

Дастлаб шағал ётқизилган йўл ҳамма ёғини чанг босган; яланғоч тоғларнинг ён бағридан борди. Биз бир

томчи ҳам суви йўқ жарлар устидаги кўприклардан ўтиб борардик. Тоғ тепасидаги қуриган кул ранг пахта янглиғ булутлар, гўё чўққиларга илиниб қолгандек, кун билан ҳеч қаёққа жилмади.

Мен жуда чанқаган эдим. Малла извошчи казак орқасига ўгирилиб, нуқул довонгача сабр қилинг, ўша ерда муздек ва хушхўр сув ичасиз, дер эди. Бироқ мен извошчининг гапига ишонмасдим. Тоғнинг яланғочлиги ва сувнинг йўқлиги мени чўчитарди. Узоқдан қорамтир тасмадек бўлиб кўринаётган денгизга маъюслик билан қараб-қараб кўярдим. Денгиз сувини ичиб бўлмасди, лекин унинг муздек роҳатбахш сувида маза қилиб чўмилиб олиш мумкин эди.

Йўл борган сайин юқорилаб борарди. Бирдан юзимга салқин шабада урилди.

— Довонга етдик!— деди извошчи ва отларни тўхтатиб аравадан тушди-да, филдиракларнинг остига темир ғўлача қўйиб чиқди.

Кўз ўнгимизда қалин ва улкан ўрмон ястаниб ётарди. У уфққа қадар тоғлар устидан тўлқин янглиғ чўзилиб кетганди. У ер-бу ерда кўм-кўк дарахтлар орасидан гранит қоялар кўзга ташланарди, узоқда эса, қор ва муз билан қопланган тоғ чўққиси кўзни қамаштиргудек порлаб турарди.

— Норд-ост бу ерга етолмайди,— деди извошчи.— Жаннат макон жой бу!

Арава пастга туша бошлади. Шу заҳоти устимизга салқин соя тушиб, қулоғимизга чакалакзордаги жилғанинг шилдираши, қушларнинг чийиллаши ва енгил шабададан тебранаётган япроқларнинг ивир-шивири чалинди.

Пастга тушганимиз сайин ўрмон қалинлашиб, йўл тобора серсоя бўлиб борарди. Тип-тиниқ жилға энди йўлнинг шундоққина четидан ўйноқлаб оқарди. У ранг-баранг тошларнинг устидан сирпаниб, нопармон гулларни тортқилаб тебратар эди-ю, бироқ уларни сертош ердан суғуриб олиб, пастга суриб кетишга ожизлик қиларди.

Ойим жилғадан бир кружка сув олиб, менга узатди. Сув шу қадар совуқ эдики, кружка бир зумда телчираб кетди.

— Озон ҳиди келяпти,— деди отам.

Мен чуқур нафас олдим. Атрофдан ниманинг ҳиди келаётганини аниқ билмасдим, бироқ мени хушбўй ём-



гир сувига ботириб олинган новдалар билан кўмиб ташлашгандек туюларди.

Дарахтлардан осилиб турган чирмовиқлар бошимизга уриларди. Гоҳо йўлнинг четидаги тошлар ортидан бирон сертук гул мўралар ва аравамизга ҳамда чопиб кетмаслик учун оёқларини тираб, бошларини баланд тутганича худди параддагидек тантанавор юриш қилиб кетаётган кўк отларимизга қизиқиб қараб қоларди.

— Ана калтакесак!— деди ойм.

— Қани?

— Хув анови ерда. Гуллаб турган ёнғоқ дарахтини кўряпсанми? Чапроқда эса майса орасида қип-қизил тош ётибди. Ушандан юқорироққа қара. Сариқ гулни кўряпсанми? Бу азалия. Азалиядан сал ўнгроқда, қулаган шамшод дарахтида, илдининг шундоқ ёнгинасида. Хув ана, кўряпсанми, қуруқ ерда, қандайдир кўм-кўк жимит гуллар орасида сап-сарик тукли бир илдиз турибди. Калтакесак ана шунинг ёнида.

Ниҳоят калтакесакни кўрдим. Бироқ уни қидириб топгунимча кўзим гуллаган ёнғоқ, қип-қизил тош, азалия ва қулаган шамшодларни сайр қилиб чиқди.

«Кавказ деганлари шу экан-да!»— ўйладим мен.

— Бу ер жаннат!— деди яна извошчи, аравани тош йўлдан ўрмон орасидаги торгина майсазорга бураркан.— Ҳозир отларни чиқарамиз-да, иннайкейин чўмиламиз.

Биз чангалзор ичига кириб бордик, шунда новдалар чирсиллаб юзимизга чунонам қаттиқ урила бошладики, отларни тўхтатиб, аравадан туришга ва у ёғига пиёда юришга тўғри келди. Извош аста юриб, ортимиздан борди.

Бир оз юргач, кўм-кўк дара ичидаги ялангликка чиқдик. Сўлим ўт орасида, оппоқ ороллар каби, тўда-тўда бўлиб баланд бўйли қоқигул ўсганди. Қалин ўсган шамшодлар остида ташландиқ омборхона кўринарди. У тоғ оралаб оқаётган сершовқин жилға қирғоғига жойлашган эди. Жилғанинг зилол суви тошдан тошга сакраб оқар, живирлар ва беҳисоб пуфакчалар ҳосил қилганича пастга қараб югурарди.

Извошчи отларни аравадан чиқариб, отам билан гулхан учун чўпичак териб келгунча биз жилға сувида ювиниб олдик. Муздек сув юзимни ловиллатиб юборди.

Биз ўша заҳоти сой бўйлаб юқори кўтарилмоқчи бўлган эдик, бироқ ойим майса устига дастурхон ёзиб, саватдан егулик олди ва овқатланиб олмагунларингча ҳеч ёққа юбормайман, деди.

Мен гўштли бутерброд ва майиз солиб пиширилган совуқ шовлани апил-тапил еб битирдим. Бироқ бекорга шошилган эканман — гулхан тепасига осилган мис чойнак аксига олиб қайнагиси келмасди. Сув ҳаддан ташқари совуқ бўлганлигидан қайнови қийин бўлаётган бўлса ажаб эмас.

Кейин чойнак бирдан чунонам шақиллаб қайнаб бердики, ҳатто суви гулхан устига тошиб тўкила бошлади. Биз тўйиб аччиқ чой ичиб олдик ва тезроқ ўрмонга борайлик, деб отамизни қистай бошладик. Извошчи бизга, эҳтиёт бўлинглар, чунки ўрмонда ёввойи тўнғизлар кўп, деб тайинлади. Агар ерда кичкинагина чуқурча қазилганини кўриб қолсангиз, билингки, бу тўнғизнинг тунайдиган жойи бўлади, деди у.

Ойим безовталаниб қолди, нафаси сиқилиши сабабли у биз билан боролмасди, лекин извошчи, тўнғизнинг жиғига тегилсагина, у одамга ҳамла қилади, деб уни тинчитди.

Биз сой бўйлаб юқорига қараб кетдик. Чангалзор орасидан базўр ўтиб борар эканмиз, сойнинг суви гранитни ўйиб ҳосил қилган, кўкиш товланиб хонбалиқлар сузиб юрган ҳовузлар, узун мўйловли зангори қўнғизлар, серкўпик жавроқи шаршаралар, катта одам бўйи келадиган қирқбўғимлар, бир-бирига чирмашиб ўсган оёқтовон гуллари ва саллагул билан қопланган ялангликларни бир-биримизга кўрсатмоқ учун минут сайин тўхтар эдик.

Боря ёш болаларнинг ваннасига ўхшаш, чанг босган чуқурчага дуч келиб қолди. Биз эҳтиётлик билан уни четлаб ўтдик. Чамаси, бу ёввойи тўнғизнинг тунаш жойи бўлса керак.

Отам олдинга кетиб қолганди. Бир маҳал у бизни чақира бошлади. Биз мох босган катта-катта харсанг тошларни айланиб ўтиб, итшумурт орасидан унинг олдига бордик.

Отам ҳамма ёғи маймунжон босиб кетган ғалати бир иншоот олдида турарди. Силлиқ қилиб йўнилган тўрт улкан тош усти худди шундай бешинчи тош билан ёпилганди. Шу тахлит тош уй ҳосил бўлган эди.

Девор бўлиб турган тошлардан бирида кичкинагина туйнукча ўйиб қўйилган экан. У шу қадар кичкина эдики, бу туйнукчадан ҳатто мен ҳам сиғиб ўтолмадим. Атрофда бундай кулбалардан яна бир нечтаси кўришиб турарди.

— Долменлар булар,— деди отам.— Қадимги скифларнинг даҳмаси. Балки даҳма эмасдир. Ҳозирга қадар олимлар бу долменларни ким, нима учун ва қандай қилиб қурганини аниқлай олишмаяпти.

Мен долменлар аллақачон қирилиб битган пакана одамларнинг қароргоҳи эканлигига қаттиқ ишонар эдим. Бироқ бу ҳақда отамга ҳеч нима демадим, чунки ёнимизда Боря бор эди; агар мен шундай десам, у мени, албатта, калака қилган бўларди.

Биз Геленжиққа офтобда обдан қорайиб, ўрмон ҳавоси ва чарчоқдан маст бўлиб қайтдик. Мен ухлаб қолдим ва уйқу аралаш юзимга иссиқ шамол тафти урилганини ва узоқдан келаётган денгиз шовқинини эшитиб ётдим.

Шу-шу хаёлан мен яна бир ажойиб ўлка — Кавказнинг ҳукмдори бўлиб қолган эдим. Энди Лермонтов асарларига, абреклар ва Шомил кўзғолонининг тарихига қизиқиш бошланди. Ойим яна ташвишлана бошлади.

Ҳозир ёшим ўтиб қолган бир пайтда, болалигимдаги қизиқишларимни зўр мамнуният билан эсга оламан. Улар мени жуда кўп нарсаларга ўргатди.

Бироқ мен ҳаяжондан сўлакайини оқизиб, тўс-тўполон кўтарадиган ва бир нарсага қизиққач, лов этиб ёниб, дарров ўчадиган, ҳеч кимга тинчлик бермайдиган болаларга сира ўшшамасдим. Аксинча, мен жуда камсуқум бўлиб, ўз майл ва ҳавасларим билан ҳеч кимга тифизлик қилмас эдим.

## **БРЯНСК УРМОНЛАРИ**

1902 йилнинг кузида мен Биринчи Киев гимназиясининг тайёрлов синфига киришим керак эди. Уша пайт бу гимназияда менинг ўртанча акам Вадим ўқирди. Унинг гапларини эшитгач, гимназиядан қўрқиб қолдим, баъзан эса ҳатто кўзимга ёш олиб, ойимдан мени уйда қолдиришларини илтимос қила бошладим.

— Наҳотки экстерн бўлишни истасанг?— капалаги учиб сўрарди ойим.

Экстерн деб, уйда ўқийдиган ва гимназияда ҳар йили фақат имтиҳон топширадиган болаларни айтишарди.

Акаларимнинг айтишлари бўйича, мен бояқиш экстернларнинг бошига не кунлар тушишини жуда яхши тасаввур қилардим. Бечораларни имтиҳонда жўрттага қулатишар, ҳар қанақасига таҳқирлашар, улардан оддий гимназистларга қараганда анча кўп билимларни талаб қилишар экан. Экстернлар ҳеч ёқдан нажот кута олмас, уларга ҳатто ҳеч ким айтиб ҳам турмас экан.

Ойимнинг гапидан сўнг мен дарҳол ёдлайвериб силласи қуриган, ҳаяжондан шалпанг қулоқлари қип-қизил, йиғламсираган болаларни кўз олдимга келтирардим. Уларнинг кўриниши ҳақиқатан ҳам аянчли эди. Шунда мен таслим бўлиб, дердим:

— Хўп, яхши, мен экстерн бўлмайман.

— Ҳе, нозикойим!— қичқирарди ўз хонасидан Боря,— эркананоқ!

— Бас қил, иккинчи уни хафа қилганингни кўрмайин!— дерди ойим аччиғи чиқиб.

У Боряни тошбағир деб ўйлар ва нуқул, нега унинг кўнгли бундай қаттиғ-а, деб ҳайрон бўлиб юрарди. Чамаси, нотариус бобоси билан турк бувисига тортгандир-да. Шулардан бўлак оиламизнинг ҳамма аъзоларига раҳмдиллик, одамларга тез элакишиб кетишлик ва тажрибасизлик хос эди.

Отам менинг қўрқувларим, дилимдаги ғулғула ва кўз ёшларимдан яхши хабардор эди. У ўз одати бўйича, бу кулфатдан қутулишнинг сира кутилмаган йўлини топди. У ойим билан бир оз айтишиб олгач, менинг бир ўзимни тоғам Николай Григорьевичникига юборишга қарор қилди.

Бу каникул пайтларида Петербургдан Черкассига бувимникига келадиган ва Надя холам билан вальс тушишни яхши кўрадиган қувноқ юнкер — Коля тоғам эди. Ҳозир у ҳарбий инженер бўлиб етишган ва уйланган бўлиб, Орёл губернасидаги Брянск шаҳрида қадимий тўп-лафет заводида ишларди. Бу заводни қўрхона деб аташарди.

Коля тоғам ёзда шаҳар яқинидаги Брянск ўрмонида жойлашган Ревна амлокини ижарага олиб, ҳамма

мизни ўша ерга таклиф қилган эди. Ойим билан отам бу таклифни қабул қилишганди. Бироқ улар опам билан акаларимнинг имтиҳонлари тугамагунча у ерга бориша олмасди. Шу боисдан улар ҳаммадан олдин менинг бир ўзимни юборадиган бўлишди.

— Ургансин-да, ахир,— деди отам.— Бунақа саёхатнинг Костяга ўхшаган уятчан болаларга фойдаси катта.

Отам Коля тоғамга хат ёзди. Хатида у нима деб ёзганидан менинг хабарим йўқ. Ойим бўлса, яширинча кўз ёшларини артиб, менга кичкинагина бир чамадонни ҳозирлаб берди. Унда ҳеч нарса унутилмаган ва ҳатто ҳар хил йўл-йўриқлар ёзилган қоғоз ҳам солиб қўйилган эди.

Менга Синезерка станциясигача иккинчи класс вагонига билет олиб беришди. Тоғамнинг чорбоғи ана шу станциядан ўн чақирим нарида экан.

Мени кузатгани вокзалга ҳаммалиги, ҳатто Боря ҳам чиқди. Отам мўйлови оппоқ проводник билан ниманидир гаплашди-да, унга пул берди.

— Сиз, хоним, сираям хавотир олманг,— деди проводник ойимга.— Уғлингизни кафтимда авайлаб етказиб обораман.

Ойим купедаги ҳамроҳларимдан, менга кўз-қулоқ бўлиб туришларини, станцияларда вагондан чиқишимга асло руҳсат бермасликларини илтимос қилди. Ҳамроҳларим бунга бажону дил рози бўлишди. Мен жуда уялар ва аста ойимнинг енгидан тортар эдим.

Иккинчи қўнғироқдан сўнг ҳаммалиги мени ўпишди. Ҳатто Боря ҳам, гарчи ҳеч кимга сездирмай бошмалдоғини қоқ миямга қаттиқ ботириб олса-да, ўпиб хайрлашди.

Кейин ҳамма вагондан платформага чиқди. Лекин ойим ҳамон ёнимдан кетолмасди. У қўлимдан ушлаб олиб нуқул:

— Яхши бола бўлгин. Хўпми? Ақлинг жойида бўлсин. Орқа-олдингга қараб иш тут,— дерди.

У мендан кўзини узмай, тикилиб турарди. Ниҳоят, учинчи қўнғироқ ҳам чалинди. Ойим мени бағрига босди-да, сўнг тез-тез юриб, қўйлагини шилдиратганича эшик томон йўналди. У сакраб тушаётганида поезд қўзғалган эди. Отам уни ушлаб қолди ва бошини қимирлатиб қўйди.

— Мен ёпиқ дераза ёнида оймнинг платформа бўйлаб ҳаммадан олдинда тез-тез одим отиб келаётганига қараб турдим. Шунда мен биринчи бор унинг қандай кўҳлик, ихчам ва меҳрибон она эканлигини ҳис этдим. Кўзимдан деразанинг чанг босган ромига ёш томарди.

Ойим турган платформа ортда қолиб, кўринмай қолган бўлса-да, мен анчага довр ташқарига тикилганимча туравердим. Дераза ортидан энди юк вагонлари, қичқироқ маневр паровозлари физиллаб ўтиб турар ва гўё чир айланаётгандек Васильковский кўчасидаги янги қурилган серқубба костёл аста орқада қолиб кетарди. Агар ўгирилиб қарасам, купедаги ҳамроҳларим йиғламсираб турганимни сезиб қолишади, деб чўчирдим. Кейин менинг боришим ҳақида Коля тоғамга телеграмма юборишганини эсладим. Менинг тўғримда чинакам телеграмма юборишганидан кўнглим кўтарилиб, бир оз ўзимга келдим-да, ортга ўгирилиб қардим.

Купега қизил духоба сирилган экан. У хийла тор бўлса-да, анчайин шинам эди. Қуёшнинг деворга акс этган серчанг нурлари бирданига, гўё биров команда бергандек, купенинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига қараб ўрмалаб қолишди, сўнг ҳудди шу йўсинда орғларига қайтишди — поезд Киев қасабаларини ортда қолдириб, энди илон изи йўлдан елиб борарди.

Оймнинг қистови билан менга билетни аёллар купесидан олишганди. Мен купедаги хонимларга зимдан кўз югуртириб чиқдим. Улардан бири, қорачадан келган, қотмагина француз аёл менга қараб бошини сарак-сарак қилганича йирик тишларини кўрсатиб жилмайди-да, мармаладли қутичани тутди. Мен аввалига нима қилишни билмай қолдим, кейин миннатдорчилик билдирдим-да, қўлимни шира қилиб, бир дона мармалад олдим.

— Уни тезроқ оғзингга сол! — деди иккинчи ҳамроҳим — жигар ранг форма кўйлак кийган, ғилай кўзли, ўн олти ёшлардаги қувноқ гимназистка. — Энди бемалол чайнайвер!

Француз аёл, чамаси, мураббия бўлса керак, гимназисткага қараб жиддий оҳангда французчалаб нимадир, деди. Гимназистка бунга жавобан дарҳол бурнини қийшайтирди. Шундан сўнг мураббия жаҳл билан бидирлаб, француз тилида узоқ гапирди. Гимназистка

эса панд-насихатнинг тугашини кутиб ўтирмай, ўрнидан шартга турди-да, коридорга чиқиб кетди.

— Эҳ, ёшлар!— деди учинчи ҳамроҳим, оғзи тешиккулчага ўхшайдиган, паст бўйли хўппа семиз кампир. Дарҳақиқат, унинг ёнидаги илгакка осифғлиқ саватчада седана сепилган бир талай тешиккулча кўзга чалинардди.— Эҳ, қурмағур ёшлар-эй, ёшлар!

— О-о!— бош қимирлатди француз аёл.— Уларга фақат қулоқсизлик қилиш бўлса. Фақат фиф бўлса! Турган-битгани инжиқлик уларнинг!

«Фиф» сўзи қандай маъно англатишини билмасдим. Бироқ кампирнинг шифтга тикилиб, оғир хўрсиниб қўйганидан унга ҳатто француз мураббия ҳам қизиқиб қараганлиги туфайли, бу сўз бирон ёмон маънони англатса керак, деб ўйладим.

Йўл четидаги манзарани томоша қилгим келганидан йўлакка чиқдим. Гимназистка очиқ дераза ёнида турган экан.

— А, Витя!— деди у менга.— Кел, ёнимга тур, бирга томоша қиламиз.

— Мен Витя эмасман,— жавоб қилдим мен қипқизариб кетиб.

— Барибир эмасми, тураверсанг-чи.

Иссиқ ҳаво ўтадиган труба устидаги супачага оёқ қўйиб, деразадан бошимни чиқардим. Поезд Днепр кўпригидан ўтиб борарди. Нарироқда Лавра кўзга ташланар, узоқда эса Киев кўриниб турарди. Днепр анча саёзлашиб қолган бўлиб, кўприк устунлари ёнида чўкинди қумлардан ороллар ҳосил бўлганди.

— Алжиган кампир!— деди гимназистка.— Мадам Демифам! Лекин ундан қўрқма. Ўзи жуда меҳрибон кампиршо.

Менинг саёҳатим ана шу зайлда бошланди. Манзилга етиб боргунга қадар жуда чарчадим, чунки тунларни ҳисобга олмаганда, бутун йўл давомида очиқ дераза ёнида тик туриб бордим. Бироқ мен жуда бахтиёр эдим. Чунки ўшанда биринчи бор ўзимни одатда поездда саёҳат қиладиган барча кишилар каби бепарво ҳис этгандим. Бундай кезларда одам ҳеч кимнинг ташвишини тортмай, фақат дераза ёнидан липиллаб ўтаётган буғдой экилган далалар, қайинзор, кичик-кичик станциялар (бундай станцияларда ялангёқ хотинлар сут сотишгуччи эди), жилғалар, стрелкачилар, бо-

шига чанг босган қизил шапка кундириб олган станция нозирлари, ғозлар ва поезд ортидан чопиб: «Жон амаки, бир тийин ташлаб кетинг», деб қичқирадиган қишлоқ болаларини томоша қилиб борарди, холос.

У пайтларда Брянсккача бўлган йўл жуда узоқ бўлиб, Львов ва Навля орқали айланиб борарди. Уч кун деганда поезд Синезерки станциясига етиб келди.

Поезд ошиқич юргани йўқ. У станцияларда узоқ-узоқ қолиб кетар ва пишилаганича водокачкалар ёнида туриб қоларди. Аввалига пассажирлар қайнаган сув оқиб турган будкага ва буфетга қараб чопишар, қулупнай ва қовурилган жўжа гўшти сотаётган хотинлар билан савдолашишарди. Кейин ҳамманинг кўнгли ўрнига тушиб вагон вагонига қараб тарқалишарди. Аллақачон жўнаш лозим бўлиб, станцияга оғир сукунат чўмар, қуёш аёвсиз қиздирар, ердаги кўкимтир сояларини судраб булутлар сузиб борар, пассажирлар мудрашар, поезд эса турганича қаққайиб турарди. Фақат паровоз қаттиқ-қаттиқ хўрсиниб қўяр ва унинг жўмрақларидан қумга қорамой аралашган қайноқ сув томарди.

Ниҳоят, эгнига парусинадан тикилган камзул кийиб олган семиз обер-кондуктор станциядан чиқиб, мўйловини силарди-да, ҳуштагини олиб, уни қаттиқ чириллатарди. Паровоз унинг ҳуштагига парво ҳам қилмай, пишилаганча жойида тураверарди. Шундан сўнг обер-кондуктор лапанлаганича аста юриб, паровоз ёнига борар ва яна ҳуштак чаларди. Паровоз жавоб қилмасди. Ниҳоят, учинчи ёки тўртинчи ҳуштакдан сўнггина у энсаси қотгандек қисқагина бир гудок берарди-да, аста кўзғаларди.

Мен деразадан бошимни чиқарардим, чунки семафордан ўтишимиз биланоқ йўлнинг четида беда ва чучмўма билан қопланган дала, нарироқда эса қарағайзор бошланишини яхши билардим. Поезд ўрмонга кириб борганда филдираклар кучлироқ тақиллай бошлаб, унинг ёнига акс садо қўшилиб, бутун ўрмон бўйлаб эпчил темирчиларнинг тақа-туқи бошланарди.

Урта Россияни биринчи кўришим эди. У менга Украинадан ҳам кўпроқ ёқиб қолди. У кенгроқ ва овлоқроқ бўлиб, хилватгоҳлари беҳисоб эди. Менга унинг ўрмонлари, четида ўт-ўлан ўсиб ётган йўллари, деҳқонларнинг ўзаро суҳбатлари жуда ёқиб қолди.

Оғзи тешиккулчага ўхшайдиган кампир туну кун



уйқудан бош кўтармасди. Француз мураббия ҳам тинч-ланиб, тўр тўқишга тутинди, гимназистка бўлса деразадан бошини чиқариб олиб, қўшиқ айтар ва чаққонлик билан поезд ёнидан липиллаб ўтаётган дарахтларнинг япроқларидан юлқиб қоларди.

Ҳар икки соатда у егулик солинган саватни олиб узоқ овқатланар ва мени ҳам тамадди қилиб олишга мажбур қиларди. Биз қайнатиб пиширилган тухум, қовурилган товуқ гўшти, гуручли сомса ер ва чой ичардик.

Кейин биз яна гуллаётган қорабуғдой ҳиди ва ажиб оқшом ҳавосидан маст бўлиб, деразадан бош чиқариб кетардик. Поезд сояси ғилдиракларнинг тақа-туқига ҳамоҳанг бўлиб далалардан пилдираб елиб борар, вагон ичи эса ботиб бораётган қуёшнинг тўқ сариқ нурига шу қадар чўмиб кетар эдики, қизил духобаси ял-ял ёнаётган купе ичида ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

Поезд Синезеркага қош қорайганда етиб келди. Проводник чамадонимни платформага олиб чиқди. Мени Қоля тоғам ёки унинг рафиқаси Маруся холам кутиб олишса керак, деб ўйлагандим, бироқ платформада ҳеч ким кўринмади. Ҳамроҳларим безовталаниб қолишди.

Синезеркада поезд бир минут турди. У юриб кетди, мен эса чамадоним ёнида якка ўзим қолдим. Қоля тоғам бирон сабаб билан кечикканлиги ва ҳозир етиб келишига имоним комил эди.

Платформадан оқсаб-тўқсаб юриб мен томон эгнига пиджак, бошига қора картуз кийиб, этигининг қўнжига қамчи тикиб олган серсоқол бир деҳқон кела бошлади. Ундан от тери ва пичан ҳиди келарди.

— Костик деганлари сен бўласанми?— сўради у мендан.— Мен сени кутиб ўтиргандим. Капитан тоғанглар сени кутиб олиб, уйга эсон-омон етказиб оборишни буюрганлар. Қани, қутичангни менга бергин-да, йўлга тушайлик.

Бу отам мен учун ҳозирлаган сўнгги синов эди. У Қоля тоғамга, Костикни Синезеркада ҳеч ким кутиб олмасин, деб хат ёзган экан.

Аравакашнинг исми Никита экан. У капитан тоғам ҳақида ниманидир минғиллаб гапириб, мени устига юмшоқ пичан тўшалган аравага ўтқазди ва отнинг бўйнидаги сули солинган тўрвани олиб қўйди. Кейин ўзи ҳам араванинг олдига чиқиб ўтирди-да, биз жўнаб кетдик.

Анчага довуру ғира-шира қоронғи тушган даладан бордик. Кейин йўл ўрмон орасига кириб, тепаликка кўтарила бошлади. Баъзан арава ёғоч кўприк устидан ўтар, шунда остимизда қоп-қора ботқоқ суви ялтираб кўринарди. Атрофдан зах ва қиёқ ҳиди келарди. Ўрмон ортидан қип-қизил нурсиз ой кўтарилди, қаердадир мушғир қичқирди. Шунда Никита менга қараб деди:

— Бу ерлар шунақа, қаёққа қарама, ўрмон, хилват жойлар. Ҳар хил кўл ва жилғаларнинг эса ҳисоби йўқ. Бутун Орёл губернасидаги энг хушбўй жой ҳам шу ер бўлади.

Биз қарағайзор ичига кириб бордик-да, кейин қия тепаликдан қандайдир дарё томон туша бошладик. Қарағайлар ой юзини яшириб қўйишди, атрофга зимистон қоронғилик тушди. Йўлда ғўнғир-ғўнғир гаплашиб келатган одамларнинг товуши эшитилди. Шунда мен бир оз чўчинқирадим.

— Никита, сенмисан?— қоронғиликдан тоғамнинг таниш овози эшитилди.

— Дррр!— жиловни қаттиқ тортиб, товушини бори-ча қичқирди Никита.— Биз-да, ким бўларди яна! Дррр деяпман сенга, жин ургур!

Қимдир мени қучоқлаб, аравадан кўтариб олди, шунда мен ғира-шира қоронғиликда Коля тоғамнинг қувноқ кўзлари-ю, оппоқ тишларини кўрдим. У юзимдан ўпди-да, сўнг мени Маруся холага узатди.

Маруся холам гўё таъзим қилаётгандек, мени гоҳ баланд кўтариб, гоҳ пастга эгилар ва тинмай куларди. Чамаси, холам яқинда ширин кулча ёпмоқчи бўлиб хамир қорган бўлса керак, ундан ваниль ҳиди келарди.

Биз аравага чиқиб ўтирдик, Никита эса отларни етаклаб кетди.

Арава қирғоқларида ҳар хил буталар ўсиб ётган ва зилол суви жимирлаб турган чуқур дарё устидаги қоп-қора кўҳна кўприк устидан ўтди. Кейин яна шунақа бир кўприкка дуч келдик. Ундан ўтаётганимизда қандайдир балиқнинг сувни думи билан шалоп этиб ургани эшитилди. Ниҳоят қоп-қоронғи паркка ҳам етиб келдигу, унга кираётганимизда араванинг ғилдираги дарвоза олдидаги тош устунга тегиб кетди. Паркдаги азим дарахтлар шу қадар юксак эдики, гўё уларнинг учи осмондаги юлдузларга туташиб кетгандек туюларди

Паркнинг қоқ ўртасига етганимизда, арава улкан арғувонлар остидаги мўъжазгина ёғоч уй ёнига бориб тўхтади. Уйнинг деразаларидан атрофга чироқ ёруғи тушиб турарди. Бири қора, иккинчиси оқ — Мордан ва Четвертак исмли икки ит менга қараб вовиллаганича, юзимдан ялаб олмоқчи бўлиб атрофимда сакрай бошлашди.

Шу кечадан бошлаб мен қалин Брянск ўрмонлари ва даралар орасида жойлашган, бир вақтлар Потёмкиннинг мулки бўлган кўҳна парк Ревнада, хушфеъл орол деҳқонлари орасида яшай бошладим. Ревна парки шу қадар улкан эканки, ўрмон билан унинг орасидаги чегара қаерда тугашини ҳеч ким билмас экан.

Уша давр мен учун ҳақиқий болаликнинг сўнгги ёзи бўлди. Шундан сўнг гимназияда ўқий бошладим. Оиламиз ҳам бўлиниб кетди. Мен эндигина ақлимни таниб келаётган пайтимда якка ўзим қолдим ва гимназиянинг сўнгги синфларида ўқиб юрган пайтимдаёқ, ўз тирикчилигимни ўзим кўришга мажбур бўлдим. Уша кезларда мен ўзимни тамоман мустақил ҳис этардим.

Ушандан буён Ўрта Россияни бир умрга жон-дилимдан севиб қолдим. Мен Ўрта Россиядек улкан лирик куч маскани бўлган, маҳзун, сокин далалари, хушманзара ўрмонлари киши юрагини мафтун этадиган бўлак ўлкани билмайман. Бу ўлкага бўлган севгининг поёни йўқдек туюлади менга. Буни ҳар ким ўзига қиёс қилиб англаши мумкин. Шабнамдан ажиб эгилган ёки қуёш илитган майсаларни, ўрмондаги қудуқдан олинган ҳар бир пиёла сувни, бирон кўл соҳилида майин шабада билан роз айтишиб япроқларини шилдиратиб турган ҳар бир бутачани, хўрознинг ҳар бир қичқиришини, рангпар осмони фалакда сузиб бораётган ҳар бир булутни ўзгача бир муҳаббат билан севади киши.

Магарам баъзан кўнглим Нечипор бобо башорат қилганидек бир юз йигирма йил яшашни тусаб қолса, у ҳолда бу истак дилимда фақат рус табиатининг бутун жозибасини, кишининг баҳри дилини очувчи бутун кучини ниҳоясигача англаб етмоқ учун бир умрнинг камлик қилишидан тўғилади, холос.

Болалик тугаб, вояга етиб бормоқда эдим. Афсуски, биз болаликнинг бутун жозибасини ёшимиз бир жойга бориб қолгандагина англай бошлаймиз. Болаликда ҳамма нарса ўзгача эди. Биз дунёга тиниқ ва беғубор кўз-

лар билан боқардик, теварак-атроф эса бизнинг кўз ўнгимизда ёрқинроқ бўёқларда жилваланарди.

Гўё офтоб ҳам бизга кўпроқ ёғду инъом этгандек, далаларнинг ҳиди ҳам кучлироқ бўлгандек, момақалди-роқ ҳам қаттиқроқ гулдурагандек ва ўт-ўланлар ҳам баландроқ ўсаётгандек эди. Инсон юраги ўша кезларда ниҳоятда нозик ва таъсирчан эди, ҳар бир кулфатнинг изтиробии чуқурроқ бўларди, ҳаёт учун табиат сизга инъом қилган энг ажойиб нарсалар маъбудаси — она ер эса минг карра мажҳулроқ туюларди бизга. Она ер... Уни файзли қилиш, парваришlash ва кўз қорачиғимиздек асрашимиз лозим.

## МУШУКЧАЛАР

Мен бошқа болалар каби, Киев кадетларининг зарҳал ҳарфли оппоқ погон тақишларига ва генераллар олдидан ғоз юриш қилиб ўтишларига сира ҳавас қилмасдим. Гарчи, кул ранг офицер мовутидан тикилган кумуш тугмали шинеллари жуда башанг ҳисобланса-да, гимназистларга ҳам унча ҳавасим келмасди. Денгизчиларни-кидан бўлак барча формали кийимлар болалигимданоқ мен учун эътиборсиз бир нарса эди.

1902 йилнинг кузида биринчи бор эгнимга узун шим ва гимназистларнинг калта камзулини кийганимда мен ўзимни жуда ўнғайсиз ва ноқулай ҳис этдим. Шунда анчага довр ўзимга гўё бу мен эмасу, бошига оғир фуражка кийиб олган бегона бир боладек туюлиб юрди. Каттакон герб тақилган ҳаво ранг ва тарашадек қаттиқ бу фуражкани жуда ёмон кўриб қолдим. Чунки тайёрлов синфининг ўқувчилари бўлмиш барча ўртоқларим бу фуражкани кийганларида одамнинг кўзига шалпангқулоқ бўлиб кўринишарди. Фуражкани ечганларида эса, шалпангқулоқларидан асар ҳам қолмасди. Лекин фуражкани кийишди дегунча яна ҳалиги қиёфага киришарди. Гўё инспектор Бодянский тайёрлов синфидагиларнинг қулоғидан чўзиб, даҳшатли товуш билан:

— Яна кеч қолдингми, мизерабль! Бор, бурчакка туриб, оғир қисматинг тўғрисида ўйла,— дейиши учун ҳам жўрттага шундай қилингандек эди.

Шунинг учун ҳам ойим менга магазиндан фураж-

ка олиб келиши биланоқ, ҳатто акаларимга ўхшаб унинг ичидаги кичкина темир гардишни олиб ташладим ва атлас астарини сўкиб олдим. Таомил шунақа эди — фуражка титғи чиқиб, қанча эскиса, гимназист ҳам шунча ботир ва шижоатли ҳисобланарди. «Фақат ёдакигўйлару, лаганбардорларгина янги фуражка кийишадиган», дейишгувчи эди акаларим.

Фуражканинг устига ўтириш, уни чўнтакка солиб юриш ва пишиб етилган каштан меваларини уриб тушириш жоиз ҳисобланарди. Ана шундан кейингина у ҳақиқий гимназистнинг ифтихорига айланиб, жанговар тус оларди.

Менга яна майин бузоқ териси қопланган сумка, қаламдон, катак дафтарлар, тайёрлов синфи учун чиқарилган юпқа дарсликлар олиб беришди-да, ойим мени гимназияга бошлаб кетди.

Уша куни бувим Викентия Ивановна Киевга келиб, бизникида меҳмон бўлиб турган эди. У мени чўқинтирди-да, бўйнимга муздек занжирли крестни осиб қўйди. Бувим қалтироқ қўллари билан қора камзулчамнинг ёқасидаги тугмани ечиб, крестни кўйлагим тагига яширди ва тескари қараб дастрўмолини кўзига босди.

— Энди, кетавер!— деди у бир оз бўғиқ товуш билан ва мени ўзидан сал четлаштирди.— Ақлли бола бўл. Астойдил ўқи!

Мен ойим билан йўлга тушдим. Гимназияга қараб борар эканмиз, гўё мени бу ердан бутунлай олиб кетишадигандай, нуқул уйимизга ўгирилиб қарардим.

Ушанда биз серсоя ва осойишта Никольско-Ботаническая кўчасида яшар эдик. Уйимиз атрофида хаёлга чўмиб улкан каштанлар қад кўтариб туришарди. Уларнинг панжасимон, қуруқ япроқлари тўкила бошлаган эди. Киев кузининг оддий бир куни бўлиб, фируза осмонда қуёш чарақлаб турар, ҳаво мўътадил бўлса-да, соя жойларга анча салқин тушиб қолган эди. Биз Тарасов кўчасига бурилиб кетгунимизга қадар, бувим далда бергандек деразадан менга бош қимирлатиб турди. Ойим индамай борарди.

Биз Николаев скверига етиб, дарахтлар орасида гимназиянинг сариқ биноси кўзга чалина бошлаганида, мен йиғлаб юбордим. Чамаси, ўшанда мен, болаликнинг тугаганлиги, энди меҳнат қилишим лозимлиги, меҳнатим эса узоқ ва оғир бўлажаги, вйда хотиржамлик би-

лан ўтказган кунларимга чек қўйилганлигини фаҳмлаган бўлсам керак...

Мен юришдан тўхтаб, бошимни ойимнинг кўйлагига суйкаганимча чунонам йиғлаб бердимки, гўё кичкина эгасига нима бўлганини сўраётгандай, елкамда осиглиқ сумка ичида қаламдон сакраб тўқиллай бошлади. Ойим бошимдан фуражкамни олиб, хушбўй дастрўмол билан кўз ёшларимни артди.

— Ке қўй, йиғлама энди,— деди у.— Нима, менга осон деб ўйлайсанми? Лекин шундай қилишинг лозим, ўғилгинам.

Шундай қилиш лозим! Уша пайтга довур ҳеч қандай гап онгимга ойим айтган шу учта сўз каби ўрнашиб қолмаган эди.

Ёшим улғайган сари мен катталардан «ўзингга ёққан ёки ўзинг истаганингча қилиб эмас, балки фақат қандай яшаш лозим топилса, шундай яшамоғинг керак», деган гапни тез-тез эшита бошладим. Анчага довур мен бу фикр билан келишолмадим ва катталардан: «Наҳотки инсоннинг фақат бошқаларнинг хоҳиши бўйича эмас, балки ўз билгича яшашга ҳаққи йўқ бўлса?»— деб сўраб юрдим. Бироқ менга, ўзинг тушунмаган нарса устида бош қотирмай қўя қол, деб жавоб қилишарди. Бир куни эса ойим ҳатто отамга қараб: «Бу гапларнинг ҳаммаси сенинг анархик тарбия берганингнинг оқибати!»— деб юборди. Бунга жавобан отам мени ўзига тортиб, бошимни оқ жилетига босди-да, ҳазиломуз деди:

— Эҳ, Костик, бу уйда бизни ҳеч ким тушунмайди.

Мен бир оз ўзимга келиб, йиғидан тўхтагач, ойим билан гимназия биносига кириб бордик. Кираверишда гимназистлар юравериб қўрғошиндай ялтиратиб юборган кенг чўян зинага дуч келдик. Юқорида, беҳисоб асаларилар галаси инидан чиққандай, ваҳимали гувиллаш эшитиларди.

— Қўрқма,— деди ойим менга қараб.— Ҳозир катта танаффус.

Биз зинадан юқори кўтарилдик. Шунда ойим биринчи бор қўлимдан ушламай юрди. Тепадан ғизиллаб иккита юқори синф гимназисти тушиб келарди. Улар бизга йўл беришди. Кейин гимназистлардан бири ортимдан қараб деди:

— Бечора мушукчалардан яна бирини олиб келишибди-да!

Тайёрлов синфининг тиниб-тинчимас ва ношуд сўлакайлари ёки юқори синф гимназистларининг нафратомуз таъбири билан айтганда, мушукчалар жамоасига мен ана шу зайлда кириб бордим. Мушукча деган лақабни эса бизнинг миттигина бўлиб, ҳеч қўним билмаслигимиз, танаффус пайтлари у ёқдан-бу ёққа пилдириб, катталарнинг оёғи остида ўралашиб, ивирсиб юришимиз учун қўйишган экан.

Ойим икковимиз олпоқ деворларига императорларнинг портретлари осиб ташланган мажлислар залига ўтиб бордик. Айниқса, Александр Биринчи мени ҳайратда қолдирди. У учбурчак ҳаво ранг шляпасини сонига босиб турарди. Мушукникига ўхшаш юзидан дағал чакка соқоллари икки ёққа қараб ҳурпайиб кетган эди. Гарчи, императорнинг орқасида шляпаларига жиға тутилган суворилар тепаликларда от чоптириб юрганлиги тасвирланган бўлса-да, у менинг дидимга ўтиришмади.

Биз залдан ўтиб, ўлгидай семиз, эгнига хотинларнинг яқтакбичим қўйлагига ўхшаш формали сюртук кийиб олган инспектор Бодянскийнинг кабинетига кирдик.

Бодянский бақалоқ қўлини бошимга қўйиб, анчагача алланималарни ўйлаб турди-да, кейин менга қараб:

— Яхши ўқигин, бўлмаса еб қўяман,— деди. Ойим зўрма-зўраки жилмайиб қўйди. Бодянский қоровул Казимирни чақирди ва мени тайёрлов синфига кузатиб қўйишни буюрди.

Ойим менга бош ирғаб қўйди, Казимир елкамдан ушлаб, узун коридордан бошлаб кетди. У, гўё мен қўлидан чиқиб, ойимнинг олдига қочиб кетишимдан чўчигандай, елкамдан маҳкам ушлаб олганди.

Синфларда дарс борар, коридор бўм-бўш ва жимжит эди. Ҳозиргина тугаган катта танаффус пайтидаги шовқин-сурондан сўнгги бу жимжитлик жуда ғалати туюларди. Танаффусда кўтарилган чанг босилмаганди, унинг зарралари боғ томондан тушаётган қуёш нурида учиб юрарди.

Киев Биринчи гимназиясининг бу машҳур боғи асрий боғ бўлиб, у шаҳар ўртасида бутун бир квартални эгаллаб ётарди.

Мен деразадан боққа қарадим, яна йиғлаб юборай дедим. Боғда ич-ичигача қуёш нурига бурканиб, қорақайинлар қад кўтаришганди. Теракларнинг қурий

бошлаган оч бинафша ранг япроқлари шамолда пилдираб турарди.

Ешгина болакай бўлган ўша кезлардаёқ мен боғларни, дов-дарахтни, ўт-ўланни жуда севардим. Мен бирон марта бўлсин, дарахт новдасини синдирган, ўт-ўланни топтаган, ёки қуш инини бузган эмасман. Балким бувим Викентия Ивановна менга доим: «Дунё шу қадар гўзалки, киши унда гўё улкан боғда яшагандек умр кечириб меҳнат қилмоғи лозим»,— деб уқтиргани учун ҳам шундай бўлгандир.

Қазимир менинг йиғлай деб турганимни сезиб қолди ва оҳори тўкилган бўлса-да, топ-тоза қилиб ювилган камзулининг орқа чўнтагидан ёпишқоқ конфет чиқариб менга узатаркан, полякчага кетадиган тилда деди:

— Ма, манови обакини кейинги танаффусда шимарсан.

Мен унга шивирлаб миннатдорчилик билдирдим ва қўлидан конфетни олдим.

Гимназияга келганимнинг биринчи кунлари мен нуқул шивирлаб гапирар ва бошимни ердан кўтаришга ботинмас эдим. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси: эгниларига ҳаво ранг сюртук кийган серсоқол муаллимлар ҳам, кўҳна равоқлар ҳам, узундан-узоқ коридорлардаги акс садо ҳам ва ниҳоят, ёши қайтиб қолган, доим яп-янги формали фрак кийиб калтагина тилла ранг соқол қўйиб юрадиган хушрўй ва серсалобат директор Бессмертний ҳам мени жуда гангитиб қўйган эди.

Директоримиз ўқимишли ва юмшоқ табиат одам бўлса ҳам лекин негадир биз ундан қўрқардик. Ким билсин, аҳтимол у деворига хирург Пироговнинг портрети осиглиқ, ганчбанд шифти жуда баланд ва полига қизил гилам тўшалган кабинетда ўтиргани учун савлати босармиди. Директор кабинетдан ташқарига жуда камдан-кам чиқарди. Биз муаллимлар билан йўл-йўлакай саломлашиб кетаверганимиз ҳолда, уни кўрган заҳотимиз жойимизда такқа тўхтаб, бутун қоидаси билан таъзим қилардик.

Қазимир мени гувиллаб турган коридорлардан бошлаб борарди. У ерларда эшикларнинг ойнабанд тепасидан синфларга мўралаб, назоратчилар айланиб юришарди. Гимназистлар уларга «Қовун», «Сувилон», «Тамакидон», деб лақаб қўйиб олишганди. Улар фақат



Платон Федерович исмли назоратчинигина ёқтиришарди. Тайёрлов синфи жойлашган коридор ана шу Платон Федеровичнинг ихтиёрида эди. Шунинг учун ҳам мен бошида кўпгина кўнгилсизликлардан қутулиб қолган бўлсам керак.

Назоратчилар гимназистларнинг ахлоқини кузатиб юришлари ва уларнинг барча қилмишлари ҳақида инспекторга хабар бериб туришлари лозим эди. Шундан сўнг ҳар хил жазоларни — бир ёки икки соатга «овқатсиз» қолдиришлари (бошқача қилиб айтганда, дарслардан сўнг бўм-бўш синфда бир ўзи хун бўлиб ўтириш), ахлоқи учун тўрт қўйишлари ва ниҳоят ота-онани директор ҳузурига чақиришларини кутавериш мумкин эди. Биз ҳаммасидан ҳам ана шу сўнги жазодан кўрқардик.

Юқори синф гимназистлари учун бошқа хил жазолар ҳам бўларди. Уларни гимназиядан вақтинча чиқаришлари, кейинчалик ўқиш ҳуқуқи билан рўйхатдан ўчиришлари ва энг даҳшатлиси «бўрипатта» билан ёки умуман ўрта мактабга кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ҳайдашлари мумкин эди.

Мен «бўрипатта» билан ҳайдалган юқори синф гимназистларидан фақат биттасини кўрганман. У немис тили ўқитувчиси Ягорскийнинг юзига шапалоқ билан урган экан. Ягорский турқидан заҳар томиб турадиган кўпол бир киши эди. У ҳалиги гимназистга бутун синф олдида аҳмоқсан, дебди. Гимназист Ягорскийдан кечирим сўрашини талаб қилибди. Ягорский эса бош тортибди. Шундан сўнг гимназист Ягорскийнинг юзига шапалоқ тортиб юборибди. Шунинг учун у гимназиядан «бўрипатта» билан ҳайдалибди.

Ҳайдалганининг эртаси куни у гимназияга келибди. Назоратчилардан биронтаси ҳам гимназистни тўхтатишга журъат қилишмабди. У синф эшигини очиб, чўнтагидан брауннинг олибди-да, Ягорскийга ўқталибди.

Ягорский стол ёнидан сапчиб туриб, юзини журнал билан тўсганича парталар орасига қочибди ва гимназистларнинг орқасига яширинишга уринибди. Шунда ҳалиги гимназист «Номард!» деб қичқирибди-да, орқасига қайтиб зинапоя супачасига чиқибди ва ўзини юрагидан отибди.

Бизнинг синф эшиги худди ана шу супачага қараган эди. Биз ўқ товуши-ю, ойнанинг жаранглаб синганини

биринчи бўлиб эшитдик. Нимадир зинага гупиллаб қулади-да, пастга қараб юмалаб кетди. Синф раҳбаримиз отилиб ташқарига чиқди. Биз ҳам унинг орқасидан югурдик.

Зинапояда сепкилдор гимназист чўзилиб ётарди. У қўлини кўтариб, зинапоя панжарасини ушлади, кейин бармоқлари ёзилиб, қўли шилқ этиб ёнига тушди-ю, жимиб қолди. Унинг кўзлари бизга гўё бир нарсадан ажаблангандек жилмайиб боқарди.

Югуриб келган назоратчилар гимназист ёнида уймалашиб қолишди. Кейин тез-тез юриб директор Бессмертний етиб келди. Директор гимназист ёнида тиз чўкиб, унинг курткасидаги тугмаларни ечди. Шунда биз гимназистнинг кўйлаги қип-қизил қон эканини кўрдик. Зинапоядан эгниларига жигар ранг форма-ю, бошларига французча кепи кийиб олган «тез ёрдам» санитарлари чиқиб келишарди. Улар зудлик билан гимназистни носилкага ётқизишди.

— Дарҳол болаларни бу ердан олиб кетинг!— деди директор бизнинг синф раҳбаримизга.

Лекин раҳбаримиз унинг гапини эшитмади шекилли, биз жойимизда туравердик.

Синфдан Ягорский чиқиб келди ва букчайганича ўқитувчилар хонасига томон йўл олди.

— Йўқол!— деди бирдан унинг ортидан директор. Ягорский ўгирилиб қаради.

— Йўқол, менинг гимназиямдан!— деди директор секингина.

Шунда Ягорский оёқлари майишиб-майишиб, бирдан коридор бўйлаб югуриб кетди.

Эртаси кунни ойим аввалига мени ҳеч қаёққа юбормай, уйда олиб қолмоқчи бўлди-ю, кейин бу фикрдан қайтди ва мен гимназияга жўнадим. У ерда бизга, хоҳлаган ўқувчилар гимназистнинг дафн маросимига бориши мумкин деб, иккинчи дарсдан кейиноқ жавоб бериб юборишди.

Шунда биз ҳаммамиз, қўрқувдан қути ўчган кичкинтой болакайлар сумкамизни елкамизга осиб олганимизча, узун шинелимизнинг этагини сургашиб дафн маросимига бордик.

Кун совуқ бўлиб, атрофга туман тушган эди. Гулга кўмиб ташланган тобут ортидан бутун гимназия борар эди. Директор бечораҳол кийимли, сочлари оппоқ

аёл — марҳум гимназистнинг онасини қўлтиқлаб борарди.

Ушанда мен бундай ҳаёт мушкулотларини яхши тушунмасам-да, ҳар қалай директоримиз бизга ўртоқлик сабоғи берганини фаҳмладим. Биз навбат билан қабр ёнига келиб, гўё ҳамиша бир-биримизга оқибатли ва адолатли бўлишга қасамёд қилгандек, унга бир қисмдан тупроқ ташладик.

Бу воқеа анча кейин содир бўлганди, ҳозир эса Қазимир мени тайёрлов синфига олиб кирди.

Стал ёнида йўгон ва ўткир товушли ҳамда Асурия шоҳи Навуходонсор каби кўкиштоб жингалак соқолли бир киши — синф раҳбари Назаренко ўтирарди. Дарҳақиқат, юқори синф гимназистлари ҳам унга Науходоносор деб лақаб қўйишган экан. Улар Назаренко бир вақтлар махфий полицияда ишлаган, деб юришарди.

Биринчи синфга ўтгунимизга қадар бутун йил давоми Назаренко биз кичкинтойларга ўзининг йўгон товуши, истеҳзоли кулгиси, икки баҳолари ва оёғидаги эт ичига қараб ўсган тирноқларини қандай қирқиб олганлари ҳақидаги ҳикоялари билан жигимизга тегиб келди. Мен ундан қўрқар ва нафратланар эдим. Ундан айниқса тирноқ операцияси ҳақидаги ҳикоялари учун жирканардим.

Мен қаламтарош билан ўйиб ташланган пастаккина партага бориб ўтирдим. Ҳаяжондан нафасим бўғинларди. Синфни сиёҳнинг аччиқ ҳиди тутиб кетганди. Назаренко: «Оққушу қисқичбақа ва чўртанбалиқ бир куни...» деб диктант ёздирмоқда эди. Очиқ деразадан ташқаридаги дарахт новдасида қуриган заранг япроғини тумшуғида тутганича бир чумчуқ ўтиргани кўриниб турарди. Уша пайт шунақаям чумчуқ ўрнида бўлгим келиб кетдики, асти қўя берасиз. Чумчуқ синфга бир назар ташлади-да, аянчли қилиб чирқиллади ва заранг япроғини тушириб юборди.

— Ҳой, янги бола,— дўриллади Назаренко,— агар дарсдан сўнг синфда бир ўзинг қамалиб қолишни истама-санг, кўп анқайма, дафтарингни олиб, ёзишга кириш!

Мен дафтаримни олиб ёза бошладим. Кўзимдан ёш чиқиб, унинг бир томчиси босма қоғозга юмалаб тушди. Шунда ёнимдаги қорачадан келган, кўзлари қувноқ бола — Эмма Шмуклер шивирлаб:

— Тупугингни ют, дарров ўтиб кетади,— деди.

Мен тупугимни ютдим, бироқ сира енгил тортганим йўқ. Анчага довур ўша-ўша ўпкамни тутолмай ўтирдим.

Гимназистлик давримнинг биринчи куни ана шу зайлда бошланди. Ўша йил танаффус пайтлари чанг ютиб коридорда югуриш, доскага чақириб қолмаса гўр-гайди, деб дилимда гўлгула, бармоқларда снёҳ доғлари ва елкада оғир сумка билан ўтди. Ташқаридан, ўтиб кетган умрнинг акс садоси каби, Киев трамвайларининг ёқимли жангир-жунгури, узоқдаги шарманканинг фиғони ва вокзалдаги паровозларнинг қичқирғи эшитилиб турди. Доскани қуруқ латта билан артишгани сабабли, биз бутун синфни тутиб кетган бўр чангини ютиб, партада икки букилиб ўтирган бир пайтда вокзалдан оғир вагонларни сургаб паровозлар йўлга чиқар ва дарахтзорлар ҳамда пичани ўрилган далалар оралаб, осмонга тутун пуркашганича йироқ-йироқларга қараб елиб кетишарди.

\* \* \*

Тайёрлов синфининг қаршисига физика кабинети жойлашган эди. У ерга торгина эшикдан кириб боришарди. Биз танаффус пайтлари тез-тез кабинет ёнига бориб, эшикдан мўралардик. У ердаги курсилар амфитеатрдаги каби шифтга қараб кўтарилиб кетган эди.

Физика кабинетига фақат юқори синф гимназистларини олиб киришарди. Биз, албатта коридорда пилдирашиб, катталарнинг оёғи остида ўралишиб юрардик. Чамаси, бу ҳол юқори синф гимназистларининг роса жонига теккан бўлсак керак. Бир куни улардан биттаси, баланд бўйли, ранглар гимназист чўзиқ ҳуштак чалди. Шунда юқори синф гимназистлари дарҳол биз, мушук болаларини ушлаб, физика кабинетига олиб кира бошлашди. Сўнг улар жой-жойларига ўтириб, бизни тиззаларининг орасида қаттиқ қисиб туришди.

Аввалига бу бизга жуда ёқиб тушди. Биз токчалардаги сирли асбоблар — қора дискалар, колбалар ва мис шарларни қизиқиб томоша қила бошладик. Кейин коридорда биринчи қўнғироқ жиринглаб қолди-ку! Биз эшикка қараб толпина бошладик. Катталар бизни қўйиб юборишмасди. Улар бизни маҳкам ушлаб ўтиришар,

қўлларидан чиқишга жон-жаҳди билан уринганларнинг эса қоқ миясига оғритиб бош бармоқларини бураб-бураб ботиришарди.

Дилимизга ваҳима солиб иккинчи қўнғироқ жиринглади. Биз кучимизнинг борича эшикка қараб толпинар, ялиниб-ёлворар ва йиғлар эдик. Бироқ катталар бунга парво ҳам қилишмас эди. Рангпар гимназист эшик олдига бориб турди.

— Кўзингга қара,— қичқиришарди унга ўртоқлари, мўлжални тўғри ол!

Биз ҳеч нимани тушунмай қолгандик. Даҳшатдан кўзимизга ҳеч нима кўринмас, фақат чинқириб йиғлардик, холос. Ҳозир учинчи қўнғироқ чалинади. Назаренко бўм-бўш тайёрлов синфига кириб боради. Унинг ғазаби ниҳоятда даҳшатли бўлади. Қанча кўз ёши қилмайлик, барибир, унинг ғазабдан тушиши амримаҳол.

Мана, учинчи қўнғироқ ҳам чалинди. Бизнинг йиғимизга йиғи қўшилди. Рангпар гимназист қўлини кўтарди. Бў — коридорнинг охирида физик кўринди деган ишора эди. Ўқитувчи физика кабинетидан эшитилаётган қий-чувга хавфсираб қулоқ солганича шошилмай келарди.

Физика ўқитувчиси жуда семиз одам эди. У тор эшикдан ёнламасига кира оларди. Юқори синф гимнавистларининг режалари ҳам ана шуни назарда тутиб тузилган эди. Эшикда физикнинг семиз биқини кўриниши ҳамона, рангпар гимназист қўл силтади. Бизни дарҳол қўйиб юборишди. Биз чинқириб йиғлаганимизча, ақлдан озай деганимиздан, ҳеч нимани кўрмай ва эшитмай, бараварига ўзимизни эшикка урдик. Қути ўчган физикка биз нақ эшикнинг олдида дуч келдик. Бир дақиқа у ерда сочи олинган кичкинтойлардан иборат гирдоб ҳосил бўлиб турди. Кейин биз физикни, гўё пробкадай, эшикдан сиқиб чиқардигу, унинг оёқлари орасидан ўтиб синфимизга қараб югурдик. Бахтимизга, Назаренко ўқитувчилар хонасида ҳаяллаб қолган экан. У ҳеч нимани сезмади.

Юқори синф гимназистлари бундай қалтис ҳазилни фақат бир мартагина удалай олдилар. Кейин, биз, кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деганларидек, жуда эҳтиёткор бўлиб қолдик. Энди коридорда улар кўриниши биланоқ, синфимизга кириб эшикни ёпиб олар ва уни парталар билан тўсиб қўярдик.

## ЛИМПОПО ДАРЭСИНИНГ СУВИ

Синфдаги стол устида сарғиш сув билан тўлдирилган ва оғзи сўрғичланган шишалар қатор турарди. Уларнинг ҳар бирига тўрт бурчакли кичкина қоғоз бўлаги ёпиштирилган эди. Қоғозларга кексаларга хос қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан «Нил дарёсининг суви», «Лимпопо дарёсининг суви», «Ўрта ер денгизининг суви», деб ёзиб қўйилганди.

Шишалар анчагина бор эди. Қоғозлардаги ёзувларга қараганда бу шишалар Волга, Рейн, Темза ва Амазонка дарёлари, Ўлик денгиз ҳамда Мичиган кўлининг сувига тўлдирилган эди. Бироқ биз бу шишаларга қанча тикилмайлик, улардаги сувнинг бир-биридан нимаси билан фарқ қилишини сира англай олмасдик — бу сувларнинг бариси бир хилда сарғиш ва зерикарли эди.

Биз Ўлик денгиз сувидан татиб кўришга рухсат беринг, деб география ўқитувчиси Черпуновга тархашлик қилардик. Биз бу сувнинг чиндан ҳам шўр ёки шўр эмаслигини билгимиз келарди. Бироқ Черпунов бунга рухсат бермасди.

Узун кул ранг соқоли қарийб тиззасигача тушадиган, кўзлари қисик, паст бўйли Черпунов сеҳргарларга ўхшаб кетарди. Унга «Черномор» деб лақаб қўйишгани ҳам бежиз эмасди.

Черпунов доим дарсига ҳар хил антиқа нарсаларни кўтариб келарди. Лекин ҳаммасидан ҳам у сув солинган шишаларни олиб келишни яхши кўрарди. Нил сувини Черпунов, нақ Қоҳиранинг ёнидан шишага тўлдириб олганман, деб ҳикоя қилгувчи эди.

— Унда балчиқнинг кўплигини қаранг,— дерди у шишани чайқатиб,— Нил балчиғи олмосдан ҳам қимматлироқдир. Миср маданияти ана шу балчиқда гуллаб-яшнаган. Марковский, қани, синфдошларингга маданиятнинг нима эканлигини тушунтириб бер-чи.

Марковский ўрнидан турар ва маданият дон ўсимликлари, узум ва шоли етиштиришдан иборатдир, деб жавоб қиларди.

— Аҳмоқона гап, лекин ҳақиқатдан холи эмас!— дерди Черпунов ва бизга ҳар хил шишаларни намойиш қила бошларди.

У Лимпопо дарёсининг суви билан жуда фахрланар-

ди. Бу сувни Черпуновга собик шогирдларидан бири ҳадя қилиб юборган экан.

Биз ҳар хил географик номларни яхши эслаб қолишимиз учун Черпунов қизиқ бир усул ўйлаб топган эди. У доскага катта қилиб «О» ҳарфини ёзарди. Унинг ўнг бурчагида ўқитувчимиз кичкинароқ қилиб «А» ҳарфини ёзар, бунинг ичига яна шу ҳарфдан бирини кичкинароқ қилиб ёзиб, ниҳоят учинчисининг ичига жимитгина қилиб «и» белгисини чизиб қўярди. Кейин тушунтира бошларди:

— Эслаб қолинг: бу Осиё бўлади, Осиёда Арабистон бор, Арабистонда Адан шаҳри жойлашган, Аданда эса инглизлар ўрнашиб олган.

Биз буни бир умр эрдан чиқармайдиган қилиб эслаб қолардик.

Юқори синф гимназистлари Черпуновнинг квартирасида ўртача географик музей ташкил қилинган, бироқ чоли тушмагур у ерга ҳеч кимни киритмайди, деб юришарди. Уларнинг гапига қараганда Черпуновнинг музейида митти қолибри қушнинг тулуми, капалаклар коллекцияси, телескоп ва ҳатто соф ҳолда топилган олтин бўлаги ҳам бор экан.

Бу музей тўғрисида хабар топгач мен ҳам музей ташкил қилиш пайига тушиб қолдим. Менинг музейим жуда камбағал бўлса-да, лекин тасаввуримда у ажойиб нарсалар дунёси сифатида жилваланарди. Ундаги ҳар бир нарса — хоҳ у румин солдатининг тугмаси, хоҳ қотирилган бешиктерват бўлсин — ўз тақдири ва ўз тарихига эга эди.

Бир куни Ботаника боғида Черпуновга дуч келиб қолдим. У ёмғирдан жиққа ҳўл скамейкада ҳассаси билан ер чизиб ўтирган экан. Мен фуражкамни ечиб унга таъзим қилдим.

— Бу ёққа кел-чи!—мени ёнига чақирди Черпунов ва семиз қўлини узатди.—Ўтир. Ишларингдан гапир. Эшитишимча, сен кичкинагина музей ташкил қилган эмишсан. Хўш, музейингда нималар бор?

Мен қизариб-бўзариб арзимас бойликларимни бирмабир айтиб бердим. Черпунов илжайиб қўйди.

— Ҳа, дуруст, дуруст!— деди у.— Якшанба куни эрталаб меникига бор. Музейимни томоша қиласан. Шу пайингдан бу ишга меҳр қўйибсанми, сен боладан бирон географ ёки сайёҳ чиқишига аминман.

- Ойим биланми?— сўрадим мен.
- Ойим билан деганинг нимаси?
- Сизникига ойим билан борайми?
- Йўғ-э, нима кераги бор? Бир ўзинг боравер. Ойиларнинг географияга ақли етмайди.

Якшанба кунни янгигина гимназия костюмимни кийдимда, Черпуновникига равона бўлдим. У Печерск кўчасига жойлашган ҳовлилардан биридаги пастаккина флигелда истиқомат қиларди. Флигель ёнидаги сирень сершоҳ бўлганлигидан уй ичи гира-шира қоронғи эди. Кеч куз бўлганига қарамай, сирень ҳали сарғаймаган эди. Тумандан унинг япроқлари телчираб турарди. Пастликдаги Днепрда пароходлар чўзиб-чўзиб қичқиришарди. Улар Киев билан хайрлашиб, қишламоқ учун қўлтиқларга қараб йўл олишмоқда эди.

Эшик олдидаги соябонли пиллапояга чиққанимда, деворга ўрнатилган мис лаганчадаги қўнғироқ ҳалқасига кўзим тушди. Ҳалқани аста тортган эдим, флигель ичидаги қўнғироқчанинг ёқимли жиринглаши эшитилди.

Эшикни Черпуновнинг ўзи очди. У эгнига иссиқ кул ранг камзулу, оёғига кигиз туфли кийиб олганди.

Ажойиботлар даҳлизданоқ бошланди. Овал шаклидаги ойнада уялганидан шолғомдай қизариб, совуқ еган қўллари билан шинелининг тугмаларини ечишга уринаётган кичкинтой гимназист акс этиб турарди. Мен аввалига бу гимназист ўзим эканлигимни тушунолмай қолдим. Ҳадеганда тугмаларни ечолмай, ойнанинг ромига тикилганимча турардим.

Бу ром эмас, балки оқиш рангга бўялган япроқлар, гуллар ва узум шингилларидан иборат шиша гулчамбар эди.

— Венеция шишаси.— Черпунов шинелни ечишга ёрдамлашди-да, уни қўлимдан олиб, илгакка осиб қўйди.— Яқинроқ бориб қара. Ҳатто ушлаб ҳам кўришинг мумкин.

Мен оҳиста шиша атиргулни ушлаб кўрдим. У, гўё устига упа сепиб қўйилгандай оқиштоб бўлиб ялтирарди. Қўшни хонадан тушаётган чироқ шуъласида ёритилган қисми эса ол ранг чўғ янглиғ жилоланарди.

— Роҳатлуқумнинг худди ўзи-я,— дедим мен ўшанда.

— Аҳмоқона ўхшатиш, лекин ҳақиқатдан холи эмас,— минғиллади Черпунов.



Бу гапдан шундай қизариб кетдимки, ҳатто кўзларимдан ўт чатнаб кетди. Буни сезган Черпунов елкамга қоқиб, деди:

— Кўнглингга қаттиқ олма. Бу менинг одатдаги гапим. Қани, юр энди, биз билан бирга чой ичасан.

Миннатдорчилик билдириб, раҳмат, чой ичмайман, дейишимга қарамай, Черпунов тирсагимдан олиб, емакхонага бошлаб кетди. Хона ичи худди боғни эслатарди. Стол ёнига бориш учун филодендрон<sup>1</sup> япроқларини ва шифтдан осилиб турган хушбўй сўтали новдаларни эҳтиётлик билан четга суриб ўтиш лозим эди. Елпиғичсимон пальма оппоқ дастурхон устида соябондек эгилиб турарди. Дераза токчаларига пушти, сариқ ва оқ рангли гуллар экилган тувакчалар тизиб ташланган эди.

Мен стол ёнига бориб ўтирдиму, бироқ дарҳол сапчиб ўрнимдан турдим. Емакхонага кўйлагини шигиллатганича тез-тез юриб, кул ранг кўзлари чарақлаб турган ўрға бўйли ёшгина жувон кириб келди.

— Мана, бу йигитча,— Черпунов мен томон бош ирғаб деди,— мен сенга айтган ўша гимназист бўлади. Георгий Максимовичнинг ўғли. Уялиб кетяпти.

Жувон менга қўлини узатган эди, билагузуклари жиринглаб кетди.

— Наҳотки, сиз унга ҳаммасини тушунтирсангиз, Петр Петрович?— сўради у, мени кўздан кечириб, жилмаяркан.

— Ҳа, чойдан кейин.

— Ундай бўлса мен бирров шаҳарга тушиб чиқаман. Кирхгейм қандолатхонасида майда-чуйда харж қилишим керак.

— Ихтиёринг.

Жувон менга лимон солиб чой қўйди-да, ширин вена кулчаларига тўлдирилган вазани олдимга суриб:

— Лекциядан олдин куч йиғиб олинг,— деди.

Чойдан сўнг Черпунов папирос тутатди. Кулни у ним пушти ранг тош кўпик билан қопланган чиғаноққа чертиб туширарди. Стол устида худди шундай яна бир чиғаноқ турарди.

---

<sup>1</sup> Филодендрон ёки монстера— томирлари сиртга чиққан, ҳамиша ям-яшил турадиган япроқлари йирик декоратив ўсимлик. (Тарж.)

— Бу чиганоқлар Янги Гвинеядан келтирилган,— деди Черпунов.

Шу пайт бояги жувон ўрнидан туриб, баланд овоз билан:

— Хўп, хайр бўлмаса!— деди-да, хонадан чиқиб кетди.

— Ана шунақа,— кўзлари билан жувонни кузатиб қолар экан, деди Черпунов. Кейин у менга девордаги сўлғин юзли серсоқол бир кишининг портретини кўрсатди.— Бу кишининг кимлигини биласанми? Бу ажойиб рус кишиларидан бири, сайёҳ Миклухо-Маклай бўлади. У буюк гуманист эди. Сен эҳтимол бу сўзнинг маънисини тушунмасанг ҳам керак. Ҳечқиси йўқ. Кейин тушуниб оласан. У буюк олим эди ва кишиларнинг олижаноблигига ишонарди. Миклухо-Маклай Янги Гвинеядаги одамхўрлар орасида бир ўзи яшаган. Яшаганда ҳам ҳеч қандай қуролсиз яшаган ва безгак касалидан ўлиб кетишига сал қолган. Бироқ у ёввойи одамларга жуда кўп яхшиликлар қилиб, шундай сабр-тоқат кўрсата олганки, сайёҳни олиб кетгани Россиядан «Изумруд» корвети келганида, ҳамма ёввойилар қирғоққа чиқиб ўкраб йиғлашган ва кемага қараб қўлларини чўзишганича: «Маклай, Маклай!»— деб қичқиришган. Ҳа, шундай. Шунини у қулоғинг билан бу қулоғингга жойлаб ол: эзгулик қилсанг истаган ниятингга етишинг мумкин.

Ҳалиги жувон емакхонага қайтиб кириб, эшик олдида тўхтади. У бошига ихчам қора шляпа қўндириб, чап қўлига қўлқопини тортиб киймоқда эди.

— Ҳа, айтгандай, поэзия деганда сен нимани тушунасан?— кутилмаганда сўраб қолди Черпунов.— Саволимга жавоб топишга уринмай ҳам қўя қол. Бунини таърифлаб бериш мумкин эмас. Мана, Маклай яшаган ўша оролдан келтирилган чиганоқ. Агар сен унга узоқ тикилиб турсанг, беихтиёр қачонлардир бир кун тонгги қуёш нури шу чиганоққа тушгану, кейин унга абадий сингиб қолган бўлса керак, деган хаёлга борасан.

Жувон эшик ёнидаги стулга ўтирди-да, ҳозиргина кийган қўлқопини еча бошлади.

Мен чиганоққа тикилиб қолдим. Шунда бир зум, ҳақиқатан ҳам кўзим илиниб, тушимда океаннинг шаффоф сувлари ортидан қуёшнинг аста кўтарилиб чиқиши ва осмону фалакка қараб пушти ранг шуъла таратишини кўргандай бўлдим.

— Агар чиганоқни қулоғингга тутсанг — қаердан-дир, олис-олисан, — дерди Черпунов, — ажиб бир гувиллашни эшитасан. Нега бундай бўлишини мен сенга айтиб беролмайман. Буни ҳеч ким ҳам тушунтириб беролмаса керак. Бу сир. Инсон зоти учун тагига етиб бўлмайдиган нарсаларнинг ҳаммаси мажҳул ҳисобланади

Жувон бошидан шляпасини ечиб, тиззасига қўйди.

— Ма, қулоғингга тутиб кўр, — чиганоқни менга узатди Черпунов.

Мен чиганоқни олиб қулоғимга тутган эдим, унинг гўё узоқ-узоқлардаги денгиз тўлқинларининг қирғоққа тинимсиз урилайётгандай бир маромда гувиллаётганини эшитдим. Шунда жувон ҳам қўлини узатди:

— Мен ҳам қулоғимга тутиб кўрай. Эшитмаганимга анча бўлувди.

Чиганоқни унга бердим. Жувон уни қулоғига тутди-да, бир текисдаги майда, оппоқ ва нам тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Хўш, Маша, нега энди Қирхгеймникига кетмаяпсан? — кутилмаганда сўраб қолди Черпунов.

Жувон ўрнидан турди.

— Боргим келмай қолди. Қирхгеймникига бир ўзим борсам, зерикиб кетаман. Халал берган бўлсам, узр.

Шундай деб, у емакхонага чиқиб кетди.

— Хўш, йигитча, — деди Черпунов, — суҳбатимизни давом эттирамиз. Хў анави бурчакда қора қутичалар турибди. Энг юқоридагисини бу ёққа олиб кел-чи. Фақат эҳтиёт бўл.

Қутича жуда енгил экан. Уни олдим-да, столга, Черпунов олдига келтириб қўйдим.

Черпунов шошилмай қутичанинг қопқоғини кўтарди. Мен унинг елкаси оша қутичанинг ичига қарадим, беихтиёр қичқириб юбордим. Унинг ичидаги қора шоҳи устида камалак янглиғ товланиб, заранг япроғидан ҳам каттароқ келадиган улкан капалак ётарди.

— Нотўғри қараяпсан! — жаҳли чиқиб деди Черпунов. — Мана бундай қараш керак!

У қоқ миямдан ушлаб, бошимни гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга бура бошлади. Ҳар ўгирилганимда капалак турли рангда гоҳ оппоқ, гоҳ тилла ранг, гоҳ қип-қизил, гоҳо ҳаво рангга кириб товланарди. Гўё унинг қанотлари ажиб бир ўт бўлиб ёнар, бироқ назаримда, сира ёниб битмайдиган туюларди.

— Борнео оролидан келтирилган нодир капалак бу!— ғурурланиб деди Черпунов ва қутичанинг қопқоғини ёпиб қўйди.

Кейин Черпунов менга юлдузлар глобуси, «шамоллар гули» туширилган қадимги хариталар, узун жуволдиз тумшукли колибри қушининг тулумларини кўрсатди.

— Хўп, энди, бугунчалик етар,— деди Черпунов.— Узинг ҳам чарчадинг. Якшанба кунлари келиб туришинг мумкин.

— Сиз доим уйда бўласизми?

— Ҳа. Дайдиб юриш ва саёҳатларга чиқиш учун қарилик қиламан энди, ошнам. Мана шунинг учун ҳам деворлар ва стуллар бўйлабгина саёҳат қилиб юрибман,— у китоб токчалари ва колибри тулумларига ишора қилди.

— Сиз кўп саёҳат қилганмисиз?— сўрадим мен ий-маниб.

— Миклухо-Маклайдан кам саёҳат қилмагандирман, дейман.

Даҳлизда шошганимдан енгини тополмай шинелимни кийишга уриниб турганимда, ҳалиги жувон чиқиб келди. У эгнига торгина калта жикет, бошига шляпа ва қўлига қўлқоп кийиб олганди. Кичкинагина қорамтир тўр унинг кўзларига тушиб турганидан кўзлари бутунлай зангори тусга киргандек эди.

— Сиз қаерда турасиз?— сўради у.

Мен кўчамизнинг номини айтдим.

— Демак, Крешчатиккача ҳамроҳ эканмиз. Юринг, бирга кетамиз.

Биз уйдан ташқарига чиқдик. Черпунов эшикни очиб, орқамиздан қараб қолди. Кейин у баланд товуш билан деди:

— Маша, ўтинаман, эҳтиёт бўл, иннайкейин, тезроқ қайт.

— Хўп. бўлади,— жавоб қилди аёл, бироқ ўгирилиб қарамади.

Биз деразасига шер башарасининг бронза нусхалари ўйиб ишланган Никольский форти ёнидан ва бир вақтлар мен гардемаринни учратган ўша Мария паркининг ичидан ўтиб, Институт кўчасига бурилдик. Жувон индамай борарди. Мен ҳам сукут сақлардим. У бирон нарсани сўраб қолса, нима деб жавоб бераман деб чўчиб борардим.

Институт кўчасига етгач, ниҳоят у.

— Музейимизда сизга ҳаммасидан ҳам ёққан нарса нима бўлди?— деб сўраб қолди.

— Капалак,— жавоб қилдим мен, кейин бир оз ўйлаб туриб қўшиб қўйдим,— лекин бу капалакка жуда ачиняпман.

— Ростдан-а?— ажабланди жувон.— Нега энди?

У пайтлари менга ҳали ҳеч ким «сиз» деб гапирмасди, шунинг учун ҳам янада хижолат тортдим.

— У жуда чиройли экан,— жавоб қилдим мен,— бироқ уни қарийб ҳеч ким кўрмай қоляпти.

— Хўш, бизникида яна бошқа нима ёқди сизга?

Қрешчатикка етиб, Қирхгейм қандолатхонаси ёнида тўхтадик. Шунда аёл сўради:

— Сизга қандолатхонада какао ичишга рухсат беришадими? Пирожний есак уйингиздагилардан гап тегиб қолмасмикин?

Рухсат бериш-бермасликларини билмасдим, бироқ бир марта ойим ва Галя опам учовимиз Қирхгеймникига кириб, какао ичганимизни эсладим. Шунинг учун ҳам, бўлмаса-чи, Қирхгеймникига киришга албатта рухсат беришади, деб жавоб қилдим.

— Ундай бўлса, жуда яхши! Юринг кирамиз.

Биз қандолатхонанинг тўрига бориб ўтирдик. Жувон гортензия солинган вазани стол четига суриб қўйди-да, икки пиёла какао билан кичкина торт буюрди.

— Нечанчи синфда ўқийсиз?— какао келтирилгач сўради у.

— Иккинчи синфда.

— Ёшингиз нечада?

— Ўн иккига кирдим.

— Мен эсам йигирма саккиздаман. Ўн икки ёшда ҳар нарсага ишонавериш мумкин, албатта.

— Нима дедингиз?— сўрадим мен.

— Сиз ўзингиз ўйлаб топган бирон сеvimли ўйингиз борми?

— Ҳа, бор.

— Петр Петровичнинг ҳам ўйини бор. Меники эса йўқ. Мени ҳам ўз ўйинларингизга қабул қилмайсизми? Биз жуда аҳил бўлиб ўйнардик.

— Қанақа ўйинни ўйнардик?— сўрадим мен. Суҳбатимиз тобора қизиб борарди

— Қанақа ўйин дейсизми? Масалан, Золушканинг золим подшодан қочиб қутулишини ўйнасак ҳам бўлаве-

ради. Еки бирон янги ўйин ўйлаб топамиз. Уни «Борнео оролидан келтирилган капалак» деб аташ ҳам мумкин.

— Ҳа!— қизиқиб кетиб дедим мен.— Биз сеҳрланган ўрмонда оби ҳаёт чашмасини қидириб топардик.

— Албатта, ҳаётимиз хавф остида қоларди, а?

— Бўлмасам-чи, бусиз қизиғи қолмайди-да!

— Биз сувни кафтимизда олиб кетардик,— деди у ва юзидаги тўрни пешанасига кўтариб қўйди.— Биримиз чарчасак, аста иккинчимизнинг кафтига қуярдик.

— Қуяётганимизда эса,— қўшимча қилдим мен,— бир-икки томчи сув, албатта ерга томарди ва сув тўкилган жойда...

— Сув тўкилган жойда,— гапимни бўлди жувон,— катта-катта оқ гулли буталар ўсиб чиқарди. Хўш, айтинг-чи, кейин нима бўларди?

— Биз у оби ҳаётни капалакка сепардик, шунда у тирилиб кетарди.

— Ва гўзал қизга айланарди, шунақами?— сўради аёл ва қулиб юборди.— Ҳай, энди уйга кетайлик. Сизни уйингиздагилар кутиб ўтиришган бўлса керак.

Ташқарига чиқдик. У мени Фундуклеевский кўчасининг муюлишигача кузатиб қўйди-да, кейин уйига қайтиб кетди. Бир оз юриб ортимга ўгирилиб қарадим. Жувон Крешчатикни кесиб ўтаётган экан. У ҳам менга ўгирилиб қаради ва жилмайиб қора қўлқоп кийган кичкинагина қўлини силкитиб қўйди.

Уйда ҳеч кимга, ҳатто ойимга ҳам Қирхгейм қандолатхонасига кирганимизни айтмадим. Тушки овқат маҳали ойим нега ҳеч нима емаяпсан, деб ажабланиб ўтирди. Мен чурқ этмадим. Нуқул ҳалиги аёл ҳақида ўйлар, бироқ ҳеч нарсани тушунолмасдим.

Эртаси куни юқори синф гимназистларининг бирдан ўша аёлнинг кимлигини сўрадим.

— Нима, Черпуновнинг уйда бўлдингми?— сўради гимназист.

— Ҳа.

— Музейни ҳам кўрдингми?

— Кўрдим.

— Омадинг келибди, бола,— деди гимназист.— Аёл эса унинг хотини. Черпунов ундан ўттиз беш ёш катта.

Кейинги якшанба куни мен Черпуновниқига бормадим, чунки ҳафтанинг ўртасидан бошлаб у тоби қочиб қолганидан гимназияга келмай қўйганди.

Бир неча кундан сўнг кечқурун чой ичиб ўтиргани- мизда ойм бирдан, Черпуновникида бир ёш жувонни кўрмовидинг, деб сўраб қолди.

— Кўрувдим,— дедим мен ва қизариб кетдим.

— Ҳа, демак, тўғри айтишган экан,— деди ойм ва отамга қараб.— Эшитишимга қараганда, чол унга жуда меҳрибон экан! Ҳайронман, унинг қўлида маликалардек ғам-ташвиш билмай яшаган бўлса, нега шундай қил- дийкин...

Отам жавобан ҳеч нима демади.

— Костик,— деди ойм,— чойингни ичиб бўлдинг-а? Энди ўз хонангга бор, кеч бўлиб қолди, ухлашинг ке- рак.

У Черпунов ҳақида отам билан гаплашиб олмоқ учун ҳам мени хонадан чиқариб юборди. Нима бўлганини жуда билгим келиб турган бўлса-да, уларнинг суҳбати- га ортиқ қулоқ солмай хонадан чиқиб кетдим.

Қандай воқеа рўй берганини орадан кўп вақт ўтмай гимназияда эшитдим. Черпуновнинг хотини уни таш- лаб, Петербургга кетиб қолибди. Бояқиш чол қайғунинг зўридан касал бўлиб қолибди ва уйига ҳеч кимни ки- ритмай қўйибди.

— Ажаб бўпти, Черноморга ўзи шу лозим эди,— деди гимназист Литтауэр.— Ёш хотинга уйланишни ун- га ким қўйибди!

Унинг гаплари бутун синфнинг ғазабини кўзгатди. Чунки кекса Черпуновни ҳамма яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам кейинги дарсда, француз тили ўқитувчиси Сэрму шитоб билан юриб синфга кириб келганида, биз Литтауэрдан қаттиқ ўч олдик.

— Литтауэр!— хонани ларзага келтириб бараварига қичқирди бутун синф.— Иттауэр! Тауэр! Ауэр! Эр!

Кейин бирдан синфга сукунат чўмди.

Сэрму тутақиб кетди ва одати бўйича гап нимада эканлигини суриштириб ҳам ўтирмай, қичқирди:

— Литтауэр, йўқол синфдан!

Шундай деб Литтауэрга ахлоқи учун тўрт қўйиб қўйди.

Черпуновни бошқа кўрмадик. У ўша кетганича гим- назияга қайтиб келмади.

Орадан бир йил ўтгач, мен уни тасодифан кўчада учратиб қолдим. Чолнинг юзлари кепчиб, заҳил тортиб кетибди — у йўғон ҳассага таянганича оёғини зўрға

судраб босарди. Черпунов мени тўхтатиб, қандай ўқиётганлигимни сўради-да, кейин деди:

— Қапалак эсингдами? Борнео оролидан келтирилган капалак-чи. Ўша капалак энди менда йўқ.

Мен индамай турардим. Черпунов менга диққат билан қараб қўйди.

— Уни университетга совға қилдим. Уни ҳам, бутун капалаклар коллекциясини ҳам инъом қилиб юбордим. Хўп, майли. Соғ бўл. Сени учратганимдан хурсандман.

Кўп ўтмай Черпунов вафот этди. Уни ва ёш аёлни мен анчага довур унутолмай юрдим. Ўша кезлари жувоннинг юзидаги тўри ҳамда Крешчатикдан ўта туриб жилмайгани ва қўл силтаб қўйганини эсласам, вужудимни қандайдир сирли ҳасрат қамраб оларди.

Орадан йиллар ўтиб, мен юқори синфда ўқиётганимда, психология ўқитувчиси тасаввурнинг фойдали эканлиги ҳақида гапира туриб, кутилмаганда:

— Ҳар хил дарё ва денгизлар сувини шишага солиб кўтариб юрадиган ўқитувчингиз Черпуновни унутганингиз йўқми?— деб сўраб қолди.

— Бўлмаса-чи!— жавоб қилдик биз,— Сираям унутганимиз йўқ-да.

— Энди сизларга айта қолай, ўша шишалар энг оддий водопровод сувига тўлдирилган бўларди. Нега Черпунов бизни алдади, деб сўрашингиз мумкин. У шундай йўл тутсам ўқувчилар тасаввурининг бойишига туртки берган бўламан, деб тўғри қиларди. Тасаввур қилишга Черпунов катта аҳамият берарди. Бир неча бор унинг, инсон ҳайвондан тасаввур қилиш қобилияти билан ажралиб туради, дегани эсимда. Тасаввур санъатни бунёд этган. У борлиқ ва тафаккур чегараларини кенгайтирган ҳамда ҳаётни биз поэзия деб атайдиган хусусият билан бойитган.

## МУҚАДДАС ҚОИДА

Илоҳиёт муаллими, Собор протоиерейи<sup>1</sup> Трегубовнинг ҳафтанинг ҳар бир куни учун ўз ридоси бор эди. У навбат билан кул ранг, ҳаво ранг, қора, жигар ранг ва ниҳоят жужунча ридо кийиб юрарди. Ридонинг ран-

---

<sup>1</sup> Олий мансабдаги поп (тарж.).



гига қараб бугун қанақа кун — сешанбами ёки шанба эканлигини аниқлаш мумкин эди.

Учинчи синфда ўқиётганимизда Трегубов бизга «илоҳиёт таълимоти»дан дарс бера бошлади-ю, бу фанни ўқитишнинг асрий анъаналарини дарҳол чилпарчин қилиб юборди. Одатда, барча гимназияларда бу предмет бўйича гимназистлар фақат беш баҳо олишарди. Чама-си, илоҳиёт муаллимлари ўз вазифаларига кўра инсон-парварлик кўрсатишлари лозим бўлганлигидан гимназистларни ранжитмаслик ниятида шундай қилган бўлсалар керак. Балким, муаллим ва гимназистлар бу предметга жиддий муносабатда бўлмаганлари туфайли ана шундай тартиб ўрнашиб қолгандир.

Трегубов бир зарба билан бизнинг «илоҳий таълимот»ни писанд қилмай юришимизга чек қўйди.

— Алтухов,— деди у,— муқаддас қоидани ёд айтиб бер-чи.

— «Аз есмь господ бог твой да не будет тебе бозиний разве мене»!<sup>1</sup>— шариллатиб айтиб берди Алтухов ва илжайиб қўйди.

У тўппа-тўғри ўқиган эди.

— Утир!— деди Трегубов ва. Алтуховга бир қўйиб қўйди.

Боримович ранги ўчиб, муқаддас қоидани Алтухов каби тўппа-тўғри қилиб ўқиб берди-ю, лекин у ҳам бир олди.

Трегубов алифбе бўйича ҳаммани бирма-бир чиқариб ўқитди. Ҳамма таълимотни тўғри ўқир, Трегубов захархандали илжайиб бир қўйишини давом эттирарди. Биз гарангсиб қолгандик. «А»дан тортиб «Ш»гача журналдаги барча фамилияларнинг қаршисида қаққайган бир баҳоси пайдо бўлди. Катта офат рўй бериши турган гап эди.

Ҳаммага бир қўйиб чиққач, Трегубов атир сепилган қўллари билан соқолини силади-да, деди,

— Тиниш белгиларига эътибор бермас экансиз. Шунга яраша муносиб жазоингизни олдингиз. Илоҳий текстларга ҳурматсизлик билан қарайсиз ва қўзичоқ каби енгилтаксиз. «Аз есмь господ твой» иборасидан

---

<sup>1</sup> «Эй парвардигори олам, ўзинг яғонасан, у дунёю бу дунё сендан бўлак паноҳимиз йўқдир!». (Ред.)

сўнг вергул қўйилган. Бунинг маъниси нимада? Бунинг маъниси шундаки, вергул қўйилган жойда бир оз тил олиш ёки бошқача қилиб айтганда, кейинги айтиладиган фикрнинг салмоғини ажратиб кўрсатмоқ учун сукут қилиб туриш даркордир. Сиз бўлсангиз илоҳий сўзларни бир нафас билан шариллатиб айтасиз, шақилдоқдан асло фарқингиз йўқ. Шармандалик!

Трегубов нафратомуз қисиқ кўзларини бизга тикиб, секин гапирарди. Унинг шоҳи ридосида академикларнинг олтин крести ялтираб турарди.

Трегубовга қадар бизда илоҳиёт дарсини тили чучук ва қулоғи кар, мункайган чол протоиерей Златоверховников олиб борарди. У пайтлар мазза эди. Жавоб ўрнида ҳар қандай бўлмағур гапни ҳам айтавериш мумкин бўлиб, фақат қироат билан ва тез ўқиш талаб қилинарди. Оқибат шундай бўлардики, Златоверховников икки-уч минут ўтмай мудрай бошлар, кейин эса бутунлай ухлаб қоларди. Шундан сўнг биз кўнглимизга келган ишни қилаверардик, фақат кекса иерейни уйғотиб юбормасак бўлгани эди.

Орқа партадагилар карта ўйнашар ва гугурт ёқиб дудланган майда балиқчаларни пиширишарди. Олдиндагилар эса «Машҳур америкалик изқувар Ник Картернинг саргузаштлари» китобини ўқиб ўтиришарди.

Хуллас, қўнғироққа қадар бир-икки минут қолиб, Златоверховниковни уйғотиш лозим бўлмагунга қадар, иерей пишиллаб ухлашини қўймас, синф эса овоз чиқармай ўйналадиган ҳар хил ўйинлар билан кўнгил очишидан қолмасди. Чолни уйғотиш учун эса полга шарақлатиб китоб ташланар ёки бутун синф бараварига аксирар эди.

Златоверховниковдан сўнг Трегубов синфимизга жазоловчи худо Саваоф янглиғ кириб келди. Қошлари чимирилган, серсоқол ва норғул бу киши ҳақиқатан ҳам черков гумбазида расми чизилган худо Саваофга ўхшаб кетарди.

Трегубовдан фақат гимназистларгина эмас, ҳатто ўқитувчилар ҳам ҳайиқиб юришарди, у монархист, Давлат кенгашининг аъзоси ва эркин фикрлашнинг ашаддий душмани эди. Ўз мавқеи жиҳатидан у Киев митрополити билан баравар турар ва нолайиқ ишлари учун унинг танбеҳини эшитгани келган қишлоқ руҳонийларининг нафасини ичига тушириб юборарди.

Трегубов ўша пайтлари мода бўлиб қолган диний-фалсафий мулоқотларда чиқиб нутқ сўзлашни жуда яхши кўрарди. У ён-атрофга атир ҳиди таратиб, ширин-суханлик билан равон гапирарди.

У биздан қандай нафратланса, бизнинг кўзимизга ҳам у шундай совуқ кўринарди. Бироқ диний оятларни биз бутун умрга ёдлаб олардик.

«Илоҳиёт» дарсидан қутулишга салгина баҳона бўлса бас, дарҳол жуфтакни ростлаб қолардик. Бундай ҳолларда католикларнинг «илоҳиёт» дарси яхши бошпана хизматини ўтарди. Улар биз билан бир вақтда, бироқ бошқа синфда дарс ўтишарди. Биз ўша синфга кириб олар ва шундан кейингина ўзимизни хавф-хатардан холи ҳис этардик. У ер биз учун апостол черкови ва Рим папаси Лев XIII тасарруфидаги ўзга территориядек бир гап эди. Бу чанг босган оддий синфнинг остонасидан бошлаб Трегубов ўз ҳукмини йўқотарди. Бу ерда ксендз каноник Олендский ҳокимлик қиларди.

Баланд бўйли, семиздан келган, сочлари нуроний, қўлидан тасбеҳ аримайдиган бу ксендз синфнинг остонасида хижолат тортган «Россия» гимназисти пайдо бўлишидан сира ажабланмасди.

— Қочиб келдингми?— қовоғини солиб сўради Олендский.

— Йўқ, паи каноник, дарсингизда бир оз ўтирмоқчи эдим.

— Бир оз ўтирмоқчиман дегин. Оббо, боласи тушмагур-эй!— Олендский кулгидан силкина бошларди.— Қани, бу ёққа кел-чи!

Гимназист Олендскийнинг ёнига келарди. Шунда ксендз унинг бошига тамакидон билан «тўқ» эткизиб уриб қўярди. Одатда, бу ишора унинг гуноҳидан ўтганлигини англатарди.

— Ўтир!— дерди шундан сўнг Олендский,— ҳў анави бурчакка, Хоржевскийнинг орқасига ўтир (поляк Хоржевский баланд бўйли гимназист эди), токи сени коридордан кўриб қолиб, жаҳаннамга сургаб кетишмасин. Ма, товушингни чиқармай манови газетани ўқиб ўтир!

Шундай деб Олендский чўнтагидан тўрт букланган «Киевская мысль» газетасини чиқариб, қочқинга узатарди.

— Раҳмат, пан каноник!— миннатдорчилик билдира бошларди қочқин.

— Менга раҳмат демай шукронингни худога айт,— дерди жавобан Олендский.— Мен унинг заиф бандасиман, холос. Яҳудийларни Миср еридан олиб чиққани каби, сени ҳам тутқунхонадан ўша халос этган.

Трегубов Олендскийнинг ўз дарсларида бизни яшириб ўтиришини биларди, албатта. Бироқ Олендский олдида ҳатто Трегубов ҳам лом-мим деёлмай қоларди. Хушфеъл ксендз Трегубов билан учрашиб қолгудай бўлса, дарҳол унга ясама илтифот кўрсатиб, чақиб-чақиб оларди. Православ черковининг иерейлик иззатнафси Трегубовни Олендский билан айтишиб ўтиришига йўл қўймасди. Биз эсак, бундан қўлимиздан келганча фойдаланиб қолишга ҳаракат қилардик. Бора-бора биз католик «илоҳиёт»ини шу қадар миридан-сиригача билиб олдикки, ҳатто кўпгина полякларни ҳам орқада қолдириб кетдик.

— Станишевский Тадеуш,— дерди ксендз каноник,— қани, менга «Магнификат»ни айтиб бер-чи.

Станишевский Тадеуш ўрнидан туриб, камарини тўғрилаб олгач, йўталарди, қултуллашиб тупугини ютардида, аввал деразага, кейин шифтга қараб қўйиб, ниҳоят, тўғриси айтиб қоларди:

— Унутибман, пан каноник.

— Унутибман дейсанми? Лекин ҳар гал панна Гжибовская костёлга борганда, у ерда ҳозир бўлишни унутмайсан-ку!

— Утир! «Магнификат»ни ким биледи? Хўш, ким? Е, Биби Марям! Бу нима деган гап, а? Биттасидан садо чиқмасая! «Магнификат»ни ким биледи, қўлини кўтарсин.

Поляклар қўл кўтаришмасди. Лекин баъзан Трегубовнинг зулмидан қочиб келган бирор шўрпешана православ қўл кўтариб қоларди.

— Хўш,— дерди Олендский ғазабдан мадори қуриб,— «Магнификат»ни ҳеч бўлмаса сен айтиб берарсан! Агар шундан кейин ҳам худо уларнинг жазосини бермаса,— ксендз қўлини бигиз қилиб полякларни кўрсатарди,— бу унинг марҳамати зўрлигидан далолат беради, холос.

Шунда ҳалиги қочқин ўрнидан турар ва «Магнификатни» ҳеч бир тутилмай айтиб берарди.

— Бу ёққа кел-чи!— дерди Олендский.

Қочқин унинг ёнига келарди. Олендский чўнтагидан қаҳва доналарига ўхшаш бир қисм конфет чиқариб қочқиннинг кафтига соларди. Шундан сўнг у тамаки ҳидлар, жаҳлидан тушар, қандай қилиб Варшавада Шопеннинг кумуш қувачага солинган юраги устида жаноза ўқиганини ҳикоя қила бошларди. Бу ҳақда гапиришни у жуда яхши кўрарди.

Дардан сўнг Олендский мактабдан чиқиб костёлдаги уйига равона бўларди. Кўчада кетаётганида у дуч келган болаларни тўхтатиб, пешанасига чертиб қўйгучи эди. Кўзлари доим кулиб турадиган баланд бўйли бксендзни Киевда жуда яхши танишарди.

«Илоҳиёт» дарсини ўқиш ва черковга қатнаш биз учун турган-битгани азоб эди. Рўза пайтидаги каникулларгина жонимизга ора кирарди. Бизни черковга қатнаб гуноҳларни ювиш ва шунга ўхшаш бошқа диний маросимларга қатнашиш учун бир ҳафтага дарслардан озод қилиб қўйишарди. Биз одатда чет-чет черковларни танлаб олардик, чунки бу черковларнинг руҳонийлари гимназистлар ҳамма маросимларга қатнашяптими, йўқми, деб текшириб ҳам ўтиришмасди.

Рўза каникуллари кўпинча нам ва туманли март ойига тўғри келарди. Бу кезларда қор қорамтир тусга кирар, мовий осмон яқинлашиб келаётган баҳордан дарақ бериб, булутлар орасидан тез-тез кўрина бошларди.

Яланғоч теракларда зағчалар чағиллар, Днепрдаги муз устига ҳалқоб-ҳалқоб бўлиб кўкимтир сув чиқа бошлар, бозорларда эса аллақачон момиқли куртак ёзган самбиттол новдалари сотила бошланарди.

\* \* \*

Биз бир илож қилиб Трегубовни чув тушириш пайдан бўлардик. Бироқ Трегубовни сира тузоққа илинтириб бўлмасди.

Барча азоб-уқубатларимиз эвазига ундан фақат бир мартагина ўч олишга муваффақ бўлдик. Лекин олганда ҳам бошлаб ўч олдик, ўзиям.

Тўртинчи синфда ўқиётганимизда юқори синф гимназистларидан Трегубовнинг каламушлардан ўлгудай қўрқинини эшитиб қолдик ва бир малла каламушни тугтиб, унинг дарсига олиб келдик. Трегубов Инжилдаги қандайдир ривоят ҳақида ваъз айтиб турганида уни нарта остига қўйиб юбордик.

Гимназист Жданович чинқириб юборди-да, сакраб парта устига чиқиб олди.

— Нима гап?— қовоғини солиб ўшқирди Трегубов.

— Каламуш, жаноблари!— қалтираб жавоб қилди Жданович.

Ҳаммамиз сапчиб ўрнимиздан турдик. Қўрқиб кетган каламуш ўзини Трегубовнинг оёғи остига урди. Шунда Трегубов фавқулодда чаққонлик кўрсатиб, шартта стул устига сакраб чиқди-да, ридосини тиззасигача кўтариб олди. Ридо остидан унинг йўл-йўл шими, майин бош-моғи кўриниб турарди.

Биз каламушга китоб ота бошладик. У чийиллаганча, синф доскаси олдида зир югура бошлади. Трегубов шоша-пиша стулдан столга ҳатлаб ўтди.

— Эшикни очинглар! Эшикни!— бўкирарди у стол устидан протодиаконларга хос йўғон товуш билан.— Коридорга чиқиб кетсин бу фалокат!

Биз ўзимизни каламушдан қўрққанга солиб, эшикни очмасдик. Шунда жаноб Трегубов ром ойналарни диллатиб қичқирди:

— Платон Федорович! Бу ёққа келинг!

Шундай деб у синф журналини қулочкашлаб каламушга қараб отди.

Капалаги учган Платон Федорович эшикни ланг очиб юборди. Унинг орқасидан қоровул Казимир мўралаб турарди. Бир оздан сўнг инспектор Бодянский етиб келди. У қовоғини солганича мийиғида кулиб, каламушни синфдан қувиб чиқаришга бошчилик қила бошлади.

Трегубов эса ҳамон столдан тушмай жойида турарди. У энди ридосининг этагини қўйиб юборганди, холос. Мўътабар бу зот кўз олдимизда икки одам бўйи келадиган ҳайкалдек қотиб турарди.

Каламуш синфдан қувиб чиқарилгач, Трегубов Бодянскийнинг ёрдамида столдан тушди. Навбатчи мулозамат билан унга журнални узатди. Шундан сўнг Трегубов одатдаги дабдабали қиёфасига кириб, синфдан чиқиб кетди.

Кейинчалик Трегубов каламушнинг синфда пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини тушуниб қолди. У текшириш ўтказишини талаб қилди. Бироқ текшириш ҳеч қандай натижа бермади. Бутун гимназиянинг боши осмонда эди. Инспектор Бодянский эса шундай деди:

— Бировнинг камчилигидан кўлмай қўя қолинглар!

Ундан кўра ўзларингга дурустроқ қараб юринглар. Шу кунларда мен тагин жаноб гимназистлардан баъзиларининг фуражкаларидаги гербда гимназия вензели синиб кетганини кўриб юрибман. Билиб қўйинг, бунинг учун қаттиқ жазолайман.

\* \* \*

Саккизинчи синфдагина биз Трегубовдан қутулдик. Уша кезлари мен Дикий кўчасида истиқомат қилувчи пиёда қисм поручиги Ромуальд Козловскийникида бир хонани ижарага олиб, якка ўзим яшардим. Поручик камгап ва меҳрибон кампир онаси — пани Козловская билан бирга турарди.

1910 йилнинг кузи эди, осмон кул ранг тусга кирган бўлиб, рутубатли, булутли кунлар бошланганди. Дарахт новдаларини муз қоплаган, ҳали тўкилиб улгурмаган ва совуқдан тарашага айланган япроқлар тинимсиз шитирларди. Бундай кунларда менинг тез-тез бошим оғриб турарди. Шу сабабдан гимназияга бормай, Дикий кўчасидаги ҳужрамда бошимни сочиқ билан ўраб, пани Козловскаяни безовта қилмаслик учун иложим борича инграмай ётардим.

Баданим исиб, оғриқ тўхтагач, ётган еримда, «универсал кутубхона»нинг сариқ муқовали китобларини ўқий бошлардим. Печкадаги ўтин чирсиллаб ёнар, мўъжазгина ҳужра жимжит бўларди. Аҳён-аҳёнда дераза ортидан бирон қор зарраси эринчоқлик билан учиб ўтиб қоларди. Бош оғриқ тўхтаб ўзимни анча енгил ҳис эта бошлар, атрофдаги нарсалар — кўкимтир осмон ҳам, ёнаётган палённинг енгилгина тутуни ҳам, деразага ёпишиб қолган қор ҳам кўзимга жуда чиройли кўринарди.

Ана шундай кунларнинг бирида даҳлиз қўнғироғи чалиниб, пани Козловская эшикни очди, почтальоннинг қўлидан газетани олди-да, «вой ўлмасам» деб юборди ва пилдираб менинг ҳужрамга кириб келди.

— Костик,— деди у,— граф Толстой... фалокат рўй берибди.

Мен ўрнимдан ирғиб турдим-да, кампирнинг қўлидан керосин ҳиди келиб турган газетани юлқиб олдим ва шоша-пиша Толстойнинг ғойиб бўлганлиги ҳақидаги илк телеграммаларни ўқий бошладим.

Пани Козловская қўрқувдан капалаги учиб менга тикилганича нуқул:

— Ё парвардигор, уни ўз паноҳингда асра! Ё парвардигор, уни ўз паноҳингда асра!— деб шивирларди.

Мен ўша заҳоти кийиниб, елкамга шинелни ташладим-да, ташқарига чиқдим. Бу машъум хабардан сўнг шаҳарда ҳамма нарса дарҳол ўзгариб кетиши лозимдек туюлганди менга. Бироқ ҳаммаси аслича қолибди. Ўтин ортган юк аравалари ўтиб борар, эски Киев конкасининг вағони жаранг-журунг қилар, мураббиялар болалар билан сайр қилиб юришарди.

Мен ортиқ чидаб туrolмадим ва гимназияга бордим. Парталарда газеталар сочилиб ётарди. Синф раҳбаримиз — лотин тили ўқитувчиси Субоч умрида биринчи бор дарсга кеч қолганди. Бир оз ўтгач, у синфга кириб келди-да, бориб стулга ўтирди ва сал чақчайган хира кўзидан пенснесини олиб, анчагача деразага тикилиб қолди. У гўё бир нарсани кутаётгандек эди. Кейин у менга қараб деди:

— Сиз «Киевская мысль» газетаси редакциясига бирров бориб келинг-а, азизим. У ерда энг сўнгги телеграммаларни осиб қўйишаётган эмиш. Хабар олинг. Биз сизни кутиб ўтирамыз.

Бу бизнинг синф тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Бироқ синфдошларим ҳозир бунга, гўё ўзи шундай бўлиши лозимдек, сира ажабланишмади. Мен ўрнимда: туриб ташқарига чиқдим. Коридорда мени Платон Федорович ушлаб олди.

— Қаёққа кетяпсиз?— сўради у қовоғини солиб ва йўлимни тўсди.

Қаёққа кетаётганимни унга айтдим. Платон Федорович бунни эшитгач, бошини қуйи солди-да, дарҳол ўзини четга олиб, мени ўтказиб юборди.

Гимназияга қайтиб келгач, синфга киришдан аввал эшик тепасидаги ойначадан ичкарига назар ташладим. Субоч товуш чиқариб қандайдир китобни ўқирди. Синфдошларим қотиб қолгандай, қимир этмай ўтиришарди. Мен эшикни оҳиста очиб, таниш сўзларни эшитдим:

«Қоронғи туша бошлади. Кумушдай товланган Зухра юлдузи ғарбда, оқ қайинлар орқасида, пастроқда позик ёғдусини сочиб турар, шарқда, жуда-жуда баландда эса бадқовоқ Арктур юлдузи қизил ёғдулари билан товланиб кўринарди. Левин боши устидаги Етти қароқчи



юлдузларини гоҳ кўрар, гоҳ йўқотиб қўярди. Урмон лой-хўраги учишни тўхтатди...»

Икки-уч кунгача гимназияда дарслар ўлда-жўлда олиб борилди. Кейин яна ўшандай рутубатли куни эрталаб кўчага чиққанимда мотамсаро ҳошияли газеталар, паришон кишилар ва университет олдидаги студентлар тўдасига дуч келдим. Барча студентларнинг шинелига мотам энгбоғи тақилган эди. Нотаниш бир студент менинг кул ранг шинелимга ҳам ана шундай энгбоғ тақиб қўйди.

Мен гимназия томон йўл олдим. Отлиқ казаклар оҳишта юриб йўлка ёнидан ўтиб боришарди. Кўча бўйидаги дарвозалар ёнида миршаблар тўдалашиб туришарди. Гимназия томон бора туриб, синфдошларимга етиб олдим — уларнинг ҳаммаси ҳам менга ўхшаб мотам энгбоғи тақиб олишган эди. Кийим ечадиган жойда биз бу энгбоғни шинелимиздан ечиб камзулимизга тақиб олдик. Гимназияда оғир сукунат ҳукм сурарди. Ҳатто кичкинтойлар ҳам қий-чув қилмай қўйишганди.

Уша куни синфимизда биринчи соат «илоҳиёт» дарси эди. Трегубов доимий одатини тарк этиб, синфга тез-тез юриб кирди-да, иконага қараб чўқиниб олди ва стол ёнига келиб ўтирди.

Навбатчи Матусевич ўрнидан туриб доска томон юрди ва Трегубовнинг ёнига келиб тўхтади. Трегубов қовоғини солиб унга тикилганича индамай ўтирарди.

— Кеча, эрталаб соат олтида, Астахово станциясида, — ҳаяжонланмасликка ҳаракат қилиб деди Матусевич, — мамлакатимизнинг ва балки бутун дунёнинг энг буюк ёзувчиси Лев Николаевич Толстой вафот этди.

Парта қопқоқлари тарақлаб очилди. Бутун синф ўрнидан турди. Орага сув қуйгандек жимлик чўкди. Фақат от туёқларининг дўпирлаши эшитиларди, холос: кўчадан патруль казаклар ўтиб боришар эди.

Трегубов стол устига энгашиб, йўғон бармоқлари билан унинг четини маҳкам ушлаганича қимир этмай ўтирарди.

— Туринг ўрнингиздан, жаноб! — деди унга қараб оҳишта Матусевич.

Трегубов вазминлик билан аста ўрнидан турди. Унинг бўйни қип-қизариб кетганди. У ерга қараганича индамай турарди. Орадан бир неча минут ўтди. Бизга бу минутларнинг ҳар бири бутун бир соатдек туюлган

эди. Кейин ҳаммамиз жимгина жойимизга ўтирдик. Шундан сўнг Трегубов журнални олиб, синфдан чиқиб кета бошлади. Эшик олдида етганда у тўхтади-да, бизга қараб деди:

— Сиз мени динидан қайтган ва черков ғайри дин деб эълон қилган бир кимсанинг хотирасини ҳурматлашга мажбур этдингиз. Унинг буюк ёзувчи бўлганлиги ҳақида гапирмай ҳам қўя қолайлик. Мен ўз мартабамга қарши жиноят қилдим ва бунинг учун худо олдида, олий черков маъмурияти олдида жазоимни тортажакман. Бироқ бугундан бошлаб мен энди сизларнинг синфингизда дарс бермайман. Яхши қолинглар. Худо сизларга инсоф берсин.

Биз индамай турардик. Трегубов синфдан чиқиб кетди.

«Илоҳиёт»нинг навбатдаги дарсида Трегубов ўрнига шоир Надсонга ўхшаб кетадиган ёш бир руҳоний кириб келди. У фалсафа билан адабиёт мухлиси экан. Бу ўқитувчи ўзининг ёшлиги ва хушмуомалалиги билан бизга ёқиб қолди. У билан орамиздаги дўстлик гимназияни тугатгунимизча ҳам бузилгани йўқ.

## АРҒУВОН РАНГИ

Бундай кўҳна арғувонларни мен илгари сира кўрмаган эдим. Баландлигидан кечаси уларнинг учини кўриб бўлмасди. Шамол тургудек бўлса, юлдузлар ялтироқ қурт янглиғ, новдалар орасида у ёқдан-бу ёққа учиб қолишарди. Кундуз кунлари арғувонлар остида гира-шира қоронғилик ҳукм суларди, юқорида эса, барра япроқлар орасида турли-туман қушлар чуввос солар, жанг қилар, чийиллашар ва патираб у шохдан-бу шохга учиб ўтишарди.

— Ҳали шошмай туринг,— дерди Қоля тоғам,— бу арғувонлар бир гулласин, ана ўшанда...

У ҳеч қачон арғувонлар гуллаганда нима бўлишини охиригача айтмасди. Бироқ ўшанда Ревнадаги кўҳна парк фақат эртақлардагина бўладиган ажойиботлар маконига айланишини бизнинг ўзимиз ҳам билардик.

Мана икки йил бўлибдики, биз ҳар йили гимназияда машғулотлар тугагач, бутун оиламиз билан ёзни ўтқа-

зиш учун Брянск ўрмонларига, Ревнага кўчиб келардик. Отам ҳам отпускаи олиб, кетимиздан етиб борарди.

Амлокнинг камбағаллашиб қолган эгаси парктаги икки-уч иморатни ёз кезлари ижарага қўярди. Амлок шаҳарлар ва темир йўллардан анча четда жойлашган эди. Ёзни ўтказмоқ учун у ерга биз ва Коля тоғамнинг бола-чақасидан бошқа ҳеч ким бормасди.

Бу ерларнинг нақадар жозибали эканини яхши тасаввур қилмоқ учун батафсил тасвирлаб чиқиш лозим бўлади.

Ёнғоқ ва итшумурт буталари бир-бирларига чирмашиб кетган ва арғувонлар қад кўтариб турган қаровсиз парк. Сирень буталари орасида мох босган скамейкалар кўзга чалинади. Шохлари туташиб кетган дарахтлар орасида хиёбонлар бор. Уларнинг ҳар бири «Диана ибодатхонаси», «Хўрсинишлар хиёбони», «Булбул жари» каби номларга эга. У ер-бу ерда бирон қарағай қад кўтариб турган ва ёввойи гуллар ўсиб ётган офтобда чарақлаган ялангликлар учраб қолади. Кейин эса яна, назаримизда, минг ёшга кирган серсоя ва улкан арғувонлар саф тортиб туради.

Парк Ревна дарёсига қараб нишаб бўлиб боради. Дарёнинг нариги қирғоғидан тоғ этагига қараб кўтарилиб кетган қалин ўрмон бошланади. У ёққа ягона қумлоқ йўлдангина борса бўлади. Бу йўл Тихон Задонский иконаси ўрнатилган кўҳна ибодатхонага бориб тақалади. Кейин йўл қуриб қовжираган ўтлар орасига кириб яширинади.

Ибодатхонадан у ёғига бир ўзи боришга ҳеч кимнинг, ҳатто орамиздаги энг довурак киши — Петербург ўрмончилик институтининг студенти Володя Румянцевнинг ҳам юраги дов бермасди.

Қалин ўрмон ибодатхонанинг шундоққина тахта деворига келиб тақаларди. Ўрмон орасидан папоротник ва чиринди ҳиди келарди. Қош қорайгач, у ёқдан бойқушлар учиб чиқарди.

Бир кун кечаси биз узоқда, ўрмон орасида кимнингдир бақирганини эшитдик. Қишлоқма-қишлоқ юриб мол сотувчи савдогар ўрмонда адашиб қолибди. У Свен ибодатхонасидан Трубчевск ярмаркасига қараб йўлга чиққан экан. Ўрмон қоровули уни топиб Ревнага бошлаб келди. Кўк кўзли озғин мужик савдогар чўқиниб, ҳадеб йиғларди.

Бир куни биз, болалар, компас олиб Володя Румянцев билан бирга ўрмонга кетдик.

У ерда биз нақ четигача етимақ ва маймунжон буталари билан қопланган тубсиз жарликларни кўрдик. Жарликнинг қаърида жилдираб сув оқарди-ю, бироқ унгача тушиб бориш амри маҳол эди. Ўрмон орасида биз суви шишадай тиниқ номаълум бир анҳорни кашф этдик. Баланд қирғоқдан сув тубида ғизиллаб сузиб юрган майда балиқчалар кўриниб турарди.

Ниҳоят, биз чашма ёнидаги чириб кетган крестга дуч келдик. Крестда тунука кружка осиглиқ турарди. Уни печакгул қаттиқ чирмаб олган экан. Биз кружкани крестдан ажратиб, чашмадан сув ботириб олдик. Сувдан занг ҳиди келарди.

Атрофда турналар қурқурлар, зарғалдоқлар чийиллар, осмони фалакда эса қарчиғайлар парвоз қилиб юрарди. Тепамиздан ости кўкимтир булутлар сузиб ўтарди. Биз уларга ҳавас билан қараб-қараб қўярдик — ўша ердан, улар сузиб ўтаётган жойдан бу сирли ўрмон ўлкаси кафтдагидай яққол кўриниб турарди-да. Қизилиштонлар дарахтларнинг қуруқ танасини тақиллатишар, гоҳ у ер, гоҳ бу ерда эса бошимизга бужурлар учиб тушарди.

Володя Румянцев бизни нуқул ўрмонда раскол мазҳабининг ташландиқ ибодатхонаси бор, деб ишонтирмоқчи бўларди. Унинг айтишича, ибодатхонада ёввойи боларилар бўлиб, у ердан асал йиғиб олиш мумкин экан.

Бироқ ибодатхонани тополмадик. Биз ястаниб ётган кўм-кўк ўрмон орасидан тахта томни ва саккиз қиррали қийшиқ крестни қидириб топмоқ учун қарағай устига тирмашиб чиқдик. Ўрмон тепасида кезиб юрган илиқ шамол юзимизни сийпалаб ўтар, қўлимиз серсмола новдаларга ёпишиб қоларди. Қоракўз олмахонлар шохдан шохга сакраб юришарди. Навниҳол кўм-кўк сўталардан скипидар ҳиди анқирди. Бироқ кафтимизни соябон қилиб, маёқ сингари юксалиб турган қарағайлардан атрофга қанча тикилмайлик, ўрмон ва аста сузиб бораётган оппоқ булутлардан бўлак ҳеч нимани кўрмас эдик.

Баланд қарағайлардан булутлар ердагига қараганда анча яқинроқ туюларди. Пахтадек оппоқ бу улкан булутларга қўл чўзиб, уни ушлаб кўргимиз келарди.

Улардан юқорироқда, осмони фалакни яна живирлаб

оқаётган дарё янглиғ оқимтир тасма кесиб ўтганди. У атрофга тиниқ патли қанот ёзганди. Володя Румянцевнинг айтишича, бу ҳам булут экану, бироқ у ғоят баландда бўлгани туфайли сув парларидан эмас, муз кристалчаларидан ҳосил бўлган экан. Бу қанотдор булут совуқ ва поёнсиз юксакликда қимир этмай муаллақ турарди.

Ревнада ўрмонлардан ташқари яна бир сирли жой — дарё ҳам бор эди. У эгилиб турган мажнунтоллар остидан мавжланиб оқар ва икки тармоққа бўлиниб ўртадаги оролни айланиб ўтарди. Дарё сатҳи кўп жойларда у бетидан бу бетигача нилуфарлар ва сузувчи водокрас гуллари билан қопланган эди.

Орол ёнида дарёни ёғоч тўғонлар тўсиб қўйганди. Оролнинг ўзида эса ташландиқ тахта заводи жойлашганди. Бўш омборхоналар ёнида тоғ-тоғ қилиб қипиқ уйиб ташланган эди. Иссиқ кунларда заводдан атрофга ёғоч чириндисининг ўткир ҳиди тараларди.

Завод бир вақтлар тегирмон паррагида ишланган экан. Ҳозир буларнинг ҳаммаси — паррак ҳам, унга туташган бошқа ёғоч ғилдираклар ҳам синиб, парчаланиб кетган ва ўргимчак уяси қоплаб олган эди. Уларнинг орасидан олтингугуртдек сап-сарик замбуруғлар ўсиб чиққанди.

Тўғонлардан пастроқда улкан чўртанбалиқлар макони бўлмиш сув ўнгирлари бор эди. Бу ўнгирлар қуйилиш деб аталарди. Қуйилишдаги сув қорамтир тусда бўлиб, айланиб-айланиб секин оқарди.

Коля тоғам икковимиз ўнгирларга темир балиқчалар илиб ўнтача қармоқ ташлаб қўйгандик. У ерда чўртанбалиқлардан ташқари катта-катта кўкимтир олабуғалар ҳам бўлгувчи эди. Биз уларни тўғоннинг ҳўл ходалари устидан туриб ушлардик. Баъзан олабуғалар қармоқни қўлимиздан юлқиб, сув остига шўнғиб кетишарди. Қармоқнинг бамбуқ дастаси олтин найза янглиғ шув этиб сув остига кириб кетарди. Кейин у қуйилишдан пастроқда сув бетига қалқиб чиқар, шунда биз уни қайиқдан туриб олабуға билан бирга тортиб олардик.

Хўш, Ревнада яна нима бор эди? У ерда яна колоннали кўҳна уй ҳам бор эди. Ривоятга кўра, бу уйни Растрелли қурган экан. Унинг пештоқига қалдирғочлар уя қуриб олишганди. Бўм-бўш заллар, зинапоялар ва

йўлакларга ранг-баранг нур тушиб турарди. Бу нур бино ичига қавариқ ойналардан ўтиб кирарди. Заллардан битта-яримта ўтиб қолгудай бўлса, мебеллар қисирлаб кетар ва қандиллар аста жириглаб кўярди.

Бу уйда ҳеч ким яшамасди. Фақат Мариянинг туғилган кунини нишонлаш кезларидаги оилавий байрамлардагина (оиламизда Мариялар икки киши бўлиб, бири менинг ойим ва иккинчиси Коля тоғамнинг хотини Маруся холам эди) музикачилар учун саҳнаси бўлган залнинг эшигини очиб, унинг ҳавосини янгилашар ва бал ўтказиларди.

Биз балконларга юмалоқ фонусча осиб, қош қорайгач, паркдан туриб мушак ота бошлардик. Мушаклар олампаноҳ дарахтлар орасидан отилиб чиқар ва атрофга ранг-баранг шарлар сочарди. Шарлар кўҳна уйга қизғиш шуъла сочиб, аста ерга учиб туша бошларди. Мушаклар сўнгач, ёз кечаси яна ўз ҳолига қайтарди: узоқдан қурбақаларнинг қуриллаши эшитилар, осмонда беҳисоб юлдузлар чарақлар ва димоққа арғувон гулининг хушбўй ҳиди келиб уриларди.

Бундай маросим кунларда Брянскдан Коля тоғамнинг ўртоқлари — тўпчи офицерлар келишарди. Бир гал ҳатто москвалик ашулачи Аскоченский ҳам келди. У қадимий залда концерт берди.

«О, кошки қайтсанг ёнимга яна,— куйларди Аскоченский,— бахтли онларимиз кечган масканга! Билардинг япроқнинг шивирлашидан, хаста қалбим интизор эканини санга».

Менга бу романснинг сўзлари худди бизнинг парк ҳақида ёзилгандек туюларди. Бу парк изҳори муҳаббатларни жуда кўп эшитган, қанчалаб сўлғин чеҳрали ошиқларнинг ҳижрон ўтида ёниб кўз ёши тўкишларининг шоҳиди бўлган.

«Бузса гар уйқунгни маъюс бир садо,— роялга суянганича куйларди Аскоченский, Маруся холам эса сочларини тез-тез тўғрилаб, унга жўр бўларди,— ёки увилласа даҳшатли бўрон — билгин, ошиқ кўнгил тўлмоқда қонга...»

Балдан сўнг Коля тоғамнинг дачасида базм берилди. Юмалоқ абажур ичига қўйилган шамлар тунги парвоналарнинг урилиб ёниб кетишидан чирсиллаб турарди.

Қатталар қатори биз гимназистларга ҳам вино қўйиб беришди. Уни ичгач, ўзимизни анча дадил тута бошладик.

Бир кун и кечқурун вино ичиб олгач, навбат билан ҳар биримиз югуриб паркни айланиб чиқишга қарор қилдик. Қўзбўямачилик бўлмаслиги учун ҳар бир одам Булбул жаригаги скамейкага бирон нарса қўйиб келиши керак эди. Қоля тоғам эрталаб бу шартнинг виждондан бажарилганлигини текшириб кўришга ваъда қилди.

Биринчи бўлиб Маруся холамнинг укаси Медико-хирургия академиясининг студенти Павел Теннов югуриши керак эди. Уни ҳамма Павля деб чақирарди. Дароздан келган, озғин, бурни пучуқ Павля жингалак соқол қўйиб юргувчи эди ва қаери биландир Чеховга ўхшаб кетарди. У инонувчан ва меҳрибон йигит эди. Шунинг учун ҳам доим ҳар хил ҳазил-ҳузулларга сабабчи бўлиб юрарди.

Павля Булбул жаригаги скамейкага винодан бўшаган шишани қўйиб келиши керак эди.

Павлядан сўнг менинг навбатим келди. Кучим борича хиёбондан югуриб кетдим. Шудринг босган новдалар чирсиллаб юзимга уриларди. Назаримда, кимдир орқамдан қувлаб келаётгандек туюлди.

Мен тўхтаб, қулоқ солдим. Буталар орасидан кимдир пусиб келаётгандек эди. Яна жон-жаҳдим билан югурдим ва ялангликка чиқдим. Ялангликнинг нақ тепасида тўлин ой кўтарилиб борарди. Тўғрида Булбул жари. У ерда зимистон қоронғилик ҳоқим бўлиб, мен югурганимча худди қоп-қора сувга шўнғигандек, жар ичига туша бошладим. Ялт этиб дарё кўриниб кетди. Дарёнинг нариги қирғоғида ҳазин бир оҳангда мушгир қичқирарди.

Скамейка ёнига келиб тўхтадим. Чор атрофдан арғувон ҳиди келарди. Гўё кўкдаги юлдузларгача бутун тунни шу ҳид тутиб кетгандек туюларди. Тун шу қадар сокин эдики, сал нарироқдаги чароғон қилиб ёритилган айвонда қувноқ меҳмонларнинг чақчақлашиб ўтирганига сира ишонгинг келмасди.

Биз бошиданоқ Павляни қай йўсинда лақиллатишни келишиб олган эдик. Мен скамейкадаги Павля қолдирган шишани олиб, дарёга улоқтирдим. Шиша тўнкарилиб, ой нурида ялт этиб кетди. Сув сатҳида ҳосил бўл-

ган доиралар ой аксини парчалаб қирғоқ сари сура кетдилар.

Мен жар ёқасидан югуриб ортга қайтдим. Пастдан зах ва дягель ҳиди келарди. Ҳаллослаганимча кенг аргувон хиёбонига югуриб чиқдим. Олдинда чарақлаб чироқлар кўринарди.

— Костик!— Маруся холамнинг ҳаяжонли товуши эшитилди.— Сенмисан?

— Ҳа!— жавоб қилдим унинг олдига югуриб келиб.

— Қаердаги бўлмағур нарсаларни ўйлаб топасанлар-да!— деди Маруся холам. У хиёбонда енгилгина жун рўмолга ўралиб турарди.— Ойнинг қаттиқ хавотир оляпти. Ким ўйлаб чиқарди бу ўйинни ўзи? Глебми?

— Йўқ, Глеб эмас,— ёлғон гапирдим мен.— Биргалашиб ўйлаб топдик.

Маруся холамнинг тахмини тўғри эди. Паркдаги тунги югуришни Коля тоғамнинг асранди ўғли, Брянск гимназиясининг талабаси, жингилсоч ва майнабозчиликларга суяги йўқ Глеб Афанасьев ўйлаб чиқарганди. Унинг қўй кўзлари доим қувлик билан чатнаб турарди. Глеб бирон нарса ўйлаб топмаган кун бўлмасди. Шунинг учун ҳам, қандай воқеа рўй бермасин, дарҳол Глебни айблаша бошлашарди.

Эрталаб Коля тоғам скамейкадаги нарсаларни текшириб кўрди. У ерда Павля қолдирган шиша йўқ эди. Ҳамма Павляга қараб, жарга боришга қўрқиб, ярим йўлдан орқангга қайтибсан-да, шишани бирон ерда отиб юборган бўлсанг керак, деб унинг устидан кула бошлашди. Бироқ Павля гап нимадалигини дарҳол тушуниб пўписа қилиб қўйди:

— Шошмай тур, Глеб, ҳали, шундай ҳам бир адабингни берайки!

Глеб индамади, лекин сирни ҳам ошкор қилмади.

Уша куниёқ Павля Глебни чўмиладиган жойда ушлаб олиб, роса сувга пишди, кейин унинг шимини тугун қилиб қаттиқ боғлади-да, сувга ботириб шалаббо, ҳўл қилиб қўйди. Бечора Глеб тугунни тишлари билан ечгунча анча овора бўлди. Фижим-бижим шимни кийгач, унинг кўриниши алвидо тусга кирди. Алам қиладиган жойи шу эдики, Ревнадаги бошқа бир дачада оналари билан Орёлдан келган опа-сингил гимназистка Қарелиналар ҳам истиқомат қилишарди. Қизларнинг каттаси



Люба паркнинг хилват жойларига бориб олиб, китоб ўқиб ўтирарди. У скамейкада чордана қуриб ўтиришни яхши кўрарди. Бу қизнинг ёноқлари анордек қип-қизил эди. Унинг малла ранг сочлари нуқул тўзиган бўларди. Биз доим скамейкалар ёнидан Люба тушириб қолдирган қора ленталарни топиб олардик.

Карелиналарнинг кенжаси, инжиқ ва сафсатабоз қиз Саша Глебга ёқиб қолган эди. У эгнидаги гижимланган шим билан Сашага кўриниши сира мумкин эмасди. Мен Глеб олдида ўзимни айбдор сезиб, ойимдан унинг шимини дазмоллаб беришини илтимос қилдим. Дазмолланган шимни кийиб олгач, Глеб яна ўша аввалги олифта йигит бўлди-қолди.

Паркдаги тунги югуришимизнинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ эди. Бироқ мен буни анчага довур эслаб юрдим. Арғувон ҳидининг димоққа гупиллаб урилиши, мушгирнинг қичқириши, осмонда жилваланаётган юлдузлар ва қувноқ қийқириқларга тўда ўша тун сира хаёлимдан кетмасди.

Ўша ёз давомида менга, гўё ерда инсон қайғуси бутунлай йўқолиб кетгандек бўлиб туюлганди.

Бироқ Мария туғилган кунги зиёфатдан сўнг кўп вақт ўтмай, мен бу фикримдан қайтдим. Бир куни дачамиз олдида эгнига йиртиқ камзул кийиб олган яланг оёқ болани кўриб қолдим. Бола сотгани ўрмон қулупнайи олиб келган экан. Ундан маймунжон ва тутун ҳиди келарди. Бола бир кува қулупнайга ярим танга сўраган эди, бироқ ойим унга йигирма тийин пул билан бир бурда пирог берди.

Бола ерга қараганича бир оёғи билан иккинчисини қашиб турарди. У пирогни қўйнига солди-да, индамай тураверди.

— Кимнинг ўғлисан?— сўради ундан ойим.

— Аниськани,— қўрқа-писа жавоб қилди бола.

— Хўш, пирогни нега емаяпсан?

— Ойимга обораман,— деди у бўғиқ товуш билан ҳамон бошини кўтармай.— Ў касал ётибди. Ёғоч ташиётганда ичаги узилиб кетувди.

— Отанг-чи, отанг қаерда?

— Ўлган.

Шундай деб бола бурнини тортиб қўйди.

Гаяля қанддондан бир ҳовуч қанд олиб, унинг камзули чўнтагига солди. Бола бир қадам орқага тисарил-

ди-ю, қочиб қолди. У қўрққанидан орқасига қараб-қараб қўяр ва қандли чўнтагини маҳкам ушлаганича югуриб борарди.

Биз чой маҳалида отам билан Коля тоғамнинг суҳбатини тез-тез эшитиб турардик. Улар рус халқининг тақдири ҳақида баҳслашишарди. Коля тоғам, халқнинг тақдири маърифатга боғлиқ, деб исбот қилмоқчи бўларди. Отам эса, халқ революция туфайлигина бахтли бўлиши мумкин, деб ҳисобларди. Тортишувга Павля аралашарди. У ўзини народник деб атарди. Ҳатто бир марта уни студентлар йиғинида сўзлаган нутқи учун академиядан ҳайдашларига ҳам сал қолган экан. Володя Румянцев уларнинг гапига аралашмас, бироқ кейин биз, болаларга, отанг ҳам, Коля тоғанг ҳам, Павля ҳам ҳеч нимани тушунишмайди, дерди.

— Ўзингиз тушунасизми?— сўрадик биз ундан.

— Балониям тушунмайман!— бажону дил жавоб қиларди Володя.—Тушунишни истамайман ҳам. Россияни севаман — вассалом!

Володя Румянцев Коля тоғамнинг Брянск қўрхонасида бирга ишлашган севимли дўсти — капитан Румянцевнинг укаси эди.

Володянинг қулоғи оғирроқ эди. Унинг малла соқолида доим хас-чўплар илашиб юрарди — Володя болохонадаги пичан устида ухларди. У ҳар қандай турмуш қулайликларига нафрат билан қараганидан ёстиқ ўрнида бошига буклоғлиқ студентча камзулини кўйиб ётарди. Юрганда у оёғини сургаб босар, гапирганда эса сўзларни чайнаб талаффуз қиларди. Камзул остидан Володя ранги ўнгиб кетган кўк ён ёқа кўйлак кийиб, белини қора попукли ипак тизимча билан боғлаб юрарди.

Володя фотография билан шуғулланар, шунинг учун ҳам қўллари доим проявитель ва фиксажлардан сарғайиб юрарди. У уддабурон йигит бўлиб, Москвадаги Шерер ва Набгольц литографияси билан шартнома тузган эди, ёз пайтлари чет шаҳарларга борар ва у ердаги диққатга сазовор жойларни суратга оларди. Литография эса Володя олган шу фотосуратлардан откриткалар босиб чиқарарди. Бу откриткалар вокзаллардаги китоб киоскаларида сотилгувчи эди.

Бизга Володянинг бу ҳунари жуда ёқарди. У дам-бадам Ревнадан бир неча кунлаб ғойиб бўлиб кетар, ке-

йин қайтиб келар ва гоҳ Ефремовда, гоҳ Елецда, гоҳ Липецкда бўлганини ҳикоя қилиб берарди.

— Мана буни ҳаёт дейдилар, жаноб гимназистлар!— дерди у қирғоқда ўтириб олиб, бошига совун суртаркан.— Утган куни Окани сузиб ўтдим, кеча Мокшани, бугун эса, кўриб турибсизлар Ревнада чўмилиб ўтирибман.

У бизда провинциаль Россияга муҳаббат уйғотди. Володя Россияни жуда яхши биларди. У ярмаркалар, ибодатхоналар, тарихий зиёратгоҳлар, урф-одатларни мукаммал ўрганган, ҳаммасидан хабардор эди. У Лермонтовнинг ватани Тархани, Фетнинг Курск ёнидаги чорбоғи, Лебедяндаги от бозори, Валаам ороли ва Куликов жанги майдонига бир неча марта бориб келган эди.

Ҳамма ёқда Володянинг собиқ муаллима ва чиновник кампирлардан синашталари бўларди. Сафарда юрганида у ана шу кампирларникига қўнарди. Кампирлар уни карам шўрва ҳамда балиқли сомса билан меҳмон қилишар, Володя эса бунинг эвазига уларнинг саъваларига полька сайрашни ўргатар ёки қўшнилариинг ҳасадини келтириб, улкан яронгул ўстириш учун суперфосфат инъом этарди.

У Россиянинг тақдири ҳақидаги баҳсларга сира аралашмас, лекин бирорта одам Тамбов ветчинаси, Рязаннинг музлатилган олмаси, Волга стерляди тўғрисида гап очиб қолса, дарҳол аралашиб оғиз очирмай қўярди. Коля тоғам ҳазиломуз, Володя Румянцев Қинешмада чипта кавушнинг баҳоси-ю, Қалезинда товуқ патининг неча сўм туришигача билади, деб юарди.

Бир куни Володя Румянцев Орёлга борди ва у ердан бизга қайғули хабар олиб келди.

Биз дача ёнида крокет ўйнамоқда эдик. Ўша кезлари крокет жуда расм бўлганди. Ўйин аксари қош қорайгунча чўзилиб кетар ва крокет майдончасига лампа чироқларни олиб чиқишарди.

Биз ҳеч қачон крокет ўйинидагичалик жанжаллашмасдик. Бу соҳада айниқса акам Боря билан тез-тез айтишиб қолардик. У крокетни жуда яхши ўйнар ва бирпасда «қароқчи» бўлиб оларди. Шундан сўнг у бизнинг соққаларимизни аниқ мўлжалга олиб, чунонам қаттиқ урардики, гоҳо биз уларни сира қидириб тополмасдик. Ютқизавериби жонимиз чиқар ва Боря мўлжалга олаётганида: «Шайтон урсин, тегмасин, шайтон ур-

син, тегмасин!»— дея бошлардик. Баъзан куф-суфимизнинг нафи тегиб қолар ва Борянинг мўлжали хато кетарди.

Биз Глеб билан ҳам тез-тез ғижиллашиб турардик. Глеб Сашага қарши ўйнаганида уни хурсанд қилиш учун, жўрттага мўлжални хато олар ва ютқизиб қўярди. Бироқ Саша билан шерикма-шерик бўлиб бизга қарши ўйнаганида эса, ниҳоятда эпчил ҳаракат қилар, фирромлик ишлатиб бўлса ҳам ютса ютардики, лекин сира ютқизмасди. Одатда, крокет ўйинига дача аҳлининг ҳаммаси йиғиларди. Ҳатто Коля тоғамнинг икки ити: Морден ва Четвертак ҳам томоша қилгани келишар, бироқ улар шар тегиб кетмаслик учун, эҳтиёткорлик билан қарағайлар орқасига бориб ётишарди.

Уша куни эрталаб крокет майдончасида одатдагидек, гала-говур авжида эди. Бирдан ғилдирақларнинг тақиртуқури эшитилиб, Коля тоғамнинг дачаси ёнига тарангас келиб тўхтади. Кимдир: «Володя Румянцев келди!»— деб қичқирди. Бироқ бунга ҳеч ким аҳамият бермади: ҳаммалиги Володянинг қаёқларгадир кетиши ва қайтиб келишларига ўрганиб қолишган эди.

Бир оздан сўнг Румянцевнинг ўзи пайдо бўлди. Эгнига чанг босган узун чакмон, оёғига этик кийган Володя биз томон келарди. Унинг қўлида газета, йиғидан ўзини зўрға тутиб турарди.

— Нима гап?— капалаги учиб сўради Коля тоғам.

— Чехов вафот этибди.

Володя орқасига ўгирилиб, дача томон қайтиб кетди.

Биз унинг ортидан югурдик. Коля тоғам Володянинг қўлидан газетани олиб, ўқиб чиқди, кейин уни столга ташлаб, индамай ўз хонасига қараб йўл олди. Ҳаяжонланган Маруся холам ҳам унинг ортидан кетди. Павел бурнидан пенснесини олиб, уни дастрўмоли билан узоқ артди.

— Костик,— менга қараб деди ойим,— дарёга бориб дадангни чақириб кел. Балиқчилигини ҳеч бўлмаса шу бугунча қўйиб турсин.

Ойим бунни, гўё отам Чеховнинг вафот этганини билгану, бироқ енгилтаклиги сабабли бунга аҳамият бермаган ва қайғурмагандек қилиб гапирди.

Мен бунинг учун ойимдан ранжиган бўлсам ҳам лекин, ҳар қалай дарёга қараб йўл олдим. Глеб Афанась-

ев ҳам мен билан бирга борди. У қутилмаганда жуда жиддийлашиб қолганди.

— Шунақа экан-да, Костик!..— деди у йўлда менга қараб ва хўрсиниб қўйди.

Отамга Чеховнинг вафот этганлигини айтдим. У буни эшитгач, бирпасда букчайиб қолди.

— Бу қанақаси бўлди, а...— деди у паришонлик билан.— Чеховдан кўпроқ яшайман, деб сира ўйламагандим...

Қайтиб кела туриб, крокет майдончаси ёнидан ўтдик. У ерда болғачалар ва соққалар сочилиб ётарди. Аргувонларда қушлар чуввос солишар, япроқлар орасидан ўтган қуёш нури майсазорни олачипор қилиб юборганди.

Уша кезлари мен энди Чехов асарларини ўқий бошлаган ва уни жуда севиб қолган эдим. Уйга қайтиб борарканмиз, нуқул қани энди Чехов каби инсонлар ҳеч қачон ўлмаса, чунки бундай кишиларсиз ҳаётнинг қизиғи қолмайди, деб ўйлардим.

Икки кундан сўнг Володя Румянцев Чеховни дафн этиш маросимига жўнаб кетди. Биз уни Синезерки станциясигача кузатиб чиқдик. Володя Чеховнинг қабрига қўймоқ учун бир сават гул олиб кетмоқда эди. Бу оддий дала гуллари эди. Биз уларни кўкаламзорлар ва ўрмондаги ялангликлардан териб келган эдик. Ойим гулларни дасталаб, тагига нам мох солган ва устини ҳўл латта билан ёпиб қўйган эди. Биз кўпроқ қишлоқ гулларини теришга ҳаракат қилгандик, чунки Чехов уларни севган деб ўйлардик. Саватдаги гуллар аксари чиннигул, купена, тилла ранг гул, мойчечак ва хушбўй медуница эди. Фақат Маруся холамгина паркдаги ясман гулидан бир оз қирқиб чиққанди.

Поезд кечқурун жўнади. Синезеркидан Ревнага пиёда қайтдик ва уйга фақат тонготардагина етиб келдик. Янги ой ўроғи ўрмондаги дарахтлар учига тегай-тегай деб турар, унинг майин шуъласи яқинда ёғиб ўтган ёмғир ҳалқобларида живирлаб акс ётарди. Димоққа ҳўл майсанинг хушбўй ҳиди келиб урилар, паркдан каккуқушнинг бевақт сайраши эшитиларди. Бир оздан сўнг ой ўрмон ортига ботиб, юлдузлар чарақлай бошлади, бироқ тонготар чоғидаги туман тезда уларни тўсиб қўйди. Аста қуёш чиқиб, ерни илитмагунча бу туман буталарда томчилар ҳосил қилиб анчага довор чакиллаб томиб турди.

## БИР ГУДАК БОЛА ЭДИМ УША КЕЗЛАРИ

Инспектор Бодянский шахдам юриб бизнинг учинчи синфга кириб келди. У янги формали камзул кийиб олган, кўзлари қувлик билан ялтираб турарди. Биз ўрнимиздан турдик.

— Халқимизга олий ҳимматлик билан граждан эркинликлари бериш тўғрисида манифест чиқиши муносабати билан,— деди Бодянский,— гимназияда машғулотлар уч кунга тўхтатилади. Табриклайман! Китоб-дафтарларингизни йиғиштиринг-да, уй-уйингизга жўнанг. Лекин сизларга бу уч кун давомида катталарнинг оёғи остида ўралишиб юрмасликни маслаҳат бераман.

Биз югуриб гимназиядан чиқиб кетдик. Уша йили куз жуда ажойиб келганди. Октябрь бўлса-да, қуёш ҳамон қиздиришини қўймасди. Олтин либосга бурканган боғлар ҳали йўлакларга япроқ тўкишни бошламаган бўлиб, ўз кўрки-жамолини кўз-кўз қилиб турарди. Биз ҳамон ёзги шинелимизни кийиб юрардик.

Югуриб кўчага чиқишимиз биланоқ университетнинг узун биноси олдида қизил байроқлар кўтариб турган халойиққа кўзимиз тушди. Университетнинг колонналари остида нотиқлар нутқ сўзлашарди. Кишилар «ура» деб қичқиришар ва шапкаларини осмонга итқи-тишарди.

Биз ҳам Николай сквери панжараларига чиқиб олдик-да, «ура» деб қичқириб, фуражкаларимизни осмонга ота бошладик. Фуражкаларимиз каштан шохларига илиниб қоларди. Шунда биз каштанни силкита бошлардик. Биз хохолаб кулардик ва қувончимиз ичимизга сиғмасди. Ҳаммамиз дарҳол шинелларимизга қизил бант тақиб олгандик. Сквернинг ўртасида постаментда бир оёғини олдинга қўйиб қаққайиб турган Николай Биринчининг қора бронза ҳайкали кибр-ҳаво билан ғала-ғовурга қараб турарди.

Шовқин-сурон аста тинди, ол байроқлар пастга эгилди ва майдон узра тантанавор қўшиқ янгради:

Сиз машғум курашда қурбон бўлдингиз...

Ҳамма тиз чўка бошлади. Биз ҳам фуражкаларимизни ечдик ва гарчи ҳамма сўзларини билмасак-да, мотам маршини куйлай бошладик. Кейин одамлар ўр-

ниларидан туришиб биз чиқиб олган панжара ёнидан ўта бошлашди. Оломон орасида акам Боря ва бизнинг уйда турувчи черногориялик студент Марковични кўриб қолдим.

— Ҳозироқ уйга жўна!— деди менга Боря.— Бир ўзинг кўчага чиқа кўрма!

— Сен билан боргим келяпти,— дедим мен кўрқалиса.

— Оёқ остида қолиб кетасан. Уйга бор. Ҳаммасини эртага кўрасан.

Бу бахтиёр ва тантанавор халойиққа қўшилиб кетгим келарди. Бироқ Боря кўздан ғойиб бўлганди.

Қаердандир узоқда олдинги сафларда оркестр гумбурлади ва қулоғимга марсельезанинг мазмунли жарангдор садолари чалинди:

Кечдик биз ўша кўҳна дунёдан,  
Совурайлик эски турмуш кулини кўкка!

Мен панжарадан ошиб тушдим-да, оломонга аралашиб кетдим. Қоракўл шапкача кийган бир қиз, чамаси курсистка<sup>1</sup> бўлса керак, қўлимдан ушлади-да, биз биргалашиб кетдик. Олдиндаги кишиларнинг елкасидан бўлак ҳеч нимани кўролмадим. Томларга чиқиб олган одамлар бизга қараб шапкаларини силкитишарди.

Опера театрининг ёнидан ўтаётганимизда, отлар дупурини эшитиб қолдим. Тумба устига чиқиб қараган эдим, от минган миршаблар сафини кўрдим. Улар халойиққа йўл бериб, ортга тисарилишмоқда эди. Миршаблар орасида семиз полицмейстер ҳам бор эди. У қўлини чаккасига қўйиб честь берганича истеҳзоли илжайиб турарди.

Мен тумбадан тушдим, яна ҳеч нимани кўрмай қолдим. Фақат магазинларнинг вивескаларидангина қаёққа кетаётганимизни билиб борардим. Мана, Фундуклеевская кўчасидан юриб, Бергонье театри ёнидан ўтдик, сўнг Крещатикка қараб бурилдик ва Қирхгейм қандолатхонаси ёнидан ўтиб кетдик. Кейин Лютеран кўчасини кесиб ўтдик-да, Идзиковскийнинг китоб дўкони ёнидан юрдик.

---

<sup>1</sup> Курсистка — революциядан бурунги Россияда хотин-қизлар олий курси ўқувчиси, (Тарж.)

— Қаерга кетяпмиз ўзи?— сўрадим мен қорақўл шапкача кийган қиздан.

— Шаҳар думасига. У ерда митинг бўлади. Энди биз осмондаги қуш каби эркинмиз. Тушуняпсизми?

— Тушуняпман,— жавоб қилдим мен.

— Сиз қаерда турасиз?— кутилмаганда сўраб қолди қиз.

— Никольско-Ботаническаяда.

— Намойишда эканлигингизни ота-онангиз билишадими?

— Ҳозир ҳамма намойишга чиққан,— жавоб қилдим мен, ота-она ҳақидаги гапни бошқа ёққа буришга ҳаракат қилиб.

Биз Балабуханинг қоқ мевалар дўкони ёнидан юриб, Николай кўчасини кесиб ўтдик-да, тўхтадик. У ёғига юрмб бўлмасди. Нақ думанинг ўзигача халойиқ тирбанд эди. Думанинг томида Киев шаҳрининг герби бўлмиш архистратиг Михаилнинг тилла суви югуртирилган ҳайкали ярқираб турарди. Думанинг кенг балкони ҳам кўзга яққол ташланарди. Балконда бош яланг кишилар туришарди. Улардан бири нутқ сўзлай бошлади, бироқ унинг сўзларини эшитиб бўлмасди. Мен фақат шамол унинг оппоқ сочларини қандай тўзғитаётганинигина кўриб турардим, холос.

Кимдир елкамдан ушлаб олди. Қайрилиб қарасам лотин тили муаллими Субоч турибди.

— Паустовский Константин,— деди у жиддий оҳангда, бироқ унинг кўзлари кулиб турарди,— сен ҳам шу ердამисан! Дарҳол уйингга жўна.

— Ташвишланманг, у мен билан келган,— деди қиз.

— Афв этинг, мадмуазель, мен билмабман,— назокат билан жавоб қилди Субоч.

Халойиқ орқага тисарилиб, бизни Субочдан ажратиб қўйди. Ҳалиги қиз қўлимдан ушлади-да, биз тротуар томон сирғилиб чиқа бошладик.

— Тинчланинг, граждандлар!— бўғиқ товуш билан қичқирди нарироқда турган бир киши.

Бирдан ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Қиз мени етаклаб тротуарга чиқди. У мени қубба дарвозали сариқ бинонинг девори томон сургаб борарди. Ушанда почтампт биносини танидим.

Мен қизнинг нима сабабдан қўлимни бундай қат-



тиқ ушлаб, дарвоза остига тортиб кетаётганини тушунолмасдим. Одамларнинг елкаси-ю, қуёш нурида оппоқ қоғоздек ялтираб оломон боши узра униб юрган каптарлардан бошқа ҳеч нимани кўрмасдим. Аллақаерда: ти-ти-та-та!— деб труба чалинди. Кейин атрофга яна сукунат чўмди.

— Уртоқ солдатлар!— яна қичқирди ҳалиги бўғиқ товушли киши. Уша заҳоти, гўё коленкорни куч билан қоқишгандек, қаттиқ тасир-тусур эшитилди ва бошимизга девор шuvoғи тўкилди.

Каптарлар тумтарақай бўлиб кетишди-ю, осмон ҳувиллаб қолди. Ҳалиги тасир-тусур яна қайта такрорланиб, оломон ўзини девор томонга урди.

Қиз қўлимдан тортиб ҳовлига олиб кирди, Қрешчатикда мен кўриб қолган сўнгги одам шинелининг тумалари ечиғлиқ кичкина студент бўлди. У Балабуха дўконининг деразасига сакраб чиқди-да, қўлидаги қора браунингни баланд кўтарди.

— Нима бўляпти ўзи?— сўрадим қиздан.

— Отишяпти! Қўшинлар намойишни ўққа тутишяпти.

— Нега?

Қиз жавоб қилмади. Биз эгри-бугри ва тор йўлақлардан югуриб борардик. Орқадан қичқириқлар, ўқ товушлари ва югуриб келаётган кишиларнинг дупур-дупури эшитиларди. Бирпасда ҳавонинг авзойи бузилиб, кўк юзини сарғиш туман қоплади. Елкамда сумкам борлиги туфайли чопишга қийналардим. Сумка ичидаги китоблар тақир-туқур қиларди.

Биз йўлақлардан югуриб Прорезная кўчасига чиқдик ва Олтин дарвозалар томон кўтарилдик. Ёнимиздан «тез ёрдам»нинг иккита локланган қора каретаси физиллаб ўтиб кетди. Ранги қув ўчиб кетган кишилар ҳаллослашганича бизни қувиб ўтишарди. Прорезная кўчасидан ўтаётганимизда казаклар отрядига дуч келдик. Олдинда қиличини яланғочлаган офицер от чоптириб борарди. Казакларнинг ортидан кимдир қаттиқ ҳуштак чалди, бироқ улар тўхтамай ўтиб кетишди.

— Ё худойим, қандай қабиҳлик!— дерди нуқул ҳалиги қиз.— Қандай тузоқ! Бир қўли билан халққа эркинлик берса-ю, иккинчи қўли билан уни ўққа тутса-я!

Биз айланма йўлдан юриб, Владимир ибодатхонаси ёнидан Николай скверига — боягина мен панжарага чи-

қиб олиб «ура» деб қичқирган ва фуражкамни силкитган худди ўша жойга чиқдик.

— Раҳмат,— дедим мен қизга қараб.— Уйимизга яқин қолди. Бу ёғига энди ўзим кетаман.

— Хўп, яхши,— деди у.— Бора қолинг. Фақат бугунги кўрганларингизни сира унутманг.

— Йўқ, унутмайман,— товушим қалтираб жавоб қилдим мен.

Қиз кетди. Мен панжарага суяндим-да, фуражкамни ечдим — у калламни жуда сиқиб юборган эди... Бошим қаттиқ оғрирди. Жуда қўрқиб кетган эдим. Бошига котелок кийган бир мўйсафид ёнимга келиб тўхтади-да, сенга нима бўлди, деб сўради. Унга жавоб қилишга ҳам мадорим қолмаган эди. Мўйсафид бош чайқатиб, нари кетди.

Мен фуражкамни кийдим-да, уйимизга, Никольско-Ботаническаяга қараб йўл олдим. Қош қорая бошлаган эди. Ботаётган қуёшнинг қип-қизил шуъласи деразаларда акс этарди. Одатда кўчаларда фонуслар худди шу маҳалда ёқиларди. Бироқ бугун негадир уларни ёқишга шошилмасди.

Кўчамизнинг муюлишида ойимни кўриб қолдим. У тез-тез юриб менга пешвоз келарди. Ойим мени елкамдан ушлаб бағрига босди-да, кейин бирдан қичқириб юборди:

— Боря қани? Сен Боряни кўрмадингми?

— Уша ёқда!— Қрешчатик томонни кўрсатиб дедим мен.

— Уйга бор!— деди ойим ва кўча бўйлаб югуриб кетди.

Мен унинг ортидан бир оз қараб турдим-да, сўнг сурғалиб уйга жўнадим. Кўчамиз одатдагидек бўмбўш эди. Деразаларда чироқ нурлари пайдо бўлганди. Отамнинг хонасидаги стол устида кўк абажурли лампага кўзим тушди. Кўча эшиги олдида оқсоч қиз Лиза турган экан. У елкамдаги сумкани олиб, дастрўмоли билан юзимни артди-да, деди:

— Хў дайди! Сенларни деб ақлдан озаёздик! Қани, юр! Ювиниб оласан.

Уйда фақат Галя билан Дима қолишган экан. Галя хоналарда стулларга қоқилганича у ёқдан-бу ёққа юрар ва нуқул: «Ҳаммалиги қани, а? Ҳаммалиги қани, а?»— дерди. Дима дераза токчасида ўтириб олиб, алланима-

га қулоқ соларди. У намоишга боролмай қолгани туфайли ҳеч бўлмаса ўқ товушларини эшитмоқчи бўларди. Шунинг учун ҳам дераза тоқчасига ўтириб олганди.

Юз-қўлимни ювиб олдим. Лиза менга пиширилган сут қуйиб берди. Нуқул энтикиб-энтикиб қўярдим.

— Сен ўлганларни кўрдингми?— сўради мендан Дима.

— Ҳа!— гарангсиб пўнғилладим мен.

— Унга кўп тирғилаверма!— деди Галя жаҳл билан.— Аҳволини қара!

Ниҳоят, ойим билан Боря келишди. Борянинг ҳамма ёғи чанг-чунг бўлиб, ўзи бош яланг эди. У худди эси оққан одамга ўхшаб ғалати жилмайиб турарди. Улардан кўп ўтмай студент Маркович ҳам қайтиб келди. У жуда кўп ўлган ва ярадор бўлганларни кўрганини сўзлаб берди.

Ойим дераза пардаларини тушириб қўйди ва Лизага, аввал кимлигини билмай туриб, ҳеч кимга эшик очмасликни буюрди. Кейин ойим, бор ухла, деб мени ўз хонамизга чиқариб юборди. Уринга ётишдан олдин мен пардани кўтариб кўчага қарадим. Фонуслар ҳанузгача ёнмаган эди. Томларга ғалати кўкимтир шуъла тушиб турарди. Гўё шаҳарда ҳеч ким қолмагандек, атроф ниҳоятда жимжит эди. Қўшни кўчадан кимдир от чоптириб ўтиб кетди ва яна ҳамма ёққа сукунат чўкди.

Мен пардаларни тушириб ечиндим-да, ўрнимга ётдим. Қалин деворларга тикилиб икки қаватли уйимизни мустаҳкам қалъага ўхшатардим. Уни ҳеч қандай ўқ тешиб ўтолмайди деб ўйлардим. Лампа чироқнинг кўкимтир олови чирсиллаб қўярди. Мен мудраб кетдим. Уйқу аралаш қулоғимга эшик тепасидаги қўнғироқнинг жиринглагани ва дукур-дукур қадам товуши чалинди. Кейин отамнинг овози эшитилди.

Эрталаб ойим, ҳовлидан ташқарига асло чиқа кўрма, деб тайинлади. Мен дилим сиёҳ бўлиб, умуман уйдан чиқмасликка қарор қилдим. Елкамга шинелимни ташлаб, балконга чиқиб ўтирдим-да, Некрасовнинг уй вазифа қилиб берилган шеърини ёд ола бошладим. Бироқ атиги, «Кеч куз кирди. Ёзги қушлар бошлади улкан сафар. Урмон либосини ечиб, бўм-бўш қолди далалар» деган икки мисрагина шеърни ёд олдим, холос. Нуқул чалғиб кетардим. Мана, ўт ўчирувчилар коман-

даси ўтиб кетди. Кейин ҳовлидаги уйдан қорагуруҳчи ва ўлгидай қўрс штабс-капитан Задорожний чиқиб келди. У эғнидаги шинель устидан портупея таққан бўлиб, ёнига қиличдан ташқари револьвер ҳам осиб олган эди. Штабс-капитаннинг ортидан унинг хотини — сочлари тўзиган ва кўзларининг ости кўкарган қоқсуяк аёл чиқди. Унинг эғнида товусларнинг сурати туширилган қора японча халат ҳилпираб турарди.

Задорожний яқиндагина япон урушидан қайтган бўлиб, у ёқдан иккита баҳайбат сандиқ олиб келган эди. Сандиқлар кийимлик жужунча, халатлар, елпигичларга тўла эди. Улардан бирида ҳатто хитойча эгри қилич ҳам бор экан. Отам Задорожнийни масхара қилиб: «Мукден қаҳрамони!» — деб атарди.

— Жорж, — нозу карашма қилиб чийилларди Задорожная, — менинг хавотир олишимни унутманг-а, хўпми.

— Бекорга хавотир оляпсиз, жонгинам! — гердайиб жавоб қилди Задорожний ва хотинининг қўлидан ўпди. — Биз революционерларнинг бир зумда суробини тўғрилаб қўямиз.

Шундай деб у орқасига ўгирилиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Балконга Марковичнинг хонасидан ҳам дераза қараганди. Ҳозир у очиқ эди. Маркович стол ёнида алланима устида энгашиб ивирсиганича ҳуштак чалиб ўтирарди. Мен ичкарига қарадим. Маркович кўкиштоб пўлат браунингни тозалаётган экан. Мени кўргач, у браунинг устига газета ёпди-да, медицина китобларини титкилай бошлади.

Эртасига эрталаб Лиза девордаги иконаларни олиб, уларни деразага ўрнатди. Фаррош Игнатий уйимизнинг дарвозасига бўр билан катта кресть шаклини чизиб қўйди. Кейин у дарвозани ҳам, кўча эшигини ҳам қулфлагач, биз гўё қалъа ичида яшаётгандек бўлиб қолдик.

Ойим шаҳарда яҳудийларни қирғин қилиш бошланганини айтди. «Петербургнинг буйруғи бўйича қилинпти бу ишлар», — қўшиб қўйди у. Лиза эса шивирлаб, қирғин ҳозир Васильковскийда кетаётгани ва бизнинг кўчага яқинлашиб қолганини хабар қилди.

Маркович Боря билан бирга кўчага чиқиб кетди. Черногориялик бу студент оёғига этик кийиб, тужуркаси устидан камар тақиб олганди. Ойим аввалига Боряни юбормайман, деб туриб олган эди, отам унга ўшқи-

риб берди. Шундан сўнг ойим Боряни чўқинтириб, юзидан ўпди-да, майли, бора қол, деди. Боря Маркович билан бирга зинапоядан тушиб борар экан, ойим нуқул студентдан, жон Маркович, Борядан кўз-қулоқ бўлиб турунг-а, деб илтимос қиларди.

— Улар қаёққа кетишди?— сўрадим отамдан.

— Студентлар дружинасига. Яҳудийларни ҳимоя қилишади.

Боря билан Марковичнинг кетидан отамнинг ўзи ҳам чиқиб кетди. Дима икковимиз куни билан ҳовлида сандироқлаб юрдик. Пешин маҳали қулоғимизга отишма овози чалинди. Кейин у зўрайиб кетди. Васильковскида ёнғин бошланди. Ҳовлимизга паға-паға бўлиб ёнган қоғоз куйиндилари учиб тушарди.

Кундузи отам сочлари оппоқ, рўмоли бўйғига сирғилиб тушган жуҳуд кампирни бошлаб келди. Эсанкираб қолган кампир бир хомуш болани етаклаб олганди. У таниш докторнинг онаси эди.

Ойим Игнатийни ошхонага чақириб, унга ўн сўм пул берди. Бироқ Игнатий пулни ойимга қайтариб, деди:

— Ўзимнинг фаррошхонамдаям бола-чақаси билан тикувчи Мендель ўтирибди. Яхшиси, Задорожнаядан эҳтиёт бўлинг, ўша сезиб қолмасин.

Кечга яқин дарвозамиз ёнига бошига қора картуз кийган паст бўйли бир йигит келди. Унинг диккайган сочи картузи остидан чиқиб турарди. Йигитнинг бутун даҳанига писта пўчоғи ёпишиб қолган эди.

Йигитнинг кетидан сочини қирдирган, эгнига калтагина шим ва канотье кийиб олган баланд бўйли чол эҳтиётлик билан қадам ташларди. Унинг орқасидан эса, бош яланг, кўзлари шишиб кетган питрак одам ва иссиқ рўмол ўраб олган семиз бир кампир юриб келишарди. Биз уни авваллари Галицкий бозорида кўриб юрардик. Савдогар кампир қўлтиғига яп-янги бўш қоп қистириб олган эди.

— Оч эшикни!— бўқирди йигит ва лом билан эшикни бир урди.

Фаррошхонадан Игнатий чиқди.

— Жуҳудлар борми?— сўради ундан йигит.

— Сенга ўхшагани керак бўлса, топилади,— истаристамас жавоб қилди Игнатий.

— Жухудларни яшириб ўтирибсанларми, ҳали!— қичқирди йигит ва эшикни силкита бошлади.— Биз ҳаммасини биламиз. Оч деяпман сенга.

— Кўп ўшқираверма. Ҳозир полковник Задорожнийни чақирсам нақ адабингни бериб қўяди,— пўписа қилди Игнатий.

— Тупурдим қуддуслик ўша полковникларга! Биз полковнигининг терисига сомон тиқамиз!

Йигитнинг гапини эшитиб, бу машмашага деразадан қулоқ солиб турган Задорожная хоним ўзини қўярга жой тополмай қолди. У қутурган товукдек дарвоза томон югурди. Хонимнинг эғнидаги қора халатининг енглари шамолда ҳилпираб борарди.

— У-у, сурбет!— қичқирди у ва панжарасимон эшикдан йигитнинг бетига тупурди.— Император армияси офицерини ҳақорат қилишга қандай журъат қилдинг, а? Ялангоёқ! Василий!— чинқирди у яна.— Бу ёққа кел, танбал!

Ҳовлидаги уйдан капалаги учиб кетган деншик отилиб чиқди. У омборхона ёнидаги болтани қўлига олди-да, эшик томон югурди. Йигит ўзини орқага ташлади-ю, деншикка қараб-қараб қўйганича, кўчадан қочиб қолди. Ҳамроҳлари ҳам унинг орқасидан пилдираб югуришди. Деншик болтани силкитиб, йигитга пўписа қилди.

— Яягиликни қаранг-а!— дерди Задорожная хоним, халатиға қимтиниб уйига қайтар экан.— Бўлар-бўлмас сурбетлар ўзини ҳақиқий рус қилиб кўрсатмоқчи бўляпти-я, йўқ, янглишасиз! Бу найрангингиз ўтмайди!

Шу тариқа, кутилмаганда қорагуруҳчининг хотини таловчиларни бизнинг уйдан қувиб юборди. Катталар кейинчалик анчага довур бу воқеа устидан кулиб юришди.

Йигит қўшни уй олдида тўхтади-да, у ерда ҳам жон-жаҳди билан дарвозани тақиллата бошлади. Шу пайт Дима мени уйимиз чордоғига сургаб қолди. Чордоқда анчадан бери ишлатилмаган катта бир рогатка осиглиқ турарди. Биз уни «катапульта» деб атардик.

Чордоқ туйнугининг ойнаси синган ромига катта катта михлар билан йўғон резина тасма қоқиб қўйилганди. Бу рогатка биз кўчиб келмасимиздан аввал шу уйда яшаган боладан мерос қолган эди.

Мен чордоқдан сариқ пишган ғишт парчасини қидириб топдим. Дима уни рогаткага солди-да, маҳкам қисиб, ушлаб олди. Биз икковлон кучимиз борича рогат-

кани тортиб, йигитни мўлжалга олдик ва резинани қўйиб юбордик.

Ғишт япроқларни уриб туширганича ғизиллаб ҳовли устидан учиб ўтди ва тротуардан ўтиб бораётган ҳалиги баланд бўйли чолнинг оёғи остига бориб тушди. Атрофга майда-майда ғишт парчалари сочилди. Мўлжалимиз хато кетган эди.

Чол кутилмаган шу ҳужумдан ўтириб қолди, кейин ўрнидан сапчиб турди-да, югура кетди. Унинг ортидан этикларини дўпиллатиб йигит ҳам қочиб қолди.

— Яна ғишдан ол!— қичқирди Дима.

Бироқ мен ҳаяллаб қолдим — йигит нарироқдаги уйнинг муюлишидан ўтиб, ғойиб бўлган эди.

— Сен нотўғри тортдинг,— деди Дима,— шунинг учун мўлжалимиз хато кетди. Қийшайтириб тортдинг-да, ахир.

Дима доим ўз хатоларини бировга тўнкашни, кейин ўзиникини маъқуллаб баҳслашишни яхши кўрарди.

Гарчи мўлжалимиз хато кетган бўлса-да, лекин ҳар қалай биз «катапульт»дан бундай ўқ узганимиз билан фахрланиб юрдик.

Кечқурун Лиза фаррошхонага тикувчи Мендель оиласи учун сўк бўтқа олиб борди. Мен ҳам у билан бирга бордим.

Фаррошхона деразаларига парда тутиб қўйилган эди. Игнатий курсида ўтириб олиб гармонда секингина, яқинда бўлиб ўтган япон уруши хотираси бўлмиш «Маньжурия тепаликлариди» вальсини чалар ва оҳиста куйларди:

Машъум бир тун, сопкаларда ўкирар шамол..

Менделнинг оиласи ухлаб ётарди. Тикувчининг ўзи эса керосин лампаси ёнида янги пиджак тикиб ўтирарди.

— Улдирмоқчи бўлиб орқангдан қувишса ҳамки,— деди у,— тиним билмай тикаверишинг керак. Бўлмасам очингдан ўласан.

Лиза эшик кесақисига суянганича маъюслик билан Игнатийнинг ашуласига қулоқ соларди:

Тикда танҳо ой қотган ғамгин  
Солдатларнинг қабрин ёритиб..

## ҚИЗИЛ ФОНУСЧА

Мен қизил шишали фонусчани ёқдим. Фонусчанинг ичига кичкинагина керосин лампаси ўрнатилган эди.

Фонусча токчаларига ҳар хил қақир-қуқурлар уйиб ташланган ва ҳамма ёғини чанг босган торгина қазноқни хира ёритди.

Мен отам олган суратларни проявителга солиб чиқара бошладим. Отамнинг кичкинагина «кодак» фото-аппарати бор эди. У сурат олишни яхши кўрарди, бироқ кейинчалик сурат олинган плёнка ғалтаклари отамнинг ёзув столи тортмасида ойлаб қолиб кетарди. Қатта байрамлардан олдин бизникида уй кўтариш бошланарди. Ана шунда ойим тортмадан ғалтакларни олиб менга берарди. Мен эсам уларни проявителга солиб чиқара бошлар эдим.

Бу жуда мароқли иш эди, чунки плёнкада нима пайдо бўлишини аввалдан сира билиб бўлмасди. Бундан ташқари, сурат чиқарар эканман, ҳеч ким, ҳатто ойим ҳам қазноққа киролмаслиги менга жуда ёқиб тушарди. Мен танҳо ўзим, бутун дунёдан ажралиб қолардим. Одатдаги товушлар — талинкаларнинг тақир-туқури, соатларнинг жангир-жуңгури, оқсоч Лизанинг чийилдоқ овози қазноқда деярли эшитилмасди.

Қазноқнинг деворига папье-машедан қилинган ниқоб осиглиқ турарди. Унда қип-қизил лунжини шишириб олган, бурни пучуқ масхарабоз тасвирланган эди. Унинг қийшайтириб кийиб олган оқ цилиндри остидан бир тутам малла каноп лос осилиб турарди.

Қизил фонусчани ёққанимда ниқобга жон кирарди. Масхарабоз проявителга солиб қўйилган плёнкали қора ванначага қарай бошларди. У гоҳо менга кўз ҳам қисиб қўярди. Ундан сирач ҳиди келарди. Баъзан уйимиз жимжит бўлиб қоларди, вақти-вақти билан ҳатто энг тўполончи оилаларда ҳам шундай бўлиб туради. Ана шунда бу масхарабоз билан ёлғиз қолганимни сезиб юрагим орқамга тортиб кетарди.

Аста-секин унинг табиатини ўрганиб олдим. Мен масхарабознинг аскиячи одам эканлиги, унинг учун дунёда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқлиги ва бир кунмас-бир кун уни доим қазноқда сақлаганимиз учун биздан ўч олажанин билардим. Менга ҳатто масхара-



Боз жим туравериб зерикканидан алланималар деб  
мингиллагандек, ёки:

Қайнаётган овозни  
Мураббо деб тамшанма.  
Еб қўйдилар хўрозни  
Товуқлар бу якшанба.—

деб, хиргойи қилаётгандек туюларди.

Бироқ эшикни очиб, қазноққа кўкимтир кундузги ёруғни киритишим билан масхарабоз дарҳол жонсиз бўлиб қолар ва устини чанг қоплаб оларди.

Бу гал отамнинг ўзи бир неча плёнкали галтакни олиб келиб мендан уларни проявителга солиб чиқариб беришни илтимос қилди.

Ушанда отам эндигина Москвадан қайтиб келганди. 1906 йил январь ойининг бошлари эди. Москвага отам декабрь қўзғолонининг сўнгги кунларида етиб борибди. У бизга Пресня баррикадалари, дружиначилар, тўпга тутишлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Қўзғолоннинг муваффақиятсиз тугаганига қарамай, отам жуда руҳланган ҳолда, Москва совуғидан қип-қизариб қайтди. У бутун Россияда қўзғолон кўтарилиб, зориқиб кутилган ҳуррият рўй беришига оз қолди, деб қаттиқ ишонарди.

— Яхшилаб чиқар,— деди отам.— Уларда тарихий Москва суратлари бор. Лекин улар қайси галтакда эканлиги эсимда йўқ.

Галтакларнинг ҳаммаси бир хил эди. Отам уларга белги қўймаган экан. Тусмоллаб чиқараверишга тўғри келди.

Биринчи галтакда Москва суратлари йўқ экан. Ундан фақат эгнига калта пиджак кийиб, галстугини капалак нусха қилиб таққан паст бўйли озғин бир кишининг бир неча сурати чиқди. У девор ёнида туриб расмга тушибди. Деворда эса узунчоқ бир картина осифлиқ турарди.

Анчага довуру бу картинада нималар тасвирланганини билолмай турдим. Кейин, ниҳоят, унда студент Марковичникига ўхшаш озғин башара тасвирланганлигини пайқаб қолдим. Унинг ҳамма ёғини қуш пати тутиб кетган эди.

Отам қазноқнинг олдиға келиб сўради:

— Хўш, қалай, Москва суратлари чиқдимми?

— Ҳозирча йўқ, фақат девордаги картина ёнида турган қандайдир бир чолнинг сурати чиқди.

— Бу Врубель-ку! Наҳот унутган бўлсанг? Ҳазир бўл, плёнка дорида узоқ туриб қолмасин.

— Картинада ҳеч нарса чиқмади. Унда бир одамнинг башараси ва қандайдир патлар кўриняпти, холос.

— Ўзи шунақа бўлиши керак,— жавоб қилди отам.

— Бу «Иблис» бўлади.

Отам нари кетди. Шунда бир кун эрталаб чой ичиб ўтирганимизда отам ойимга қараб, Киевга бир неча кун турадиган бўлиб Михаил Александрович Врубель келганлиги ва отамдан меҳмонхонадаги ўз бўлмасига кириб ўтишни илтимос қилганлигини айтгани эсимга тушди.

— Ҳайронман, Врубелнинг нимасига қизиқиб қолдинг,— норози бўлиб, деган эди ойим ўшанда.— Аллақандай декадент бўлса ўзи! Бу савдойи рассомлардан яхшилик чиқишига сира кўзим етмайди.

Бироқ отам барибир Врубелнинг олдиға борди ва мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Биз Олтин дарвоза ёнидаги меҳмонхонага кирдик-да, бешинчи қаватга кўтарилдик. Қоридордан одатда меҳмонхоналарда эрталаб бўладиган ҳид, атир ва қаҳва ҳиди келарди. Отам пастаккина эшикни қоқди. Хонадан эгнига эски пиджак кийган паст бўйли ва озгин бир киши чиқди. Бу қўй кўз кишининг юзи ҳам, сочлари ҳам худди пиджаги каби кул ранг бўлиб, уларга парча-парча сарғиш доғ тушган эди. Рассом Врубель ана шу киши экан.

— Бу навқирон шахс ким бўладилар?— сўради у, иягимдан қаттиқ ушлаб.— Уғлингизми? Жуда акварел-боп йигитча экан!

У отамнинг қўлидан ушлаб, стол ёнига бошлади.

Мен қўрқа-писа хонага кўз югуртирдим. Бу мансарда эди. Акварелда чизилган бир неча расм тўғнағич билан девордаги қорамтир гулқоғозларга қадаб қўйилган эди.

Врубель отам билан ўзига коньяк қуйди-да, ўзиникини шимириб ичди ва баланд пошналарни қаттиқ тўқиллатиб хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Отам деворга қадалган расмларни мақтаб нимадир деди.

— Э-э, шунчаки латта-путталар булар!— қўл силтаб жавоб қилди Врубель.— Картина аслида... осмон янглиғ илҳомбахш бўлмоғи лозим. Хўш, қайси рассом юлдуз ёғдусини тасвирлаб бера олади! Лекин мен бунинг удасидан чиқсам керак!

У хонада у ёқдан-бу ёққа юришдан тўхтаб, стол ёнига келиб ўтирди.

— Негадир олмахонга ўхшаб қўнимсиз бўлиб қолдим,— деди у.— Ўзимниям жонимга тегди. Бир Лукьяновкага бормаймизми, Георгий Максимович?

— Кирилловский черковидами?

— Ҳа. Асаримни бир кўрсам дегандим. Тамоман унутаёзибман.

Отам рози бўлди. Биз учовлон извошга ўтириб, Лукьяновкага жўнадик. Извош аввалига узундан-узоқ Львов кўчасидан сўнг худди шунга ўхшаш Дорогожицкийдан юриб борди. Врубель билан отам папирос чекиб ўтиришарди.

Врубелга қараб туриб, унга раҳмим келиб кетди. У қалтираб-қалтираб кетар, кўзларини ола-кула қилар, баъзан гапидан адашиб қолар, кетма-кет папирос тугатар ва уни чекмай ташлаб юбораверарди. Отам Врубель билан гўё у ёш боладек, мулойим гаплашарди.

Биз Федоровский черкови ёнида извошдан тушдикда, чор атрофи боғ Лукьяновка кўчаларидан юриб кетдик. Бир оз юргач, жар ёнидан чиқдик. Йўл илон изи бўлиб пастга туша бошлади. Пастда эса Кирилловский черковининг мўъжазгина гумбази кўзга чалиниб турарди.

— Бир оз ўтирайлик,— деди Врубель.

Биз йўл четига ўтирдик. Атрофда чанг босган ўтўланлар ўсиб ётарди. Днепр тепасида осмон кўкиштоб бўлиб турарди.

— Шунисига доғман-да, Георгий Максимович,— деди Врубель.— Агар инсон ўзини-ўзи четдан аралашувсиз ярата олса нима қилардийкин? Турмушимиз юз чандон соз қурилган бўларди, шундай эмасми? Ёки, тўғрироғи, ташқи қиёфамиз ички дунёмизга бутунлай монанд бўларди. Ана шунда манови бемаза жисмни сургаб юришга ҳожат қолмасди.

У буришган лунжига бир уриб қўйди-да, кулиб юборди.

Мен Врубелнинг бу сўзларини унча яхши тушунмасдим, албатта. Мабодо отам у ҳақда ойимга, кейин эса Коля тоғамга ва баъзи бошқа танишларига ҳикоя қилмаганида ҳамда улар Врубелга ачинишмаганида, мен, балки, ҳалиги суҳбатни эслаб ҳам қололмаган бўлардим.

Кирилловский черковида Врубель индамай ўзи чизган фрескаларни томоша қилди. Улар худди кўк, қизил ва сариқ лойдан ясалгандек туюларди. Девордаги шундай катта картиналарни ана шу озгингина киши чизганига сира ишонгим келмасди.

— Мана буни картина дейдилар!— черковдан чиққаннимиздан сўнг хитоб қилди Врубель.

Мен отамнинг бу гапга хотиржамлик билан қулоқ солганлиги ва ҳатто Врубелнинг фикрига қўшилганлиги кўриб ҳайрон қолдим. Чунки отам на менга, на акаларимга бирон марта ҳам мақтанчоқлик қилишга йўл қўймасди. Шу боисдан Рейтер кўчасида рассом билан хайрлашганимиздан сўнг отамга Врубель менга ёқмаганлигини айтдим.

— Нега энди?— сўради отам.

— Мақтанчоқ экан.

— Тентаквой!— елкамга қоқиб қўйди отам.— Букчаяверма кўп!

— Нега тентак бўлар эканман?— ранжиб сўрадим ундан.

— Авваламбор,— жавоб қилди отам,— Врубелнинг ажойиб рассом эканлигини тушунмоқ керак. Бир кунмас бир кун буни ўзинг ҳам тушуниб оласан. Яна унинг хасталигини ҳам инобатга олмоқ лозим. У руҳан касал одам. Иннайкейин, бир ибратли қоидани ҳам унутмаслик даркор: ҳеч қачон биров ҳақида ўйламасдан туриб ҳукм чиқарма. Бўлмаса кулгига қоласан. Букчаявермасанг-чи, ахир! Мен сени хафа қиладиган биронта гап айтганим йўқ-ку!

Гарчи плёнка проявителдан чиққан бўлса-да, Врубелнинг орқасидаги картинада бирон нарсани илғаб олиш қийин эди. Мен фақат бунинг «Иблис» эканлигини билардим, холос.

Биринчи бор бу картинани мен анча кейин 1911 йилнинг қишида, Третъяков галереясида кўрдим.

Москва совуқдан буруқсиб турарди. Трактирларнинг намиққан эшигидан гупиллаб буғ чиқарди. Москванинг

оппоқ қори, қиров босган хиёбонлар, қиш ўз безагини туширган деразалар ва кўкимтир газ чироқлар орасида Врубелнинг бу картинаси чақнаб турган Кавказ чўққиларидан топилган мовий тусдаги олмос янглиғ ярқираб турарди. У галерея залида гўзаллик нафаси уфуриб, инсоннинг чексиз қайғусини ифодалаб турарди.

Мен «Иблис» қаршисида узоқ туриб қолдим. Фақат шундагина илк бор бундай картиналарни мушоҳада қилиш кўзга ором бағишлашгина эмас, киши хотирасида кутилмаган ноёб фикрлар кўзғашини ҳам тушундим.

Ногаҳон Лермонтовни эсладим. Унинг шпорларини оҳишта жиринглатиб Третьяков галереясига кириб келишини тасаввур этдим. У вестибюлда кул ранг шинелини чаққон ечиб, нуроний қоровул қўлига топширгач, маъюс кўзлари билан «Иблис»га тикилганича узоқ туриб қолгандай бўлди.

У ўзи ҳақида: «Тунда учган юлдуз ёғдуси янглиғ, даркор эмас эканман ёруғ дунё»га каби надомад тўла сўзларини ёзиб қолдирган. Афсус, минг афсусларки, шоир янглишган эди! Тунда учган юлдузнинг бир оний ёғдуси ёруғ дунёга қанчалик зарурлигини билганмикан у! Ахир, инсон еб-ичиш билангина инсон эмас-ку!

У ўзини ер тутқуни деб ҳисобларди. У қалб ҳароратини саҳро узра сочганди. Бироқ шундан кейин саҳро гуллар водийсига айланди. Унинг шеърый қудрати, ғазоби, қайғуси ва бахтга хуморлигини ўзига сингдириб олди. Ахир шоир камсуқумлик билан «Кумушсимон марваридгул бута остидан, хушчеҳра, жилмайиб боқарди менга» деганди-ку. Ким билсин, балки, иблис қони сачраган тоғ чўққиларининг ўта соф ва муздек ҳавоси пастликдаги мана бу ажиб ўрмон гулининг олисдан келаётган занф ҳидига тўйингандир. Лермонтовнинг ўзи эса худди шу қувғин иблис каби ҳаётда зўр эҳтирос билан интилган нарсаси: адолат, муҳаббат ва ҳамдамликка эришолмаган норасидалигича қолаверган.

\* \* \*

— Хўш, қалай,— эшик орқасидан сўради яна отам,— Москва расмлари чиқай деб қолдимми?

Отамнинг товуши мени хаёл оғушидан қутқарди.

Навбатдаги ғалтакни проявителга солдиму, Врубелни унутиб юбордим. Плёнкада қор босган пастак уйли Москва кўчалари пайдо бўлди. Кўчаларни бочкалар, тахталар, тошлар ва вивескалардан қурилган пастак баррикадалар кесиб ўтганди. Баррикадалар ёнида ҳарбий бўлишмаса-да, бироқ қўлларида милтиқ ва револьверлар тутган кишилар туришарди.

Кейин плёнкада снарядлардан илма-тешик бўлиб кетган баланд-баланд уйлар, Букри кўприк, ёнгин тутуни билан қопланган ҳайвонот боғи, далвир-далвир трактир вивескалари, тўнкарилиб ётган трамвайлар кўрина бошлади.

Суратларнинг ҳаммасини қишга хос қандайдир хира парда қоплаб олган, бинобарин, бу ўринда бирор нарса қилишга ожиз эдим. Ҳеч қандай проявитель суратдаги доғ-дуғларни йўқотиб тиниқ қилиб беролмасди.

Бу хиралик айни қўзғолон шароитини ифодалаб беради. Суратлардан порох тутунининг ҳиди анқиётгандек эди.

Қўзғолон! Бу сўз ўша даврда патриархал тузум чуқур илдиоз отгандек туюлган Россияда қулоққа ғалати эшитиларди. Мен ҳиндилар қўзғолони ҳақида повестлар ўқигандим, Париждаги коммунарлар қўзғолони, декабристлар исёни ҳақида анча-мунча нарсаларни билардим, бироқ Москва қўзғолони менга кучли ва энг романтик воқеадек бўлиб туюларди.

Мен Москва картасини топиб келдим. Отам ундан баррикадалар қурилиб, жанг бўлган барча жойлар — Чистие пруди, Самотека, Кудринская майдони, Грузини, Пресня ва Букри кўприкларни кўрсатди. Ушандан буён бу номлар хотирамда тарихий жойларнинг энг ажойиби сифатида сақланиб қолган.

Бу қўзғолонга тааллуқли барча нарсалар: Москва-нинг лайлакқор қиши ҳам, дружиначилар тўпланишадиган чайнаялар, кўҳна Москва хусусиятларининг янги, қўзғолонлар даври билан чатишиб кетгани ҳам мен учун алоҳида маъно касб этганди.

Эгнига қирқ ямоқ чакмон кийган извошчилар, нон-войхона тепасида осиглиқ шода-шода тешиккулчалар, иссиқ пирог сотиб юрган хотинлар, буларнинг шундоқ ёнгинасидан ўқларнинг визиллаб учиши, югур-югурлар, револьверлар пўлатининг қорамтир ялтираши, қизил байроқлар ва, «Бошимиз узра кезар машъум довуллар,

ёвуз қора кучлар зулм қилар бизга», деб «Варшавянка»ни куйлашлар бир-бирига аралашиб кетганди.

Кураш поэзияси, қиш субҳидами каби ҳали бир оз туманли бўлган, бироқ муқаррар яқинлашиб келаётган ҳуррият нафаси худди ана шунда эди. Давр тетиклик, ишонч ва умид билан суғорилганди.

Бутун поёнсиз Россия тупроғи Преснядаги авж олиб бораётган аланга ловиллашини диққат билан кузатиб борар ва дружиначиларнинг ғалабасини кутарди. Бу қўзғолон келгуси момақалдироқлар ва борлиқ янгидан ларзага келиш ва янгиланиш арафасида гулдураган қишқи момақалдироққа ўхшарди.

Ҳозир мен ўша кезлари бутун вужудимни қамраб олган завқ-шавқни тасвирлаб беришим мумкин. У пайтларда буни ҳис этардим, бироқ баён қилиб беролмасдим.

Эртаси кун мен плёнкадаги суратларнинг ҳаммасини қоғозга туширдим-да, отамнинг олдига олиб бордим. Қош қорая бошлаган эди. Кабинетда лампа ёқиб қўйишганди. Чироқ ёзув столи устидаги таниш нарсалар: паравознинг пўлат модели, жингилсоч Пушкиннинг ҳайкалчаси ва ўша кезлари кўплаб чиқадиган революцион сатирик журналлар уюмини ёритиб турарди. Энг кўринарли жойга эгнига шер калла нусхадаги тугма қадоғлиқ плаш кийган лейтенант Шмидтнинг портрети қўйилганди.

Отам диванда газета ўқиб ётарди. У барча суратларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди-да:

— Жуда ғалати мамлакат! Врубель ва қўзғолон! Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, бир манзил сари кетяпти,— деб қўйди.

— Қанақа манзилга?

— Давр яхшилик томон боряпти. Сен ҳали жуда кўп ажойиб нарсалар шоҳиди бўласан, Костик. Бунинг учун ўзинг ҳам ажойиб инсон бўлмоғинг лозим.

## БУМ-БУШ ТАВРИДА

Орадан икки йил ўтиб, мен ўн тўрт ёшга тўлган йилим, ойим ёзни энди Ревнада эмас, балки Қримда ўтказамиз деб туриб олди. У Қрим шаҳарлари орасида энг осойиштаси — Алуштани танлади.

Биз у ерга Одесса орқали бордик. Одесса меҳмонхо-

налари лиқ тўла экан. Шунинг учун вокзал ёнига жойлашган Афонский ибодатхонаси ҳовлисида қўнишга тўғри келди. Эгнига ридо кийиб, белига локланган ялтироқ камар тақиб олган ибодатхонанинг шогирд монахлари бўлмиш ўспирин йигитчалар бизни қичитқи ва қоқланган денгиз балиғи — камсадан пиширилган шўрва билан меҳмон қилишди.

Менга бу шўрва ҳам, ҳашамдор оппоқ шаҳар ҳам, вишиллайдиган зельтер суви ҳам, порт ҳам жуда ёқиб қолди. Порт узра оппоқ балиқчи қушлар тўдасига аралшиб кўкимтир булут каби кабутарлар чарх уриб юришарди.

Мен яна денгиз булан учрашдим. Бу ерда у Кавказдагига қараганда анча мулойимроқ туюларди.

Биз «Пушкин» деб номланган эски пароходга тушиб Ялтага келдик. Денгиз сатҳи сокин эди. Кеманинг дуб планширлари офтобда шў қадар қизиб кетгандики, уларга қўл тегизиб бўлмасди. Салондаги борки нарсалар пароход винтининг айланнишидан жиринглаб, титраб-титраб қўяр ва қуёш нуридан ялтираб турарди. Қуёш нури салонга ёруғ кирадиган тешик, иллюминаторлар ва очиқ эшикдан тушарди. Мени жанубнинг серёғдулиги ҳайратга солган эди. Қуёш нуридан жами оқ нарса ярак-юруқ қиларди. Ҳатто иллюминаторларга тутилган дағал парусина дарпардалар ҳам кўзни қамаштирар даражада ярқираб кўринарди.

Қрим бизни мовий денгиз қўйнида Хазиналар ороли янглиғ қад кўтариб қарши олди. Тоғларнинг бинафша ранг чўққиларига булутлар мингашиб олгандек эди. Оппоқ Севастополь биз томон аста яқинлашиб келарди. У бизнинг кўҳна пароходимизни қоқ пешин бўлгани сабабли замбараклардан ўқ узиб кутиб олди.

«Пушкин» кўрфазда бурилиб олгунча анчага довур вақир-вуқур қилиб турди. Унинг тагидан вишиллаб беҳисоб пуфаклар учиб чиқарди. Биз ҳеч нарсани кўздан қочирмай кўриб қолиш учун кеманинг гоҳ у четига, гоҳ бу четига қараб югурардик. Ана Малахов кўрғони. Уртоқлик қабристони ва Граф пристани. Нарироқда денгизнинг нақ қирғоғида Константин қалъаси қад кўтариб турибди. Исёнкор «Очаков» крейсерини эса пантонлар қуршаб олибди. Ҳарбий кемаларнинг катерлари зилло сувни ёриб, пароходимиз ёнидан ғизиллаб ўтиб боришарди.



Мен худди сеҳрлаб қўйилган одамдек, атрофга ҳайратдан донг қотиб қарардим. Демак, Нахимов вафот этган, қалъаларда замбаракларнинг юмалоқ ўқи портлаган, тўпчи Лев Толстой жанг қилган, лейтенант Шмидт халққа содиқлиги ҳақида қасам ичган бу шаҳар фақат китоблардагина эмас, балки ҳақиқатда ҳам мавжуд экан-да. Мана, ўша шаҳар офтоб айни забтига олган иссиқ кунда акацлар соясига яширинганича ястаниб ётибди.

Ялтага «Пушкин» қош қорайганда етиб борди-да, боғдаги чароғон хиёбонга ўхшаш гаванга аста сузиб кира бошлади.

Тошдан ишланган тўлқин тўсарга қадам босганимизда, кўзим тушган биринчи нарса, қорачадан келган савдогарнинг араваси бўлди. Араванинг ёнига ўрнатилган таёқчага фонус осиб қўйилган эди. Фонус тукли шафтолилар ва устини кўкимтир чанг қоплаган катта-катта олхўриларни ёритиб турарди.

Биз шафтолидан озгина сотиб олдик-да, «Жалита» меҳмонхонаси томон йўл олдик. Қувноқ ҳаммоллар юкларимизни кўтариб боришарди.

Мен шундай чарчаган эдимки, меҳмонхонадан жой олишимиз биланоқ, бурчакда ўрмалаб юрган мингоёқ ва дераза ортидаги қоп-қора сарв бутасини кўрар-кўрмас ухлаб қолдим. Аввалига мен ҳовлидаги фонтаннинг жилдирашини бир зум эшитиб ётдим. Кейин уйқу мени ўз оғушига олиб, худди каютадаги каби аллалаганича қаёққадир, Қримнинг синглиси бўлмиш сирли бир ўлкага учириб кетди.

Ялта ва унинг ҳашамдор набережнаясидан сўнг Алушта менга жуда зерикарли бир жой бўлиб туюлди. Биз шаҳар четида, Стахеевский набережнаясининг ёнида бир уйни ижарага олдик.

Тошлоқ ер, хушбўй туя буталари, бўм-бўш денгиз ва йироқдаги Судак тоғлари — атрофимизни ўраб олган нарсалар ана шуларгина эди, холос. Алуштада шулардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Бироқ менинг у ерга аста-секин кўникиб кетишим ва севиб қолишим учун шуларнинг ўзи ҳам кифоа қиларди.

Галя билан биргалашиб тез-тез ёнгинадаги узумзорга бориб турар ва у ердан ширин-шакар тоғ узуми, муздаккина йирик жав ҳамда пушти ранг мускат сотиб олардик. Узумзорда тинмай саратон чирилларди. Те-

варак-атрофда эса сап-сарик митти гуллар очилиб ётарди.

Пастаккина оқ уйнинг эшиги очилиб бадани офтобда қорайиб кетганидан қўй кўзлари оппоқ бўлиб кўринувчи кекса аёл — Анна Петровна чиқиб келарди. У бизга узум қирқиб бергувчи эди. Баъзан у бизнинг олдимизга ўз қизини юборарди. Худди онасига ўхшаш қўйкўз бу қизнинг ёши ўн еттиларда бўлиб, унинг бошига чамбарак қилиб ўраган сочлари офтобдан сарғиш тусга кирган эди. Қиз аксари яланг оёқ юарди.

Гарчи, қизнинг исми Лена бўлса-да, катталар уни сув париси деб аташарди. Деярли ҳар куни, қош қорайгач, Лена дачамиз ёнидан ўтиб, денгизга тушиб борар ва у ерда чўмилиб, анчага довур сузиб юарди. Кейин у сочиқни елкасига ташлаб олганича уйига қайтар экан, куйларди:

Ўша ёқда, мовий кенгликда,  
Зангори денгиз оғушида биз,  
Унутиб ташвишу надоматларни,  
Шодлик лаззатларин тотамиз сўзсиз.

Галя Лена билан дўстлашиб қолди ва уларнинг бутун сир-асрорини билиб олди. Умуман, Галя ўзгаларнинг ҳаётидаги барча тафсилотларни сўраб-суриштириб юришни яхши кўрарди. У бу ишни кўзи хира ва синчков одамларга хос сабр-тоқат билан бажарарди.

Маълум бўлишича, Анна Петровна бева бўлиб, бир вақтлар Черниговда кутубхоначилик қилган экан. Лена ўша ерда сил касалига мубтало бўлибди ва докторлар уни Қримга олиб кетишни маслаҳат кўришибди. Анна Петровна Алуштага кўчиб келибди. Бу ерда у узумзорнинг эгаси бўлмиш украиналик бир чолга турмушга чиқибди. Кўп вақт ўтмай чол вафот этибди ва Анна Петровна билан Лена узумзорнинг бирдан-бир хўжайинлари бўлиб қолишибди. Қиш кезлари Лена Ялтада яшар ва ўша ердаги гимназияда ўқир экан. Бироқ якшанба кунлари у, албатта Алуштага, онасининг олдига келар экан. Ҳозир Лена мутлақо шифо топиб кетибди.

Лена гимназияни тугатгач, хонанда бўлишни орзу қиларди. Галя уни бу фикридан қайтаришга урина бошлади. Галянинг фикрича, аёллар учун энг муносиб иш

муаллималик қилиш эди. Унинг ўзи қишлоқ муаллимаси бўлман деб юрарди. Галянинг бу гаплари аллақачоноқ жонимга теккан эди. Чунки у ўзининг келгусидаги ихтисоси ҳақида жуда кўп гапирар ва гарчи у билан ҳеч ким баҳслашмас-да, дунёда педагогликдан яхшироқ иш йўқ, деб ҳаммага исботлаб юрарди.

Галя Ленани хонанда бўлиш фикридан қайтараётгани негадир жаҳлимни чиқарарди. Мен театрни севардим. Галянинг жиғига тегиш учун ҳам мен Ленага ўзим кўрган барча пьесалар: «Кўк қуш», «Дворянлар уяси», «Мадам Сан-Жен» ва «Ақллилик балоси» ҳақида завқшавқ билан ҳикоя қилардим.

Кўп нарсаларни ошириб-кўпиртириб гапирар эдим. Ленага келажакнинг порлоқ бўлади, деб башорат қилардим. Офтобда қорайган ва денгизда ҳар қандай матросдан ҳам яхши сузадиган бу нозиккина қиз бир кунмас-бир кун эгнига нафис кўйлак кийиб саҳнага чиқади, ана шунда унинг кўксига тақилган қорамтир гул қизнинг нафас олишидан титраб-титраб кетади ва ҳеч қандай упа-элик унинг қора мағиз юзини оқартиролмайди, деган фикр менга ёқиб тушарди.

Ленага менинг жўшқин орзу-хаёлларим қаттиқ таъсир қиларди. У гапларимни, гўё сочи оғирлик қилаётгандек, бошини сал орқага ташлаганича билинар-билинамас қизариб тингларди. Баъзан у:

— Ростини айтинг, сиз буларни ўйлаб чиқаряпсиз, а? Тўғрими? Айтаверинг, мен хафа бўлмайман,— дерди.

У, гарчи мендан уч ёш катта бўлса ҳам, «сиз»лаб гапирарди. Уша кезларда ўзаро жуда яқин кишиларгина бир-бирлари билан сенсирашиб гапиришардилар.

Мен Ленага, гапирётган гапларимни ўйлаб чиқардим, деёлмасдим, чунки, бу гапларимга ўзим ҳам чин кўнглимдан ишонардим. Бу хусусиятим кейинчалик бошимга тушган кўпгина мусибатларга сабабчи бўлди. Энг ҳайрон қоладиган жойи шундаки, умрим бино бўлиб мен бу хусусиятни тушунишни ёки жила қолса уни маъқуллаган биронта ҳам кишини учратмадим.

Бироқ Лена менга ишонарди. У мен ўйлаб чиқарган барча нарсаларга ишонишни истарди. Мабодо, мен икки-уч кун Галя билан узумзорга бормай қолсам, Ленанинг ўзи бизникига узум олиб келар ва оймга қараб тортинчоқлик билан: «Буни сизга Анна Петровна бериб

юбордилар»,— дерди. Кейин у бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиб туриб менга қараб тез-тез шивирларди:

— Худо ҳақи, бу ишингиз бориб турган ярамаслик! Нега бизникига бормаяпсиз?

Кўп ўтмай отам ўз ишлари билан Алуштадан Петербургга жўнаб кетди. Ундан кейин Боря жўнади — у Киев политехника институтига кириш имтиҳонлари топшириши керак эди.

Ойим негадир отамнинг жўнаб кетганидан ташвишлианиб, бизга эътибор ҳам қилмай қўйганди. У ҳатто биз уззукун денгиз бўйида қолиб уни безовта қилмаганимиздан хурсанд бўларди.

Мен нуқул белимгача сув кечиб тошлар остида яшириниб ётган қисқичбақаларни ушлаб юрардим. Ахири бир куни, кечқурун денгизда чўмилиб олгач, мен шамоллаб, зотилжам бўлиб қолдим. Буниси ҳам етмагандек иситмам ошиб ётган биринчи кечаёқ мени заҳарли мингоёқ чақиб олди.

Август келди. Тез кунларда гимназияда машғулотлар бошланар, шунинг учун Киевга қайтишимиз керак эди. Бироқ менинг бетоблигим бутун режаларимизни бузиб юборди. Ниҳоят, ойим Галя билан Димани жўнатиб, ўзи мен билан бирга қолди.

Қасалим оғир бўлиб, тузалишим чўзилиб кетди. Тунлари деярли ухламасдим. Қаттиқроқ нафас олсам юрагим санчиб кетарди. Мен оҳиста нафас олишга уриниб, оппоқ деворларга ғамгин тикилиб ётардим. Деворнинг ёрилган жойларидан мингоёқлар ўрмалаб чиқишарди. Стол устида лампа ёниб турарди. Дори солинган шишаларнинг сояси афсонавий девларга ўхшаб кетарди — улар узундан-узун бўйинларини чўзиб шифтни ҳидлаётгандек бўларди.

Мен бошимни ўгириб, қоп-қора деразага назар ташлардим. Унда лампа чироқнинг шуъласи акс этиб турарди. Деразанинг ортидан денгизнинг шовиллаши эшитиларди.

Тунда учадиган парвона нуқул ўзини дераза ойнасига бориб уради. Унинг дори ҳиди тутиб кетган хонадан чиқиб кетгиси келарди.

Ойим қўшни хонада ухлаб ётарди. Мен уни чақириб сув сўраб ва парвонани чиқариб юборишини илтимос қилардим. Ойим уни чиқариб юборгач, кўнглим ўрнига тушарди.

Мен билмадим қандайдир йўл билан парвона ташқарида, деразанинг шундоқ ёнгинасида қуриб қолган ўт устига қўниб, у ерда бир оз ўтиргач, яна қайтиб хонага учиб кирганини сезиб ётардим. Шунда у кўзимга тўтиқушдай катта бўлиб кўринарди. Парвона учиб келиб кўкрагимга қўнар ва худди катта, оғир тошдай ботиб юрагимни мажақлаб юбораётгандек бўларди.

Мен яна ойимни чақириб, парвонани ҳайдаб юборинг, деб илтимос қилардим. Ойим лабларини қимтиб, пешанамга танғиб боғланган ва ҳароратимдан қизиб кетган ҳўл латтани ечиб олар ва устимдаги кўрпани тузатиб, ўраб-чирмаб қўярди.

Охири қулоғим аллақандай шанғиллаб, чойшаблар орасида алангаи оташ бўлиб ётган тунларимнинг ҳисобидан адашиб кетдим.

Бир куни пешинга яқин хонага Лена кириб келди. Мен уни аввалига таниёлмай қолдим. У эгнига формали жигар ранг кўйлак, қора фартук ва оёғига ихчамгина қора туфли кийиб олганди. Қизнинг тилла ранг сочлари яхшилаб ўрилган бўлиб, қора мағиз юзининг икки четидан кўкрагига осилиб тушарди.

У Ялгага жўнашдан олдин биз билан хайрлашгани келган экан. Ойим қандайдир иш билан хонадан чиқиб кетганида Лена муздек қўлини пешанамга қўйди. Қизнинг соч ўримининг бир учи юзимга тегди. Ана шунда мен бу сочларнинг илиқ ва хушбўй ҳидини туйдим.

Шу аснода ойим кириб қолди-ю, Лена дарҳол қўлини тортиб олди. Ойим Ленанинг менга ажойиб узум олиб келганини айтди.

— Афсуски, бундан яхшироғи йўқ эди,— деди Лена.

Қиз ойимга эмас, гўё бирон муҳим бир гапни айтмоқчидек, менга қараб сўзларди.

Кейин у чиқиб кетди. Мен унинг зинапоядан югуриб тушаётганини эшитиб ётдим. Уша кезлари ҳамма жўнаб кетган бўлиб, уйда биздан бўлак ҳеч ким яшамас ва шу боисдан тиқ этган ҳар қандай товуш жуда яхши эшитиларди.

Уша кундан бошлаб мен соғая бошладим. Доктор, йигитча тузалиб оёққа тургандан кейин ҳам кучга тўлиб, дам олиш учун Алуштада камида яна икки ой, яъни ноябрғача шу ерда бўлиши лозим, деди. Шундан сўнг ойим мендан кўз-қулоқ бўлиб, овқат-повқатимга қараб туриш учун Киевдан Лизани чақиртириб олишга

қарор қилди. Унинг ўзи эса нима сабабдандир, Киевга жўнашга ошиқарди.

Бир ҳафтадан сўнг Лиза етиб келди-ю, эртаси куни-ёқ ойим аравага тушиб Симферополга жўнади.

Лиза бутунлай ҳайратга тушиб қолганди. У илгари денгиз, сарв дарахти ва узумзорларни сира кўрмаган экан. Ойим уни Брянск ўрмонлари, Ревнадан олиб келган эди.

Шундай қилиб, мен Лиза билан қолдим. Уша пайтга келиб ўрнимдан туриб юра бошлаган эдим. Бироқ менга ташқарига чиқишга ҳали рухсат беришмасди. Мен куни билан ойнаванд айвонда, илиққина кузги қуёш тафтида ўтириб олиб китоб ўқирдим. Ушанда жавондан «Тристан ва Изольда» номли китобни топиб олган эдим. Мен бу ажойиб афсонани бир неча бор ўқиб чиқдим. Уни ўқиган сарим дилим маъюс тортарди.

Кейин ўзим ҳам «Тристан ва Изольда»га ўхшаш бирон нарса ёзишга қарор қилдим ва бир неча кун ичида романтик қисса ёзиб тугатишга киришдим. Бироқ бўрон маҳалидаги қояли қирғоқнинг тасвиридан нарига ўтолмадим.

Сентябрнинг охирида доктор менга ниҳоят ташқарига чиқишга рухсат берди. Шундан сўнг кимсасиз Алуштада бир ўзим тентираб юрадиган бўлиб қолдим. Мен тўлқин, кўтарилган кезлари пристанга боришни яхши кўрардим. Долғалар ғизиллаб сирпанганича илма-тешик тахта тўшама остига кириб кетарди. Кейин ундаги тешиклардан фонтан бўлиб сув отилиб чиқарди.

Бир куни Анна Петровнанинг олдига кирдим. У мени қаҳва билан меҳмон қилди-да, якшанба куни албатта бизникига келинг, чунки ўша куни Ялтадан Лена келади, деб айтди. Шундан кейин мен фақат Лена билан қандай учрашишим ҳақида ўйлай бошладим.

Уша якшанба, худди кечагина бўлгандек, жуда яхши эсимда қолган. Чунки ўша куни икки воқеа рўй берганди.

Мен Ленанинг Ялтадан эрталабки катер билан келишини билардим. Шунинг учун ҳам пристанга бордим. Бироқ, катер бурун ортидан кўриниши биланоқ тахта дўконча ортига ўтиб, яшириниб олдим. Бу дўкончада Қрим манзаралари туширилган отриткалар сотишгувчи эди. Харсанг тош устйга ўтирдим-да, то катер пристанга яқинлашиб келмагунча ўрнимдан турмадим. Катердан

Лена тушиди. У атрофга кўз югуртириб пристандан кимнидир ахтарди-да, кейин аста юриб уйи томон жўнади.

Мен, ишқилиб кўриб қолмасайди, деб юрак ҳовучлаб турдим. Кўриб қолса шарманда бўлардим-да, ахир. Лена бир неча бор орқасига ўгирилиб қаради, кейин пристанга қайтди ва афиша ёпиштирилган ёғоч тумба олдида бир оз туриб қолди. У афишалар йиртилиб, парча-парча бўлиб ётганига қарамай, ўзини уларни ўқиётганга солиб турарди.

Мен дўконча орқасидан мўралаб, уни кузатиб турардим. У бошига оппоқ иссиқ рўмол ташлаб олганди. Ялтада анча ранги кетиб, озиб қолибди. Гарчи, афишани ўқиётган одам тик қараши лозим бўлса-да, қиз кўзини ерга тикиб турарди. Кейин у бутунлай кетиб қолди.

Мен ҳам бир оз тургач, уйга қайтдим. Қайтиб келарканман, қўрқоқлик қилганимдан қаттиқ хижолат чекардим.

Энди Леналарникига боришимни ҳам, бормаслигимни ҳам билмасдим. Тушлик маҳали оғзимга туз татимай ўтирдим. Лиза буни кўриб, овқат емаётганингни дарҳол ойингга телеграмма юбориб айтаман деб пўписа қилиб қолди. Лиза чаласавод эди, шунинг учун ҳам унинг пўписасига кулимсираб қўя қолдим.

Пешиндан сўнг мен, ниҳоят, бир қарорга келдим-да, эгнимга шинелимни кийиб ташқарига чиқдим. Лиза ортимдан, шинелнинг тугмаларини қадаб ол, деб қичқириб қолди, бироқ мен унинг гапига қулоқ солмадим.

Аста юриб, узумзорга яқинлашдим. Узум япроқлари қизғиш тусга кирган эди. Ҳовли эшигини очдим-да, ичкарига кирдим. Шу заҳоти оқ уйдан кўйлакчан Лена чиқиб, мен томон пешвоз югурди.

Уша кун мен учун ажойиб кун бўлди. Тортинчоқликни йиғиштириб қўйиб Ревна ҳақида, география ўқитувчиси Черпунов ҳамда Надя холам тўғрисида ҳикоя қилиб бердим. Лена олдимдаги тақсимчани сездирмасдан гоҳ узум, гоҳ олхўри билан тўлдириб қўярди. Кейин у сўради:

— Нега шундай совуқда шинелингнининг тугмасини тақмай юрибсиз? Кимга олифта бўлиб кўринмоқчисиз?

— Узингиз ҳам кўйлакчан югуриб чиқдингиз-ку, — жавоб қилдим мен.

— Чунки... — деди у ва бир оз жим бўлиб қолди. — Чунки мен зотилжам бўлган эмасман-да.

Қизнинг офтобдан куйган юзига қон югурди. Анна Петровна кўзойнаги остидан Ленага қараб қўйди-да, бош чайқади:

— Лена, ёшинг ўн еттидалигини унутмагин-а.

Унинг гапидан, гўё Лена кап-катта аёлу, шунга қарамай тентаклик қилаётибди, деб ўйлаш мумкин эди.

Анна Петровна билан Лена мени уйгача кузатиб келишди ва туриш-турмушим қандай эканлигини кўрмоқ учун хонамизга киришди. Лиза аввалига шолғомдек қизариб кетди, кейин дарров ўзини босиб олиб, Анна Петровнага мен унинг гапига қулоқ солмай шинелимнинг тугмасини қадамай юрганим ҳақида шикоят қила бошлади. Анна Петровна Лизага, мабодо, бирон нарса керак бўлиб қолса, тортиниб ўтирмай бизникига боринг, деди. Бундан Лизанинг боши осмонга етди. Алуштада унинг биронта ҳам таниши йўқ эди. Аҳён-аҳёндагина у мен билан сайр қилгани чиқар, эрман териб келар ва уни хонада тизимчага осиб қўярди, Бўш вақтларини картада фол очиш билан ўтказарди.

Лиза юзлари қип-қизил, меҳрибон қисик кўзлари бир оз шишинқираган ва ҳаддан ташқари инонувчан бир аёл эди. У одамларнинг ҳар қандай бўлмағур гапларига ҳам ишонаверарди.

Анна Петровна билан Лена чиқиб кетишди. Зерика бошладим. Туннинг тугашига ҳали анча бор эди. Яна уzumзорга боргим келарди-ю, бироқ бундай қилмаслик кераклигини англаб, ўзимни тиярдим.

Мен қисса ёзишни давом эттирмоқчи бўлиб, чироқни ёқдим-да, стол ёнига ўтирдим. Бироқ қиссанинг ўрнига илк бор шеър ёздим. Ҳозир бу шеър ёдимдан кўтарилган. Фақат унинг:

О, эгилган новдалардан узиб олинг гулларни..

деган бир мисрасигина эсимда бор, холос.

Бу шеър ўзимга жуда ёқиб қолганди. Мен ҳали анчага довур шеър ёзиб ўтирмоқчи эдим, бироқ Лиза кириб қолди ва: «Ўйлаб топган нарсасини қарангу, ни-ма, кўзингни ишдан чиқармоқчимисан! Ётиб ухла энди»,— деди-да, пуфлаб чироқни ўчириб қўйди. Мен жаҳлим чиқиб, ўзимнинг ҳам энди кичкина бола эмаслигимни айтдим ва уни аҳмоқсан дедим. Лиза ўз хо-



насига чиқиб кетди, кейин аламидан йиғлаб юборди-да, бўғиқ товуш билан деди:

— Мана кўрасан, эртага пиёда бўлса ҳам, Киевга жўнайман, ўшанда билган номаъқулчилигингни қила-верасан.

Мен лом-мим демадим. Шунда Лиза, эртагаёқ интизомсизлигинг тўғрисида ойингга телеграмма юбораман, деди. Уни билиб олгани мени телеграмма билан қўрқитиш эди. Лиза ўз хонасида анчага довур алланималар деб пўнғиллаб ўтирди, кейин бир уҳ тортди-да:

— Ҳай, майли. Ухла энди. Ташқарида шамолнинг увиллашини қара!— деди.

Бошим узра катта юмалоқ девор соат осиглиқ турарди. Ҳар гал у тун соат иккиннинг зангини урганида, мен уйғониб кетардим. Бу сафар ҳам худди шундай уйғониб кетдим, анчагача нима воқеа рўй берганини тушунолмай ётдим. Деворда қизғиш бир шуъла липиллаб ўйнарди. Хонанинг денгизга қараган деразаси ортда бир маромда шамол увилларди. Мен каравотда ўрнимдан туриб ўтирдим-да, деразадан ташқарига қарадим. Денгиз узра қандайдир шафақ тебранарди. У паст булутлар ва мавж уриб тўлқинланаётган сувни ёритиб турарди.

Мен шоша-пиша кийинишга тутиндим.

— Лиза!— қичқирдим.— Денгизга ўт тушибди!

Лиза бир оз қимирлаб ётди, кейин сапчиб ўрнидан турди-да, у ҳам кийина бошлади.

— Сувда нима ёниши мумкин-а?— сўради у.

— Билмадим.

— Нега ўрнингдан турдинг?— сўради яна Лиза.

У уйқусираб нима бўлаётганини англаёлмай каловланиб турарди.

— Қирғоққа бораман.

— Мен ҳам.

Биз ташқарига чиқдик. Уйнинг бўрчагидан отилиб чиққан муздек шамол дарҳол бутун жисмимни қамраб олди. Ёнгин шуъласи осмон сари бўй чўзган эди. Дарвоза ёнида татар фаррош турган экан.

— Пароход ёняпти,— деди—у. Бу фалокатни қаранг-а!

Биз югуриб қирғоққа тушдик.

Пристань ёнида, чамаси қутқариш станциясида бўлса керак, қўнғироқ чалишарди. Соҳилда тўда-тўда бў-

либ кишилар туришарди. Мен Лизани қоронғиликда йўқотиб қўйдим.

Баланд қўнжли этик ва шторм пайтида киядиган плаш кийиб олган балиқчилар катта бир қайиқни шағал устидан сургаб денгизга туширишмоқда эди. «Пассажи́р кемаси экан», «Қирғоқдан икки миляча<sup>1</sup> нарида ёняпти», «Қуйруқни маҳкам ушла, эшитяпсанми, чайқалишига йўл қўйма», деган узук-юлуқ ошиқич гаплар қулоққа чалинарди. Ҳамма ёғи ҳўл бўлган балиқчилар қайиққа ўтириб, эшкакларни қўлга олишди. Баланд бир долға сирпаниб келиб қайиқни кўтариб юборди-ю, балиқчилар денгиз қўйнига сузиб кетишди.

Кимдир тирсагимдан ушлади. Угирилиб қарасам, ёнимда Лена турибди... Узоқдаги ёнғиннинг заифгина шуъласи қизнинг қадди-бастини ёритиб турарди. Мен Ленанинг жиддий тус олган юзига қарадим.

Биз индамай набережная қирғоғида турардик. Денгизда бирин-кетин иккита оқ ракета кўтарилди.

— Ёрдамга келишяпти,— деди Лена.— Агар ойим бўлмаганида мен ҳам қайиқда балиқчилар билан бирга борардим. Албатта, борардим.

У бир оз сукут қилиб турди-да, кейин:

— Қачон жўнамоқчисан?— деб сўраб қолди.

Унинг кутилмаганда бундай «сен»лашидан юрагим гупйллаб уриб кетди.

— Бир ҳафтадан кейин жўнасам керак.

— Демак, мен сени яна кўрарканман. Эртароқ келишга ҳаракат қиламан.

— Мен кутаман,— жавоб қилдим мен ва оғзимдан чиқиб кетган бу гапдан сўнг жарликка қулаб кетгандек бўлдим.

Лена аста қўлимдан тортиб, набережная қирғоғидан нарироққа бошлади.

— Нима қилсак экан?— сўради у оҳиста.— Ойим жуда кўрқиб кетган. У, шу ерда, пристаннинг ёнида турибди. Сен мендан хафа эмасмисан?

— Нега энди?

Қиз жавоб бермади.

— Лена!— қоронғилиқдан Анна Петровнанинг товуши эшитилди.— Қаердасан ўзинг? Юр энди уйга!

---

<sup>1</sup> М и л я — 1852 метрга тенг узунлик ўлчови. (Тарж.)

— Эртага эрталабки дилижон билан жўнайман,— шивирлади Лена.— Тентаклик қилиб кузатгани чиқиб юрма тагин. Хайр.

У қўлимни қисди-да, нари кетди. Мен унинг ортидан қараб қолдим. Унинг бошига ташлаб олган оқ рўмоли бир зумгина кўриниб турди-да, ғойиб бўлди.

Денгиздаги ёнгин шуъласи хира тортиб борарди. Сув узра прожекторнинг кўкимтир нури чўзилди. Миноносец «Стремительный» ёнаётган пароходга мададга келмоқда эди. Мен Лизани қидириб топдим ва биз уйга қайтдик.

Бир зумда ёнаётган пароходни унутдим. Ҳозиргина Лена билан бўлиб ўтган ажойиб учрашув ҳақида ўйла-маслик учун тезроқ ўрнимга ётиб ухласам дердим.

Эрталаб ёнгин бўлган жойдан энгилгина тутун ўрлаётган бир пайтда пристанга бордим ва ўт тушган кема «Рус жамияти» пароходи эканлигини билдим. Айтишларига қараганда, пароход трюмида ажал машинаси порт-лаган экану, бироқ капитан кемани қирғоқ бўйидаги сувости қояларига ўтқазишга муваффақ бўлибди.

Бу янгиликдан хабар топгач, Ялтага борадиган тош йўлдан юриб, анча узоққа кетиб қолдим. Бундан бир соатгина олдин мана шу йўлдан дилижонда Лена ўтиб кетган эди. Мен йўл четида денгиз бўйидаги тўшамага чиқдим-да, қўлимни шинелимнинг энгига тиққанимча узоқ ўтириб қолдим.

Ниҳоят, совқотдим. Чамаси, ўшанда кўринишим жуда ғамгин бўлса керак, чунки редвон аравада ўтиб кетаётган сомон шляпали бир чол отларини тўхтатиб:

— Утир, ошна, Алуштагача обориб қўяман,— деб таклиф қилди.

Мен аравага чиқиб ўтирдим. Шунда чол мен томон ўгирилиб сўради:

— Иттифоқо етимхонадан эмасмисан?

— Йўқ, гимназистман,— жавоб қилдим мен.

Алуштада ўтказган сўнгги кунларим жуда ажойиб бўлди. Одатда севиб қолган ва кетгинг келмаган жойлардаги сўнгги кунларда ана шундай туюлади.

Денгиздан туман ёприлиб келди. Ҳатто дачамиз олдидаги майсаларгача намиқиб кетди. Туман бағрини тилиб офтоб нури тушиб турарди. Лиза печкани сап-сарик акац ўтинидан қалаб ёқарди.

Япроқлар учиб тушарди. Томирчалари нопармон кў-

кимтир бу япроқлар, Киевдаги тилла ранг япроқларга сира ўхшамасди.

Тўлқинлар аста туман ичидан чиқиб, қирғоққа ёпирилиб келишар ва яна аста туман қўйнига кириб кетишарди. Қирғоқдаги шағал устида карахт от балиқлар чўзилиб ётарди.

Чўтиртоғ ва Бобухон яйлов булутга бурканиб олишганди. Тоғлардан қўй сурувлари қайтиб тушмоқда эди. Ёввойилашиб кетган овчаркалар, атрофга олазарак аланглаб сурув ортидан лўкиллаб югуриб келишарди.

Атроф куз ва тумандан шу қадар жимжит бўлиб қолган эдики, ҳатто мен балконда пастдаги шаҳарчадан келаётган товушларни эшитиб турардим. Бозордаги чуракхонага қўйилган манғалларда ловиллаб олов ёнар, у ердан қўр устида пишаётган думба ёғ ва қовурилаётган кефаль<sup>1</sup> ҳиди анқирди.

Биз душанба куни эрталаб жўнаб кетишимиз лозим эди. Лиза Симферополгача бир извошчини ёллаб ҳам қўйганди.

Ленани шанба куни кутдим, бироқ у келмади. Бир неча марта узумзор ёнидан ҳам ўтдим, лекин у ерда ҳеч кимни кўрмадим. Якшанба куни эрталаб ҳам ундан дарак бўлмади. Шундан сўнг дилижонлар станциясига бордим. У ер ҳам бўм-бўш эди.

Хавотирланиб уйга қайтиб келган эдим, Лиза қўлимга конверт тутқазди.

— Қандайдир болакай бериб кетди,— деди у.— Анна Петровнадан бўлса керак. Хайрлашгани келсин, дегандир-да. Албатта боргин. Яхши одамлар экан улар.

Боққа чиқиб, конвертнинг очдим-да, унинг ичидаги бир парча қоғозни олдим. Хатда: «Соат олтида уч чинор тагига кел. Лена», деб ёзилган экан.

Мен уч чинор тагига белгиланган муддатдан бир соат олдин етиб бордим. Бу ер овлоқ жой эди. Тошлоқ жарда, қуриб қолган жилға бўйида уч чинор қад кўтарганди. Атрофдаги ўт-ўланлар қовжираб кетган эди. Фақат у ер-бу ердагина сўнгги лолалар яккам-дуккам қизариб кўринарди. Чамаси, бир вақтлар бу ерда боғ бўлган бўлса керак. Жилға устидан ёғоч кўприкча орқали ўтиларди. Чинорлардан бирининг тагига оёқчалари занглаб кетган эски чўян скамейка ўрнатилган эди.

---

<sup>1</sup> Кефаль — майда балиқнинг бир тури (тарж).

Мен барвақт келдим десам, Лена мендан ҳам эрта келган экан. У қўлини тиззалари орасига олганича чинор тагидаги скамейкада ўтирарди. Унинг рўмоли сирғалиб елкасига тушган эди.

Лена скамейканинг шундоқ ёнгинасига етиб келганимдан кейингина менга ўгирилиб қаради.

— Сен тушунмайсан,— деди у ва қўлимдан ушлади,— йўқ, эътибор берма... Мен ўзи доим шунақа бўлмағур гапларни гапираман.

Лена ўрnidан турди-да, гуноҳқорона жилмайиб қўйди. Кейин у бошини қўйи солиб, менга сал хўмайиб қаради.

— Ойим, қип-қизил тентаксан, дейдилар. Нима ҳам дердим! Хайр!

У елкамдан тутиб мени ўзига тортди-да, лабимдан ўпди, сўнг кўкрагимдан итариб, деди:

— Энди бор! Орқангга қарамасдан кет! Утинаман. Кет!

Унинг кўзларига жиққа ёш келди, бироқ бир томчисигина ҳўл из қолдириб ёноқларига юмалаб тушди.

Мен кетдим. Кета туриб ногаҳон орқамга ўгирилиб қарадим. Лена чинорга суянганича, гўё сочлари оғирлик қилаётгандек, бошини бир оз орқага ташлаб, ортимдан тикилиб турарди.

— Кетавер!— қичқирди у ғалати ўзгариб кетган товуш билан.— Тентаклик, буларнинг ҳаммаси.

Шундан сўнг мен орқамга қарамай кетдим. Осмон қорамтир тусга кирганди. Қуеш Қастель тоғи ортига ўтиб ялдирирган эди. Қуруқ япроқларни шилдиратиб яйловдан шамол эсарди.

Мен ўшанда ҳаммаси, буткул ҳаммаси тамом бўлганини, ҳаёт номаълум сабабга кўра мени бахтиёр бўлишим мумкин бўлган бир нарсадан маҳрум этганини тушунмаган эдим.

Эртаси эрталаб биз Лиза билан Симферополга жўнаб кетдик.

Чўтиртоғ ортидаги ўрмон узра шаррос ёмғир қуярди. Киевгача бўлган бутун йўл давомида ёмғир вагон деразаларини савалаб борди.

Уйда менинг келганимга унча эътибор ҳам қилишмади. Оиламизда қандайдир ёмон бир воқеа содир бўлганди. Бироқ мен ўшанда бунинг қандай воқеа эканлигини аниқ билмасдим.

Менга эътибор беришмаётганликларидан ҳатто хурсанд ҳам эдим. Лена ҳақида кўп ўйлар, бироқ унга хат ёзишга ботинмас эдим.

Уша куздан сўнг мен Қримга фақат 1921 йилдагина боришга муваффақ бўлдим. Бироқ энди Лена билан орамизда бўлиб ўтган нарсалар хотирагина бўлиб қолган эди. Энди улар кишини изтиробга солмас, фақат хаёл оғушига тортарди, холос. Лекин бундай ўй суриш кимда йўқ дейсиз? Шундай экан, тушунтириб ўтиришининг ҳам ҳожати бўлмаса керак!

## ҲАЛОКАТ

Қримдан сўнг ҳамма нарса чаппасига кетди. Отам Жануби Ғарбий темир йўли бошлиғи билан чиқишолмай қолди. Шундан сўнг у хизматдан бўшади-ю, оиламиз тинчлиги бузилди.

Биз Никольско-Ботаническаядан Подвальная кўчасига кўчиб ўтдик. Яна денг, худди жўрттага қилгандек, янги квартирамиз подвал қаватда жойлашган эди.

Биз ойм бисотдан чиқариб сотаётган нарсалар ҳисобига яшардик. Гира-шира, файзсиз квартирамизга бошига қўзи терисидан қалпоқ кийган индамас кишилар тез-тез келадиган бўлиб қолишди. Улар мебель, картиналар ва стол устига териб қўйилган идиш-товоқларни бир-бир кўздан кечириб чиқишарди-да, кейин оймга секингина алланималарни уқтириб, чиқиб кетишарди. Бир-икки соатдан сўнг ҳовлимизга узун арава келиб, гоҳ шкаф, гоҳ стол, гоҳ трюмо ва гиламни олиб кетарди.

Баъзан эрталаб туриб, ошхонада бошига қора қавима дўппи кийган татарни кўриб қолардик. Биз уни «шара-бара» деб атардик. У тиз чўкиб ўтирганича ё отамнинг костюм-шимини, ёки бирон чойшабни ёруққа солиб кўриб ўтирган бўларди.

«Шара-бара» узоқ савдолашар, чиқиб кетар ва яна қайтиб келарди. Ойимнинг жаҳли чиқарди. Ниҳоят, «шара-бара», қани қўлингизни ташланг, дерди-да, чўнтагидан семиз ҳаменини чиқариб, назокат билан бармоғига туфлаганича йиртиқ қоғоз пулларни санаб берарди.

Отам уйда деярли бўлмасди. У азонлаб чиқиб кетар ва уйга жуда кеч бўлиб, биз ухлаб қолганимиздан ке-

йингина қайтиб келарди. У куни билан вақтини қаерларда ўтказишини ҳеч қайсими билмасдик. Чамаси, ўшанда у иш қидириб юрган бўлса керак.

Ойим дарров қариб қолди. Унинг оқ оралаган бир тутам сочи тез-тез пешанасидан юзига тушиб турарди — ойим энди сочини илгаригидек ихлос билан тарамайди-ган бўлиб қолганди. Боря уйдан кетиб қолди ва Политехника институтига яқинлигини баҳона қилиб вокзал ёнидаги «Прогресс» жиҳозли уйларда ижарага тура бошлади. Аслида эса, у отам билан келишолмаганлиги, оиламиздаги мусибатларга уни сабабчи деб билганлиги ва диққинафас Подвал кўчасида яшашни истамаганлиги учун шундай қилган эди. Боря дарс бериб топган пулига кун кўрарди, бироқ бизга ёрдам қилолмасди. Дима ҳам дарс берар ёки ўша давр таъбири билан айтганда, репетиторлик қиларди.

Фақат мен бошқаларни ўқитишга ҳали ёшлик қилардим. Галянинг эса кўзи хиралиги сабабли, ойимга уй ишларида ёрдам беришдан бўлак нарса қўлидан келмасди. Лизага жавоб бериб юборишга тўғри келди.

Бир куни эрталаб уйимизга фаррош билан бирга қотмадан келган бир чол — суд ижрочиси кириб келди-да, отамнинг қандайдир қарзлари учун деярли бор бисотимизни хатлаб кетди. Отам бу қарзларини ойимдан яширган экан. Энди ҳаммаси аён бўлди-қўйди. Шундан сўнг отам биринчи дуч келган хизмат — Киев яқинидаги қанд заводига арзимас бир ишга кирди-да, жўнаб кетди.

Биз оила бошлиғисиз қолдик. Уйимизга фалокат ёпирилди. Оиламиз барбод топиб бормоқда эди. Мен буни тушунардим. Бу ҳол мен учун Қримдан, Ленага бўлган қисқагина ва маҳзун муҳаббатимдан кейин, енгилгина ўтган болаликдан сўнг, айниқса, оғир туюларди.

Ойида бир марта Қоля тоғам Брянскдан ойимга пул юборарди. Ҳар гал бу пулни олгач, ойим ори келиб йиглаб оларди.

Бир куни мен ойимни гимназия директорининг қабулхонасида кўриб қолдим. Ойим томон югурай ҳам деган эдим, бироқ у юзини четга ўгириб олди ва мен, ойим ўзини кўриб қолишимни истамаганини тушундим.

Мен ойимнинг директор ҳузурига нима сабабдан борганини тушунмасдим, лекин бу ҳақда ундан сўраб-суриштирмадим. Бир неча кундан сўнг Бессмертний ўр-

нига тайинланган, юм-юмалоқ тепакал боши худди мой суриб қўйгандек доим ялтираб турадиган (шу боисдан унга «Жувозкаш» деб лақаб қўйишганди), паст бўйли янги директоримиз Теришченко мени коридорда тўхта-тиб, деди:

— Ойингизга айтинг, педагоглар совети у кишининг илтимосини назарга олиб, сизни ва акангизни ўқиш ҳақидан озод қилди. Лекин билиб қўйинг, ўқиш ҳақидан фақат яхши ўқувчиларгина озод қилинади. Шунинг учун яхшироқ ўқишингизни маслаҳат кўрардим.

Ана шунда умримда биринчи бор хўрлигим келди. Уйга боргач, ойимга дедим:

— Дима билан мени ўқиш ҳақидан озод қилишди. Нега директор олдига бордингиз?

— Бошқа нимаям қила олардим?— деди секин ойим.— Сизларни гимназиядан чиқариб олишим керакми бўлмаса?

— Мен ўзим учун ишлаб пул топардим.

Ана шунда мен биринчи бор ойимнинг, гўё биров унга тарсаки туширгандек, чўчиб тушганини кўрдим.

— Хафа бўлма,— деди ойим ва бошини қуйи солди. У стол ёнида нимадир тикиб ўтирарди.— Ахир мен сени ишлатиб қўя оламанми?

У йиғлаб юборди.

— Ҳаммангизни ва айниқса сени ўйлайвериб қандай азобланаётганимни билсанг эди! У, сенинг отанг, шундай ўйламасдан иш тутишга ва шу қадар енгилтаклик қилишга қандай журъат қилдйкин-а! Қандай кўнгли бордйкин унинг!

Бирмунча вақтдан буён ойим отамни фақат «у» ёки «отангиз» деб атарди. Ойим эски қўйлак устига энгашганича йиғлаб ўтирарди. Полда қийқинди латта ва оқ иплар сочилиб ётарди.

Ойим деярли бор бисотимизни сотиб бўлганди. Квартирамиз зах тортиб, шипшийдам бўлиб қолган эди. Деразалардан хира ёруғ тушиб турарди. Ташқарида шап-шуп қилиб бораётган этиклар, қўнжли калишлар кўриниб турарди. Қишки чилп-чилпдан лой бўлган оёқ кийимларининг шалоп-шулуп қилиб ўтиши ғашимизга тегиб, хаёлимиз бўлинарди. Гўё бу бегона кишилар квартиранинг ўзидан юриб, хонага лой ва рутубат олиб кираётгандек ва бизга қарашни ҳатто лозим ҳам топишмаётгандек туюларди.



Қишнинг ўрталарида ойим Коля тоғамдан хат олди ва уни ўқиғач, жуда ҳаяжонланиб кетди.

Кечқурун ягона лампа ёниб турган тўгарак стол атрофида ҳар ким ўз ишини қилиб ўтирганида ойим, Коля тоғам, Костик вақтинча Брянскка келиб турсин, деб ёзганлигини айтиб қолди. Хатида у яна, ўзи мени Брянск гимназиясига жойлаб қўйишини ва то отам дурустроқ иш топиб, оилага қайтмагунча, албатта, шундай қилиши лозимлигини ёзган экан.

Галя қути учиб ойимга қараб қўйди. Дима сукут сақларди.

— Отангиз энди қайтиб келмайди,— қатъий қилиб деди ойим.— Унинг бошқа мойилликлари ҳам бор. Ушаларни деб у қарзга ботган ва бизни хонавайрон қилган. Мен унинг қайтиб келишини истамайман. Бу ҳақда сўз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ойим узоқ сукут қилиб турди. У лабларини маҳкам қисиб олган эди. — Хўп, яхши,— деди у, ниҳоят.— Бу хусусда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Костикни нима қиламиз?

— Бунинг ҳеч мушкул жойи йўқ,— деди Дима ойимдан кўзини олиб қочиб. Дима учун дунёда мушкул нарсанинг ўзи йўқ эди.— Мен бу йил гимназияни тугатаман ва Москва технология институтига кираман. Қолган бисотимзининг ҳаммасини сотамиз. Сиз ойи, Галя билан икковингиз Москвага кўчиб борасиз ва мен билан бирга турасиз. Амал-тақал қилиб бир кунимизни кўрармиз, ахир. Костик бўлса, ҳозирча Коля тоғамникида яшаб турсин.

— Вой, бу қанақаси бўлди!— безовталаниб қолди Галя.— У ерда Костикнинг бир ўзи қандай яшайди? Бир-биримиздан айрилишимизнинг нима кераги бор?

Мен бошимни қуйи солганимча ҳар хил гуллар ва жимжималарнинг расмини чизиб ўтирардим. Бирмунча вақтдан буён руҳан азоб чексам, дуч келган қоғозга ана шунақа жимжималарни чизадиган бўлиб қолгандим.

— Жимжимангни қўйиб турсанг-чи!— деди ойим.— Ҳайронман, нега илжаяяпсан! Хўш, бу ҳақда ўзинг нима дейсан?

— Илжаяётганим йўқ,— минғиллаб жавоб қилдим мен, лекин шу пайт зўрма-зўраки илжайиб турганимни сезиб қолдим.— Ўзим шунчаки...

Мен жим бўлиб расм чизишда давом этдим. Чунки ўшанда ўзимни тўхтата олмасдим.

— Костик, жонгинам,— кутилмаганда бўғиқ товуш билан деди ойим,— нега индамайсан?

— Яхши...— жавоб қилдим мен.— Кетавераман... шундай қилиш лозим экан...

— Шундай қилсак энг маъқул иш бўлади,— деди Дима.

— Ҳа... маъқул бўлади... албатта,— жим турмаслик учун унинг фикрига қўшилдим мен.

Шу онда ҳамма нарса барбод бўлмоқда эди. Олдинда мен энди аччиқ ёлғизлик ва ўзимнинг кераксизлигимдан бўлак нарса кўрмасдим.

Ойимга, мени Брянскка жўнатманглар, мен ҳам дарс берсам Димадан қолишмайман, ҳатто уй ишларида сизга ёрдам ҳам беришим мумкин, ҳозир жуда хўрлигим келяпти, мени оиладан чиқариб ташлашяпти, деган фикрдан юрагим чилпарчин бўляпти, дегим келарди. Бироқ томоғимга қаттиқ бир нарса келиб тиқилгани ва жағимнинг томирлари тортишиб, йиғлаб юборай деб турганим сабабли гапиролмай сукут сақлардим.

» Бир зум миямга, эртагаёқ отамнинг олдига кетиб қолсаммикин, деган фикр келди. Бироқ у дарҳол сўниб, танҳо ўзим қолаётганлигим ҳақидаги фикр яна юрагимни эза бошлади.

Ниҳоят, бир амаллаб ўзимни босиб олдим-да, дудуқлана-дудуқлана Брянскка боришдан ҳатто хурсанд ҳам бўлаётганимни, бироқ бошим оғриётганлиги ва шунинг учун бориб ётмоқчи эканлигимни айтдим.

Мен Дима билан икковимиз турадиган совуқ хонага кириб, тезда ечиндим-да, кўрпани бошимга тортиб ётиб олдим. Шу аҳволда тишимни тишимга қўйиб, кечаси билан ухламай чиқдим. Бир вақт ойим кириб мени чақирди, лекин мен ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. Шундан сўнг у кўрпа устидан гимназистча шинелимни ёпиб қўйди-да, хонадан чиқиб кетди.

Брянскка отланиш декабрғача чўзилиб кетди. Гимназияни, ўртоқларимни ташлаб, янги, ўзим билганимдек, нохуш ҳаёт кечира бошлаш мен учун қийин эди.

Мен отамга Брянскка кетаётганим ҳақида хат ёздим, бироқ анчага довур ундан жавоб бўлмади. Жавоб хат жўнашимдан икки кун олдин келди.

Отамнинг хати қисқагина эди. У, барча мусибатларга қаддингни букмай, мардонавор чидам бер, деб ёзибди.

«Балким,— деб ёзган эди у яна,— биз ҳам рўшноликка чиқиб қолармиз, ана ўшанда сенга ёрдам бериш ҳам қўлимдан келиб қолар. Сен, мен ҳаётда ҳанузгача эришолмаган нарсаларга эришасан ва чин инсон бўлиб вояга етасан, деб ишонаман. Бир насиҳатимни унутма (мен ҳеч қачон насиҳатгуйлик қилиб жонингга теккан эмасман), то бирор нарсани атрофлича билиб олмагунча ва табиий, ҳозир ўзинг тушунмайдиган нарсаларни англаб олиш учун етарли тажриба орттирмагунча одамлар ҳақида ва улар қатори мен ҳақимда ҳам енгил-елпи ўйламай туриб ҳукм чиқарма. Саломат бўл, менга хат ёзиб тур ва кўпам ташвиш тортаверма».

Вокзалга мени ойим билан Галя кузатиб чиқишди. Поезд эрталаб жўнарди. Дима гимназиядаги дарсини ташлаб келолмасди. Эрталаб ўқишга кетишдан олдин у пешанамдан ўпди-ю, бироқ ҳеч нима демади. Ойим билан Галя ҳам индамай туришарди.

Ойим совқотганидан қўлини муфтадан чиқармай турарди. Галя эса унга ёпишиб олган эди. Уша йили унинг кўзи янада хира тортган эди. У оломон ичида каловлашиб турар ва паровозларнинг қичқириғидан чўчиб-чўчиб тушарди. Ойим мени чўқинтириб, муздек лаблари билан юзимдан ўпди, кейин енгимдан тортиб, бир четга олиб чиқди.

— Биламан, қийналяпсан ва жаҳлинг чиқяпти,— деди ў.— Бироқ тушунсанг-чи, ахир, бу қашшоқлик ва азоб-уқубатлардан ичимизда жилла қолса сени қутқариб қолмоқчиман. Фақат шунинг учунгина сени Коля тоғангникига боришга мажбур қиляпман.

Мен ҳаммасини жуда яхши тушунишимни ва сираям жаҳлим чиқмаётганлигини айтдим. Оғзимдан яхши, илиқ сўзлар чиқса ҳам, бироқ, юрагим зил кетмоқда эди. Ич-этимни кемираётган бу хайрлашув тугасин учун поезднинг тезроқ жўнашини истардим, холос.

Чамаси, мен ойим билан илгари, у менинг устимга шинель ёпиб қўйган ўша тунда хайрлашган бўлсам керак. Поезд аста жила бошлади, бироқ мен деразадан на ойимни, на Галяни кўра олдим. Чунки паровоздан чиққан қалин пар эласланиб, платформа ва барча кузатувчиларни биздан тўсиб қўйган эди.

Юрагим гўё музлаб қолгандек эди — ундаги совуқ қишнинг хирагина ёғдуси билан ёритилган вагондаги совуқдан сира қолишмасди. Деразадан чийиллаб совуқ шамол кирарди. Қор босган водийлар қалбимда аллақандай маъюслик қўзғарди. Кечаси дераза ортида изғирин увилларди. Бир-ухлаб олишни истардим, бироқ сира уйқум келмасди. Мен фонус ичидаги шамнинг ёнишига тикилиб ётардим. Шамол унинг оловини бир ёнга эгиб, ўчириб қўйишга интиларди. Мен, агар шам ўчиб қолмаса, унда менинг ҳаётимда ҳам бирон яхши нарса бўлади, деб дилимдан ўтказиб қўйдим. Шам шамолга қарши астойдил курашиб, эрталабгача ёниб чиқди. Шундан сўнг анча енгил тортдим.

Эрталаб Брянскда поезддан тушганимда шу қадар қаҳратон совуқ турган эдики, гир атрофни этикларнинг қорда ғичирлаши тутиб кетганди. Ер узра қуюқ совуқ туман эласланиб ётарди. Осмони фалакда эса муздан ўтов тутгандек, қип-қизил қуёш ловиллаб ёнарди.

Мени олиб кетгани вокзалга чана юборишган экан. Унга пўстин, қулоқчин ва қўлқоплар ҳам солиб қўйишибди. Чанага ўтириб, ўраниб-чирманиб олдим. Отлар дарҳол елиб кетишди. Биз ялтироқ қор зарралари орасида аввалига дамба бўйлаб, сўнгра Десна устидан ғизиллаб борардик. Дўға остидаги қўнғироқчалар тинмай жирингларди. Узоқдаги тепаликлар устида, худди зар қоғоздан ясалган ўйинчоқдек, ҳамма ёғини қиров ва сумалак қоплаган кўҳна шаҳар жилмайиб кўриниб турарди.

Чана тоғ ён бағридаги ёғоч уй ёнига бориб тўхтади. Мен эшик олдидаги пиллапояга кўтарилдим. Эшик ланг очилиб, Маруся холам енгимдан маҳкам ушлади-да, емакхонага сургаб кетди. Емакхонанинг шифтида қорда акс этган қуёш шуъласи липиллаб ўйнаб турарди. Маруся холам мени мажбур қилиб ярим стакан қизил вино ичирди. Совуқдан лабларим карахт бўлиб гапиролмай қолгандим.

Коля тоғамнинг уйида ҳамма шоду хуррам эди. Сомовар ғўнғиллар, Мордан вовиллар, Маруся холам хандон отиб кулар, печкалардан чирсиллаб учқунлар отилиб турарди.

Кўп ўтмай қўрхонадан Коля тоғамнинг ўзи ҳам келди. У юз-кўзимдан ўпди-да, елкамдан ушлаб бир силкитиб қўйди:

— Энг муҳими, қаддингни букма! Ана шунда биз шунақа ишлар қилайликки, жаҳон бизга қойил қолсин.

Коля тоғамнинг уйида мен аста-секин ўзимга кела бошладим. Одатда, шундай ҳолларда бўлганидек, хотирамдан барча кўнгилсизликлар чиқиб кета бошлади. Гўё ҳаёт тасмасидаги ёмон жой қирқиб ташланиб, фақат яхшиликлари — Қримдаги куз ва бу жарангдор рус киши бир-бирига уланиб кетгандек бўлди.

Мен яқиндагина Киевда бўлган воқеаларни ўйламасликка ҳаракат қилардим. Ундан кўра Алушта ва уч чинорни эслаб, Лена ҳақида ўйлагим келарди. Мен ҳатто Ленага хат ҳам ёзиб қўйдим, бироқ уни Ялтага жўнатишга юрагим дов бермади. Ёзган хатим ўзимга жуда бўлмағурдек туюларди. Ақллироқ хат ёзиш эса, мен қанча уринмай, сира қўлимдан келмади.

## ТУПЧИЛАР

Брянск қўрхонасининг тўпчи офицерлари Коля тоғага «полковник Вершинин» деб ном беришганди. Коля тоға ҳатто ўзининг ташқи кўриниши — калта қора соқоли ва тим қора тийрак кўзлари билан ҳам Чеховнинг «Уч опа-сингил»идаги Вершининни эслатиб турарди. Биз ҳаммамиз Вершининни ўзимизча ана шундай ҳолатда фараз қилар эдик.

Худди Вершининга ўхшаб Коля тоғам келгуси яхши кунлар ҳақида гапиришни ёқтирар, унга ишонар, ўзи мулойим ва қувноқ киши эди, аммо Вершининдан биларманд металлурглиги билан ажралиб турар, турлитуман металлларнинг хоссалари ҳақида бир талай мақолалар ҳам ёзган эди. Бу мақолаларини ўзи француз тилига таржима қилар (француз тилини у мукамал эгаллаганди) ва Париждаги «Ревю металлуржик» деган журналда бостиради. Унинг мақолалари Россияда ҳам босилиб турар, лекин Франциядагига нисбатан анча кам чиқар эди. Мен Брянскка келган кезларда Коля тоғам аслаҳа-яроқ пўлатини тайёрлашга боши билан киришиб кетган экан.

Коля тоғамнинг ҳаётга чанқоқлиги кишини ҳайрон қолдирар, уни қизиқтирмаган нарса деярли йўқ деса бўларди. У қарийб барча адабий-бадий журналларни

олар, роялни яхши чалар, астрономия ва фалсафадан хабардор, суҳбатда толмас ва закий киши эди.

Коля тоғамнинг энг қадрдон дўсти серсоқол капитан Румянцев эди. Унинг ташқи кўриниши Фетни эслатар, лекин малламисан малла, шабкўрроқ, оқ кўнгил киши эди. Офицерларга тегишли борки, аслаҳа-кийим унинг қадди-бастига ёпишмас, майишиб турар эди. Ҳатто Брянск гимназистлари ҳам уни «штафирка»<sup>1</sup> деб калака қилишарди.

Румянцевни бир қараганда пайқаб олиш қийин эди. Уни доимо тамаки тутуни чулғаган бўлар, ўзи эса камсуқимлик билан меҳмонхонанинг қоронғи бир бурчагидан жой оларди. Бу ерда у шахмат тахтаси устида чуқур ўйга толиб масала ҳал қилиб ўтирарди. Шахмат муаммосини ҳал этгудек бўлса роҳатланиб кулар, қўлларини бир-бирига ишқаб қўярди.

Румянцев умумий гапларга камдан-кам қўшиларди. У йўталиб қўярди-да, кўзларини қисиб қараб ўтирарди. Аммо гап сиёсат борасига — Давлат думаси ёки иш ташлашларга кўчиши билан у жонланар ва ўта кескин фикр билдира бошларди.

Румянцев бўйдоқ эди. У билан бирга бир хилда пакана, сочлари калта қирқилган, пенсне таққан уч синглиси ҳам турар эди. Сингилларининг ҳаммаси чекишар, пишиқ қора матодан тикилган юбка, кул ранг кофта кийишар ва худди келишиб олгандай ҳар уччаласи кўкракларининг бир хил жойига инглиз тўғнағичи билан соат қадаб юришарди.

Улар ҳар доим Румянцевнинг уйда қовоқлари уйилган аллақандай студентлар, енгсиз чопонли чоллар ва худди ўзларига ўхшаш жиддий қиёфали аёлларни яшириб юришарди. Коля тоғам менга Румянцевларникида кимлар туришлигини ҳеч кимга айтма, деб огоҳлантириб қўйган эди.

Румянцев ва унинг сингилларидан ташқари Коля тоғамникига покиза, қўллари оппоқ, чўққи соқол қўйган, овози ингичка штабс-капитан Иванов ҳам келиб турарди.

Кўпчилик сўққабошларга ўхшаб Иванов бегона даргоҳ — Коля тоғамникини ўз уйдайд ҳисобларди. У ҳар

<sup>1</sup> Штафирка — ҳарбий кишилар бошқаларни шу сўз билан атаб масхара қилардилар. Staffeers немисча, бижаниш, демақдир. Ред.

кеч канда қилмай келиб, лақиллашиб ўтириб кетарди. Ҳар сафар келганида даҳлизда шинели ва қиличини ечар экан, у қизарар ва бирров исиниб олгани ёки Коля тоғам билан бир-икки оғиз маслаҳатли иши чиқиб қолганлигини писанда қилиб қўярди. Шу ўтирганча ярим кечагача қолиб кетарди.

Мени арзимаган нарсалардан қисиниб-қимтиниб юрмасликка ўргатгани учун Ивановдан миннатдор эдим.

Нима ҳам бўлиб бир куни Ивановни бозорда учратиб қолдим. У картошка ва карам олаётган экан.

— Буларни извошгача олиб боришасиз-да,— илтимос қилди у мендан.— Бизнинг Петрни,— Петр Ивановнинг деншиги эди,— тоби йўқ. Бозор-ўчар ўзимга қолиб кетди.

У билан бирга карам солинган оғир саватни извошга кўтариб кетаётганимизда, Брянск гимназиясининг немис тили муаллимаси ёш аёлга дуч келиб қолдик. Менинг таъзимимга жавобан у пиқиллаб кулди-да, башарасини четга ўгирди. Мен қизариб кетдим.

— Шунга ҳам хижолат чекиб ўтирибсизми,— деди Иванов.— Ҳеч қандай одобсизлик қилганингиз йўқ-ку. Мазах қилиб қаровчиларга қарши мен бир йўл тутганман — кўзларига тик боқаман, энг яхшиси шу.

Биз сабзавот ортилган извошга ўтириб, энг катта Болхов кўчасидан юриб кетдик. Йўлда анча таниш-билишлар учради. Ҳатто қўш отли экипажда кетаётган қўрхона бошлиғи генерал Сарандинакини ҳам учратдик.

Танишларимиз бизни кўрганда мийиқда кулиб қўйишарди, аммо Иванов уларнинг кўзига тик боқарди. Бу боқишдан улар хижолат тортишар, кулишни бас қилиб, ҳатто очиқ чеҳра билан бош силкиб саломлашишга мажбур бўлишарди. Сарандинаки ҳатто экипажини тўхта-тиб, ўз деншигини унга юбориб туриши мумкинлигини айтди. Аммо Иванов унча қийин бўлмаган бу ишни ўзи ҳам эплаётганини билдириб раҳмат деди. Генерал қошларини чимирди, кучерни орқасига қора ғилофли қиличи билан аста туртди ва генералнинг кул ранг отлари елиб кетди.

— Мана кўрдингизми,— деди менга Иванов,— хурофий тушунчалар олдида сира бўйин эгмаслик керак.

Мен, албатта, Иванов ҳақ эканлигини билардим, лекин шундай бўлса ҳам, ҳаддан ташқари уятчан бўлган-

лигим туфайли масхарамуз қарашлардан ўзимни қўярга жой тополмай қолардим.

Гоҳида мен бошқаларга ўхшаш хатти-ҳаракат қилмаслигимдан чўчир, йўқчилигимдан хижолат чекиб, уни ўртоқларимдан яширишга ҳаракат қилардим.

Ойимнинг кўзига турмушимиздаги ўзгаришлар катта фалокатдай бўлиб кўринарди. У бор кучи билан тахликага тушиб қолганлигини таниш-билишлардан берки-тишга уринарди. Ҳамма отамнинг оилани ташлаб кетганлигини билар, лекин ойим танишлар ҳол-аҳвол сўраб қолишса, оталари ҳадемай келиб қолади, ҳеч нарсадан қийналаётганимиз йўқ, деб жавоб қайтарарди. У «одамлар йўқчилигимизни сезиб қолишмасин», деб туни билан кийим-кечагимизни ямаб бошқатдан тикиб чиқар эди. Ойим юрагини олдириб қўйган, унинг журъатсизлиги бизга ҳам ўз нуқсини урган эди.

Извош тепага — Ивановнинг уйига кўтарилаётганда карам сочилиб кетди. Карам бошлари сакрашиб, бири-биридан ўзиб, тош кўчадан юмалаб қолди. Болаларнинг ҳуштак чалгани эшитилди. Извош тўхтаб биз пастга тушдик ва карамларни йиғиб ола бошладик.

Мен уялганимдан лола бўлиб кетган бўлсам керак, Иванов юзимга қараб қўйиб:

— Келинг, мен ўзим териб ола қолай. Сиз яхшиси уйингизга бораверинг,— деди.

Аввал карамларни ўткинчилар кўз ўнгида йиғиб олишдан уялган бўлсам, энди бу сўзлардан сўнг ўзимдан ўзим уялиб баттар қизариб кетдим. Мен жон-жаҳдим билан сўнги бош карамларни териб олдим, йўл-йўлакай брянсклик савдогарнинг ўғли Самохин деган бола йўлкада туриб олиб:

Гимназист кетар эди  
Карамин тўкар эди!—

деб дикирлаб жиғимга тегаётган эди, қулоқ-чаккасига шاپалоқ тортиб юбордим.

Самохин бўкириб кўз ёшларини юзига суртганча, ўз ҳовлисига кириб кетди.

Ивановнинг муғамбирларча боқишига қараб туриб, мен у карамни атай тўкиб юборган бўлса керак деб ўйлардим.



Шу кундан эътиборан бир ўзимни кўрсатиб қўяй деб астойдил ишга киришиб кетдим. Ҳар куни қўлимга тахта курак ушлаб, кўчадаги қорни курар, ўтин ёрар, қора ишдан ўзимни олиб қочиш у ёқда турсин, шунақа ишларни ўзим сўраб ола бошладим. Болакай Самохин бўлса мени кўрди дегунча ўзини эшикка урар ва оғзи тинмай:

— Кўкарган мол гўшти!— деб бақиргани-бақирган эди.

Гимназистлар зангори фуражка кийиб юрганлари учун уларни «кўкарган мол гўшти» деб аташарди. Секин-секин Самохиннинг тегажаклигига аҳамият бермай қўйдим.

Иванов берган таълимни кул ранг кўзи қаттиқ боқувчи, ихчам жуссалик подполковник Кузьмин-Караваев давом эттирди.

У Брянскда биринчи матлубот жамияти тузиб, Болхов кўчасида истеъмол буюмлари дўкони очган эди. Молни унинг ўзи келтирар ва тор омборда савдо қиларди.

Караваевнинг бу иши Брянск савдогарларини саросимага солиб қўйди. Савдогарлар табақасининг оқсоқоли Петербургга Бош артиллерия бошқармасига Караваев устидан шикоятлар юбориб турарди. Аммо зиёлилар ва қўрхона ишчилари Караваевни қаттиқ туриб қўллашарди. Шикоятлар кор қилмади. Матлубот дўкони кун сайин бойиб, гуллаб борарди.

Ҳамма Караваевга дўконда савдо қилгани галма-гал ёрдам бериб турарди, мени бўлса у ўзига муқим ёрдамчи қилиб олганди.

Ўзимнинг деярли бутун бўш вақтимни дўконда ўтказардим, баққоллик моллари солинган, ҳид таратган яшикларни очар, туз, ун ва қанд тортиб берардим. Караваев башанг тужуркаси устидан темирчилар кийиб юрадиган дағал фартуқ тутган ҳолда чаққон ҳаракат қилар, харидорлар билан ҳазиллашар, молларнинг келиб чиқиши тўғрисида менга кўп қизиқ ҳикоялар сўзлаб берарди. Бу билан у Россияни мукамал ўрганишимга ёрдам берарди.

Бутун мамлакатдан келган моллар — Феодосия тамакиси, грузин виноси, аштархон икриси, Вологда тўри, Мальцев биллур идишлари, Сарелт горчицаси ва Иваново-Вознесенскийнинг йўл-йўл юпқа матоси — Кара-

ваевнинг дўконида муҳайё эди. Дўкондан совун, тузлаган селёдка ҳиди анқир, аммо буларнинг барини орқа хонада уйиб қўйилган янги чиптанинг ажиб бўйи босиб кетганди.

Кечқурун Қараваев омборни темир тамба билан беркитар, кейин ўтириб аччиқ чой ичардик. Чўян печь устида чойнак шақилларди. Қараваев япасқи япон найзаси билан қанд майдаларди. Қанддан мовий учқунлар сачраб учарди. Мен тахта қутичадан асал солиб пиширилган пряниклар — жамкиларни олиб қўярдим.

Чой маҳалда албатта танишлардан битта-яримтаси — гоҳ Иванов, гоҳ опа-сингил Румянцевалар, гоҳ Маруся хола лақиллашиб ўтиргани дўконга кириб кетишарди.

Иванов бўш яшик устига шинелини ва ҳатто қўлқопини ҳам ечмасдан ўтириб олиб Қараваевга, ҳали Россия матлубот дўқонлари очиш даражасига кўтарилганича йўқ, деб исботлашга тушарди. Қараваев бўғилиб йўталар ва Ивановга қўл силкирди.

Маруся хола чойга ҳар доим ўзи пиширган қўлбола коржик билан сомса олиб келарди.

Опа-сингил Румянцевалар чойни пенселарини йилтилатиб ликопчада ичишарди. Улар Қараваевни Дон Кихот деб аташар, сизнинг дўконга ўралашиб юришингиз — майдакашликни тарғиб қилишдан бошқа нарса эмас, ҳолбуки, Россияга матлубот дўқонлари эмас, улуғ силжишлар зарур, дейишарди.

Шунда Иванов шпорларини жаранглатиб, «Мальбрук юришга отланар»ни хиргойи қила бошларди. Румянцевалар Ивановни тараққиёт душмани деб аташарди-да, кетиб қолишарди.

Илк кўклам пайти дўконга ўт қўйиб кетишди. Ўт қўйганда ҳам ошкора ва хунук бир тарзда — дўкон эшигини бузишиб, молларга керосин сепишиб ўт қўйишди.

Бутун шаҳар ўт қўйганлар Брянск савдогарлари эканлигини билса ҳам тергов узоққа чўзилди ва охири натижасиз тугади. Қараваев ўзини олдириб қўйиб, йўтали зўрайди. У ўз йўталидан ўзи қўл силтаб:

— Finuta la comedia! Бизнинг мамлакатимизни фақат буюк силжишгина ўзгартиради. Бутун Россияни оёққа бостириш керак, ўшандагина бирор натижага эришиш мумкин, — деб қўярди.

.. Енғиндан катта зиён кўрилди. Зиёни Брянск қўрхонасининг ишчилари билан Караваевнинг тўпчи ўртоқлари — матлубот жамиятининг пайчилари бир амаллаб қоплаб юборишди. Ҳаммадан ажабланарлиги шуки, кўрилган зиённинг катта қисмини Иванов тўлади. У тежамли киши бўлиб, қўрхонада хизмат қилган йиллари бир неча минг сўм жамғариб қўйган эди. Бу пулларининг қарийб ҳаммасини у Караваевга берди.

\* \* \*

\* Мен қиш билан ёзни қўрхона хизматчиларининг аҳил оиласида ўтказдим. Лекин Киевда бошдан кечирган аламим ҳали тарқамган эди. Мен ойимни, отамни эслардим-да, турмуши доимо бир маромда хушчақчақ кечувчи, меҳмоннавоз иссиқ хонадонда турганлигимдан ўнғайсизланардим. Кўз ўнгимдан совуқ Киев подвали, нон ушоқлари тўкилган бўш стол, ойимнинг ташвишли қиёфаси, репетициялардан ҳориган Дима кетмасди.

Ойим менга камдан-кам ёзар, Галя билан Дима бўлса умуман ҳеч хат ёзишмасди. Гоҳида ойим менга маркага тўлаш учун пули бўлмаганидан хат ёзмаётгандай туюларди. Унга кўмаклашмоқ учун нимадир қилиш керак эди, аммо нима қилишимни билмасдим.

Мен Брянск гимназиясига кўникиб кетолмасдим. Синфимдаги гимназистларнинг ёши мендан каттароқ эди. Мен Киев гимназиясини борган сари кўп эслар, ачинар, Киевга қайтиб бориш йўлини ўйлардим. Ниҳоят, ўзимнинг устозим лотин тили муаллими Субочга хат ёздим. Мен хатда ўз аҳволимни очиқ ёзиб, қайтиб борсам бўладими, деб сўрагандим. Кўп ўтмай жавоб олдим.

«Янги ўқув йилидан, яъни куздан бошлаб,— деб ёзганди Субоч,— сиз Биринчи гимназияга, менинг синфимга қайта қабул қилиндингиз, ўқиш ҳақи тўлашдан озод этиласиз, масаланинг моддий томонига келадиган бўлсак, мен сизга бирмунча дарс соатлари олиб беришим мумкин. Бу у қадар кўп бўлмаса ҳам, ҳар қалай ўз кунингизни ўзингиз тебратишингизга, ҳеч кимнинг бўйнига юк бўлмаслигингизга имкон беради. Бошингиздан кечирган мушкулотлардан эса ўксинманг *tempora mutantur et nos mutamur* — яхшилик сари ўзгараётганимизга ишонаверинг».

Мен бу хатни худди ҳаётга қўлланма тарзида ўқиб чиқдим ва ўпкам тўлиб кетди. Хат сатрларининг самимийлигини туяр эканман, келгуси ҳаётимни ҳеч кимга суянмай ўзим қуришга аҳд қилдим.

Уша пайтда ёшим ўн олтига чиқиб қолган бўлса-да, ҳаётда ўзим мустақил қадам ташлай бошлаганимдан юрагимга гулгула тушиб қолганди.

## БУЮК ТРАГИК КИН

Брянскда деворларга Орленев деган актёрнинг гастроллари ҳақида сариқ афишалар ёпиштириб ташланди.

Афишалар юпқа, шилдироқ қоғозга босилган эди. Ундан елим ўтиб кетганди. Эчкилар бу афишаларни юлқиб олиб, чайнашар, кавшанаётган эчкиларнинг оғзидан қора ҳарфлар билан «гений... фосиқлик» деб ёзилган сариқ қоғоз парчалари кўриниб турарди. Фақат бутун қолган бир-ярим афишалардангина Орленевнинг Брянскда «Кин, ёки гений ва фосиқлик» пьесасида инглиз трагик актёри Кин ролида чиқишини ўқиб билеа бўларди.

Коля тоғам Орленевнинг спектаклларига олдиндан билет олиб қўйди. Бир неча кун давомида Коля тоғамнинг уйида гап фақат Орленев устида кетди.

Спектакллар шаҳар боғидаги ёзлик театр биносида ўтиши керак эди. Театр ёғочдан ишланган, пушти бўёғи кўчиб кетган, эски бўлиб унинг деворларига неча йиллардан бери афиша ёпиштириб келишар, ёмғир ўнғитиб юборган қалин қоғоз парчалари осилиб ётарди.

Театр эшиклари доимо ёпиқ бўларди. Шом кезлари театр томидан кўршапалаклар учиб чиқишар ва қоронғи хиёбонларда чарх уришарди. Оқ кўйлак кийган қизлар қўрқувдан чирқиллаб қолишарди — кўршапалаклар жамики оқ нарсага ёпишиб олади, кейин уни олиб ташлаб бўлмайди, деган миш-миш юрарди.

Ташландиқ театр сирли кўринарди. Унинг ҳувиллаган зали ва актёр хоналарида ҳамон қуриган гуллар, грим қутилари, ленталар, сарғайиб кетган ноталар сочилиб ётганига ишончим комил эди. Булар шаҳарликлар ривоятига кўра, шу театрда сайёр оперетта томоша кўрсатган замонлардан қолганди.

Театрнинг умри тугаганига анча бўлган, ичини ис босиб, энди унда ҳеч кимса бошқа томоша кўрсатмайдигандай туюларди.

Аммо уни очиб, йиғиштиришди, шамоллатишди, гилам пояндозлар тўшади, ложаларнинг духоба қопламасини чангдан тозалашди, шундан сўнг у кул ранг тусдан яна олчадай қип-қизил ўз ҳолига қайтди.

Шифтда қандил ёнди. Унинг эскирган биллурий чироқлари аввал хира тортиб, нур сочайми, сочмайми деб турди, кейин оркестрнинг илк оҳангларидан силкиниб, ўнларча ранго-ранг, қўнғироқ юлдузлар бўлиб пориллаб кетди.

Эшик тагларида оқ ип қўлқоп кийган эски капельднерлар пайдо бўлишди. Атирлар ва салқин боғ бўйи, конфет иси анқиб кетди. Босиқ ғовур-ғувур турди, шпорлар жаранги, креслолар ғичири, кулги, энсиз программачаларнинг шилдир-шилдири эшитилди — уларга эман япроқларидан қилинган чамбар билан бурканган лира сурати солинган эди. Театр залидан:

— Орленев, Орленев, Орленев! — сўзлари янграрди.

Коля тоғам эгнига бичими формали қора духоба ёқали башанг камзулини кийиб олиб ложада ўтирарди. Маруся хола бошдан-оёқ кўкимтир тусга кирганди. Тутунга ўхшаш, симоб ранг янги кўйлаги, сочлари, кўпдан бери театр кўрмаганлигидан ҳаяжонланган кўкиш кўзлари уни шундай қилиб кўрсатарди.

Штабс-капитан Иванов гилам пояндозлардан бамайлихотир юриб ўтди. Унинг учли ботинкаларида кичкина шпорлар жирингларди.

Ҳатто капитан Румянцев кураксимон қизғиш малла соқолини тараб, сюртук кийиб келган эди. У дам сайин шимининг орқа чўнтагидан дастрўмол олиб, қип-қизил башарасини артарди.

Румянцевалар ёнма-ён ўтиришар, ёноқлари бўғриқиб кетганди.

Володя Румянцев жойи ложада бўлишига қарамасдан галеркага чиқиб ўтирди — у сингиллари билан тескари бўлиб қолган эди.

Павля Теннов такаббуруна бир қиёфада чалиштирган оёқларини узатиб ўтирарди. Петербурглик эски студент бўла туриб, келиб-келиб шу спектакль учун ҳаяжонланиб ўтирармиди!

Ложада Маруся хола қўлимдан тортиб, курткамнинг

ёқасига ёпишган парни олиб ташлади-да, сочларимга диққат билан қараб, силаб қўйди:

— Ана энди дуруст бўлди.

Мен пеш ложадаги хира ойнага ўзимни солиб кўрдим. Рафторим оқариб кетган ва шу қадар ҳам болаларча мурғак эдимки, худди мана-мана синиб кетадигандай кўринардим.

Парда кўтарилиб, спектакль бошланди.

Мен Киевда яхши актёрларни кўргандим, аммо ҳозир унчалик бўйдор бўлмаган, қуйиб қўйгандек чеҳраси мунгли мана шу киши саҳнада улуғ мўъжиза кўрсатарди. Унинг овозининг ҳар бир оҳанги улуғ Киннинг дардли, гўзал қалбини очиб берарди. У «Кийикни ўқ ёй билан яраладилар!» деб жарангдор овоз билан нидо қилди, нидосида марҳамат кутиб, марҳамат топмаган одамнинг иложсиз мунги ифодаланди.

Томоша залида актёрлар томонидан ўйналган театр жанжали бошланган чоғда мен юрагимни ҳовучлаб ўтирдим. Парда тушиб, саҳна олдига юм-юм йиғлаган кекса инглиз режиссёр чиқиб қалтироқ овоз билан, спектакль тўхтатилади, чунки, Англия қуёши — буюк трагик Кин ақлдан озиб қолди, деб эълон қилганда, мен ўзимни йиғидан тўхтата олмадим.

Маруся хола менга ўғирилди, қўлимни шapatiлаб қўйди ва нимадир деб, ҳазиллашмоқчи бўлибми, оғиз жуфтлади-ю, бунинг ўрнига ҳайрат ичида бирдан қичқириб юборди ва ўрнидан турди. Коля тоғам ҳам ўғирилиб, жойидан қўзғалди. Бутун зал қарсак гулдуросидан зириллаб турарди.

Мен ҳам айланиб қарадим, бутун кўз ўнгим чир айланиб кетди, кейин бу дарҳол тинди, ўрнига жимжитлик ва қоронғилик чўкди — орқамда меҳрибон ва дардчил жилмайиб ҳамон ўшандоқ ҳорғин ва сочлари бутунлай оқариб кетган отам турарди. У мени кўтариб олди.

Мен кейин нима бўлганини ғира-шира эслайман, тўғрироғи, сира эслолмайман. Пеш ложа олдидаги кичкина диванда кўзимни очдим. Курткамнинг ёқаси ечиб қўйилган эди, иягимдан сув оқиб тушар, Маруся хола бўлса чакка томирларимни атир билан ишқарди. Отам мени елкамдан кўтариб, ўтқизди ва ўпиб қўйди.

— Бирпас ўтир, қимирлама, — деди у. — Ҳозир ўтиб кетади. Наҳот телеграммамни олмаган бўлсангизлар?

Чарчаган Орленев қуллуқ қилгани чиқиб, саҳнага

отилган гулларни йиғар экан, отам Бежицадаги Брянск заводига ишга жойлашганлигини шоша-пиша айтиб берди. Бежица посёлкаси Брянскдан бор-йўғи саккиз чақирим нарида эди.

Отам Коля тоғамникида ҳеч кимни учратолмай, бизни излаб тўғри театрга келиб тургани экан.

— Ойим-чи?— сўрадим мен.

— Ойингми?— такрорлади отам.— Айтмоқчи, ундан сенга хат олиб келдим. Ойинг Бежицада туришни хоҳламади. У Дима билан Москвага бориб, у ерда бутунлай туриб қолмоқчи. Албатта, Галяни ҳам бирга олиб кетади.

— Мен тўғримда у ҳеч нарса демадимми?

Отам ўйланиб қолди.

— Индамади, шекилли. Мен у билан узоқ гаплашолмадим. Сенга у ҳаммасини батафсил ёзгандир. Ўқиб кўргин.

У менга хатни узатди. Ҳамон гулдурос олқиш давом этарди. Мен хатга тез кўз югуртириб чиқдим. Хат қисқа ва қуруқ эди.

Турмушимиз изига тушгунча Коля тоғамникида яшаб турасан, деб ёзарди ойим. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин дейди. Москвага у яна бир ойдан кейин, июлда жўнар экан. Ёзни Брянскда ўтказишим, лекин хоҳласам отамнинг ёнида Бежицада туришим ҳам мумкин экан, лекин ҳар ҳолда Брянскда турганим дурустроқ ва беғалвароқ бўларкан. «Киевдан Москвага бораётганимизда,— деб ёзарди ойим,— биз афсуски, Брянска туриб ўтолмаймиз, аммо мен телеграмма бераман, сен вокзалга чиқиб турасан, ўша ерда ҳаммасини бафуржа гаплашиб оламиз».

Хатни ўқиб бўлганимдан кейин Маруся хола отамга кулиб туриб, деди:

— Биз энди уни ҳеч кимга бермаймиз. Ҳатто сизга ҳам, Георгий Максимович.

— Сираям бермаймиз,— деди Коля тоғам.— Умуман, бу тўғрида сен билан гаплашиб олишимиз керак, Георгий.

— Хўп,— рози бўлди отам.

Биз шаҳар боғидан ўтиб, экипажимизга йўл олдик. Қизиб ёнувчи фонарлар дарахтлар орасида виширлашар эди. Эстрададаги ҳарбий оркестр худди спектакль тамом бўлганидан ва энди яна фанфарлар ва карнай-

ларни бор овоз билан чалиш мумкинлигидан мамнундай шўхчан марш ўйнарди.

Биз экипажга ўтирдик. Отлар тик тепадан оёқларини бир-бир босиб туша бошлашди.

Ойимнинг хати мени гангитиб қўйганди. Бу хатдан сўнг кўз олдимда ҳамма нарса олдингидай мужмал бўлиб қолди. Афтидан, ойим отам билан ярашмаган эди. Мен ойимнинг нима учун менга бунчалик совуқ хат ёзишига тушунолмас эдим. Наҳотки, у мени унута бошлаган бўлса? Наҳотки, энди мен ҳеч кимга керак бўлмай қолган бўлсам?

Отам Коля тоғам билан қизгин суҳбатлашарди. Нимага у мендан ҳеч нима тўғрисида сўрамади? Мен унга анчагина қайғули гаплар айтган бўлардим. Балким, кўз ёши қилиб енгил тортармидим.

Коля тоғамнинг уйда мени ҳамма — тоғам ҳам, Маруся хола ҳам, ҳатто Коля тоғамнинг ўртоқлари ҳам яхши кўрарди, лекин негадир ўзимни доимо бўғзимда бир нарса тикилиб тургандай ҳис қилардим. Мен Коля тоғам билан Маруся холамни хафа қилиб қўймаслик учун нохушлигимни яширишим керак эди.

Мен Субочнинг сиз тезда бировга ортиқча юк бўлмай қоласиз, деган сўзларини эсладим. Юрагим увишиб кетди. Ҳаммаси тушунарли бўлди. Демак, мен бировнинг гарданида юк эканман-да. Отам ўзича ҳаёт кечиряпти. Ким билсин, балки у Бежицада ёлғиз ўзи турмас.

Ойим-чи? Нима учун ойим мендан шунча осонлик билан юз ўгирди? Галя туфайли бўлса керак. Галянинг кўзи ожиз бўлиб қолди, врачлар ҳеч қандай ёрдам беришолмади. Ойим бундан ўзининг ич-этини ерди. Унинг бутун хаёлини Галянинг даҳшатли қисмати банд этган эди. Ойимнинг юрагида Галяга бўлган қаттиқ ачинишдан ўзга ҳеч нима қолмаган бўлса бордир.

Шаҳар узра атрофини кукун қоплаган ой тикилиб турарди. Ой нури тўкилган тунука томлар кўзимга худди нам тортгандай кўринарди. Маруся хола менга энгашди.

— Уша хатни мумкин бўлса, менга берсанг.

Хатни унга узатдим.

У хатни буклаб-буклаб нафис қўлқопининг қийиғига тикди-да, садаф тугмачасини қадаб қўйди.

Бошим лўқиллаб оғрий бошлади. Оғриганда ҳам шу қадар қаттиқ оғридики, ҳатто кўзларимдан ёш чиқиб



кетди. Мени узоқ йиллар қийнаган бош оғриғи дарди ана шундай қилиб бошланди.

— Сенга нима қилди?— сўради Маруся хола.

— Бошим қаттиқ оғриб кетяпти.

— Сен шўрликнинг бошингга ҳамма бало бирданига ёпишди-я!

Уйга етгач, мени ётқизиб қўйишди. Мен ётган жойимдан ошхонада бўлаётган гапларга ва отамнинг овозига қулоқ солардим. Мен қачон у менинг олдимга хайрли кеч тилгани кираркин деб ҳамон кутиб ётардим.

Сарин ҳаво деразадан оқиб кириб, сархуш қиларди. Кўзим уйқуга кетар экан, қўшни хонадан Орленевнинг: «Кийикни ўқ ёй билан яраладилар», деган изтиробли нидосини эшитдим. Шу пайт узоқ-узоқларда, тун бағридан нафис музика оҳанглари янграрди. Қуй оҳанглари олисларга таралиб, аста сўнар, гўё орқасига ўгирилиб, менга бош силкигандай бўларди.

Кейин Маруся хола гапириб қолди: «Унингиз нимжон жуда. Унинг учун бундай қаттиқ ташвиш оғирлик қилади». «Унинг деганингиз, ким ўзи?»— сўрадим мен. «Ухла,— деди Маруся холанинг овози.— Мен сени ташлаб кетмайман. Сизлар чойни ўзларингиз қуйиб ича қолинглар». Стоканларда чой қошиқлар борган сари тез айлана бошлади. Бундан бошим айланиб қулаб кетдим. Узоқ қулай туриб ҳамма нарсани унутдим.

Бир неча кун иситмалаб, бошим оғриб ётиб қолдим. Шу орада отам Бежицага жўнаб кетди.

Тузалганим ҳамон Коля тоғам билан отамнинг олди-га жўнадик.

Бежица рутубатли ва зерикарли посёлка экан. Ердаги тупроқ завод печларидан чиққан ғадир-будур шлак билан қоришиб кетган эди. Боғчаларда эгри-бугри оқ қайинлар ўсар, завод тутун буруқситарди.

Отамнинг тўсинлардан қилинган квартирасидан кўмир иси анқир, уй ичи ҳувиллаган, унда отамдан ўзга ҳеч ким турмас экан.

Биз борганда отам қомус ўқиб ўтирарди.

У бизнинг келганимиздан жуда суюниб кетди.

— Бу ерда,— деди у Коля тоғамга,— Қостикнинг туриши сираям тўғри келмайди: ҳам зерикарли, ҳам беҳаловат, ҳам ёлғизлик қилади, тушунаман. Ўзим ҳам кўп яшай олмасам керак.

— Хўш, унда нима қилмоқчисан?— жиддий сўради Коля тоғам.

— Бирон ерга кетаман. Умуман ҳаётим саранжом топмади. Энди менга барибир. Ўзим айбдорман.

Отамдан кўз узмасдим. Энди у бешинчи йилдагидай ёки ҳув қачонлардир — Городишчеда, Геленжиқда ёки рассом Врубелнинг хонасида кўрганимдагидай эмас, бутунлай бошқача, ўша кезларда кўрганим чиндан ҳам унинг ўзи бўлса, ҳозирги отам худди унинг ношуд соясидай эди.

## КАТТА ЙУЛДА ТАНҲО ЙУЛОВЧИ

Мана, ниҳоят, хазонрезгиликдан илк белги берган кунлар кириб келди.

Коля тоғамнинг уйининг орқасида, жарнинг тик қиялигида қадимдан қолган олмазор боғ чўзилиб кетганди. Олмаларнинг кавак-кавак бўлиб кетган таналари билан эгри-бугри-деворларни сап-сарик қурбақа ўти босган эди.

Боғда мендан бошқа ҳеч ким бўлмасди.

Мен боққа дафтар кўтариб кириб, илиқ ерга ётардим-да, шеър ёзгани тушардим. Энди, билишимча, булар бўлмағур шеърлар эди. Уларда ҳамма нарсани бетаин мунг кўмиб юборарди.

Шеър мисралари устидан тинимсиз чумолилар йўрғалаб юришар, қуруқшаб кетган арини судраб боришарди. Боғ устида қалин булут парчалари оқариб кўринар, дарахтлардан дафтарим устига чириган бутоқчалар тўкиларди, шамол эсиб уларни Десна ортига тўпларди. Қизиқиб кетиб икки юзта булут парчасини санаб чиқдим-да, тўхтадим. Кўзларим қамашиб кетганди.

Куз гоҳ скамейкага ногоҳ узилиб тушган қуруқ япроғи, гоҳ ўргимчак инидан тўғри бошимга ўрмалаб тушган қурти билан мана мен келяпман деб огоҳлантиргандай бўларди.

Эсиз, ёз тугаб борарди. Коля тоғам ёзни Брянскда ўтказди. Ёз кезлари қўрхонадаги Коля тоғамнинг лабораториясига ёки темирчилар устахонасига тез-тез бориб турардим.

Устахонада буғ тўқмоқнинг ишлашини томоша қилиб ўтиришни яхши кўрардим. Шу тўқмоқ ёнида мен штабс-капитан Ивановдан Обухов заводининг машҳур темир-

чиси ҳақидаги ҳикояни эшитганман. У юз пудлик буғ тўқмоқ билан тўнтарилган стакан устига қўйилган ёнғоқни шу қадар усталлик билан чақар эканки, стакан бус-бутун қолаверар экан.

Менга қўрхона, унинг Екатерина замонидаёқ қурилган пастак бинолари ўт-ўлан қоплаган, чўян қолдиқлари айқашиб ётган саҳнлари, устахоналар девори тагидаги сиренлар, эски буғ машиналарнинг мойли миси ялтираб кўринган цилиндрлари, лабораториялардаги спирт ҳидлари, серсоқол темирчи ва қуювчилар ҳамда қўрхона девори ёнида ердан фонтан бўлиб отилиб турган кўкимтир артезиан суви хуш ёқарди.

Мана шуларнинг ҳаммаси: Брянск билан, Коля тоғамнинг ҳузур-ҳаловатли уйи билан хайрлашиш, хайрлашганда ҳам жуда узоқ муддатга хайрлашиш керак эди.

Кузакда Киевга қайтиб кетдим. Ойим Дима ва Галя билан Москвага кета туриб, Брянск вокзалига тушганда қисқа суҳбат вақтида шу қарорга келинганди. Мен вокзалга ойимни кўргани Коля тоғам ва Маруся холам билан бирга келдим.

Ойим анча чўккан, Коля тоғам билан худди унинг олдида ўзини оқламоқчи бўлгандай гуноҳкорона қиёфада сўзлашди.

Галя деярли бутунлай кўрмас, бунинг устига қулоғи ҳам ёмон эшитадиган бўлиб қолибди. У қалин, қўш кўзли ойнак тақарди. Унга мурожаат қилинса ким билан сўзлашаётганини билиш учун у анчагача аланглаб турар, кейин дудмал жавоб қилар эди. Диманинг қовоғи солиқ, хотиржам кўринарди.

Ойим мени бағрига олди, кейин бошдан-оёқ менга разм солиб чиқди-да, Киевдагидан кўра анча ўзингга келиб қолибсан, деди. Овозидан хафа бўлгани сезилиб турарди.

Мен Киевга қайтиб боргим келаётганини, Биринчи гимназияга қабул қилишганини айтдим. Боря билан бирга тураман, дарс бериб кунимни кўраман, дедим.

Ойим юзини четга буриб мени Москвага олиб кетишни хоҳлашлигини, аммо ҳозир бу мумкин эмаслигини айтди. Москвада турмушим нима кечади, ҳали ўзим ҳам билмайман, деди.

Галя бўлса дам-бадам:

— Костик, қаердасан? Ҳа, бу ердамисан? Мен бўлсам сени ҳеч кўролмаяман,— деб қўярди.

Маруся холам, Костикни Киевга юбориш ақлдан эмас, балким, мен тушунмаётгандирман, оилавий ишларингга аралашишга ҳақим йўқдиру, лекин... деб тез-тез гапира бошлади.

Коля тоғам бас қил, дегандай қилиб қараганини сезган Маруся хола жим бўлди. Ойим ҳеч нарса демасди. У вагон ойнасидан платформага қараб ўтирарди. Қўзлари ғазабдан олайиб кетганди.

— Хайрият-е!— деди ойим.— Кечикиб бўлсаям келди.

Платформадан отам юриб келарди. У Бежицадан ишчилар поездида эндигина келиб тургани эди. Отам эғнида эскирганидан йилтираб кетган қора пиджак кийиб олганди.

Отам вагонга кирди. Шу замони вокзал қўнғироғи икки марта занг урди.

Биз хайр-хўшлаша бошладик. Отам ойимнинг қўлини ўпиб туриб, деди:

— Маруся, Костикни таъминлашни ўз бўйнимга оламан. Ҳар ой унга турмушига кераклигини юбориб тураман.

— Худо хайрингни берсин! Жилла бўлмаса шу арзимаган нарсани эсингдан чиқармагин. Ўтинаман сендан.

Дима отам билан қуруққина хайрлашди, Галя бўлса, баайни кўр одамдай қўлини отам сари чўзиб, унинг юзини ахтарарди. Отамнинг ранги қум ўчди, ҳатто кўзининг қорасигача оқариб кетди.

Учинчи занг урилди.

Биз платформага чиқдик. Ойим менга ойнадан туриб, қйшда албатта, сенинг ёнингга, Киевга келаман, деди.

Поезд қўзғалди.

Отам шляпасини қўлига олиб турар, кўзини чопиб ўтаётган вагон филдиракларидан узмасди. У шаҳарга Коля тоғамникига боришни истамади, Бежицага биринчи поезд билан кетажаги, зарур иши борлигини баҳона қилди.

Биз экипажда уйга қайта бошладик. Йўлда на Коля тоғам ва на Маруся хола миқ этиб оғиз очишмади. Маруся холам кичкина дастрўмолини тишлаб-тишлаб қўярди. Кейин у Коля тоғамга қаради-да, деди:

— Йўқ, мен асти тушунолмаяман. Наҳотки, шундай қилиш мумкин бўлса!

Коля тоғам хўмайиб, кўзи билан менга ишора қилди. Маруся холам жим бўлиб қолди.

Фақат ўзимизнинггина эмас, бошқаларнинг ҳам ҳаётини заҳарлаб турган оилавий келишмовчиликларимиздан ер ёрилса-ю, кириб кетсам дердим. Мен тезроқ Киевга кетиб, бу дилхиралик ва шўришларни унутсам дердим. Дилхунлик ва ўзаро жанжаллашишлар ичида яшагандан кўра, ёлғизлик авлороқ туюларди.

Киевга кетадиган август ойини кутардим. Ниҳоят, у бўртган япроқлари ва бадқовоқ ёмғирлари билан етиб келди.

Кетадиган куним ёмғир савалаб ёғиб, шамол турган, Москва — Киев поездининг вагонларини ёмғир савалаб ўтган эди. Отам кузатгани келаман деган бўлса ҳам, келмади.

Вокзалда Коля тоғам ҳазил-ҳузул қилмоқчи бўларди. Маруся холам шинелимнинг чўнтагига конверт суқиб, «йўлда ўқирсан», деди.

Поезд жилганда, у юзини терс ўгириб олди. Коля тоғам унинг тирсагидан ушлаб, поездга томон қаратди. Маруся холам менга жилмайиб қўйди-да, яна ўгирилиб олди.

Вагон дарчаларидан ёмғир томчилари оқиб тушаётганидан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Мен дарчани тушириб, бошимни чиқариб қарадим.

Коля тоғам билан Маруся холам платформада туришар, кўзларини узоқлашаётган поезддан узишмасди. Ер бағирлаб буғ чўзилганди. Поезддан орқада олисолисларда мусаффо осмон бўлагига кўзим тушди. У ерда аллақачон қуёш чиққан эди.

Бу менга яхши аломат бўлиб кўринди. Чўнтагимдан конвертни олдим. Унда пул билан хат бор экан: «Ўзингга эҳтиёт бўл. Сен катта йўлда ёлғиз қадам ташлаяпсан, шу боисдан узоқ бир чеккада тоғанг билан холанг борлигини унутма, улар сени жудаям яхши кўришади ва доимо ёрдам учун тайёр туришади».

## **ДИКИЙ ТОРКУЧАСИ**

Боря вокзал ёнидаги ифлос Жилиян кўчасида жойлашган «Прогресс» номли жиҳозланган хоналарда турарди.

У мени очик чехра ва меҳрибонлик билан қарши олди.

— Ҳз кунимни ўзим кўраман деган бўлсанг, боплабсан!— деди у.— Ҳозирча мен билан бирга туравер. Кейин сенга дурустроқ жой топамиз. Бу ерда яшаманинг маъқул.

— Нега энди?

— Ўзинг тушуниб қоларсан.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай анча-мунча нарсага тушуниб етдим. Боря Политехника институтига кетиши биланоқ, хонада букчайган, башараси нордон карам бошига ўхшаш бир одам пайдо бўлди. Букчайганинг эғнида чанг босган студент тужуркаси ҳалпиллаб турар, тиззасининг кўзи дўппайган кўк шими тушиб кетаётганга ўхшарди. У дўрдайиб чиққан нурсиз кўзлари билан хона ичини, озиқ-овқат турган токча ва мени бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Граф Потоцкий!— ўзини таништирди букчайган.— Акангизнинг яқин дўсти бўламан. Политехника институтининг собиқ студенти. Бедаво дардим туфайли у ердан кетганман.

— Нима касалсиз?— сўрадим ундан раҳмим келиб.

— Менинг касалимни баён қилиб бериш мумкин эмас,— деб жавоб берди граф Потоцкий ва столда қутича ичида турган Борянинг папиросидан бир қисим қилиб олди.— Тортган азобимни айтиб тугатолмайман. Касалим туфайли уч йил кетма-кет профессор Патон имтиҳонларидан йиқилиб чиққанман. Сиз Патонни биласизми?

— Йўқ.

— Нақ ҳайвоннинг ўзи!— деди граф Потоцкий ва стол устида турган колбасани олиб, қўлида айлантириб кўрди-да, чўнтагига солди.— Муваффақият қозонишга интилганларни қийратувчи бир кимса. Касалимнинг дориси — оддий креозот. Аммо ота-онам пул юборишни кечиктириб юборди, табиийки, юқоридан қайд қилинган креозотни олиш учун аптекага борай десам, пул йўқ. Эртагача сиздан амаллашиб турсак бўлмасмикин?

— Нимани амаллашасиз?— сўрадим мен тушунмай.

— Ҳай, майли!— граф Потоцкий мулойим жилмайди.— Майнавозчиликни бас қилайлик! Борядан уч сўм сўрамоқчи эдим, кечикиб қолибман. Балки, кўк қоғоздан сизда топилар?

— Ҳа, албатта!— Мен шоша-пиша чўнтагимдан пул чиқардим.— уч сўм керакми?

— Оҳ, йигитча!— хитоб қилди афсусланиб Потоцкий.— Қарз сўраса сурбет кўп, инсофли кам сўрайди. Агарда, мен худо кўрсатмасин, сурбет одам бўлганимда, йигирма сўм сўраган бўлардим. Ваҳоланки, атиги уч сўм сўраяпман! Шундан кейин, сиз ҳақиқат қаерда, деб сўрарсиз. Ҳақиқат ҳар қачонгидай ўртада. Йигирмадан учни олсангиз, ўн етти қолади. Биз ўн еттини иккига бўлсак саккиз яримдан қолади. Тўққиз сўм рақамга бир қадар яхлитлик бағишлайди. Қулай ва осон.

Мен унга тўққиз сўм ўрнига ўн сўм узатдим. У пулни жуда ғалати қилиб олди. Мен ҳатто пулни қандай қилиб олганини сезмай қолдим. Пул худди ҳавода эриб кетгандай бўлди.

Граф Потоцкий билан гаплашиб турарканмиз, хонанинг эшиги ҳадеса ғирчиллаб қўярди. Аммо пул ҳавода эриб кетгани ҳамано эшик шиддат билан очилиб, хонага калтадан келган пенюарли хотин отилиб кирди.

У ҳар қадам ташлаганда туфлиси чапиллаб овоз чиқарарди. Туфлиси оёғига катта эди.

— Нега!— қичқирди у қаттиқ ҳаяжон билан.— Негача бу ёвузга пул берасиз! Бер!— деб вишиллади у ва граф Потоцкийнинг тужуркасига ёпишди.

Тужурканинг енги тириллаб кетди.

Граф юлқиниб чиқиб, ўзини коридорга урди. Аёл унинг орқасидан югурди. Туфлиси тўппончадай қарсиллаб борарди.

— Бер!— қичқирарди у.— Уч сўм бўлсаям! Икки сўм бўлсаям!

Аммо граф зинапоядан кўчага учиб тушиб, ғойиб бўлди. Пенюарли хотин деворга суяниб, келишмаган хунук овоз билан ув тортди.

Ҳамма хоналардан одамлар бош суқиб қарай бошладилар. Шунда уларнинг барини бир йўла кўриб олдим. Биринчи бўлиб бинафша ранг кўйлак кийган афти башарасига ҳуснбузар тошган йигитча қаради. У кўйлагига пушти ранг целлулоид ёқа қадаётган эди.

— Мадам Гуменюк,— деди у буйруқ оҳангида,— чора кўринг!

Коридорда кўзлари навозиш билан боққан айни чоқда хуморли, тўладан келган хоним—«Прогресс»

жиҳозли хоналарининг соҳибаси мадам Гуменюк ҳозир бўлди. У пенюарли хотинга яқинлашиб, кутилмаганда аччиқ тил билан дона-дона қилиб узиб олди:

— Хонангизга даф бўлинг! Шаллақилик қилманг. Худди полиция чақираман! Аёл сифатида тўғриси айтяпман.

Пенюарли хотин жимгина ўз хонасига кириб кетди. Коридордагилар граф Потоцкийнинг қилмишини муҳокама қилиб яна анчагача ғала-ғовур қилиб туришди.

Боря келгач, бўлган воқеани айтиб бердим. Осон қутулибсан, бундан кейин алданиб юрма, деди Боря. Граф Потоцкий граф ҳам эмас, студент ҳам эмас, ичкиликбозлик қилиб хизматдан ҳайдалган суд амалдори экан.

— Мендан улар қўрқишади,— деди Боря.— Лекин сенинг феълинг билан уларга учрамаганинг маъқул. Бу ерда ҳамма палидлар йиғилиб олган.

— Нега бўлмаса сен бу ерда турасан?

— Мен ўрганиб қолганман. Улар менга халал беришмайди.

Бир ойдан кейин Боря Дикий торкўчасидаги Козловская деган, ойимга таниш кампирнинг «ҳамма нарса таппа-тахт» хонасини топиб берди.

Мен отамдан пул олиб уни чамалаб чиқдим. Агарда у бошқа ҳеч нарса юбормаганда ҳам, уч ойгача дарс бермасдан яшашим мумкин эди.

Пани Козловскаянинг уйида унинг ўзи ва ўғли — пиёда поручиги Ромуальддан бошқа ҳеч ким турмасди. Бу торгина хона бўлиб поли ёмон бўёқ билан бўялганидан оёққа ёпишиб қоларди. Хонанинг деразалари дарахтлари кесиб ташланган боққа қаратилган эди. Боғда икки-уч дарахт омон қолган эди, холос. Қиш кезлари боғда коньки майдончаси қилишаркан. Майдонча четларидаги қор уюмларига арча шохларини тиқиб қўйишар, улар кўп ўтмай сарғайиб қоларкан. Майдонча Глубочица ва Львов кўчаларидаги болалар учун мўлжалланган бўлиб, кириш нархи арзон экан. Унинг ҳатто оркестри ҳам йўқ бўлиб, фақат бинафша тусли каттакон карнайли граммофон музика чалиб тураркан.

Дикий торкўчаси ўз номига муносиб ёввойи кўча эди. Ундан бирон жойга чиқиб бўлмасди. У қор босган,



кул тепалар уйилиб ётган харобазордан иборат эди. Кул тепалардан кўкимтир дуд чиқиб ётар, доимо куйинди исн анқирди.

Ўзимнинг ҳужрамни Байрон, Лермонтов, Гюго портретлари билан безадим. Столга китобларимни териб қўйдим. Кечқурунлари ошхонанинг чироғини ёқиб қўярдим. У столни-ю Гюго портретини ёритарди, холос. Серсоқол ёзувчи бошини крахмалланган юмалоқ манжетли қўлига маъюс тираганча менга тикилиб турарди. У гўё «қани-қани, энди бу ёғига нима қилмоқчисиз, йигитча?» деяётгандай бўларди.

Мен у маҳалларда Гюгонинг «Хўрланганлар»идан таъсирланиб юрар эдим. Романнинг мазмунидан ҳам кўра қария Гюгонинг тарихга бағишланган саҳифаларини яхши кўрардим.

Уша қиш мен умуман жуда кўп ўқидим. Ёлғизликка сираям кўникиб кетолмасдим. Китоблар танҳолигимни унутишимга ёрдам берарди. Мен Никольско-Ботаническоедаги ҳаётимизни, Ленани, хушчақчақ тўпчиларни, эски Ревна паркидаги мушакбозликни, Брянскни тез-тез эслардим. Қаерда бўлмайн, турли-туман ва кўнгилчан одамлар қуршовида яшагандим.

Эндиликда атрофимда ҳеч ким йўқ эди. Чироқда нимадир ғувиллар ва бу овоз ёлғизлик дардини оширарди.

Лекин бир-икки ой ўтгач, бутунлай ўзгариб кетдим. Мен воқелик қанчалик кўримсиз бўлиб туюлса, унда яширинган бор яхши нарсаларни шунчалик кучли ҳис қилаётганимни сеза бошладим.

Ҳаётда яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён туришини сезардим. Кўпинча яхшилик, қалбакилик, қашшоқлик ва абгорликлар остида мана мен, деб юз кўрсатиб қоларди. Чунончи баъзан ёмғирли кун охирида кул ранг булутлар бирдан ботаётган қуёш нурида кумушдай ярқираётганини сезиб қолардим.

Мен қаерда бўлмай яхшилик аломати топишга ҳаракат қилардим. Кўпинча, уни топардим ҳам, албатта. Золушканинг йиртиқ бўз кўйлаги остидан биллурий туфличаси ярқираб турганидек, қаердадир кўча-кўйда унинг зийрак ва мулойим боқишлари кўрингани каби яхшилик юз кўрсатиб қоларди. «Бу менман,— деб турарди у кўзлар.— Наҳот мени танимаган бўлсанг? Ҳозирча мен гадоман, лекин ислиқиларимдан халос бў-

лишим биланоқ маликага айланаман. Ҳаёт кутилмаган ҳодисаларга тўла. Дадил бўл ва ишонавер».

Уша қиш мен мана шундай олақуроқ, фикрлар таъсирида яшадим.

Мен ҳаёт йўлимда илк қадамларни ташлаётгандим, аммо хаёлимда бу йўлнинг бутун паст-баландини бошдан-оёқ биладигандай эдим. Мен Фет шеърларидан ўқиб қолдим. Улар назаримда истиқболда мени кутган нарсаларга тўғри жавоб бераётгандай туюлганди:

Қуюнлар салтанати, муз ва қорлар қаъридан  
Беғубор ва мусаффо сенинг майинг балқийди!

Мен бу шеърларни товушимни чиқариб ўқирдим. Пани Козловская девор ортидан шеър ўқишимни тинглаб ўтирарди. Поручик Ромуальд уйга кеч қайтар, баъзан эса аллақерларда тунаб ҳам қоларди. Пани Козловская жуда зерикар ва шу боисдан бирон бир кишининг товушини эшитса хурсанд бўлиб кетарди.

## КУЗГИ ЖАНГЛАР

Брянскдан кейин гимназияда муаллимларим ҳам, ўртоқларим ҳам мени худди Борядай очиқ кўнгиллик билан кутиб олишди. Ҳатто олий мансабли поп Трегубов пайтдан фойдаланиб, оқпадар ўғил ҳақидаги ўғит-насиҳатларини такрорлади.

Субоч инжиқлик билан қандай жойлашганим ҳақида сўради ва бир ойдан кейин дарс олиб беришга ваъда қилди. Инспектор Бодянский димоғидан қандайдир даҳшатли хириллашга ўхшаган товуш чиқариб, бу товуш билан у мушукчаларни қўрқитиб ўрганиб қолган, деди:

— Гуноҳингиз бор, аммо муравватга ҳам муносибсиз. Боринг, синфга киринг, лекин иккинчи гуноҳ қилманг!

Лекин барибир гуноҳ қилишимга тўғри келди.

Гимназиямизда ҳар бир синфда иккитадан бўлим: биринчи ва иккинчи бўлим бўларди. Биринчи бўлим аристократлар, иккинчиси демократлар деб аталарди.

Биринчи бўлимда асосан бефаҳм танбаллар — гене-

ралларнинг, помешчик, чиновник, финансистларнинг ўғиллари ўқишарди. Бизнинг иккинчи бўлимда эса зиёлиларнинг, разночинецларнинг, яҳудий ва полякларнинг фарзандлари ўқирди.

Бу, афтидан, онгли равишда юқоридагиларнинг буйруғи билан қилинган эди.

Биринчи ва иккинчи бўлимлар ўртасидаги қарама-қаршилиқ ҳеч тўхтамасди.

У ҳар икки бўлимнинг ўзаро бир-бирларига нисбатан бўлган нафратида ифодаланиб турарди. Лекин йилига бир марта куз палласида ҳамма синфлардаги биринчи ва иккинчи бўлимлари ўртасида эскидан одат бўлиб қолган ёқалашиш, айниқса қаттиқ бўларди. Бу ёқалашишда фақат мушукчалар ва сўнгги синфлардаги гимназистлар иштирок этишмас эдилар, холос. Улар энди катта, салкам студентлар ҳисобланиб ёқалашишни ўзларига эп билишмасди. Баъзан ёқалашилмайдиган кузлар ҳам бўларди.

Ёқалашиладиган куз йилдан йилга ўзгариб турарди. Бу ниҳоятда сезгир раҳбарларимизни чалғитиш учун қилинарди. Аммо раҳбарлар баъзи аломатлардан ёқалашув кунни яқинлашиб келаётганини сезиб қолишар, асабийлашар, ур-йиқитнинг олдини олиш учун турли тадбирлар қўллашарди — гоҳ кутилмаганда жанжал бошланиши гумон қилинган синфни биринчи соатдан кейиноқ озод қилиб юборар, гоҳ иккита-учта синфни бир қилиб экскурсияга, санъат музейига олиб борар, гоҳ ўша ҳаммиша ёқалашиш бошланадиган боғнинг эшикларини тўсатдан бекитиб қўйишарди.

Лекин ҳеч қандай чора кўриш ёрдам беролмасди.

Можаро тайинланган кунда ва ҳар доим катта та-наффусда бошланарди.

Баъзи гимназистларни синф «ёқалашишдан озод» қиларди. Қасал, нимжон ёки ёқалашиш у ёқда турсин, бировга дўқ қилишни ҳам ёқтирмайдиган болалар ёқалашишда иштирок этишмасди. Чунки барибир улардан ҳеч наф тегмасди. Мени кейинги сабаб билан озод қилишарди.

Ёқалашиш пайтида озод этилганлар белбоғсиз бўлишлари керак эди. Белбоғи бўлмаганларни гимназистлар уришишининг қатъий қонунига мувофиқ ҳеч ким тегмасди.

Озод қилинганлар ёқалашишни боққа қараган синф-

ларнинг деразасидан томоша қилишарди — у ердан яхшироқ кўринарди.

Жанг кутилмаганда, ваҳимали сукунат қоплаган бир пайтда гимназия биносида бошланарди. Бир зумда коридорлар бўм-бўш бўлиб қолар, ҳамма гимназистлар боққа қараб чопишарди.

Кейин бўғиқ ва даҳшатли ўкириш эшитиларди. Буни эшитган инспектор Бодяский оппоқ оқариб, чўқиниб қўярди. Бир-бирига ташланаётган тарафкашларнинг оёғи остидан кўтарилган чанг-тўзонлар ичида худди картечга ўхшаб каштанлар ғувиллаб учиб ўтарди.

Ҳамма қоровуллар — Қазимир, «Максим совуқ» ва яна бир қанчалар боққа қараб чопишарди. Улар кетидан бир-бирини қувиб, қўрқиб кетган назоратчилар югуришарди. Эшиклар шарақлаб ёпиларди. Коридорларда ўқитувчиларнинг ҳаяжонланган товушлари эшитиларди.

Инспектор Бодянский йўлакай формали пальтосини илиб кокардали шапкасини кийиб, зинадан пастга қараб, жанг майдони томон шошарди.

Бир куни Бодянскийнинг кетидан шошилиб ксендз-каноник Олендский ҳам боққа тушди. Бизлар дераза токчасига чиқиб олдик. Олендскийнинг қандай қилиб крестни бош узра юқори кўтариб уришаётганларни ярашишга чақиринини кўргимиз келарди.

Лекин Олендский бунинг ўрнига сутана<sup>1</sup>сининг енглариини шимариб ёқалашаётганларни бир-биридан ажратиб, атрофга силтаб ташлай бошлади. У буни фавқулодда чаққонлик билан қиларди. Гимназистлар унинг қўлидан худди коптокка ўхшаб учиб тушарди. Афтидан, Ксендз Олендский ўз болалигини эслаганга ўхшайди.

Ксендз ҳарсиллаб боғдан ўқитувчилар хонасига қайтди. Унинг қизиб кетган, мамнун юзидан яраштирувчи сифатида бўлса ҳам, бу жангда иштирок этиб, хурсанд бўлганлиги сезилиб турарди.

Жанг бошланди дегунча боққа қараган қўшимча эшиклар дарҳол очиларди. Бу ҳарбий айёрлик эди. Бу эшиклар қоровул ва назоратчиларнинг уришаётганлар-

---

<sup>1</sup> С у т а н а — католик руҳонийларининг ибодатдан бошқа вақтда кийиб юрадиган узун ридоси. (Тарж.)

ни ажратиб, баъзиларини шу қўшимча эшикларга итариб киргизишлари учун очиларди.

— Биринчи гимназияда бошланди!— Бўкиришарди болалар кўчада.

Деразадан нима бошланди-ю, нима бўлаётганини ажратиб олиш қийин эди. Чанг-тўзон кўтарилар, дарахт шохлари қарс-қурс қиларди. Қичқириқ ва тапир-тупур эшитилар, худди филлар подаси бир-бирини босиб деп-сиётганга ўхшарди.

Кейин ҳаммаси қўшилиб момақалди роққа ўхшаган хурсанд, ғолиб қичқириқ акс садо бериб коридорлар оша тарқалар — бу демак, биринчи бўлимнинг энгилиб, қочишга тушганини билдирарди.

Мен бирор марта биринчи бўлимнинг ғолиб чиққанини билмайман.

Деярли ҳар гал ғолибларнинг энг биринчи сафида бурни бир оз юқорига тортилган, тиниб-тинчимас гимназист, бўлажак ёзувчи Михаил Булгаков борарди. У уришнинг энг хавfli жойларида ҳозир бўларди. Ғалаба унинг кетидан эргашиб юрар ва унинг олтин ранг тўзғиган сочлари гулчамбар янглиғ кўриниб турарди.

Биринчи бўлимдаги танбаллар Булгаковдан кўрқисар ва уни обрўсизлантиришга ҳаракат қилишарди. Уришдан кейин улар Булгаков қонундан ташқари усул билан камарининг темир тўқаси билан уришди, деган гап тарқатишарди.

Лекин бу очикдан-очик туҳматга ҳеч ким, ҳатто инспектор Бодянский ҳам ишонмасди.

Аммо бир сафар мен ҳам биржа даллолининг ўғли гимназист Хавин билан ҳисоб-китоб қилиб олиш учун жангда қатнашдим.

Бу баланд бўйли гимназист икки гапнинг бирида тили ҳаддан ташқари чучук бўлишига қарамай «сакраментально»<sup>1</sup> деган сўзни такрорлашни яхши кўрарди. Театрда ўтириб олиб танишларига имо билан бўса йўлларди. У биз различинецларни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Гимназияга ўз шахсий экипажида келарди.

Ҳамма гап пани Козловская деб бўлди. Кампирнинг кўзи яхши кўрмас, шунинг учун ҳам шаҳарга бир ўзи чиқишга кўрқарди. Деярли ҳар якшанбада мен уни

---

<sup>1</sup> Сакраментальный—диний маросимларга оид, муқаддас.

костёлга кузатиб қўярдим. Пани Козловская мени ташвишлантириб қўйдим деб хижолат чекар, худди ёш қизлардай қизариб тинмай кечириб сўрарди.

Одатда мен уни қўлтиқлаб олардим, бўлмаса у қаршисидан келаётганларга урилиб кетарди. Баъзан менинг ўрнимга етакчиликни поручик Ромуальд бажарарди. Лекин бу камдан-кам бўларди. Мен поручикнинг кекса онасидан унинг ночорлиги ва эскирган пальтосидан номус қилишини пайқаб юрардим. Ҳар ҳолда якшанба кунлари эрталаб деярли ҳар сафар поручикнинг «иши бошидан ошиб ётарди».

Якшанбаларнинг бирида пани Козловскаяни костёлга Михайловск кўчасидан олиб бораётган эдим. Қаршимиздан Хавин чиқиб қолди. У қошларини кўтариб, чимирилиб менга қараб қўйди. Унинг юзидан жирканиш аломати сезилиб турарди. Кейин у синчиклаб пани Козловскаяни бошдан-оёқ кузатиб чиқди, кулимсиради, бармоқларини қаттиқ қарсиллатиб ўтиб кетди.

Уриш бошланганда мен боққа чиқдим. Хавин бир чеккада турарди. Белида белбоғ йўқ эди. У «озод этилган» экан. Мен ҳам «озод» — белбоғсиз эдим. Лекин мен Хавинга яқинлашиб бир шапалоқ туширдим.

Хавин ғалати чийиллаб юборди. Назоратчи «Шпонька» маҳкам қўлларимдан ушлаб олди.

Эртасига инспектор Бодянский мени ҳузурига чақирди.

— Бу нимаси? — деди Бодянский, — агар ҳамма готтотларимизга ўхшаб мажбурий суратда уришганингизда ҳам бошқа гап эди. Бекордан-бекорга келиб жим турган одамга шапалоқ тушириш! Нима учун бундай қилдингиз?

— Сабаби бор учун-да. Мен умримда биров билан муштлашмаганман, Павел Петрович. Ўзингиз биласиз-ку.

— Хўш, хўш! Ҳар ҳолда иккинчи ярим йилликда ҳақ тўламай ўқишдан қуруқ қоладиганга ўхшаяпсиз. Нима учун уни урдингиз?

Ўжарлигим тутиб кетиб нима учун Хавинни урганганимни айтгим келмади.

— Қалтак ейдиган иш қилди. Хоҳласангиз менга ишонинг, хоҳламасангиз йўқ, Павел Петрович, лекин мен бошқа ҳеч нарсани айтмайман.

— Ишонаман,— деди Бодянский.— Бораверинг! Бундан кейин бу воқеани унутиш дарёси Лета ютиб кетсин.

Ҳар сафарги жангдан кейин директор, Бодянский ва маориф округининг нозири ҳамда калтакланган танбаларнинг ота-онаси билан нохуш суҳбатда бўлишарди.

— Мана, инсонларнинг тепасида подшоси бўлмаслик нималарга олиб келади?— дерди бизга Бодянский қизишиб.— Яна қаёқдаги Ибсену, Леонид Андреевларни ўқийсиз! Ўқимишли ўспиринлар! Келажакнинг жамият пешволари! Зулуслар ва тўппослар!

## «ТИРИК ТИЛЛАР»

«Ўлик тиллар»дан биз гимназияда фақат лотин тилини ўрганардик. У асосий предмет ҳисобланарди. Лотин тилидан синф раҳбаримиз Владимир Фадеевич Субоч баланд бўйли, озғин, сариқ мўйловлари икки ёнига тарвақайлаган мушукни эслатувчи киши кирарди.

Бодянский лотин тили соҳасидаги билимимизни талабчанлик билан кузатиб борар ва:

— Лотин тили тузилишининг энг улкан нодир феноменидир,— дейишни яхши кўрарди.

Грек тили мажбурий эмас эди. Уни жуда камчилик ўрганарди. Грек тилидан қари, ҳамма ёнига тамаки кули ёпишган чех Поспешиль кирарди. У коридорларда оғриқдан шишиб кетган оёқларида зўрға судралиб юрар, ҳар доим дарсга кеч қоларди. Шунинг учун ҳам биз унинг отини Поспешилдан Опоздалга айлантириб олган эдик.

«Тирик тиллар»дан биз француз ва немис тилини ўрганардик. Булар зерикарли дарслар бўларди.

Қирол Генрих IV даврдан қолган малла, чўққи соқоли, қўли шол француз Сэрму катта олеографияларни қўлтиқлаб келиб деворга осиб ташларди.

Олеографияларда миллати маълум бўлмаган деҳқонларнинг йилнинг турли даврлардаги бахтли ҳаёти тасвирланган бўларди. Ёзда бу деҳқонлар турли рангдаги лента тақилган сомон шляпаларни кийиб олиб ер ҳайдар, уларнинг карсаж кийиб олган, юзлари қип-қизил хотинлари малла жўжачаларни боқишарди.

Ёзда улар пичан ўриб, ғарам атрофида қизил гул шохларини силкитиб рақс тушишарди. Кузда улар кич-

кинагина кулбалар олдида буғдой янчишар, қишда бўлса, эҳтимол, қиладиган ишлари бўлмаганидандир, музлаб қолган анҳорда коньки учишарди.

Ҳар ҳолда деҳқонлар тасвирланган расмлар жиҳозлари кам геометрия хоналари, юнг ип калавасини ўйнаб юрган мушукча чизилган расмларга қараганда афзал эди.

Сэрму олеографияларни осиб бўлиб, соғлом қўлига кўрсатгич олар, қўлда ўроқ билан ўйин тушаётган деҳқонларни ёки мушукчани кўрсатиб, баланд овозда француз тилида сўрарди;

— Мана бу қизиқ расмда нимани кўряпмиз?

Биз жўр овоз билан француз тилида расмда биз соддадил пейзажларни ёки муҳтарам бувисининг юнг ип калавасини ўйнаётган кичкинагина мушукчани яққол кўраётганимизни айтардик.

Бу машмаша роса икки йил, то кунларнинг бирида инспектор янги ўқитувчи мосье Говасни олиб келмагунча давом этди.

Мосье Говас Россияга эндигина келган экан. У бир оғиз ҳам рус тилини билмасди.

Унинг бу ажиб мамлакатдаги биринчи дарси келиб-келиб бизнинг синфимизга тўғри келибди.

Мосье Говаснинг келиб чиқиши бретанлик экан. Бу даст бўйли, хўппа семиз киши шу қадар бепарво эдики, ўзига озор бериб қўйишдан чўчиб биздан аччиқланмасди.

Инспектор мосье Говасни биз билан таништириб бўлиб, ўзи чиқиб кетди. У чиқиб кетиши билан гимназист француз Регаме ўрнидан туриб ҳақиқий Париж диалектида мосье Говасни, Россияда дарсдан олдин тоат-ибодат қилиш зарур эканини айтди. Мосье Говас ҳар қайси мамлакатнинг ўзига хос ғалати урф-одати бўлади, деган ўй билан бўлса керак, илтифотли жилмайиб қўйди.

Кейин гап гимназист Литтауэрга етди. У яҳудий эди, аммо православча тоат-ибодат қилишни яхши биларди.

Литтауэр чиқди, бут қаршисида тўхтади, чўқиниб олди ва «ўқиш олдидаги» тоат-ибодатни бошлади.

«Марҳаматли парвардигор бизларни ўзингнинг руҳимизни кучайтирувчи муқаддас руҳингдан баҳраманд эт».



У бу дуони беш марта такрорлади. Кейин «Улуғ екеняни» ўқиди. Ундан ҳам кейин Литтауэр «Ишонч симболи», «Отче наш»ни келтириб Ерем Сириннинг дуосини ўқий бошлади.

Мосье Говас ҳайрон бўлиб одоб юзасидан бошини сал қуйи қилиб ўтирарди.

«Қорнимнинг эгаси худойим!— фарёд қиларди Литтауэр,— бекорчилик руҳи, маъюслик руҳи, муҳаббат бошловчи руҳ марҳамат қил менга».

Биз ҳаммамиз унинг дуосига жўр бўлиб қўшилар ва соатга қараб-қараб қўярдик. Дарс тугашига ўн минут қолганди. Биз Литтауэрда қолган ўн минутни тўлдирадиган дуо қолмайди деб, қўрқар эдик. Лекин Литтауэр бизни хижолатда қўймади. У «Ишонч симболи»ни яна бир марта такрорлаб «Ўзинг пушти паноҳимиз, сенинг бандангмиз» деган дуони тантанали ўқиб дарсни якунлади.

Қўнғироқ жириглади ва мосье Говас елкаларини енгилгина қисиб ўқитувчилар хонасига қараб кетди. Унинг қора сюртуги қуёш нурида ярқираб, коридор бўйлаб сузиб борарди.

Биз парталаримизнинг очиқ қопқоқлари орқасида ҳиринглаб кулардик, лекин бир дақиқа ўтар-ўтмас синфга ҳарсиллаб инспектор Бодянский кириб келди ва қичқирди:

— Найрангбозлик! Динни беҳурмат қилмоқчи бўлдингларми ҳали, бекорчилар! Бу ерда дуоғўйликни бошлаган ким ўзи? Эҳтимол, сендирсан Литтауэр?

— Йўғ-э!— хитоб қилди Литтауэр ўрнидан турар экан.— Мен ахир яҳудийман, Павел Петрович.

— Ҳай-ҳай-ҳай!— деди Бодянский.— Яҳудий! Жуда қизиқ баҳона! Чўқинганинг учун қўлинг шол бўлиб қолишига кошки ишонсам! Китобларингни йиғиштир, уйингга жўна. Йўлда хулқинг учун иккинчи марта тўрт олгандаги ҳолингни ўйлаб кетишинг мумкин.

Мосье Говас даврида бизнинг феъл ва тусланишлар ҳақидаги нотўғри билимимиз яна ҳам чалкашиб кетди. Шундай гўзал тил қийин схемага айланиб қолди. Биз ғалати урғулар, ҳар хил «аксанэґю», «аксанграф» ва «аксан сирконфлекс»лар орасида адашиб қолдик. Аста-секин Флобер ва Гюголарнинг жонли тили бизнинг мосье Говас талқинидаги тилдан бутунлай ажратилиб олинган, алоҳида бир нарсага айланиб қолди.

Биз улғайган сари француз тилини севиб борар ва француз асарларини асл нусхадә ўқишга уринадиган бўлиб қолгандик. Шунинг учун ҳам тепса-тебранмас ўқитувчимизга қўл силтаб қўйиб тилни ўзимиз мустақил ёки ёлланма ўқитувчилар ёрдамида ўргана бошладик. У бўлса ҳамон дераза орқали рус осмонидан ёғилаётган совуқ оппоқ қорни кузатиб, лоқайд турлаш ва туслаш билан овора эди. Бундай пайтларда мосье Говаснинг кўзидан Камелька тафтини соғинаётганидан бошқа нарсани уқиб бўлмасди.

Биз у билан Бальзак ва Дюма ҳақида, Гюго ва Додэ ҳақида гап очмоқчи бўлдик, лекин мосье Говас ё гапимизни эшитмаганга олар ёки бу адабиёт ҳали «фютиур» ва «кондиционел»нинг фарқига бормайдиган рус болалари учун эмас, катталар учун эканини уқтирарди.

Вақт ўтиши билан мосье Говаснинг Бретанда, Брестга яқин кичкинагина бир шаҳарчада тошдан қурилган уйи, кексайиб қолган онаси бор экани, Говас Россияга яқин вақт ичидә мўмай пул ишлаб олиб, онаси қуён кўпайтираётган уйга бориб, ўзи шампиньон етиштирмоқчи экани, уларни Парижга олиб бориб сотмоқчи (бу албатта катта фойда келтиради) экани аён бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам мосье Говасни на Россия, на француз адабиёти мутлақо қизиқтирмасди.

Фақат бир марта мосье Говас биз билан узоқ гапиршиб қолди. Баҳор эди. Мосье Говас ёзги каникулини Бретанда ўтказиш учун кетишга ҳозирлик кўраётган эди. Шунинг учун бўлса керак, кайфи чоғ эди.

У ёлғондакам ўшшайиб олиб биз билан ҳазиллашаётган бўлар ва инсон ҳеч қанақа ташвишсиз яшаш учун яратилганини тушунтирарди. Бунинг учун эса, ҳамма қонун-қоидаларга риюя қилиш, камига ҳам қаноат қилиш керак, дерди у.

Кейин болалигида буваси билан қандай қилиб қисқичбақа овлаганини айтиб берди, хўрсиниб хаёлга чўмиб кетди. Дераза орқасида каштанлар гуллаб турарди. Баҳор коридорлар бўйлаб енгил шамол бўлиб елиб кирар, қиз нафасидай юзларга уриларди. Мосье Говас баҳорга қараб, ғамгин бош силкитарди — ҳаётда у билан кўм-кўк барг устидаги семиз тугмача қўнғиз ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди.

— Ҳа?— деди мосье Говас,— ҳаётнинг ўзи шундай! Сабр қилайлик-чи. Тақдиримиз учун худодан нолимайлик. Сабрнинг таги сариқ олтин, дейдилар. Шундай эмасми?

Ҳеч ким унга жавоб бермади, чунки биз унинг айтганларининг тамоман тескараси бўлишига амин эдик,

\* \* \*

Кўп йиллардан кейин мен ўз дўстим ёзувчи Аркадий Гайдарга мосье Сэрму бизга қандай қилиб француз тилини олеография орқали ўргатганини ҳикоя қилиб бердим.

Гайдар суюниб кетди, чунки у ҳам худди шу усулда ўқиган экан. Гайдарни хотиралар қамраб олганди.

Бир неча кунгача у мен билан фақат Серму методи билан гапиришиб юрди.

Ушанда биз Рязань яқинида дам олар, эртадан кечгача кезиб юриб балиқ овлардик.

— Мана бу расмда нима кўриб турибмиз?— қутилмаганда сўраб қоларди Гайдар шундай пайтларда француз тилида ва дарҳол ўзига-ўзи жавоб берарди:— Биз овлоқ, йўловчилар ташлаб кетган қишлоқни кўриб турибмиз. Биз бир сиқим тамакига учта тухум алмаштиришни истамаган деҳқонларни кўриб турибмиз.

Биз Москвага қайтаётиб Тума станциясининг Владимиргача бўлган темир йўл тармоғидан ўтаётганимизда кечаси Гайдар мени уйқудан уйғотиб сўради:

— Мана бу ажойиб картинада нима кўриб турибмиз?

Фонарнинг липиллашидан вагонда соялар пайдо бўлар, мен ҳеч нарса кўролмасдим.

— Биз,— тушунтирди Гайдар,— муҳтарам кампирнинг корзинкасидан бир жуфт пийма деб аталувчи иссиқ рус этигини ўғирлаётган темир йўл ўғрисини кўриб турибмиз.

Шундай деди-ю, салобатли ва хотиржам Гайдар иккинчи полкадан сакраб тушгач, катак кепкалик олазарак кишининг гирибонидан тутиб, ундан пиймани тортиб оларкан:

— Бор йўқол! Иккинчи турқингни кўрмайин!— деди. Қўрқиб кетган ўғри площадкага югуриб чиқиб, юриб

кетаётган поезддан сакраб тушиб қолди. Бу жаноб Сэрму методининг ҳаётда биринчи марта асқотиши эди.

\* \* \*

Немис тили дарслари француз тили дарсидан қизиқроқ ўтарди. Оскар Федорович Иогансон намунали ўқитувчи бўлгани учун эмас, балки, бу дарсларда биз немис тилига бутунлай алоқаси бўлмаган ишлар билан шуғулланиб ўтирганимиз учун шундай бўларди.

Кўпинча Оскар Федорович бизга ўзини «Токай виносининг ҳиди» деган операсининг партитурасини кўчиришга берарди.

Иогансон Бенали ёши ўтиб қолган, асабий киши эди. Синфга у арралаб олинган стулнинг ёғоч оёқчаларини олиб кирарди. Тўполонимиз ҳаддан ошиб кетгандан Иогансон уни олиб кучининг борича столга урарди. Биз дарров ўзимизга келиб қолардик.

Иогансон музикани яхши билар, уни яхши кўрарди. У композитор бўлмоқчи экан, лекин қандайдир бахтсиз бир воқеа бунга халақит берибди ва у жаҳл қилиб ўқитувчиликка ўтиб кетибди.

У биздан немис тили бўйича жуда оз билим талаб қилар, агар бирортамиз йиқилиб қолгудай бўлсак, Иогансон пенсени устидан узоқ тикилиб қарар, хўрсиниб қўяр ва секин минус уч қўярди.

Бир куни, мен олтинчи синфда эканимда, Иогансон операсининг қўлёзмасини йўқотиб қўйибди. Яккаю ягона нухаси экан. У бу ҳақда газеталарда эълон берди. Аммо ҳеч ким операни қайтиб бермади. Иогансон бир ҳафтагача гимназияга келмади, келганда эса биз уни таниёлмай қолдик — ранги синиқиб, заҳил тортиб кетган, бўйнига йиртиқ шарф бойлаб олган эди. Шу куни Иогансоннинг дарсида сокин жимлик ҳукм сурди.

— Мана, йигитлар, — гап очиб қолди Иогансон, — ҳаммаси тамом бўлди! Бу опера бутун ҳаётимни белгиларди. Мен уни ёзганда яшарардим. Ҳар бир саҳифасини ёзганимда елкамдан бир неча йил қулаб тушгандай бўларди. Ҳа! Шундай эди! У бахт куйи эди. Мен ана шу бахт ҳақида ёзаётган эдим. Қани энди у? Ҳамма жойда! Урмон шовқинида. Дуб дарахти баргларида, вино бочкаларининг ҳидида. Хотинлар ва қушларнинг овозида. Ҳамма жойда, ҳамма нарсада. Мана бу сюр-

тукни судраб юрмоқчи эмас, эркин қўшиқчи бўлмоқчи эдим. Лўлиларга ҳавас қилардим... Мен қишлоқ тўйларида, ўрмончи уйида куйламоқчи эдим. Севишганлар ва ёлғиз қолганларга, қаҳрамонлар ва шоирларга, алданганлар ва яхшиликка ишонмай қўйганларга куйлаб берардим. Буларнинг ҳаммаси операдан жой олганди. Ҳа, ҳаммаси! Мен уни Вена театри саҳнасида кўрсам тинчгина жон берарман, деб умид қилардим. Эҳтимол, мен дўстим, кекса шоир Альтенберг келиб, духоба креслога айиқдай ўтириб тинчиганда кўзида ёш пайдо бўлар, деб ўйлардим. Бу мен учун катта мукофот бўларди. Эҳтимол, бу куйни ўша бераҳм, ҳеч қачон менинг иқтидоримни қадрламаган аёл ҳам тинглармиди...

Иогансон ўзининг ориқ бармоқларига тикилиб гапирарди. У, афтидан, маст бўлиб қолганга ўхшарди. У ҳар доим жимжимадор қилиб, бир оз сунъий гапирарди, лекин ҳозир биз буни пайқамасдик. Биз ерга қараганча жим ўтирардик.

Дардан кейин танаффусда олдимизга Субоч келди.

— Мен сизларни айниқса Оксар Федорович дарсларида ўзингизни хушмуомала тутинг, деб олдинроқ огоҳлантириб қўйсам бўларкан,— деди у биз уни қуршаб олганимизда,— лекин ўзинглар огоҳлантиришсиз ҳам тушунарсизлар деб индамагандим.

Ўша куни гимназиянинг барча синфларида «Операни топиш! Қандай бўлмасин уни топиш керак!» — деган чақириқ тарқалди.

Ким ташлади ўртага бу чақириқни, билмайман. Ў тилдан-тилга ўтиб кетди. Тўпланишиб операни қандай топиш йўлини қидира бошладик. Четдан қараган одам бизларни тил бириктирувчилар деб ўйларди. Сабрсизликдан ўзимизни қўярга жой тополмасдик. Зўр бериб қидира кетдик. Трамвайларнинг кондукторларини саволга тутар, бозорларни айланардик. Сотувчиларнинг ўрайдиган қоғозларини кавлаштирардик. Ниҳоят, Лукнов бозорида опера топилди.

Уни гимназиянинг саккизинчи синф ўқувчиларидан бири ёғфуруш аёлда кўриб қолибди. Аёл қоғоз, ёғ ўрашга ярамайдигани, сиёҳи ёйилиб ёққа ёпишиб қолаётгани, харидорлар бундан хафа бўлаётганидан шикоят қилаётгани устидан чиқиб қолибди. Қўлэзмадан фақат уч бет етишмасди.

Қўлэзмани Иогансонга саккизинчи синфда дарс ўта-

ётганда топширишибди. Биз буни ўз кўзимиз билан кўролмадик.

Фақат дарсдан кейин Иогансон саккизинчи синфдагиларнинг ўртасида турганини кўрдик, холос. У пенсенеси йўқлигидан пайпасланиб, гандираклаб турарди. Уқувчилар уни суяб олишганди. Уқитувчилар хонасининг эшиги тагида директор Бодянский жилмайиб турар, бош ирғаб, яхши иш қилибсизлар, дерди. У Иогансонни қучоқлаб олди, улар ўпишишди.

Гимназияда бир неча кунгача нота васваси давом этди. Иогансон операсининг партитурасини ва тоза нота қоғозлари олиб келиб тарқатар ва биз операни бир неча нусхага кўчирардик.

Бу воқеа қишнинг охирларида рўй берган эди, баҳорда мен почтадан бир парча картон олдим. Унда Оскар Федорович Иогансон операсидан парчаларни тинглашга таклиф қилган эди. У синфдош ўртоқларимдан биттасининг уйида бўлар экан.

Кечқурун белгиланган жойга — Бибиков бульварига бордим. Ўртоғимнинг уйидаги кенг зинапояга ёруғ чироқ қўйилганди. Иккита катта залда одам тўла эди.

Тингловчиларнинг аксари гимназистлар эди, аммо Мария гимназиясидан гимназисткалар ва оқ соқолли музикачилар, актёрлар ҳам келган экан.

Иогансон ҳали йўқ эди. Мен кираверишда турар ва ёп-ёруғ зинага қараб турардим. Унда Оскар Федорович кўринди. У зинадан югуриб чиқди. Иогансон қора башанг костюмда хипча, яшариб кетгандай кўринарди. У шошилиб залга кирди. Ҳамма чапак чалиб юборди.

Уша заҳоти музика бошланди. Квартет рояль жўрлигида чаларди. Бу ҳақиқатан ҳам бахт ҳақидаги Тристан ва Изольда каби севишганлар изтиробини ифодаловчи куйга ўхшаб кетарди. Мен унинг мусиқийлигини, тор кучининг таъсирини баён қилиб беришдан ожизман.

Музика тугаб меҳмонларнинг кўпчилиги Иогансонни табриклаб тарқалишгач, қолганларимизни столга таклиф этишди.

Ярим кечада биз Иогансонни уйига қузатиб қўйдик. Йўлда у телеграфга кириб Венага телеграмма юборди. У телеграмма конторасидан хомушроқ бўлиб чиқди ва мана шу кунни жуда узоқ кутганини айтди. Одатда, бирор нарсани ҳаддан ташқари кўп кутсанг, қувонч бир қадар қайғули туюлади.

## «ЖАНОБ ГИМНАЗИСТЛАР»

Бодянский ибораси билан айтганда биз «жаноб гимназистлар»дан қандай одамлар чиқишини ким билибди дейсиз? Офтобда ўнгиган фуражкалар кийиб олган, истаган шўхлик, майнабозчилик ва тортишишларга тайёр ўспиринлардан қандай кишилар етишиб чиқади? Масалан, Миша Булгаков келажакда қандай одам бўлиши мумкин? Ҳеч ким буни билмасди.

Булгаков мендан каттароқ эди. Лекин мен унинг тиниб-тинчимаслигини, ҳамма кўрқадиган, ўткир, аёвсиз тилини, қатъийлик ва куч барқ уриб турган гавдасини (бу унинг ҳар бир ҳаракатида, ҳар бир сўзида сезилиб турарди) яхши эслайман.

Булгаков турли-туман қизиқ воқеалар ўйлаб топишга моҳир, ўта қизиқчи ва лофчи эди. У гимназиядаги биз мукамал билган кишилар ва воқеаларни бутунлай бошқа бир олам ва шахслар тарзида гавдалантириб берарди.

Ўзимизнинг рангпар назоратчи «Шпонька» Булгаков ўйлаб чиқарган «томошалар»да Собакевич ёки Тартарнелар даражасига кўтариларди. У энди бизнинг кўз ўнгимизда юзлари шишинқираган, ичкиликдан бурни қип-қизил бўлиб кетган «Шпонька» тарзида эмас, балки қандайдир сирли, кулгили ва олағовур воқеалар қаҳрамони сифатида гавдалана бошларди.

Булгаков хаёлчанлиги туфайли ўзи яшаб турган мавжуд борлиқни айнан эмас, балки бошқачароқ, яъни уни бўрттириб, фантазиясидаги дунё тарзида идрок этар эди.

Мен Булгаков билан гимназиядан сўнг 1924 йилдагина учрашдим, бу даврда у ёзувчи бўлиб қолган эди. У Киевни унутиб юбормабди. Унинг «Турбинлар ҳаёти» пьесасини кўрар эканман, кўз ўнгимда гимназиямизнинг вестибюли ва ҳалол ҳамда шилқим чол «Максим совуқ» гавдаланди. Саҳна ортида эса ўзимизнинг Киев каштанлари шовиллаётгандай туюлди.

Гимназияда мен билан деярли бир вақтнинг ўзида, кейинчалик таниқли адабиётчи, актёр ва драматург бўлиб етишган бир неча йигитлар ҳам ўқиган эди. Киев ҳар доим театр ишқибозларининг маскани бўлиб келган.

Мазкур гимназия қисқа вақт ичида кўплаб адабиёт ва санъат соҳибларини тарбиялаб етказиши тасодифий-

ми? Менимча, тасодифий эмас. Субоч дарсга «тасодифан» кечикиб қолганимизда бизга қарата «турмушда ўлимдан бўлак тасодифий нарса йўқ» деб бежиз айтмаган эди. Бу оқилона гапни айтгач, Субоч кечикканларга хулқи учун минусли беш қўяр эди.

Бу тасодифий эмасди, албатта. Бунинг сабаблари шу қадар кўп, шу қадар охирига етиш мушкулки, биз дангасалигимиз туфайли чуқурроқ ўйлаб кўришни истамаймиз ҳамда ҳа, энди бу шунчаки бир бахт юришиб қолганлиги туфайли рўй берган-да, деб қўя қоламиз.

Биз бу ўринда маданиятга муҳаббат уйғотган ўқитувчиларимизни, ажойиб Киев театрларини, фалсафа ва шеъриятга берилиб кетганимиз, ўша ёшлик кезларимизда Чехов ва Толстой, Серов ва Левитан, Скрябин ва Комиссаржевскаяларнинг ҳали ҳаёт бўлганликларини унутиб қўямиз.

Бешинчи йил революцияси, биз гимназистлар яшинча кириб оладиган студентлар йиғини ҳамда Киев доимо улкан революция ўчоғи бўлганлиги ҳақидаги катталарнинг тортишувини ёдимиздан чиқарамиз.

Шунингдек, Крещчатикдаги машҳур Идзиков кутубхонаси, симфоник концертлар, Киев боғлари, олтин ранг қуруқ япроқлардан шалдираган Киев кузи, бутун гимназия даврида бизга ҳамроҳ бўлган пурвиқор ва олижаноб лотин тилини ҳам унутиб қўямиз. Днепрни, юмшоқ туманли қиш кунларини, шаҳримизни бугдойзорлар, похол ёпилган кулбалар ва асалари қутилари билан қуршаган бойликларга кон ва хушфеъл Украина далаларини эслагимиз келмайди.

Турли-туман ва аксари бир-биридан узоқ бу шартшароитларнинг ёшлик шууримизга кўрсатган таъсирини аниқлаш мушкул иш. Лекин аслида буларнинг ҳаммаси бўлган, шулар онгимиз ва сезгимизда гўзаллик ва нафосатга мойиллик уйғотган.

Биз шеърят ва адабиёт мухлислари эдик. Лекин рус адабиётини, унинг аввали азал ёрқин ва чуқурлигини бир қадар жўн ғарб адабиётидан бир оз кейин англаб олдик.

Биз ёш эдик, бинобарин, ғарб адабиёти фусункор, сокин ва тасвирий етуклиги билан бизни ўзига мафтун этарди. Совуққон ва беғубор Меримени жафокаш Достоевскийдан осонроқ тушунардик. Мериме ёки Флобер асарлари ёз субҳидами каби мусаффо бўлса, Достоевс



кий момақалди роқли булут янглиғ босиб келиб, қалбимизга ғулғула солар, осойишта маскан топишга ундарди. Диккенс, Гюго, Бальзакларни ҳам севиб ўқирдик.

Эҳтимол, ғарб адабиётига ихлос қўйишимизда «Универсаль кутубхона»нинг арзон-гаров сарғиш китобчалари ҳам сабабчи бўлгандир. Бундай китобчалар китобдўконларида тўлиб-тошиб ётарди. Йигирма тийинга «Монт Ориоль», «Евгения Гранде», «Еввойи ўрдак» ва «Парма ибодатхонаси» китобларини олиб ўқиш мумкин эди. Биз бу китобларни босим ўқиб борардик.

Айни вақтда француз поэзиясининг намоёндалари Верлен, Леконт де Лил ва Теофил Готьеларга ҳам ҳавас қўйган эдик. Уларнинг асарларини аслида ва таржимада ўқирдик. Енгил ва баъзан узоқдан келаётган тутқич бермас ҳид каби нозик, баъзан эса металлдай дағал француз тили мазкур шоирлар асарида сеҳрли оҳангдай жаранглар эди.

Бу поэзия оҳангдорлиги ва мазмунан баҳорги туман каби хиралиги билангина эмас, балки шу поэзиянинг яратувчиларининг ўзлари ва Париж ҳақида тасаввур ҳосил этиши билан ҳам диққатимизни тортарди. Бу поэзия Парижга боғлиқ жозибали нарсалар ичида энг жозибалиси ҳисобланарди. Париж деганда кўз ўнгимизда тош қопламали томлар, доирасимон хиёбонлар, ёмғир, беҳисоб чироқлар, Пантеон, Сена устидаги шафақ ранг тун ва ниҳоят шулар тасвирилган шеърлар гавдаланар эди. Биз Парижни баррикадалар ва бўсаларсиз кўз ўнгимизга келтиролмаганимиз каби уни шеърларсиз ҳам тасаввур этолмасдик.

Лекин француз поэзиясига ихлос қўяр эканман, кўп ўтмай у нуқрадек порловчи ҳаётий ва беғубор рус поэзияси олдида совуқ бир нургина эканлигини туйдим.

Алвон либосини ечибди ўрмон,

Бўм-бўш далаларни қоплабди қиров...

Биз улғая бордик ҳамда қудратли ва эҳтимол дунёда энг улуғвор адабиёт бўлмиш рус адабиёти тобора қалбимизни эгаллаб олди. Ғарб адабиёти эса гарчи ҳурматланса-да, ўз-ўзидан иккинчи планга ўтиб қолди.

\* \* \*

Адабиётдан ташқари тасвирий санъатга ҳам ихлосимиз зўр эди.

Гимназиянинг мажлислар залидаги мармар доскага гимназиямизни медаль билан тугатганлар ҳамда шу ерни битирган машҳур кишиларнинг номлари олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган бўлиб, шундай кишилар қаторида рассом Генинг ҳам номи бор эди. Гарчи, бу рассом бизнинг гимназияни битирган бўлса-да, ижодида қора бўёқ ва насиҳатгўйлик кучли бўлганлиги учун унинг асарларини тан олмасдик. Уша пайтларда ора-мизда бир қадар импрессионизмга қизиқиш ҳам пайдо бўла бошлаган эди.

Синфдош ўртоғим Эмма Шмуклер рассом бўлмоқчи эди. У киевлик импрессионист Маневичдан тасвирий санъат таълими оларди. Менга Маневичнинг қишлоқ кулбалари ва ҳовлилар тасвиридан иборат қуюқ, деярли оддий бўёқчи бўёғи билан ишланган картиналари ёқарди.

\* \* \*

Эмманинг уйида кўп бўлардим. Унинг уйини артистлар хонадони дейишарди.

Эмманинг шаҳарда кенг шуҳрат қозонган бетаъма доктор отаси опера артисти бўлиш ниятида юрарди. Лекин у негадир бу ниятига эриша олмаганди. Шунга қарамай опера доктор Шмуклернинг энг севимли машғулоти бўлиб қолганди.

Уникида ҳамма нарса — гавдали, тақир бош ва йўғон овозли уй эгасидан тортиб рояли, дастхат ноталари, гултуваклар учун ишланган жарданьеркалари, афишалар, машҳур хонандаларнинг портретлари ва садаф дурбинларгача операни эслатиб турарди.

Ҳатто докторнинг уйдан тинимсиз эшитилиб турувчи бақириқ-чақириқлар ҳам опера музыкасидай янграб турарди. Болаларга бақириш, қаттиқ жанжаллашишлар рулада, речитативлар, модерато, аллегро ва форте, дуэт ва трио, бир-бирини босиб кетувчи эркаклар, аёллар ва болалар арияларига ўхшаб эшитиларди. Бу шовқин-суронлар барчаси қўшилишиб бир маромдаги куй касб этарди. Шмуклер квартирасидаги бақириқ-чақириқлар «бел-канто» янглиғ қаттиқ ва эркин таралиб қўни-қўшнилар қулоғига ҳам эшитилиб турарди.

Эмма Шмуклерникига тез-тез бориб турсам ҳам, ле-

кин иккинчи бир гимназиядош ўртоғим поляк Фицовский кулбасида ундан ҳам кўпроқ бўлардим. У ҳам мен каби бир ўзи яшарди.

Фицовский миқтидан келган, малла сочи пешанасига тушиб турувчи, ниҳоятда оғир ўспирин бўлиб, теварагидаги барча воқеа-ҳодисаларга бемаънилик деб қарарди.

Унинг ўқитувчиларнинг жиғига тегадиган ғалати хислатлари бор эди. Чунончи, Фицовский ўз партадоши қувноқ Станишевский билан гарчи соф рус тилида сўзлашиб ўтирса ҳам, унинг гапига баъзан ҳеч тушуниб бўлмасди. Сабаби, Фицовский сўзларига урғуларни нотўғри қўяр ва ниҳоятда тез гапирар эди.

Фицовский мени халқаро тил «эсперанто»ни ўрганишга мажбур этганди. Варшава тиш доктори Заменгоф ўйлаб чиқарган бу ширасиз тилнинг яхши томони шу эдики, у осон ўрганиларди. Бу аслида тил эмас, балки бутун дунё халқлари тилларидан тўпланган муаллақ чиқиндигина эди, холос.

Шунга қарамай, бу тилда турли мамлакатларда кўплаб газеталар босилиб тўрарди. Бу газеталардаги мени қизиқтирган нарса эсперанто тилида хат ёзишиб туришни хоҳловчи кишилар адресининг рўйхати эди.

Фицовскийга эргашиб мен ҳам Англия, Франция, Канада ва ҳатто Уругвайда яшовчи эсперантистлар билан хат ёзиша бошладим. Мен уларга Киев тасвирланган откриткалар юборар ва бунинг эвазига улардан Глазго, Эдинбург, Париж, Монтевидео ҳамда Квабек шаҳарларининг манзараларини олардим. Аста-секин ёзишмалар турини ўзгартира бошладим. Хатларимда ёзувчиларнинг портретлари ва безатилган журналлар юборишларини илтимос қилдим. Шу равишда Манчестер шаҳрида яшовчи ёш доктор юборган Байрон, орлеанлик ёш француз қизи жўнатган Виктор Гюголарнинг ажойиб портретларига эга бўлдим. Француз қиз жуда синчков бўлса керак, рус руҳонийлари кийимининг ҳамма ёғига зар чатилиши, барча рус офицерлари француз тилида сўзлашишлари тўғрими, тахлитдаги саволларни жуда кўп берарди.

Ҳар ҳафта Фицовский кулбасида йиғин қилардик. Йиғинларда ичкилик жуда кам бўлар (пулимиз бир шиша наливкагагина етарди), бироқ шунда ҳам биз ўзимизни Лермонтов гусарларидек тутардик, шеърхонлик

қилиб, мулоқот уюштирардик, ваъзхонлик қилиб, қўшиқ айтардик.

Шу зайлда тонг оттирардик. Тамаки тутуни босиб кетган кулбага кириб келган тонг нурлари назаримизда ажойиб кун бошлаб бергандай туюларди. Дарҳақиқат, ташқарида бизни ажойиб ҳаёт кутарди. Айниқса, баҳор субҳидами гўзалликда беқиёс бўларди. Тонгги мусаффо осмонда қушлар сайрашар, бизлар эса ажиб романтик воқеалар оғушида сүзардик.

\* \* \*

Келгуси ажойиб ҳаётимиз бевосита театр билан боғланган эди.

Уша йили рус драмаси ва актриса Полевицкаяга ихлос қўйиб қолгандик. Полевицкая «Дворянлар уяси»даги Лиза ҳамда «Идиот»даги Настасья Филипповна ролларини ижро этарди.

Театрга инспектор Бодянский рухсати билангина бо-ра олардик. У бизга театрда бориш учун ҳафтада бир мартагина ижозат берарди, холос. Шу боисдан сохта рухсатнома яшашга ўтиб олгандик. Рухсатномага мен имзо чекардим, чекканда ҳам айнан Бодянскийникига ўхшатганлигимдан назоратчилар гимназистлардан тортиб олган ҳужжатни кўрсатишганда, у ҳайратдан бош чайқар ва сохта рухсатнома билан ҳақиқийсини ажратолмай:

— Мен сиз театр жинниларининг кўзини мошдек очиб қўяман ҳали! Театрда изғиб писиб юрмасдан лотин тилини ўрганинглар! Сизлар нуфузли оила фарзандлари эмас, кўз бўямачисизлар!— дерди.

Биз Полевицкаяни спектаклдан сўнг актёрлар эшиги олдида кутиб турардик. Баланд бўйли, мовий кўз Полевицкая ичкаридан чиқиб, бизга кулиб қараб қўярди-да, чанасига ўтирарди. Чана қўнғироқчаларини жиринглатганча Николаевский кўчаси бўйлаб пастга қараб елиб, паға-паға ёғаётган оппоқ қор пардаси орқасида кўздан ғойиб бўларди.

Биз уй-уйимизга тарқала бошлар, қор ҳамон тўхтамасди. Совуқдан ёноқларимиз ял-ял ёнарди. Шодлик ва севинчдан ёш қалбларимиз типирчилар, уйга бориб алламаҳалгача ухлаёлмай ётардик.

Бу шодлик ва бахт хонамдаги липиллаётган чироқ ичидан кўз қисиб имо қилаётгандай бўлар, паға-паға ёғаётган қорга қўшилишиб ер узра қўнар, тун бўйи ором уйқу аралаш севги ва ғам қўшиғини куйлаб чиқарди.

Дераза орқасидан чипор илон каби қор бўралар, унинг ёнгинасидан гижинг тулпорлар чопиб ўтиб кетарди. Бу кеча улар кимни олиб кетишаётган бўлсайкин?

Поручик Ромуальд хонасидан ҳар галгидай гитара овози келарди. Гитара овози узоқ вақт тинмасди. Қуй тобора майинлашиб, эшитилмас даражада секинлашар ва ниҳоят тиниб қоларди.

Қиш бўйи шоду хуррам ва бесаранжом ўтган кунларимиз ажратиб бўлмас шеър мисралари каби биригига чатишиб кетарди.

## ҚИРГИЙ БУРУН ҚИРОЛ

Киевга бирорта қирол ёки валиаҳд шаҳзода ташриф буюрадиган бўлса, унга, албатта, бизнинг гимназиямиз кўрсатилар эди. Гимназиямиз Россиядаги энг кўҳна гимназия ҳисобланарди.

Бошлиқларимиз гимназиямиз тарихи билангина эмас, балки унинг улугвор ва совуқ биноси билан ҳам фахрланардилар. Бу бинонинг бирдан-бир безаги ҳамма ёнига оқ мрамор қопланган остин-устин деразалик зал эди. Зал ичи ҳар доим, ҳатто ёзда ҳам совуқ бўларди.

Биз гимназиямизга асилзодалар ташриф буюришини яхши кўрардик, чунки асилзодалар директордан бу ерга келиши хотираси учун гимназистларни бир ёки икки кун дарсдан озод этишини илтимос қиларди.

Директор ташриф буюриб кўрсатилган иззат-икром учун ташаккур айтар ва рози бўларди. Биз апил-тапил тасмалар билан китобларимизни боғлардик-да, тўс-тўполон кўтариб ташқарига отилардик.

Лекин асилзодаларнинг келиши ҳар доим ҳам тинч ўтавермасди. Баъзан кўнгилсиз воқеалар ҳам бўлиб турарди. Шундай воқеалардан бири Сербия қироли Петр Карагеоргий келганда рўй берган эди. Биз уни тахт тепасига қонли сарой тўнтариш қилиб келганлиги, Австриянинг Болқон халқларини бўйсундиришга ҳомийлик қилганини билардик.

Қирол келишидан бир ҳафта бурун Платон Федорович бизга серб гимни «Адолат паноҳи ўзингсан таңғрим, бизларни ғаним босқинидан асрагил абад»ни ўргата бошлади. Бундан ташқари қиролни олқишлаганимизда «ура» деб эмас, «живио» деб қичқариш буюрилганди.

Директор Терешченко («жувозкаш») француз тилида бир неча оғиз табрик сўзи айтиши лозим эди. Табрик текстини мосъе Говас ёзди. У умрида биринчи бор қирол аъло ҳазратлари учун табрик сўзи ёзиш бахтига муяссар бўлганлигидан фахрланарди.

Директор табрик сўзини ёдлаб олди. Шундай қилиб, бизнинг кунимиз унинг ҳам бошига тушди. Лекин «жувозкаш» хотираси ёмон эди. У Петр Карагеоргийнинг савлати босиб табрик сўзларини унутиб қўйишидан қўрқарди.

Директор асабийлаша бошлади. У янги инспекторимиз Версонофий Николаевичдан (бу пайтда Бодянский учинчи гимназиянинг директори қилиб тайинланган эди) тузукроқ бирор гимназистни адашганда айтиб турадиган қилиб белгилашни талаб қилди.

Биз «жувозкаш»ни ёқтирмасдик, шунинг учун, орамизда айтиб туришга уста одам йўқ, нима қилса, ўзи уддалайверсин, дедик.

Гимназияда энг яхши айтиб турадиган Регаме (бунинг устига у француз ҳам эди) бизнинг синфда ўқирди. У бизнинг ёнимизда инспектор илтимосини бажону дил тинглаб, илжайиб турарди.

Ниҳоят, биз мўминтой гимназист Боримовичга математикадан ноҳақ қўйилган икки баҳони тузатиш шарти билангина айтиб турувчи беришга ваъда қилдик. Иванов икки баҳони уч қилиб тузатишга сўз берди.

Бир қарорга келинган эди. Регаме табрик сўзини алоҳида қоғозга кўчириб олди. Табрик сўзи «Sur, regretter a раus» ва ҳоказо жумлалар билан бошланарди. Бу сўзлар русчада тахминан қуйидаги мазмунда эди: «Сир, сизни гимназиямизнинг кўҳна ва шонли даргоҳига ташриф буюрганнгиз билан табриклашга рухсат этгайсиз».

Биз бу табрик сўзларини ёдлаб олгандик. Директор коридордан ўтиб борар экан, орқасидан ҳаммамиз унинг чийилдоқ овозига ўхшатиб бараварига: «Сир, сизни гимназиямизнинг кўҳна ва шонли даргоҳига ташриф

буюришингиз билан табриклашга рухсат этгайсиз!» — деб қолардик.

Бизга айниқса табрик сўзидаги «кўҳна даргоҳ» ибораси майнабозчиликдай бўлиб туюларди.

«Жувозкаш» эса ўзини ҳеч нарса эшитмаганга соларди.

Қирол келадиган куни гимназия байрамлардагидай саранжом-саришта қилиб безатилди. Кенг зиналарга қизил гилам тўшалди. Ҳаво очиқ бўлишига қарамай, мажлислар залига қандиллар ёқиб қўйилди.

Эгнимизга байрам мундирлари кийиб олгандик. Бизнинг синфимиз вестибюлда икки қатор бўлиб саф тортди. Ен томонда вицмундири чўнтагига кичкина қилич суқиб қўйилган Субоч турарди. Чўнтаги устида қиличнинг ингичка олтин дастасигина ялтирарди. Субочдан атир ҳиди анқирди. Унинг пенснеси шишалари худди олмаосдан ясалгандай ярақларди.

Мармар колонна ёнида «жувозкаш» қаққайиб турарди. Гимназиямиз таъбири билан айтганда «жувозкаш»нинг «попуги пасайиб қолган» эди. Унинг рангида қон қолмаганди. Тор сюртугига тақилган орденлар бири-бирига тегиб жирингларди.

Ташқаридан «ура» садолари эшитилди. Бу хиёбоннинг икки четига қатор тизилган аскарларнинг овози эди.

Аста-секин «ура» садоси гимназияга яқинлашиб кела бошлади. Оркестр янграб эшиклар очилди. «Жувозкаш» нажот излаб Регамега қараб қўйди ва физиллаганча қиролга пешвоз югурди.

Пакана, қирғий бурун, мўйловларига оқ тушган, ҳаво ранг шинелига бошдан-оёқ кумуш безаклар чатилган қирол ҳақкалагандай тез-тез юриб вестибюлга кириб келди. Унинг орқасидаги мулозимлар ҳам худди шундай ҳаво ранг шинель ва ялтироқ қора цилиндр кийиб олишганди.

Собиқ цирк полвони швейцар Василий қирол шинелини ечиб қўйиши лозим эди. Лекин Василий ўзини йўқотиб қўйиб шинелни ечиш ўрнига уни қиролга кийгиза бошлади.

Қирол қаршилик кўрсатарди. У ҳатто қизариб ҳам кетди. Ниҳоят, у Василийнинг бақувват қўлларида бир амаллаб чиқиб олди. Қирол ёнига адъютант етиб келиб оқ лайка қўлқоп кийган қўли билан Василийни четлат-

ди-да, эҳтиром билан қирол шинелини ечиб қўйди. Василийнинг кўзлари маст кишиларникига ўхшаш хира тортиб кетганди. У нима бўлганига ақли етмай, ёғочдай қотиб турар ва энтикиб нафас оларди.

— Сир!— деб «жувозкаш» қирол олдида икки букилиб таъзим қилди-да, орқасига узатган чап қўлини зўр бериб силкита бошлади. Бу, нутқини эсидан чиқариб қўйганлигининг ишораси эди.

Регаме дарҳол «луқма сола бошлади». У буни ниҳоятда усталик билан қиларди.

Қирол норози қиёфада директорнинг қип-қизил тепакал бошига қараб қўйди. У Василий билан олишгандан сўнг нафасини ростлаб олмаганидан ҳансирарди. Сўнг-ра қирол нутқини айтиб туришганини эшитиб қолди-да, илжайиб қўйди.

Директор бир амаллаб табрик сўзини тугатгач, қиролга гимназистлар оралиғидаги тор йўлни кўрсатди ва «аъло ҳазратлари»ни мажлислар залига таклиф этди.

Қирол юриб кетди. Унинг орқасидан қиличларини вестибюлнинг чўян полларида шақирлатиб сургашганича мулозимлар юришди. Кўз олдимизда аксельбантлар ярақларди.

Қиролдан бир қадам орқада Киев ҳарбий округининг қўмондони жангари генерал Иванов борарди.

Мулозимлар кетидан цилиндрларини қўлга олишганича, ясама табассум қилиб қирол Петр министрлари боришарди.

Биз олдиндан бир нарсага, яъни қирол кўк мундир кийган гимназистлар орасидан ўтиб бораётганида кучимиз борича жўр овозда «жюльё»<sup>1</sup> деб бақирришга келишиб олган эдик. Бу худди «живио»<sup>2</sup> деганга ўхшаб эшитиларди.

Биз бу сўзни бир неча бор такрорладик. Овозимиз «кўҳна даргоҳни» тўлдириб жарангларди.

Қирол ҳеч нарсадан хабари йўқ, шпорини жиригла-тиб секин қадам ташлар, бизга аста бош силкиб илжарди. Субочнинг рангида ранг қолмаганди. Генерал Иванов сездирмай қўлини орқасига қилиб муштини кўрсатарди. Қўлқопини маҳкам қисиб олган қўли ғазабдан дағ-дағ титрарди. Қўрқувдан ранги қув ўчиб кетган «жувозкаш» қирол кетидан пилдиллаб борарди.

<sup>1</sup> Ж у л ь ё — муттаҳам. (Ред.)

<sup>2</sup> Ж и в и о — яшасин. (Ред.)



Қирол ўтиб кетгач, биз гимназия хори юқоридан пасхаларда айтиладиган тантанавор овоз билан «Адолат паноҳи ўзингсан, тангри» деб куйлаганини эшитдик.

Субоч ҳаммамизга бир-бир тикилиб қараб чиқди. Биз эса ғоз қотиб чурқ этмай турардик. Қиёфамизда бу тантанали онлардан мутаассир бўлишдан бошқа маъно кўрмагач, Субоч елка қисиб қўйди-да, тескари қараб олди.

Лекин қирол кутиш воқеаси шу билан тугамаган эди. У қайтиб ўтиб бораётганда биз қулоқни батанга келтириб бараварига «Держи его!» деб бақирдик. Бу сўз ҳам «живио»га ўхшаб кетарди. Қирол бу сафар ҳам ҳеч нарса сезмади. У илтифот билан илжаяр, министрлар бўлса, ҳамон одоб билан оқ атлас астарли цилиндрларини қўлларидан ушлаганча боришарди.

Бироқ ёнимиздан либерал ҳисобланувчи нуроний премьер-министр Пашич ўтиб бораётганида биринчи марта аниқ ва тўғри қилиб «Живио, Пашич!» деб қичқирдик.

Биз ҳаддимиздан ошиб кетгандик. Йўғон овоз Матусевичга (Матусевич кейинчалик Киев операсининг хонандаси бўлиб етишди) нақ қирол қулоғига «Держи его!»<sup>1</sup> деб бақиршни топширган эдик. У бақирганда қирол бир чўчиб тушди, лекин дарров ўзини ўнглаб олиб Матусевичга самимий бош ирғаб қўйди.

Қирол туфайли содир бўлган бу воқеадан сўнг синфимизда ўн икки гимназист шу жумладан мен ҳам директордан хайфсан олдик. Хайфсан эълон қилингандан сўнг бизга уч кун гимназияга келиш ман этилди. Бошлиқлар бу воқеа оғизга тушиб кетишидан қўрқиб босдибосди қилиб юбориш пайига тушиб қолган эди.

Бизни нима мақсадда уч кун гимназияга келишимиз тақиқланганлигига ҳали-ҳали тушунмайман. Бу уч кун бизга ажиб дам олиш кунлари бўлди: китоб ўқидик, Днепр бўйлаб сайр этдик ва театрларга бордик.

Серб қироли билан бўлган воқеани барибир сир сақлаб бўлмади. Бизга бутун гимназия ҳавас билан қарарди. Бизнинг гимназиягина эмас, ҳатто ҳеч қачон, ҳеч қандай қирол ҳам қадам босмаган иккинчи ва учинчи гимназиялар ва реальное училише ўқувчилари ҳам бизга қойил қолишганди.

---

<sup>1</sup> Держи его — ушла уни!

## БЕКОРЧИ БЕМАЪНИЛИКЛАР

Ҳали ҳанузгачан чарос кўзли кишиларга шубҳа билан қарайман. Шогирдим Маруся Казанскаянинг кўзлари худди шундай эди.

Унинг кўзлари одатда маъносиз боқар, лекин бирон шоввоз юнкерни ёки қундуз ёқали шинель кийган лицейни кўрганда чақнаб кетар эди. Дераза тагидан бирорта юнкер ўтиб қолди дегунча Маруся хронология, география ва синтаксис қоидаларидан ёдлаб олган нарсаларини дарҳол унутарди. У қоғоздан ясалган нилуфарларга тикилганича жим қоларди. Чамаси, бу гул унинг кўзига келинлар ўрайдиган гулчамбар остидаги шаффоф тўр рўмол бўлиб кўриниб кетса керак.

Мен Маруся Казанскаянинг репетитори эдим. Қақилдоқ, қирра бурун, чарос кўз Маруся бошимга не савдолар солмаганди! Бу ишни менга Субоч топиб берган эди. «Нуфузли оила — деганди Субоч,— лекин огоҳлантириб қўйай, қизнинг зеҳни пастроқ».

Мазкур нуфузли оила уч кишидан, яъни Маруся, унинг истеъфодаги генерал отаси ва қотма француз онасидан иборат эди.

Генерал пак-пакана, лекин узун соқол қўйган киши эди. У шу қадар пакана эдики, ҳатто шинелини вешалкага илишга ҳам бўйи етмасди.

Генерал поккиза, қўллари дўмбоқ киши бўлиб, кўзлари доимо ёшланиб турарди. Лекин бу кўзлар генерал ўзидан ўзиб кетган рақиблари: Сухомлинов, Драгомиров, Куропаткин ва Ренненкампф каби генераллар номини эслаганда ғазабли чақнаб кетарди.

Казанский ўз вақтида тузуккина ҳарбий шуҳрат қозонганди. У генерал-адъютант даражасигача кўтарилган, турли ҳарбий округларга қўмондонлик қилган ва Николай Иккинчига стратегиядан таълим бёрган эди.

— Стратегия борасида ул йигитча нақ тўнканинг ўзгинаси эди,— дерди Казанский Николай Иккинчи ҳақида гап кетганида.

У сўнги ҳақиқий подшоҳ деб Александр Учинчини тан оларди.

Казанскийнинг бой ҳарбий кутубхонаси бўларди. Лекин мен унинг ёпиқ жавонлардан бирорта китоб олиб ўқиганини ҳеч қачон кўрмагандим. У уззукун «Новое время»ни мутолаа қилар ва картада фол очгани-очган

эди. Генералнинг тиззасида Марусяникига ўхшаш чарос кўзли кичкина бароқ ит икки букилиб ётарди. Кучукча лақма ва қопогон эди.

Ҳар куни дарсдан сўнг Қазанский мени Галицкий бо-зоригача кузатиб қўярди. Ҳар куни бўладиган бу сайр унга жуда ёқиб қолганди.

Кўчага чиқдик дегунча, генерал ҳиринглай бошлар ва ҳарбий латифалардан сўзлай кетарди.

Генерални кўриб ғоз қотган солдат ва юнкерлар-нинг қорнига ҳассаси билан ниқтар экан:

— Бесўнақай семириб кетибсиз, биродар! Қорни-нгизни кўравериш жуда жонга тегди,— деб қўярди.

Казанская хоним эрини «дусик» деб чақирар, у бўл-са хотинини «муфточка» деб атарди.

Мен турмушда жуда кўп зиқ одамларни учратган-ман. Лекин Казанская хонимдай диққинафасини сира кўрмаганман.

У уззукун лайча кучукники каби ёш томиб туради-ган кўзларини пирпиратиб Марусяга фартуқча тикар ёки атлас ленталарга қуюқ бўёқ билан бинафша ранг гулсафсар расмини чизиб ўтирар эди.

Бу қизил ленталарни у оилавий байрам кунларида танишларига туҳфа қиларди. Ленталарни нимага ишла-тишни ҳеч ким билмасди. Баъзилар уларни деворларга осиб қўйишар ёки меҳмонхонадаги стол устига ёзиб қў-йишарди. Бошқа бировлар эса китоб орасига қўйиш учун ишлатишарди. Лекин ленталар сербар бўлганли-гидан китобга сиғмасди. Ақллироқлари эса уларни уму-ман ташлаб юборишарди.

Лекин Казанская хоним зўр бериб ленталарга расм чизишда давом этар ва ўша танишларнинг ўзига икки-уч қайтадан совға қилишини қўймасди.

Казанскийлар квартирасининг қаерига қараманг, ўша ленталарни кўриш мумкин эди. Улар ҳадеганда илашиб шилдиарар ва асаби бўшроқ одамни баданига эшак еми тошиб кетиш даражасига олиб борарди.

Казанскийлар квартираси баланд ёки ёруғ бўлиб, б-ёруғлик негадир совуқ ва нурсиз эди. Квартирани ёри-тиб полга тушиб турган қуёш нурлари ҳароратини йўқо-тар ва ўнгиб кетган қоғоздай хира тортиб кетарди.

Мен дастлаб Казанскийлар оиласи қандай эътиқод билан яшашларини сезмаган эдим. Улар худога ва худо дунёни Казанскийлар манфаатини кўзлаб яратганига

сидқидилдан ишонишар эди. Худо улар тасаввурида бутун дунё миқёсидаги генерал-губернатор сифатида гавдаланар эди. У ер юзида тартиб-интизом ўрнатиб нуфузли оилаларни ярлақайди, деб тушунишарди улар.

Казанскийларникида Маруся ҳам худо қаторида турарди. Улар ўз қизларини қариган чоғларида кўрганлари учун унга буткул эътимод қўйиб қолишган эди.

Марусянинг инжиқликларини яхши фазилат дебгина эмас, ҳатто худонинг инобати деб тушуниларди. У сал қовоғини солди дегунча генерал отаси шпорларини ечиб, оёқ учида юрар ва уф торта бошлар эди, ойиси бўлса, ошхонага кириб апил-тапил Маруся хуш кўрадиган таом — ёнгил ҳазм пирог тайёрлашга тутинарди.

Чолу кампир ўртасидаги суҳбат асосан Марусянинг эрга тегиши устида бўларди. Улар куёв танлашда шошилмасди, доим, ишқилиб қандай бўлмасин қизларига муносиброқ эр топиш пайида юришарди. Бу орзу уларни на кечаси ўз ҳолларига қўярди, на кундузи. Казанская хонимнинг хотирасини худди Киев ва Жануби-Гарбий ўлкадаги борки муносиб куёвлар номерланиб тикиб қўйилган бухгалтерия дафтариининг ўзгинаси деса бўларди.

Қизча Дучинскаянинг шахсий гимназиясида ўқирди. Бу буржуа гимназияси бўлиб, ўқувчиларга ота-оналарининг амали ва пулига қараб баҳо қўйиларди. Марусяни доскага чиқаришганда у чимирилиб, қора фартуғи четини титкилаганча индамай тураверарди.

Ҳар битта олинган икки баҳодан сўнг генерал оиласида қий-чув тўполон кўтариларди. Маруся ўз хонасини ичидан беркитиб олиб, туз тотимай қўярди. Казанская хоним ҳўнграб йиғлай бошларди. Генерал у бурчакдан-бу бурчакка пилдиллаб бориб-келар экан, бақирар ҳамда эртагаёқ губернатор ҳузурига бориб бу «жуҳудлар дўкони»ни ёптириб қўйишлигини айтарди.

Эртасига генерал байрам сюртугини кийиб, барча орденларини тақиб олар ва суҳбатлашгани ўқувчилари ота-онасининг хизмат мавқеини яхши биладиган серсавлат Дучинская хоним ҳузурига жўнарди.

Иш шу билан тугардики, Марусянинг икки баҳоси минус учга ўзгартирилиб қўйиларди. Дучинская мартабали оиладан чиққан ўқувчисидан ажралиб қолишни истамасди. Бундай қилса бообру гимназияси шаънига

яхши гап бўлмасди. Казанскийлар оиласи бўлса навбатдаги икки баҳога қадар тинчиб қоларди.

Биринчи дарс ўтишимдан кейиноқ Марусяга бирор нарса тушунтириб ўтиришнинг сира ҳожати йўқлигига амин бўлиб қолдим. Унинг ҳеч нарсага ақли етмасди. Таваккалига бир иш қилмоқчи бўлдим. Уни уй вазифаларини ёдлаб олишга мажбур эта бошладим. Қизча амал-тақал қилиб бўлса-да, бунинг уддасидан чиқди. Саҳифаларни у ёш болалар «Эна, бена, рес, квинтер, жес!» каби тез айтишларни эслаб қолганидек бирма-бир ёдлаб олди.

Бу кетишим бўлса Марусянигина эмас, тўти қушга ҳам тарих, география ва рус тилини ўргатиб қўйишим мумкин эди. Бундай оғир ишни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Шундай чарчардимки, асти қўяверасиз.

Лекин кўп ўтмай меҳнатим роҳатини кўрдим: Маруся биринчи бор уч баҳо олиб қайтди.

Кечқурун Казанскийлар қўнғироғини жингиллатганимда эшикни генералнинг ўзи очди. У ўйинга тушар ва қўлини бир-бирига ишқар эди. Бўйнига осиб олган муқаддас Анна ордени сакраб-сакраб тушарди. У эски гимназия шинелимни ечишга ёрдамлашиб юборди.

Эгнида янги кўйлак, сочларига катта бант тақиб олган Маруся уйнинг ўртасида қўлига стул ушлаб олиб пианино куйига вальс тушарди. Пианинони француз тили муаллимаси мадмуазель Мартен чаларди. У ҳам Марусяга дарс ўтарди. Лайча кучук у хонадан-бу хонага югуриб, тинмай вовилларди.

Емакхона эшиги очилиб ичкаридан кўйлагининг узун этагини полда судраганича Казанская хоним чиқиб келди. Унинг орқасида байрамга хос безатилган столга кўзим тушди.

Олинган биринчи уч баҳо шарафига зиёфат берилди.

Зиёфат пировардида, генерал эпчиллик билан шампанское шишасини очди. Казанская хоним, генерал дастурхонга шампанское тўкиб юбормасин деб, ундан кўзини узмай қараб турди.

Генерал шампанскийни сувдай симира бошлади. У бир зумда қизариб кетиб қўл силтаб юборганди, тужуркаси энгидан доирасимон ялтироқ манжетлар отилиб чиқди.

— Шундай!— деди генерал ва алам билан бош чайқаб қўйди.— Бу бемаъни дунёда ҳар бир эркак ўз қад-

рига етиши керак. Етяпмиз ҳам! Беҳуда тезак босиб юрганимиз йўқ. Аёлларнинг эса жаноб гимназист, бунга фаҳми етмайди. Уларнинг ақли нима-ю, жўжаларники нима.

— Дусик,— хитоб қилди қўрқиб кетган Қазанская хоним,— нима деб валдираяпсан! Ҳеч нарса тушунма-япман.

— Тупурдим, тушунмаганингга!— деди генерал унинг гапини чўрт кесиб.— Яна ва яна тупурдим! Қани, ичайлик, жаноб гимназист. Гениал шоир айтганидай «Бўй етган қиз учун оталик қилмоқ, ўзи бўлмас экан, эшит, эй танграм!»

— Дусик!— бақириб юборди Қазанская хоним ва унинг кўз остидаги кўқимтир халталари қалтирай бош-лади.

— Муфточка,— деди генерал эркалаш ва дўқ ара-лаш,— менинг рус армияси генерал-адъютанти эканли-гимни унутмадингми, ишқилиб?

У столга мушт урар экан, овозининг борича бақира кетди.

— Мен гапирганимда қулоқ солишингизни сўрайман! Мен ҳазрат императорни ўқитган одамман-а! Тўқим та-биат хотинлар менга ақл ўргатишига йўл қўймайман! Туринг, ўрнингиздан!

Унинг бақириб-чақириви шунинг билан тугадики, генерал ўрнидан сакраб туриб столдаги салфеткани юл-қиб олди-да, ўйин туша кетди. Кейин бориб муккасига креслога ағдарилди. Унга апил-тапил валерьянка ичира бошлашди. У инграр ва калта оёқчаларини типирчила-тар эди.

Биз мадмуазель Мартен билан зиёфатни тарк этиб ташқарига чиқдик. Фонарлар хира ёруғ ташлаб турар, борлиқ узра туманли март туни чўкканди.

— Оҳ!— деди мадмуазель Мартен.— Бу қандай азоб-а! Кўра-била туриб бу қадар нодон қизни ўқитишга қай-си аҳмоқ рози бўлади. Йўқ, асло. Иккаламчи бу валдир-вос оилага қадам босмаганим бўлсин. Кечдим, бунақа ғалвалардан.

Менинг мадмуазель Мартенга ҳавасим келиб кетди. У Марусяни ўқитишдан воз кечиши мумкин эди. Мен эса бундай қилолмасдим. Ахир Қазанскийлар ойига ўт-тиз сўмдан тўлашарди-да. Бу репетитор учун жуда кат-та пул эди.

Уша кезларда отам бирданига Брянск заводидаги ишидан бўшаб Бежицадан Городишчега бобомнинг қўрғонига кетиб қолди. У энди менга ёрдамлашолмасди. Мен эса ойимни алдадим. Унга ойига эллик сўмдан пул ишляпман, ҳеч нарса жўнатишнинг ҳожати йўқ, деган мазмунда хат ёздим. Тўғрисиям-да, у нимасини ҳам жўнатарди, дейсиз!

Мадмуазель Мартен мен билан Безаковская кўчаси муюлишида хайрлашди. Гупиллаб қор ёға бошлади. Дорихона эшиги тепасида қиздиргич фонарь чирсилларди.

Мадмуазель Мартен Бибиковский хиёбони томон майда қадамлаб юриб кетар экан, худди ролик отаётгандай сирпаниб-сирпаниб елиб борарди. У эгилиб бошига қор тегмасин учун муфтасини ёпиб олди.

Мен унинг кетишини кузатиб турардим. Шампанское хийла таъсир қилган эди. Қаллам гоҳ ғовлаб кўзимга ҳамма нарса ажиб туюлиб кетар, гоҳ ҳушёр тортиб ҳаётимда ҳеч қандай нарса рўй бермаганлигига амин бўлиб қолардим. Эртага худди бугунгидек ҳар бир вивескасигача таниш бўлиб кетган кўчадан юриб бориб гулзорлар, извошчилар, афиша тумбалари ва миршаблар ёнидан ўтиб Казанскийлар яшайдиган уйга яқинлашаман, сариқ кошинли зинадан кўтарилиб, бўялган дуб эшик қўнғироғини жингиллатаман, бунга жавобан лайча кучук вовиллайди ва мен деворига ойнак ҳамда тугмалари қадалган қизил ёқа генерал шинели осиглиқ вешалка қоқилган даҳлизга кириб бораман.

Қайф босиб келганида мадмуазель Мартен, Фицовский ва ўзим каби кишиларнинг бир тоифалигимиз ҳақида ўйлаб кетар ва назаримда биз ўзаро дўстлашиб бир-биримизни асрашимиз ҳамда турмуш чигалликларини биргаликда бартараф қилишимиз зарурдай бўлиб туюларди.

Лекин мадмуазель Мартен танҳо ўзи деб ким айтди менга? Мен уни мутлақо билмайман-ку. Фақат шуни биламанки, у Гренобль шаҳридан, кўзлари қора ва бир оз хўмрайган. У ҳақда бору йўғи билганим шунинг ўзигина, холос.

Муюлишда бир оз турдим-да, Фицовскийникига қараб кетдим. У уйда йўқ экан. Калит қўйиладиган жойни билар эдим, эшикни очиб ичкари кирдим.

Хона совуқ эди. Чироқни ёқиб, печкага ўтин таш-

ладим, столда ётган китобни олиб клеёнка қоплама диванда шинелга ўралиб ётдим-да, китобни очдим. Китоб шеър китоб экан.

Тагин хаёл босиб кела бошлади. «Ўтиб кун аста-аста, етиб келди куз мана»— ўқидим мен. Мисралар орасида ҳарорат пайдо бўлди. У тобора кўтарилиб, ниҳоят, тафти юзимга ура бошлади. «Бир-бир тўкилмоқда олтин япроқлар, кунлар олмоссимон мусаффо, тоза, ҳаво ҳам ажиб тусда соф ва беғубор, тупроқ бўлгусимиз жон бериб бешак».

Навбатдаги саҳифани варақлайман. «Шунга амин бўлки, биз каби бахтсиз ёш авлод топилмас, чексиз диёрда».

Китобни ёпиб қўйдим. Ётган еримда хаёл сурар эканман, истиқболим шод-хуррамлигу ғам-аламларга тўла эканлиги ҳақида ўйлар эдим. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳаёт, кўриб турганим қор уюмларининг хира жимирлашини, ором уйқуда ётган боғлар, фонарлардан таралаётган шуълалардан иборат ушбу тун каби ўз оқимида оқиб борарди. Тун пардаси мендан бир кун бориб яқин кишиларим бўлиб қолувчи олижаноб одамлар ва албатта ер узра нур сочажак сокин тонгни яшириб турарди. Ҳа, бу тун келгуси барча сирлар, учрашувлар, шодликларимни ўз пардаси остида сақламоқда эди. Қандай ажойиб эди ўша тун!

Йўқ, шоирнинг менинг авлодим тақдирига ачиниши тўғри эмас. Биз бахтсиз эмасдик. Биз келажакка ишонар ва уни севардик. Талантимизни оёқ ости қилганимиз йўқ. «Бешак тупроқ бўлишимиз!» бўлмаган гап. Йўқ, асло! Бир томчи қонимиз қолгунча ажойиб ҳаёт сари интиламиз.

Клеёнка қопламали диванда ётар эканман, худди шуларни ўйлардим. Лаънат ўша диққинафақ Қазанскийларга! Суф, унинг чумоли ини каби тўкин-сочин ва заҳар-заққум хонадонига! Уша кечадан бошлаб бу оилани жинимдан ҳам ёмон кўриб қолдим.

Фицовскийникидан Дикий кўчасидаги ўз ҳужрамга келганимда пани Козловская қўлимга телеграмма тутқазди. Телеграммада Белая Церковь яқинидаги Городище қўрғонида отам жон бераётганлиги хабар қилинган эди.



Эртасига эрталаб мен Киевдан Белая Церковга жўнаб кетдим.

Отамнинг ўлимидан сўнг мени оиламиз билан боғлаб турган биринчи ип узилди. Кейин эса бошқа барча иплар ҳам бирин-кетин узила бошлади.

## БРАГИНКАДАГИ ҚОВОҚХОНА

Эски пароход паррақларини шовиллатиб Днепрда юқорига сузиб борарди. Тун оққан бўлишига қарамай, каютада ухлаёлмай палубага чиқдим.

Зимистон қоронғиликдан шамол эсиб юзимга томчиларини келтириб ура бошлади. Капитан кўприкчаси ёнида ямоқ тушган чакмонли бир чол кўзга чалинади. Фонарнинг хира нури унинг серсоқол юзини ёритиб турарди.

— Капитан,— дерди чол,— наҳотки бир кекса одамнинг ҳожатини чиқаролмасангиз! Соҳилга тушириб кета қолинг. Бу ердан қишлоғимиз бир чақирим ҳам келмайди. Теремцевдан бўлса тун билан юриб қайтиб келишимга тўғри келади. Йўқ деманг энди, барака топкур!

— Нима деяпсан ўзи, ё ҳазиллашяпсанми?— деди капитан.— Бурнинг олдидаги нарса кўринмайди-ю, соҳилга яқинлашиб бўладими, нима, сени деб, кемани чилпарчин қилайми?

— Ҳазили нимаси,— жавоб қилди чол.— Анави тепадан ўтди дегунча менинг қишлоғим,— қоронғиликка ишора қилди у.— Ташлаб кета қолинг! Ўтиниб сўрайман.

— Терентий,— сўради капитан руль бошқарувчидан, ўзини чолнинг гапини эшитмаётганга олиб,— сен бирор нарса кўряпсанми?

— Енгимни зўрға кўряпман,— деди ғудраниб руль бошқарувчи.— Нақ зимистон-а, лаънати! Таваккалига кетяпман.

— Кемани пачақламасак эди!— хўрсиниб деди капитан.

— Жин ургур кемангизга бало ҳам бўлмайди!— жаҳди чиқиб ғўнғиллади чол.— Капитанларга ҳам ҳайронман-да! Сизлар Днепрда кема бошқармай, Лоевда нок сотганларинг маъқул. Хўш, қани ташлаб кетасизларми, йўқми?

— Кўп жаврайверма!

— Жавраганим бўлсин!— минғиллай кетди чол.— Йўловчиларни нақ Теремцевгача элтиб ташласин деб, сизларга ким айтди!

— Тушунсанг-чи, ахир,— ёлворган оҳангда бақирди капитан.— Ҳеч нарсани кўриб бўлмайди-ку! Қаерда тўхтаيمان! Айт ўзинг, қаерда?

— Тўппа-тўғрида деяпман-ку!—чол яна қоронғиликка ишора қилди.—Тўппа-тўғрида! Келинг бўлмаса, лоцман ёнида туриб йўл кўрсатиб борай.

— Сенга тўғриси айтмайми, чол?— деди капитан.— Яхшиси — кучала еган жойингга бориб кучан!

— Ҳа-а!— ҳайқирди чол бор овози билан.— Демак, тушириб кетмайсизлар, шундайми?

— Худди шундай. Иложим йўқ!

— Демак, мен қизимнинг тўйига етиб боришга шошилаётганлигим билан ҳам ишларинг йўқ эканда-а? Сизлар учун ҳамма нарса фарқсиз. Кекса одамни ранжитаётганларингни ҳам билмаяпсизлар!

— Қиз-пизинг билан ишим йўқ!

— Андрей Гон-чи, у билан ҳам ишинг йўқми?— сўради чол бирдан овозини пасайтириб дўқ оҳангда.—Наҳот Андрей Гоннинг кимлигини билмасангиз? Бўлмаса ахборингиз бўлсин, худди ўшанинг ўзи мен кетаётган тўйда шахсан қатнашади.

Капитан индамай турарди.

— Хўш, нега жим бўлиб қолдингиз?— сўради чол истеҳзо қилиб.— Шайтон кемангиз «Умид» деб аталар экан. Шуни бир билиб қўйингки, агар мени соҳилга тушириб кетмасангиз, соғ-саломат қайтиб кетишингиздан умид ҳам қилмай қўя қолинг. Гон менинг яқин дўстим. Орамиздан қил ҳам ўтмайди. У мени бу аҳволда ташлаб қўймас.

— Кўпам дўқ қилаверма!— пўнғиллади капитан.

— Сидор Петрович,— деди хириллаб руль бошқарувчи,— кўриб турибсиз-ку, бориб турган ўжар экан, бу чол. Келинг, яхшиси, уни соҳилга ташлаб ўта қолайлик. Гонни ўчакиштиришдан наф йўқ.

— Хўп, майли, сазанг ўлмасин!— деди капитан чолга.— Лоцман ёнига бориб йўл кўрсатиб тур. Лекин ҳазир бўл, тагин кемани ишдан чиқарма.

— Худо сақласин! Днепрни худди беш бармоғимдай биламан. Кемаям давлат мулки-да!

Чол руль ёнида туриб йўл кўрсата бошлади:

— Унг қўлга бур! Тезроқ бурсанг-чи! Бўлмаса ўсимликларга ўралашиб қоламиз. Шундай. Яна бур!

Тол бутоқлари кема қўйруғига урила бошлади. Кема сув тубига тегиб тўхтади. Пастда, усти ёпиқ палубада ухлаб ётган йўловчилар ногаҳон тўқнашишдан уйғониб шовқин кўтаришарди.

Кема учидаги матрос фонарь ёқди. Кема сув босган буталар орасида турарди. Соҳил чамаси ўттиз қадам нарида эди. Буталар оралаб қорамтир сув оқиб ётарди.

— Ана, отахон,— деди капитан чолга,— туш энди. Етиб келдик.

— Қандай тушаман?— ҳайрон бўлди чол.— Сув мени кўмиб юборади-ю. Чўкиб кетаман!

— Менинг ишим нима? Ўзинг талаб қилдинг. Қани бўл, тезроқ!— бақирди капитан.— Илдам қимирла, йўқса матросларга буюраман, сувга улоқтиришади!

— Тоза қизиқ бўлди-ку!— мингиллади чол ва кеманинг олд томонига юриб кетди.

Чўқиниб олгач, у кема деворидан ошиб ўтиб, ўзини сувга ташлади. Сув унинг елкасидан келди.

Чол шовқин солиб сўкинганича қирғоққа чиқа бошлади. Кема аста орқага тисарилиб буталар ичидан чиқиб олди.

— Қалай, тирикмисан?— қичқирди капитан.

— Нима деб валдираяпсан?— жавоб берди чол қирғоқдан туриб.— Хотиринг жам бўлсинг, Андрей Гон билан бир карра учрашишинг турган гап.

Кема узоқлашиб кетди.

Уша ёз кезлари Чернигов губернасида ва бутун Полесье бўйлаб қўлга тушмас қароқчи тўдалари изғиб юрар эди. Қароқчилар помешчик қўраларига, ер-мулкларга ҳужум қилар, почталарни талар, поездларни тўсар эдилар.

Атаманлар ичида энг жасур ва эпчили Андрей Гон ҳисобланарди. Отлиқ аскарлар ва соқчилар отряди уни ўрмон ичида қуршаб олар, Полесьенинг ўтиб бўлмас ботқоқликларига қисиб қўяр, лекин Андрей Гон ҳар сафар қутулиб кетиб, кечасилари помешчик уйларини кул тепага айлантиришини қўймас эди.

Андрей Гон афсонавий қаҳрамонга айланиб қолган эди. У камбағаллар, йўқсил ва етим-есирлар бошини силайди, помешчикларгагина ҳужум қилиши мумкин де-

йишарди. Унинг ўзини гоҳ Чернигов гимназисти деб аташса, гоҳо қишлоқ темирчиси дейишарди. Унинг номи халқ қасосчиси тимсолига айланиб қолганди.

Мен ёни ўтказиш учун бораётган жой айти Андрей Гон ҳукмронлик қилувчи макон бўлиб, у ерда узоқ қариндошларимиз Севрюклар яшашар эди. Уларнинг Полесьедаги Иолча деган жойда унча бой бўлмаган кичкинагина қўрғони бор эди. У ерга боришни менга Боря маслаҳат берганди. Ўзим Севрюкларни мутлақо танимасдим.

— Иолчада дам олиб келасан,— деганди у.— Севрюклар қизиқ табиатли, лекин одми одамлар. Борсанг жуда хурсанд бўлишди.

Менинг Иолчага боришдан бошқа иложим ҳам йўқ эди. Ўша кезларда гимназиянинг саккизинчи синфига ўтган эдим. Эндигина имтиҳонлардан қутулган бўлиб, бутун ёни Киевда диққинафасликда ўтказиш лозим бўларди. Коля амаким Маруся хола билан Қисловодскийга кетишган эди. Ойим Москвада қолганди. Городишчега боргим келмади, чунки Илько амакимнинг хатларига кўра, Дозя хола билан ўрталарида жанжал борга ўшарди. Оилавий машмашалардан юрагимни олдириб қўйгандим. Мен бундай машмашалар шоҳиди ва беихтиёр қатнашчиси бўлишни истамасдим.

Орадан бир кун ўтгач, кечга томон кема Днепрнинг суви паст Полесье соҳилига яқинлашди. Бош узра искабтопарлар галаси ғунғиллай бошлади. Қизил баркашдек қуёш дарё устидаги оппоқ буғ узра ботиб борарди. Чангалзордан совуқ шамол эсар, нарида гулхан ёниб турарди. Гулхан ёнига боғланган эгарлоғлиқ хипча отлар кишнаб-кишнаб қўйишарди.

Соҳилда мени Севрюклар кутиб туришган экан. Қўра эгаси бўлмиш қариндошимиз мени кутиб олгани паст бўйли хотини ва студент қайниси билан бирга чиқибди.

Мени аравага ўтқазишди. Севрюклар бир сакраб эгарлоғлиқ отларга минишди ва орқа-олдиларига қарамай елиб кетишди.

Улар ҳаш-паш дегунча кўздан ғойиб бўлишди ва мен индамас аравакаш билан ёлғиз қолдим. Шундан сўнг аравадан сакраб тушдим-да, ёнма-ён қумлик йўлдан юриб кета бошладим. Йўлнинг икки четидаги қорамтир ботқоқлик ўт-ўлан билан қопланганди. Ботқоқлик сувида ботиб бораётган қуёшнинг хира қизғиш нури жил-

валанарди. Устимиздан бир маромда оғир қанотларини қоқиб ёввойи ўрдаклар учиб ўтиб кетди. Буталар орасидан паға-паға кул ранг туман ер бағирлаб сузиб чиқарди.

Сўнгра юзлаб бақалар бирваракайига қуриллаб юбориб арава хода тўшалган йўлдан тақира-туқур елиб кетди. Кўп ўтмай ёғоч девор билан ўралган қўрғон кўринди. Ўрмон ўртасидаги ялангликда пешайвоёлари ва ён-верида ҳужрачалари жуда кўп ғалати саккиз бурчакли ёғоч иморат қад кўтариб турарди.

Кечқурун оддийгина қилиб тузалган стол атрофига ўтирган ҳам эдик, ташқаридан мункайган, эгнига қоровул кийими ва бошига соябони узиб ташланган, картуз кийган бир чол кириб келди. У елкасидан узун ов милтиғини олиб деворга суяб қўйди. Чолнинг орқасидан тирноқлари билан полни тимдалаб оппоқ ов ити ҳам кириб останага ўтирди-да, думини ликиллатиб полга ура бошлади. У думини шундай қаттиқ овоз чиқариб урардики, ниҳоят, чол итга қараб:

— Секинроқ, Галас! Қаерга кирганингни унутма!— деди.

Галас думини ликиллатмай қўйди ва бир эснади-да, чўзилиб ётиб олди.

— Хўш, нима янги гаплар бор, Трофим?— деб сўради Севрюк ва мен томон ўгирилиб қўшиб қўйди:— Бу киши бизнинг ўрмон қоровули бўлади.

— Нима янги гап дейсизми?— жавоб берди Трофим хўрсиниб қўяр экан, стол ёнига ўтириб.— Ҳаммаси эскича. Лядада помешчик қўрасига ўт қўйиб кетишибди, Старий Гутакнинг нарёғида эса пан Капуцинскийни ушлаб олиб роса дўппослашибди. Худо раҳмат қилгур ўшатнинг ўзидаёқ жойиростонига равона бўлибди. Узи-ям, тўғриси. айтиш керак, ўлгудай зараркунанда чол эди. Қаёққа қараса, ўлдиришу ёндириш, лекин, фақат сизларга тегишмаяпти. Қизиқ! Нега энди ўша Андрей Гон сизларга тегмаяптикин-а? Ҳеч тушунолмаман. Эҳтимол, оддий одамларни ранжитмасликларингни эшитиб қолгандир. Ёинки сизларга ҳали навбат келмагандир.

Севрюкнинг хотини Марина Павловна бу гапга кулиб юборди ва:

— Шунақа гаплар, Трофим, бизнинг сиҳат-саломатлигимизга ҳайрон бўляпти,— деб қўшиб қўйди.

— Ҳа, ишқилиб омон бўлинглар,— деди Трофим.— Менинг ҳам ниятим шу. Ҳа, айтгандай, етакчи ҳақидаги гаплардан хабаринглар борми?

— Йўғ-а,— жавоб қайтарди шоша-пиша Марина Павловна.— Нима гап ўзи?

— Наҳот эшитмаган бўлсанглар! Ахир эртага уни Погоннийга дафн қилишмоқчи-ку. Дафн маросимига борсак ёмон бўлмасди.

— Биз борамиз,— деди Марина Павловна.— Албатга, борамиз.

— Борсанглар парвардигор олдида кўп гуноҳинглардан хориж бўлиб қайтасизлар,— уф тортиб қўйди Трофим.— Мени ҳам ола кетинглар. Ўзим борай десам, куч-қувватим етмайди.

Трофим деразага қараб қўйиб секин сўради:

— Бегона одам йўқми ичингларда?

— Ҳаммаси ўзимизникилар,— деди Севрюк.— Бемалол гапиравер.

— Бўлмаса эшитинглар,— деб гап бошлади Трофим сирли оҳангда.— Брагинкадаги Лейзер қовоқхонасида майстрлар тўпланишибди.

— Кимлар тўпланишибди?— сўради студент.

— Майстрлар-да, Могилев оқсоқоллари.

— Шошма, Трофим,— деди Севрюк.— Меҳмонларга тушунтириб қўяй. Улар Могилев оқсоқоллари ҳақида ҳеч нарса билишмайди.

Машҳур Могилев оқсоқоллари ҳақидаги ажойиб қиссани биринчи бор ўшанда эшитгандим. Бу қиссани тинглаганимдан сўнг юз йил аввал, тўғрироғи, ундан ҳам кўпроқ вақт илгари, ўрта асрда рўй берган воқеалар воқифи бўлдим.

Қадим замонларда, ҳали поляклар ҳукмронлик қилаётган пайтларда, Днепр бўйидаги Могилевда гадо ва сўқирлар жамоаси барпо бўла бошлаган экан. Халқ орасида «Могилев оқсоқоллари» деб ном олган ана шу гадоларнинг ўз жўрабоши ва устозлари, яъни майстрлари бўлган.

Улар жамоага янги қабул қилинганларга ўзларининг мушкул ҳунарлари — диний қўшиқлар айтиш, тиламчилик қила билиш, хуллас, мазкур жамоанинг қатъий қонун-қондаларини ўргатар эканлар.

Гадолар бутун Полесье, Белоруссия ва Украинада кезиб юришар, лекин майстрлар ҳар йили бир марта суд

ўтказиш ва жамоага янги гадолар қабул қилиш учун хуфия жойларда — ботқоқликлардаги қовоқхоналар ёки ўрмондаги ташландиқ қоровулхоналарда тўпланишиб олишар экан.

Могилев оқсоқоллари ўзаро бошқаларнинг тушуниши қийин бўлган тилда сўзлашганлар.

Халқ қўзғолони, алғов-далғов пайтларда гадолар энг хавфли кучга айланиб қолишаркан. Улар бамисоли разведчиклардай иш олиб борганлар. Гадолар кучайиб кетган халқ ғазабини янада алангалатишар, панлар ҳукмронлигининг адолатсизлиги, қишлоқ деҳқонларининг оғир қисмати ҳақидаги ашулалари билан уларга ҳамдард бўлишаркан.

Юқоридаги қиссани тинглаганимдан сўнг, ҳозир ўзим яшаб турган Полесье кўз ўнгимда аввалгидан бутунлай бошқача бўлиб гавдалана бошлади. Аслида ботқоқликлар, ўтиб бўлмас ўрмонлар, туманли узлатлар ўлкаси бўлган бу масканда дилхунлик ва интиқом алангаси тобора кучайиб бораётган экан. Шу кундан эътиборан, назаримда гадойлар қўлидаги тиламчилик тўрваларидан нон ва чанг ҳиди эмас, балки порох ҳамда ёнғинлар ҳиди анқиётгандек туюла бошлади.

Мен энди кўрлар ва тиламчиларни синчиклаб кузатар эканман, бу одамлар бахтсизларгина эмас, юксак истездодли ва иродаси мустаҳкам алоҳида тонфадаги кишилар ҳам эканлигини тушундим.

— Улар Брагинкадаги қовоқхонага нима мақсадда тўпланишибди? — сўради Севрюк.

— Ўзларига аён, — деди Трофим лоқайдлик билан. — Ҳар йили тўпланишади-ку, ахир. Соқчилар бу ерга тумшуқ тиқишмадимми?

— Йўқ, жавоб берди Севрюк. — Айтишларича, кеча Комаринода бўлишган эмиш.

— Хўп, бўлмасам! — Трофим ўрнидан турди. — Ошонинглар учун раҳмат. Пичанхонага чиқиб дам олай энди.

Трофим пичанхонага эмас, ўрмон томонга кетди ва шу кетганича эртаси кун эрталабгина қайтиб келди.

Марина Павловна менга етакчи бола воқеасини сўзлаб берди.

Бир сўқир гадо икки кун бурун етакчи бола билан бой помешчик Любомирский қўрғонига кириб қолибди. Уни ҳовлидан ҳайдаб чиқаришибди. Гадо дарвозадан

ташқарига чиққанида соқчи ингуш (у пайтларда бой помешчикларнинг аксари ўз мулкларини қўриқлаш учун ёлланма ингуш соқчилар сақлар эди) сўқирга қаратиб занжирдаги бўрибосар итини қўйиб юборибди.

Гадо ўрнидан тўхтаб қолибди, етакчи бола бўлса қўрқиб кетиб қоча бошлабди. Бўрибосар унга етиб олиб ҳаппа бўғзидан олибди. Кўр ўрнидан жилмагани учун жони омон қолибди. Бўрибосар унинг у ер-бу ерини ҳидлаб кўрибди-да, ириллаб нари кетибди.

Деҳқонлар бола жасадини Погонний қишлоғига келтиришибди. Эртага уни дафн этишармиш.

Севрюклар оиласи менга ёқиб қолди. Марина Павловна моҳир чавандоз ва овчи экан. Унинг жуссаси кичкина бўлса-да, ўзи бақувват ва овози ўткир эди. У юрганда тез-тез ва енгил қадам ташлар, нарса ва ҳодисаларга баҳо берганда пачакилашиб ўтирмай эркакчасига шартта гапирар ва Данилевскийнинг «Новороссиядаги қочоқлар» асари каби узундон-узоқ тарихий романларни ўқишни ёқтирарди.

Севрюкнинг ўзи касалманд одамга ўхшарди. У ҳаддан ташқари озғин ва аскиябоз эди. Қўшниларининг бирортаси билан ошначилик қилмас, улардан кўра полесьелик деҳқонлар билан борди-келди қилишни афзал билар ҳамда кичкинагина хўжалиги ишлари билан машғул бўларди. Маринанинг укаси — студент бўлса уззукун ов қилгани-қилган эди. Бўш вақтларида у патрон тўлдириб, сочма ўқ қуяр ва ўзининг Бельгияда ясалган қўшоғиз милтигини тозалар эди.

Эртаси кунни биз Погонний қишлоғига равона бўлдик. Йўл-йўлакай паромда чуқур ва совуқ Брагинкадан сузиб ўтдик. Соҳилдаги толзорлар шамолда шовилларди.

Дарёдан ўтгач, қумлоқ йўл қарағайзор ёқалаб кетди. Йўлнинг нариги томони ботқоқлик эди. Ботқоқлик уфқ сари чўзилиб гира-шира туман ичига кириб кетар, фақат сув аксининг ялт-юлт қилиши сап-сарик гуллар билан қопланган оролчалару, чайқалаётган кўкимтир қиёқларгина элас-элас кўзга чалинарди.

Мен бундай чексиз ботқоқликни ҳеч қачон кўрмаган эдим. Йўлдан анча ичкариликда, ям-яшил қалин ўтўланлар, ичида қийшайган кресть қорайиб кўриниб турарди. Ўша ерда бир вақтлар қандайдир овчи ботиб кетган экан.



Кўп ўтмай Погонний қишлоғидан қўнғироқларнинг мотамсаро жаранг-журунги эшитила бошлади. Аравамиз пастак-пастак уйларининг томлари чириган похол билан ёпилган дов-дарахтсиз қишлоққа кириб борди. Отларнинг оёғи остидан қақиллаганча товуқлар қочиб борарди.

Ёғочдан солинган черков ёнида одамлар тўпланишган. Очиқ эшикдан липиллаб ёнаётган шамлар кўриниб турарди. Шам ёруғида бут ёнига осиглиқ қоғоздан ясалган гулчамбарлар кўзга ташланарди.

Биз черков ичига кирдик. Одамлар бизга йўл бўшатиб ўзларини четга олишди.

Қарағай тахтасидан қилинган камбар тобутда зиғир ранг сочи яхшилаб таралган бола ётарди. Унинг кўкраги устида ётган заҳил қўлларига узун ва ингичка шам ўрнатиб қўйилган. Шам учи қийшайиб чарс-чарс ёнарди. Шамнинг эриган ёғи боланинг панжаларига томиб турарди. Эғнига қора ридо кийган паҳмоқ соч руҳоний шоша-пиша баҳўрли. идишни айлантириб дуо ўқирди.

Мен боланинг юзига тикилдим. Назаримда у бир нарсани эсламоқчи бўлаётгану, лекин сира эслай олмаётгандек туюларди.

Севрюк қўлимдан тутди. Мен у томон ўгирилган эдим, у кўзи билан тобутдан нарига имо қилди. Мен ўша томонга қарадим. У ерда кекса гадолар тизилиб туришарди.

Уларнинг ҳаммаси эғнига бир хил жигар ранг чакмон кийган, қўлларида тутилавериб йилтираб кетган ёғоч ҳасса ушлаб олишган эди. Кекса гадоларнинг кўзи тепага тикилганди. Юқорида нуроний худо Саваофнинг қиёфаси тасвирланган бут қўйилган эди. Саваоф ҳам худди мана шу гадоларга ўхшаб кетарди. Унинг кўзлари ҳам гадоларникига ўхшаш ич-ичига чўкиб кетган, ғазабли, юзи қаримсиқ ва озғин эди.

— Майстрлар!— деди шивирлаб менга Севрюк.

Гадолар чўқинмай ва сажда ҳам қилишмай қимир этмасдан туришарди. Атрофларида ҳеч ким йўқ эди. Гадоларнинг орқасида елкаларига холстдан тикилган тўрва осиб олган иккита етакчи бола турганини кўрдим. Улардан биттаси астагина йиғлар ва бурнини чакмони ени билан артарди. Иккинчиси эса, кўзини ерга тикиб кулимсираб турарди.

Атрофдан аёлларнинг хўрсиниши эшитилар, онда сонда эшик тагидан эркакларнинг бўғиқ ғовур-ғувури қулоққа чалинарни. Шу пайт руҳоний овозини кўтариб дуо ўқий бошлади. Ғовур-ғувур тинди.

Сўнгра гадолар бараварига тобутга яқинлашиб чурқ этмай уни қўлларида кўтаришди ва черковдан олиб чиқиб кетишди. Орқадан етакчи болалар кўрларни етаклаб боришарди.

Қийшиқ крестлар тўлиб кетган қабристонга етгач, тобутни лаҳадга туширишди. Лаҳад тубидан сув чиқа бошлаган экан. Руҳоний сўнгри жанобани ўқигач, либосини ечди-да, уни буклаб олиб оқсоқланганича қабристондан чиқиб кетди. Кексайиб қолган икки полесьелик кафтларига тупуриб, белкуракларни қўлга олишди. Шу пайт қабр ёнига юз тузилиши қирғийникига ўхшаш бир сўқир яқинлашиб:

— Шошмай туринглар, биродарлар!— деди.

Оломон жим бўлиб қолди. Кўр ҳассаси билан тими-мирскиланиб тобут устига энгашди, сўнгра қаддини ростлаб, оқ тушган кўзларини тўғрига тикди-да, байт ўқий бошлади:

Бир дарахтнинг қуюқ сояси узра  
Ултирди йўл юриб чарчаган одам.  
Ҳузурига келди ҳар бир йўловчи,  
Келтирди қўлида нима топса ҳам.

Оломон кўрга яқинроқ келиб уни ўраб олди.

Аёллар қўлида бут, ҳалқа, асал,  
Чол-кампир қўлида тасбеҳ, қора нон.  
Еш қиз ҳам қўлида борини ҳар гал —  
Тутганча боради худога томон.

Бошини эгади, сўнг аста туриб —  
Ортига қайтади. Худо-чи кулиб,  
Сўрайди: «Ким менга қалбин беради,  
Ким қалбин аямай совға қилади?»

Бошига оқ рўмол ўраган ёш бир аёл паст овозда ўксиниб йиғлай бошлади. Кўр байт ўқишдан тўхтаб аёлга юзланди ва яна ўқишини давом эттирди:

Худо учун фидо этди жон,  
Ва суғурди юрагини ҳам,  
Тангри боқди, кўнгил тўла қон,  
Ердек қора, сўнган батамом,  
Қора қилган унинг кўз ёши,  
Кўрлар билан дўст тутинган-чун,—  
Зарра бахтни кўрмади боши!

Гадоё қўлларини олдинга чўзди.

Худо турди ва кўтарди бу ожиз қалбни,  
Лаънат бўлсин ҳақиқатни босган одамга!  
Ҳатто ерга кўз ёшини тўкди булутлар,  
Улкан ўрмон гумбурлади кучли овоздан,  
Кучли садо тез тарқади бутун оламга!

Кўр бирдан шодланиб кулиб қўйди.

«Бу юракни мен элтаман фазо тахтига,  
Улкан совға бўлсин унга инсон аҳлидан,  
Оқкўнгиллар унга таъзим этсинлар ҳар чанд».

Кўр ўқишдан тўхтади, бир оз ўйланиб турди-да, яна  
бўғиқ ва баланд овозда куйлай кетди:

Бу ғариб бир — юрак олмосдан ўткир,  
Гулдан қадрлироқ, нурдан нурлироқ.  
Шунинг-чун юрагин дунё эгаси —  
Тангрига совға деб етказди шу чоқ..

Ниҳоят, кўр тинди. Тўпланиб турган аёллар қора  
рўмолчаларининг чети билан кўз ёшларини артардилар.

— Хайр қилинглар, бандаи мўминлар,— деди кўр,—  
беғуноҳ норасида Василий арвоҳи йўлига хайр-эхсон  
қилинглар.

У эски картузини олдинга чўзди. Одамлар чақа таш-  
лаша бошлашди. Айни вақтда қабрга ҳам тупроқ тор-  
тиларди.

Сўнгра секин юриб черков томон равона бўлдик. Ма-  
рина Павловна олдинга ўтиб кетди. Ҳамма жим келар-  
ди. Фақат Трофимгина гап ташлаб қўйди:

— Одамларга ҳайронман, ёруғ дунёга келишибдики,  
бир-бирларининг гўштларини ейишади-я. Ё алҳазар!

Етакчи бола дафн этилган кундан бошлаб Севрюк қўрғони ваҳимага тушиб қолди. Кечқурунлари эшикларга темир тамба қўйиладиган бўлди. Ҳар куни ярим кечада Севрюк билан студент уйғонишиб қўлларида милтиқ билан қўрғонни бир айланишиб чиқишарди.

Бир куни тунда ўрмонда гулхан ёниб азонгача ўчмабди. Эрталаб Трофим гулхан ёнидаги одам бегона одам эканлигини айтди.

— Гон одамларидан бўлса керак,— деб қўшимча қилди у.— Оч бўрилардай изғиб қолишди улар.

Ўша куни кундузи қўрғонга икки четига қизил мағиз тутилган қора солдат шимини кийган, этигини елкасига ташлаб олган оёқ яланг бир йигит кириб келди. Унинг юзи офтобдан пўст ташлаган, кўзлари ўшшайиб, одамга тешиб юборгудай тикиларди.

У сув сўради. Марина Павловна кувада сут билан бир бурда нон олиб чиқиб берди. Ўспирин сутни ташналик билан бир кўтаришда симириб ичди-да, кувани узатар экан, деди:

— Юрагингларга қойилман, жаноблар. Шундай жойларда қўрқмасдан яшайсизлар.

— Биз билан ҳеч кимнинг иши йўқ,— деди Марина Павловна.

— Нега энди?— мийиғида кулиб сўради ўспирин.

— Чунки ҳеч кимга зараримиз тегмайди.

— Шунақа денг-а, четдан қараган одам айтса бўларди бунини,— деди йигит илмоқли қилиб ва чиқиб кетди.

Шунинг учун бўлса керак Марина Павловна эртасига Севрюк қўшни қишлоқдан озиқ-овқат ва порох харид қилишга бормоқчи бўлганида истар-истамас рухсат берди. Севрюк мени ҳам бирга олиб кетди. Биз ўша куни кечқурун қайтиб келишимиз керак эди.

Кимсасиз ўлкада сайр қилиш менга жуда ҳам ёқиб тушди. Икки четидаги тепаликларда паст бўйли қарағайлар ўсиб ётган қумлоқ йўл ботқоқлик ўртасидан борарди. Арава ғилдиракларидан майда қум шувиллаб тушиб турарди. Баъзан йўлни кесиб сувилонлар ўтиб қолишарди.

Кун ҳаддан ташқари исиб кетганлигидан ботқоқлик усти живирлаб турарди.

Ниҳоят, лолақизғалдоқлар ўсиб ётган томларида эчкилар сакраб юрган яҳудийлар қишлоғига кириб кел-

дик. Синагогага кираверишдаги эшик тепасида Довуд пайғамбарнинг тахтадан ясалган юлдузи қоқиб қўйибди.

Пичан кукунлари сепилган майдонда эгарлоқли драгун отлари мудраб турарди. Отларнинг ёнгинасида иссиқдан юзлари кўпчиб кетган ва мундир тугмаларини ечиб қўйган драгунларнинг ўзлари узала тушиб ётишарди. Улар эринчоқлик билан ашула айтишарди:

— Ҳой солдатлар, олқиш бўлсин сизга кўп,  
Қайда қолди сизнинг севимли хотин?  
— Бизнинг аёл — ўқлоқ турган қатор тўп,  
Қатор тўплар бизнинг севимли хотин!

Сарой эшиги ёнида драгун офицери квас ичиб ўтирарди.

Биз «сағаналар» — магазинларни айлана бошладик. Магазинлар ичи қоронғи ва салқин эди. Каптарлар ушр тарозисидаги дондан чўқилашмоқда. Титиғи чиқиб кетган қора картузли яҳудий сотувчилар савдо-сотикдан фойда келмаяпти, чунки кўрган фойдамизнинг ҳаммасини исправникни зиёфат қилиш учун сарфляяпмиз, деб шикоят қилишарди. Улар тағин чоршанба кунин Андрей Гон қўшни фольваркка босқин қилиб тўртта яхши отни ҳайдаб кетганлигини ҳам айтиб беришди.

«Сағаналар»нинг бирида бизни чой ичишга таклиф қилишди. Чойдан керосин ҳиди келарди. Чой билан ичиш учун арзон қизил қанд ҳам қўйишди.

Анча ҳаяллаб қолгандик. Қишлоқдан чиқишимиз билан Севрюк отларни чоптира кетдик. Лекин йўл қумлоқ бўлганидан отлар ҳолдан тойиб базўр қадам босишарди.

Отлар сағрисида ҳисобсиз сўна пашшалар ёпишиб ётар, силкинган сийрак от думлари дам-бадам бошимиз устида ҳуштак чаларди.

Жануб томондан момақалдиरोқ овози келди. Ботқоқлик узра соя чўқди. Шамол туриб япроқларни силкитар ва димоғимизга ботқоқ ҳидини келтириб урарди. Ялт этиб чақмоқ чақди:

— Брагинкадаги қовоқхонага қайтишга тўғри келади, — деди Севрюк. — Ўша ерда тунаймиз. Магазинларда ўралишиб қолибмиз-да.

Аравани гира-шира ўрмон йўлига бурдик. Гилдирактар дарахт илдиэларига тегиб тарақларди.

Минут сайин қоронғилик тушиб борарди. Ўрмон сийраклашган жойга чиқдик. Димоғимизга зах ҳиди келиб урилди ва ниҳоят, қоп-қорайиб турган қовоқхона ёнига келиб тўхтадик.

Қовоқхона Брагинка бўйидаги тол тагига жойлашган экан. Қовоқхона орқасидаги қирғоқда қичитқи ўт ҳамда баланд болиголова гуллари ўсиб ётарди. Хушбўй буталар орасидан безовталаниб чийиллаш овози эшитиларди, у ерда момақалдироқдан қўрқиб кетган жўжалар яшириниб ётган бўлса керак.

Қийшайган эшик тагида кекса, бадқовоқ яҳудий — қовоқхонанинг эгаси Лейзер пайдо бўлди.

Лейзер ёқимли илжайиб кўзларини юмиб олди.

— Қандай азиз меҳмон! — қичқириб юборди у бош чайқаб. — Бундай муҳтарам меҳмонни уйга олиб келишдан ўрмонда брильянт излаб топиш осон бўлса керак. Қадамларига ҳасанот, марҳамат қилиб тўғри озода хонага жойлашаверсинлар.

Лейзер бизни ёқимли кулимсираб қарши олса ҳам, лекин қизариб кетган қовоқлари остидан шубҳали кузатиб турарди.

— Хабарим бор, Лейзер, — деди унга Севрюк, — қовоқхонангизда майстрлар туришармиш. Хавотирланманг. Улар билан ишимиз йўқ. Қовоқхона бўлгандан кейин ҳамма келаверади-да!

— Қўлимдан нима ҳам келарди дейсиз! — оғир хўрсиниб қўйди Лейзер. — Чор атроф ўрмон, ботқоқлик. Қелгиндиларни ажратиб бўларканми? Ўзим ҳам улардан чўчиб турибман, пане Севрюк.

Саришта бўлмага кирдик. Оёқ остида тарашланган пол ғичиллаб кетди. Уй қийшайиб кетганлигидан ундаги ҳамма нарса қийшиқ турарди. Қаравотда шишиб кетган кекса аёл қизил жилдли ёстиққа суяниб ўтирарди.

— Волидамиз бўладилар, — тушунтирди Лейзер. — Баданларига сариқ сув тўпланиб қолибди. Двойра! — қичқирди у. — Самовар қўйиб юбор!

Парда орқасидан ихчам, чеҳраси ғамгин аёл — Лейзернинг хотини бош суқиб қараб биз билан саломлашди.

Момақалдироқ турганлигидан деразалар ёпиб қўйилган, ойналарга пашшалар келиб уриларди. Деворда

пашшалар ўтириб кетган генерал Куропаткиннинг портрети осиглиқ турарди.

Лейзер пичан олиб келиб бизнинг ётишимиз учун полга тўшади. Пичаннинг устига қалин шолча ёзиб қўйди.

Стул ёнига ўтириб чой ича бошладик. Шу пайт шундай кучли момақалди роқ гумбу рладики, стол устида турган ҳаво ранг тарелка ҳам сакраб тушди. Қовоқхона устида бир маромда бўғиқ шовиллаб сел қуя кетди. Дарвоза ортида қоп-қора булутлар сузиб борар, тўхтовсиз хира чақмоқ чақарди.

Сел самоварнинг жизиллаган овозини босиб кетди. Чойни тешиккулча билан ичардик. Менга кўпдан буён чой бу қадар тотли туюлмаганди. Ҳозир биз ўтирган хилват қовоқхона, селнинг шовиллаши, ўрмон устида гумбу рлаётган момақалди роқ овози менга ҳаддан ташқари ёқимли туюларди. Девор ортидан гадоларнинг эшитилар-эшитилмас товуши қулоққа чалинади.

Аравада силкиниш, жазирама иссиқ узун кун силламини қуритганидан чойдан кейиноқ пол устидаги пичанга ётиб ухлаб қолибман. Ярим кечаси терга ботиб уйғониб кетдим. Уй ичи керосин тутунига тўлиб кетганди. Липиллаб шам ёниб турарди. Кампир оҳ-воҳ қилар, Севрюк бўлса ёнгинамда пичан устида ўтирарди.

— Яхшиси, аравага чиқиб ёта қолайлик,— деди у.— Бунақа димликдан юрагим ёрилиб кетиши мумкин.

Аста ташқарига чиқдик. Аравамиз айвонда турарди. Пичанни ёйиб орасига кирдик-да, устимизга дағал мато ёпиб ётиб олдик.

Ёмғир тиниб, ҳаво очилиб кетганди. Ўрмон устида юлдузлар чарақларди.

Томдан ҳамон ёмғир томчилари чакиллаб томиб турарди. Димоққа нам бурган ҳиди келиб уриларди.

Шу пайт эшик гижирлади. Қовоқхонадан кимдир чиқиб келди. Севрюк қулоғимга шивирлаб:

— Овоз чиқарманг. Майстрлар бўлса керак,— деди.

Иккинчи бир одам чиқиб айвон ёнидаги кундага ўтирди-да, чақмоқ тошдан ўт чиқара бошлади. Ҳамма ёқни тамаки ҳиди босиб кетди.

— Ёна бошлади дегунча жўнаб қоламиз,— деди хириллаган овоз.— Бўлмаса қопқонга тушиб қолишимиз мумкин.

— Гапинг тўғри,— деди иккинчи овоз.— Лейзерни-кида кўп туриб қолдик. Атрофда жосуслар изғиб юри-шибди.

— Бу, ҳеч нима кўринмаяпти-ку, а,— деди чамаси ёш йигит бўлса керак учинчи бир овоз.— Ёмғирда ивиб кетган бўлса керак-да.

— Гончилар ҳўл тахта-ю, хавф-хатар деб қараб ўти-ришмайди.

— Қилмишлари учун ўч олишлари турган гап. Ху-донинг ҳам қаҳри бор, ахир. Қотиллар қутулиб кетол-майдилар. Биз буни албат кўрамиз.

Гадолар жим бўлиб қолишди.

— Петро,— деди ҳалиги хириллаган овоз,— ҳамма кишиларимиз шайми?

— Ҳаммаси шай,— жавоб берди ёш йигит.

— Ундай бўлса ташқарига чиқишсин. Лейзерга айт, гинг демай ўтирсин. Унга энди барибир. Пулини олган. Йўловчилар ухлаб ётишибдими?

— Шу пайтда ухламай нима қилишарди. Ухлаш-япти.

Овозлар тинди. Мен қимирлай бошлаган эдим. Сев-рюк қўлимдан ушлаб тўхтатди. Қовоқхонадан яна бир неча кйши чиқиб келди.

— Биз Кузьма иккимиз Чернобиль билан Овруч то-мон йўл оламиз,— деди қандайдир таниш овоз.— Черно-биль атрофида етакчи бола топиб олишим ҳам мумкин. У ерда очарчилик эмиш.

Гапираётган киши Погоннийда, етакчи бола қабри устида байт айтган ўша кўр гадо эди. Тағин жимлик чўкди. Юрагим қинидан чиқиб кетай деб гурсилларди.

Назаримда, орадан анчагина вақт ўтиб кетгандай ҳам бўлган эди, бирдан аллаким паст овозда хитоб қилди:

— Бошланди!

Гадолар ғимирлаб қолишди.

— Қани биродарлар,— деди хириллоқ киши,— ярат-ганга сажда қилайлик-да, йўлга равона бўла қолайлик.

«Ё, парвардигори олам, ўзинг яккаю ягонасан,— паст овоз билан дуо ўқишарди гадолар,— у дунёю бу дунё-да сенинг номинг абад бўлғай...»

Гадолар ўрниларидан туриб йўлга тушишди.

— Нима ҳақида гапиришаётган эди улар?— секин-гина сўрадим Севрюкдан.



— Билмадим,— жавоб берди у.— Пичандан четроққа бориб чекиб келай.

Севрюк чиқиб кетди. Шу пайт қоронғиликдан унинг таажжубланган овози келди:

— Во, ажабо, бу қанақаси бўлди! Бу ёққа келинг-а.

Мен сакраб ўрнимдан турдим. Қорамтир Брагинканинг нариги соҳилидаги самбиттол буталар орасидан тутун кўтарилар ва осмон қип-қизариб кетган эди. Ловиллаётган аланга худди ёнгинамиздан — буталар ортидан кўтарилаётгандай туюлар, ёнғин шуъласи дарё сатҳида хира акс этиб турарди.

— Қаер ёняпти экан-а?— сўради Севрюк.

— Любомирский ёняпти,— жавоб қайтарди Лейзер. Биз унинг ёнимизга қандай келиб қолганлигини сезмабмиз.

— Пане Севрюк,— деди у ялинган оҳангда,— ўзингиз ва бечора қовоқхоначига раҳмингиз келсин. Отларингизни қўшиб берай, уйингларга кета қолинглар. Бу ерда қолишинглар яхшиликка олиб келмайди.

— Нега энди?

— Қишлоқдан драгунлар ёки соқчилар келиб қолиши мумкин. Бир бечора қовоқхоначини улар нима ҳам қила оларди. Мен оқ туя кўрдингми, йўқ деб туравераман.

— Бизнинг ҳам ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ,— деди Севрюк.

— Пане!— хитоб қилди Лейзер.— Худо ҳақи, кета қолинглар. Пулинглар ҳам керак эмас. Менга тинчлик бўлса бас. Нималар бўлаётганини ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз-ку!

— Хўп, майли, майли бўлмаса,— рози бўлди Севрюк.— Ўзингиз ҳам ўлгудай қўрқоқ одам экансиз, Лейзер. Отларни қўша қолинг.

Лейзер шоша-пиша отларни қўшди, биз жўнаб кетдик.

Йўл Брагинка бўйлаб борарди. Севрюк жиловни бўш қўйиб қўйди. Отлар ўзлари йўл топиб кета бошлашди. Аланга ҳамон гувилларди. Юзимизга дарахтларнинг нам бутоқлари келиб уриларди.

— Ҳа, тўғри айтган экан,— деди Севрюк секингина.— Любомирскийга ўт қўйишибди.

— Қимлар?

— Билмадим. Етакчи бола ўчини олиш учун қилиш-

ган бўлишса керак. Мабодо, биров сўраб қолса, биз қовоқхонада тунамадик ва ҳеч нарсадан хабаримиз ҳам йўқ. Келишдикми?

— Келишдик,— рози бўлдим мен.

Шу пайт Брагинканинг нариги ёғидан секингина чалинган ҳуштак овози келди. Севрюк жиловни тортди. Ҳуштак қайтарилди. Аравамиз қалин буталар орасида тўхтаб турарди. Бу ерда бизни ҳеч ким кўрмас эди.

— Ҳой, қовоқхоначи!— аста қичқирди нариги соҳилдаги киши.— Қайиқчи юбор!

Ҳеч ким жавоб қайтармади. Биз диққат билан қулоқ сола бошладик.

Бирдан сув шалоплади. Афтидан, ҳалиги киши ўзини сувга ташлаб сузиб кела бошлади. Кўп ўтмай буталар орасида одам шарпаси кўринди. У аланга хира ёритиб турган дарёнинг ўртасида сузиб келарди. Оқим уни пастга қараб суриб кетмоқда эди.

Биздан сал нарироқда ҳалиги одам қирғоққа чиқди. Унинг аъзойи баданидан шариллаб сув оқаётгани эшитилиб турарди.

— Ҳали шошмай тур, Лейзер!— деди у ва ўрмон томонга юриб кета бошлади.— Қилмишинга шундаям жавоб бергинки.

У кўздан ғойиб бўлгач, биз секин йўлга тушдик.

— Танидингизми?— астагина сўради Севрюк.

— Нима?— тушунмадим мен.

— Ҳозирги одамни танидингизми деяпман?

— Йўғ-а, танимадим.

— Бизникига кирган йигит-да. Сут ичувди-ку. Овози худди ўшаники. Энди тушундим. Майстрлар Гонга арз қилишган. Бу йигит Гон одамларидан экан. Ўт қўйган ҳам худди шу бўлса керак. Ҳа, менимча худди шундай. Лейзер уни нариги соҳилга ўтказиб қўйган. Лекин биз келишиб олдик-а? Ҳеч нарса кўрганимиз ва эшитганимиз йўқ.

Севрюк плашининг бари билан тўсиб гугурт ёқиб тамакни тутатди.

Осмонда ҳамон аланга тили тебраниб кўринарди. Буталар қоплаган дарё бетиним шовиллар, арава ўқи ёғирлаб борарди. Шу пайт юзимизга совуқ туман келиб урилди.

Тонготарга яқин усти бошимиз нам, совқотган ҳолда кўрғонга кириб бордик.

Ана шу воқеадан сўнг тинчлигимиз бузилди. Менга негадир шундай бўлиши ёқарди. Ҳар куни бирор хавф-хатар бўлишини кутиш, шивирлаб сўзлашишлар, Трофим Андрей Гоннинг гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлиши ҳақида топиб келган миш-миш гапларни эшитиш мен учун айни муддао эди.

Шунингдек, суви совуқ Брагинка, қароқчилар яширинган буталар, кечагина кўринмаган от туёқларининг изи пайдо бўлиб қолиши ҳам ёқиб тушарди. Тўғриси айтганда, мен Андрей Гоннинг Севрюк қўрғонига ҳужум қилишини ҳам истардим. Бироқ бу ҳужум қон тўкишсиз ва талон-торожсиз бўлиши лозим эди.

Лекин қўрғонга бир куни қош қорайган маҳалда Андрей Гон эмас драгунлар кириб келишди. Улар дарвоза тагига етиб келгач, отларидан тушишди. Этиги чангга ботган офицер биз чой ичаётган айвон ёнига келиб аввал узр айтди-да, кейин сўради:

— Жаноб Севрюк сиз бўласизми?

— Ҳа, мен бўламан,— жавоб берди Севрюк.— Хўш хизмат?

Офицер солдатлар турган томонга қайрилди.

— Ҳей, Марченко!— қичқирди у.— Қани, уни бу ёққа олиб кел-чи!

Драгунлар отлар орқасидан оёқ яланг бир одамни олиб чиқишди. Унинг қўли орқасига боғланган, икки ёни қизил мағизлик қора солдат шими кийиб олган эди.

Бандини айвон ёнига келтиришди. У Марина Павловнага худди бир нарса демоқчидай тикилиб қарарди.

— Сиз бу йигитни танийсизми?— сўради офицер.

Ҳеч ким жавоб қайтармади.

— Яхшилаб қаранглар.

— Йўқ, танаймаймиз,— деди Марина Павловна ранги қув ўчиб.— Мен бу одамни биринчи кўришим.

— Сиз-чи?— сўради офицер Севрюкдан.

— Йўқ. Мен бу одамни танайман.

— Хўш, ошнам, бу ёғи қандай бўлди,— деди офицер тутқунга қараб.— Шу ерлик бўламан, жаноб Севрюк қўрғонида ишлаганман деб ёлғон айтган экансанда, а? Бўлди энди масала ҳал!

— Ҳал бўлса, ҳал-да!— деди банди.— Олиб кета қолинглар! Замона зўрники, лекин ҳақиқат сизлар томонда эмас.

Марина Павловна дик этиб ўрнидан турди-да, ичкарига кириб кетди.

— Гапни бас қил!— деди офицер.— Қани, кўчага марш!

Драгунлар чиқиб кетишди. Марина Павловна узоқ вақтгача обидийда қилди.

— У кўзимга шундай нажот сўраб термилувди-я,— деярни Марина Павловна йиғи аралаш.— Ақлим етмаганлигини қаранглар! Уни танийман, бизникида ишлаган, десам бўларкан.

— Сиз қаёқдан биласиз!— афсусланди Трофим.— Бирорта ишора қилсайкан. Любомирскийни таги-туғи билан ёндириб юборган шу йигит бўлади. Ўлдирилган бола учун бошлаб ўч олди-да, ўзиям.

Кўп ўтмай мен Киевга жўнаб кетдим.

Полесье бир умрга забун ва ажиб бир ўлка сифатида хотиримда сақланиб қолди. Унинг айиқтовон ва отқулоқлар гуллаб ётган, қалин ольхазор ва толзорлар тебранувчи далалари, қўнғироқларининг сокин дарангдурунги, камгап полесьеликларга нурафшон халқ тантанаси яқинлашиб қолганлигидан дарак беролмайдигандай бўлиб туюлганди. Ўша кезларда мен худди шундай деб ўйлардим. Лекин халқнинг бахтига бундай бўлмади.

## **БУВИМ БОҒИДА КУРГАН ТУШИМ**

Бувим Викентия Ивановна Черкасида холам Ефросинья Григорьевна билан яшар эди. Бобом аллақачон вафот этиб кетганди. Мен Полесьега борган ёз кезида эса холам Ефросинья Григорьевна ҳам юрак касали билан оламдан кўз юмибди.

Шундан сўнг бувим ўз қизларидан бири — йирик Киев корчалонига турмушга чиққан Вера холамникига кўчиб келди.

Вера холамнинг шаҳар четида — Лукьяновкада данғиллама уйи бор эди. Бувимни боғдаги мўъжазгина бос тирмага жойлаштиришди.

Бувим Черкасида мустақил яшашга одатланиб қолганлигидан Вера холамнинг ўта тақводорлик ҳукм сурган уйида ўзини текин томоқдай сеза бошлади.

Шунинг учун бувим чет-четга чиқиб кўз ёши қилиб

олар экан, ўзи алоҳида уйда туришлиги, бадавлат қизидан овқат сўраб сарғаймасдан, ўз декчасини ўзи қайнатишидан хурсайд бўлиб ҳам қўярди.

Бувим бир ўзи яшаш жонига тегиб, мени пани Қозловскаяникидан ёнига кўчиб келишимга кўндирди. У яшайдиган уй тўртта кичик хонадан иборат эди. Хоналарнинг бирида бувим, иккинчисида кекса виолончелист Гаттенбергер яшар экан, учинчи хонани бувим менга берди. Тўртинчи хона совуқ бўлиб (унга теплица деб ном қўйиб олишган экан), ичи бошдан-оёқ гул туваклар билан тўлдирилган эди.

Мен ёзнинг ўртасида Полесьедан қайтиб келганимда шаҳар кимсасиз бўм-бўш, ҳамма дам олиш учун чет-четга чиқиб кетган эди. Боря Екатеринославга практикага кетибди. Лукьяновкада биргина бувим Викентия Ивановна билан Гаттенбергер қолишибди, холос.

Бувим анча қариб, букчайиб қолган, аввалларидагидай келишган бўлмаса ҳам, туриш-турмуши ўша-ўша эди. У эрта тонгда уйғонар ва турган заҳоти ойналарни ланг очиб қўйгач, спиртовкада қаҳва тайёрларди.

Қаҳва ичиб бўлгач, боққа чиқиб коржава креслога ўтириб олиб, ўзининг севимли китоблари—Крашевскийнинг тугалмас романлари ёки Қороленко ва Элиза Ожешконинг ҳикояларини ўқишга тушарди. Баъзан қартайган, бошдан-оёқ қора кийган бувим китоб ўқиб ўтириб, озгин қўлларини кресло суянчиғига қўйганича пинакка кетиб қоларди.

Унинг қўллари ва қора санандозига капалаклар келиб қўнар, атрофига пишиб ўтиб кетган олхўрилар таптап тўкилиб турарди. Боғда илиқ шабада кезар, йўлкаларга соя ташлаб турган япроқларни тебратарди.

Баланд осмонда Киев ёзининг чарақлаган қуёши нур сочиб турарди.

Мен унга қараб туриб, бир кунмас-бир кун, бувим шу нурафшон ям-яшил боғ қўйнида абадий кўз юмса керак, деган хаёлга борардим.

Бувим билан жуда дўст эдик. Қариндошларим ичида энг яхши кўрганим ҳам шу бувим эди. Ўз навбатида у ҳам менга меҳр қўйганди. Бувим беш қиз, уч ўғил тарбиялаб ўстирган бўлса ҳам, қариганда ёлғиз ўзи яшарди. Унинг ҳам аслида бирорта яқин одами йўқ эди. Бу ёлғизлик ўзаро бизни бир-биримизга боғлаб қўйган эди.

Бувим табиатан ширин сўз ва ғамгин бир аёл эди. Ёшимиздаги фарққа қарамай, фикримиз кўпинча бир жойдан чиқарди. У шеърятни, китоб ўқиш, дарахтлар, осмонни ва мустақил фикр юритишни ёқтирарди. У мени ҳеч қачон ҳеч нарсага мажбур қилмасди.

Бувимнинг бирдан-бир камчилиги шу эдики, у агар сал шамоллаб қолгудек бўлсам, мени ўз тажрибасида синаган биргина дори билан даволарди. Бу дорини у «спиритус» деб атарди.

Бундай ўткир ва аччиқ дорини умрим бино бўлиб кўрмаганман. У ўзи билган барча спиртлар — вино, ёғоч, нашатир спиртларини аралаштириб унга скипидар қўшарди. Натижада азот кислотасига ўхшаш, ўткир ҳидли қип-қизил суюқлик ҳосил бўларди.

Мана шу «спиритус»ни у кўкрагим ва орқамга сурарди. Бувим бу аралашманинг шифобахшлигига қаттиқ ишонарди. Уй ичини томоқни қичитувчи ҳид тутиб кетарди. Гаттенбергер дарҳол йўғон сигарасини чека бошларди. Унинг хонасини хушбўй ҳаво ранг тутун пардаси қопларди.

Бувим одатда боғда ухларди. Гаттенбергер хонасидан виолончель куйи эшитилиб турарди.

Гаттенбергер асли швейцариялик бўлиб, жингалак оқ сочли, кўк кўзлари чақчайиб боқувчи, келишган чол эди.

У кўпроқ ўзи ёзган пьесани чаларди. Пьеса «Гамлетнинг ўлими» деб аталарди.

Виолончель ҳазин куйларди. Гумбурловчи садолар бир-бирига улашиб, гўё Эльсинора гумбази остида қўшиқ қилиб айтилаётган тантанали:

Тўрт нафар капитан қиролни элтгандай  
Майли, Гамлетни элтсинлар катафалк сари!

сўзларига мос янграётгандай бўларди.

Музыка тинглар эканман, Эльсинорадаги зални, тор бурчакдан қия тушиб турган қуёш нурларини, фанфаралар садоси ва Гамлет жасади устидаги баланд, енгил байроқларни кўз олдимга келтирардим. Байроқ ергача қуйи эгилиб ҳилпирарди. Офелия гулдастасини дарё суви аллақачон денгизга оқизиб кетган, розмарин троичин ва рута гулчамбарлари соҳилдан анча нарида бахтсиз қиз севгисининг сўнгги шоҳиди ўлароқ, чайқалиб

ётарди. Виолончель ҳам худди шу ҳақда мунгли куйларди.

Бувим уйғониб кетиб:

— Вой, худойим-эй, бундай қувноқроқ куй чалса бўлмасмикин!— дерди.

Гаттенбергер кампир кўнглини кўтариш учун «Пиковая дама» дан у ёқтирувчи «Ошнагинам бўз бола, севимли чўпон йигит» пасторалини чала бошларди.

Тинимсиз тинғир-тинғир бувимнинг жонига тегиб кетган эди. Унинг қулоғи Гаттенбергер виолончель кўтариб Тужжорлар боғида концерт беришга кетгандан кейингина тинар эди.

Мен унинг концертига тез-тез бориб турардим. Оркестр оппоқ тахтадан ясалган айвончада музика чалар, тингловчилар очиқ ҳавода ўтириб эшитишарди.

Ғира-шира қоронғиликдан тиккайиб бўй чўзган левкой ва тамариск гулларнинг ўткир ва хушбўй ҳиди димоққа уриларди. Ҳар сафар концерт олдидан уларни сугориб қўйишарди.

Айвонча яхшилаб ёритилар, тингловчилар эса қоронғиликда ўтиришарди. Қоронғида хотин-қизларнинг кўйлақлари ғира-шира оқариб кўринар, дарахт япроқлари тебраниб, кўкда шуъла милтиллаб қоларди.

Мен, айниқса, боғда ҳеч ким бўлмаган булутли нам оқшом кезларида сайр қилишни ёқтирардим. Ушанда менинг назаримда оркестр ёлғиз мен ва шляпасининг четлари пастга қараган ёшгина аёл учун музика чалаётгандай бўлиб туюларди.

У аёл деярли ҳамма концертга келар ва мени диққат бериб кузатарди. Мен ҳам унга зимдан кўз ташлаб ўтирардим. Бир сафар нигоҳимиз бир-бирига дуч келиб қолди-ю, назаримда у маъноли жилмайгандай туюлди.

Шу-шу Киевда ўтказаетган зерикарли ёзги кунларим ўша аёл ҳақида хаёл суриш билан банд бўлиб қолди. Диққинафасликдан нишон ҳам қолмагани.

Баланд осмондан ям-яшил боғ-роғлар устига шатирашутур ёғаётган ёмғир ҳам энди қўшиқ айтаётгандай туюла бошлади. Булутдан узилиб тушаётган совуқ томчилар гўё клавишларга келиб урилар ва хонам куйга тўлаётгандай бўларди. Мен учун томдан яшил бочкага қуйилаётган оддий ёмғир сувининг қўшиқ айтиши ажиб мўъжиза эди.

— Бу йилги ёз ёмғирли келди!— деди бувим.— Бу тўқчиликдан нишона.

Ана шу ҳарир ёмғир пардаси ва турли рангда товланувчи камалак ортида, қаердадир яқин ердан нота-ниш аёл қараб турарди. Мен ундан ёнимда пайдо бўлиб, теварак-атрофни ўзгартириб юборганлиги учун миннатдор бўлардим.

Ҳатто сариқ ғишт тўшалган тротуарлардаги кичик кўлмакчалар ҳам Андерсен асарларидаги каби ажиб ва афсонавор туюларди.

Ғиштлар орасидан майсалар мўралар, кўлмакчалар атрофида чумолилар гимирлашарди.

Хаёлга берилиб кетганлигимдан ҳатто Киев тротуарлари ҳам менга чиройли ва ажиб кўринарди.

Бу ҳолатимни ҳали ҳозиргача нима деб аташни ҳам билмайман. Бўлар-бўлмас ҳодиса хаёл суриб кетишимга сабабчи бўларди. Бундай кезларда ҳаяжонланмасдим, аксинча, енгил тортиб, ҳордиқ чиқарардим. Яна шуниси қизиқки, арзимас бир ташвиш ҳам хаёлчанлигимни тарқатиб юборарди.

Бу кайфиятимни қандай бўлмасин, ифодалаб беришим керак эди. Шунинг учун ҳам ўша серёмғир ёзда биринчи бор қўлимга қалам олган эдим.

Асар ёза бошлаганимни бувимдан яширдим. У хонамда қўлда қалам билан соатлаб ўтиришимга қизиққан эди, адабиётдан дарс тайёрлаяпман. Конспект тузаяпман, деб қўя қолдим.

Тужжорлар боғида концерт бўлмаган кезларда Днепр бўйига ёки шаҳар четидаги ташландиқ «Ғам ташвишни унут» деб аталувчи боққа чиқиб кетардим. Боғ Киев меценати Кульженкога қарарди.

Икки-уч дона папирос берсам, бас, қоровул мени кимсасиз, бурган босиб кетган боққа қўйиб юборарди. Боғ ичидаги кўлларни йўсин босиб ётар, дарахтларда зағчалар қағилларди. Скамейка тахталари чириган, ўтирилса қулаб тушарди.

Боғда фақат кекса рассомни учратардим, холос. У каттакон шоҳи соябон тагида ўтириб, этюдлар чизарди. Рассом, унга яқинлашмасимданоқ, жаҳли чиқиб қараганлигидан олдига боришга журъат қилолмасдим.

Боғнинг энг тўридаги ташландиқ иморат ёнига борардим-да, пешайвон пиллапоясига ўтириб, китоб ўқишга тушардим.



Теварагимда чумчуқлар уймалашиб юрарди. Тез-тез китобдан бошимни кўтариб боғ ичкарисига қараб қўярдим. Дарахтлар орасида офтоб нури тушиб турарди. Мен кимнидир кутардим. Худди шу паркда ўша номаълум аёл билан учрашимга имоним комил эди.

Лекин қанча кутмайин у келмас ва мен ноилож энг узоқ йўл билан трамвайда Приорка ва Подол сўнг-ра Крешчатик ҳамда Прорезная кўчаси орқали уйга қайтардим.

Йўл-йўлакай Крешчатикдаги Идзиковский кутубхонасига кириб ўтардим. Ез пайтида у бўм-бўш бўларди. Дим ҳаводан ранглари заҳил тортиб, мўйловларигача терлаб кетган ёш йигитлар — Идзиковскийнинг гумашталари китобларимни алмаштириб беришарди. Мен ўзим ва бувим учун китоб олардим. Уша пайтдаги кайфиятим фақат шеър талаб қиларди. Бувимга бўлса Шпильгаген ва Болеслав Прус романларидан олардим.

Лукьяновкадаги уйимизга ҳорғин ва бахтиёр қиёфада кириб келардим.

Офтоб ва соф ҳаводан юзларим ял-ял ёнарди. ۶.

Бувим мени кутиб турган бўларди. Хонасидаги думалоқ кичик стол устига дастурхон ёзилган ва кечки таом қўйилган бўларди.

Бувимга «Ғам-ташвишни унут» боғи ҳақида сўзлаб бера бошладим. У бош ирғаб қўярди. Баъзан кун бўйи бир ўзи зерикканлигини гапирса ҳам, лекин узоқ вақт қолиб кетганлигим учун ҳеч қачон қоймас эди. Фақат:

— Ёшлик-да, бир нарса деб бўлармиди,— деб қўярди, холос.

Шундан сўнг хонамга кирардим-да, ечиниб энсиз каравотга чўзилардим. Чироқ ёруғида дераза ортидаги эгри-бугри олма шохлари кўриниб турарди.

Илк бор безовта ухлар эканман, тун, унинг зулмати ва сокинлигини ҳис қилиб ётардим. Гарчи, Лукьяновкадаги бостирмамиз томи устидаги осмондан Стрелец, Водолей, эгизаклар, Орион ва Дева юлдузлари ўтишлиги юрагимга ғулғула солса ҳам, ҳар қалай тун пайтларини севардим.

Мен Киевдаги ёз пайтида кўрган-кечирганларим, виолончелист Гаттенбергер, Тужжорлар паркидаги нота ниш аёл, «Ғам-ташвишни унут» боғи, тунлар ва хаёлчан гимназист тасвирланган ҳикоя ёздим.

Ҳикоя анча қийин ёзилди: сўзлар қовушмас, уқа-

ланиб кетаётгандай бўларди. Ортиқча чиройли сўзлар ўзимнинг ҳам меъдамга тегиб кетганди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан умидсизликка тушиб қолардим.

Уша пайтларда Киевда негандир «Рицарь» деб номланган бир журнал чиқиб турарди. Журнал машҳур Киев адиби ва санъат мухлиси Евгений Кузьмин муҳаррирлигида чиқарди.

Анчага давр иккиланиб юргач, охири ҳикояни «Рицарь» журнаliga олиб бордим.

Редакция Кузьмин квартирасига жойлашган экан.

Хушмуомала бир гимназист эшик очиб мени Кузьмин хонасига етаклаб кирди. Гидамда сўлакларни оққан ола-була кўппак ётар ва оғриқ кўзларини менга тикарди.

Хона ичи дим, ҳамма ёқни хушбўй шағам ҳиди тутиб кетганди. Деворга қоқилган қора қоғоз устида грек худолари ва маъбудаларининг оқ ниқоблари осифлиқ турарди. Чор атрофга қуриган чарм муқовали китоблар уюм-уюм қилиб тахлаб ташланган эди.

Мен кута бошладим. Ниҳоят, китоблар шитирлаб ичкарига новча, ниҳоятда қотма, қонсиз бармоқларига ялтироқ кумуш узук таққан Кузьмин кириб келди.

У мен билан бошини эгиб эҳтиром билан сўзлаша бошлади. Мен тобора қизариб борар ва тезроқ чиқиб кетишга ошиқардим. Ҳикоя менга ярамайдигандай туюлар, ўзимни эса гапим оғзимдан тушиб кетаётгандай сезардим.

Кузьмин қўлёмани мадорсиз бармоқлари билан варақлар экан, қандайдир жумла тагига ўткир тирноғи билан чизиб қўйди.

— Менинг журналим,— деди у,— ёш талантлар трибунаси ҳисобланади. Сафимизга яна бир ёш қалам соҳиби келиб қўшилса, гоътада хурсанд бўлардим. Ҳикояни ўқиб чиқиб, уйингизга откритка юборарман.

— Илтимос, агар қийин бўлмаса, жавобини конвертда юборсангиз.

Кузьмин, тушунарли, дегандай илжайиб бош ирғаб қўйди.

Хонадан чиқдим. Ҳансираганча зиналардан югуриб тушиб, кўчага отилдим.

Фаррошлар кўчага сув сепишарди. Шлангларда сув вишилларди. Юзимга сув сачраб, бир оз енгил гортдим.

• Бу ердан тезроқ узоқлашиш ниятида юриб кетаётган трамвайга сакраб чиқиб олдим. Йўловчилар юзимга истехзоли қарай бошлади.

Яна пастга сакраб тушиб пиёда юриб кетдим.

Пичан бозорини чанг қоплаган, Львовский кўчаси устида яккаш тўгарак булутлар сузиб борарди. Димоққа ўткир от гўнги ҳиди келиб урилди. Бир қирчанғи от қоп-қоп кўмир ортилган аравани тортиб келарди. Арава ёнида юз-кўзи кўмирга беланган бир киши борар ва маъюс овоз чиқариб қичқирарди:

— Қимга кў-ми-ир?

Шу пайт Кузьминнинг дим хонасидаги стол устида ҳаёт ҳақида чиройли ва мужмал сўзлар ёзилган ҳикоям ётганлигини эсладим.

Ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Шу кундан эътиборан ҳикоя ёзмасликка қасам ичдим.

— Йўқ, асар бундай ёзилмайди, бундай ёзилмайди!— такрорлардим ўзимча.— Эҳтимол, ёмон бўлса ҳам, ҳар ҳолда, асар чиқаролган бўлсам-чи?

Бирор нарса дейишга қўрқардим. Бошим айланиб қолган эди.

Глубочицадан юриб бориб, Подолга бурилдим. Рангпар этикдўзлар этик пошнасига болғалаб мих қоқишарди. Этиклардан чанг тўзирди. Болалар рогаткада чумчуқ пойлаб отишарди. Йўлда араваларда ун ташиб кетишарди. Ун тешик қоплардан йўлга тўкилиб борарди. Ҳовлиларда аёллар дорга кир ёйишарди.

Эрталабдан бошланган шамол ҳануз тинмас, Подол устига ахлат учириб келарди. Шаҳар юқорисидаги тепаликда Растрелли ижодининг ажойиб маҳсули Андреев соборининг қуббалари ярқираб кўринарди. Устунлар устида қип-қизил улкан карнизлар кўзга чалинарди.

Ошхонага кириб нордонгина вино ичдим. Лекин бу ҳам руҳимни енгиллаштирмади.

Кечқурун уйга бошим оғриб қайтиб келдим. Бувим дарҳол баданимга «спиритус» суртиб ўрнимга ётқизди.

Ушанда миямни тузатиб бўлмас хатога йўл қўйдим яъни бемаъни бир ҳикоя ёзиб, умуман бундан кейин асар ёзиш имкониятидан ўзимни ўзим маҳрум қилдим деган фикр чулғаб олганди. Ёнимда энди бу ёғига нима қилиш ҳақида маслаҳат берувчи бирон одам ҳам йўқ эди. Наҳотки, бирор нарсага бутун вужудинг би-

лан интилсангу, у нарса оқибат бориб сароб эканлигини билгач, ҳайрат бармоғингни тишлаб қолаверсанг!

Гаттенбергер ўз хонасида сурдинка чала бошлади. У энди «Гамлетнинг ўлими»ни эмас, балки янги пьеса— «Вабо пайтидаги тўй» асаридан парчалар ижро этарди. Гаттенбергер бу асар устида узоқ ишлаган ва унинг айрим парчаларини бувим ҳамда менга тез-тез чалиб бериб турарди.

Бувим ҳамон Гаттенбергернинг ҳазинлигига тушунмай боши қотарди.

— Олдин ўлим ҳақида эди, энди бўлса вабо ҳақида-я!— зорланарди у.— Ҳайронман. Менимча музика, кишининг юрагига қувонч бағишлаши лозим.

Шу пайт Гаттенбергер асарининг ўзига энг ёққан жойини ижро эта бошлади:

Она тупроғингнинг овлоқ масканларидан  
Шўх ва сокин куйлаб қўшиғини шу дамда  
Оқаркан бу дарё ҳам жилга соҳилларидан  
Ўксик инсон ингроқлари ўрлаганда бир маҳал,

— Ана! Сўзнинг асили шу!— ғўлдирадим мен «Она тупроғингнинг овлоқ масканларидан».

Оvloқ маскан! Бу сўзлар бағримга шифобахш шамолдай келиб урилди. Демак, мақсадга яраша яшай билиш керак, тер тўкиш, поэзия ва сўз билан яшамоқ лозим. Мен бунга эришиш нақадар сабр-тоқат талаб қилишлиги ва ниҳоят, офир эканлигини ҳис этдим. Шундан сўнг негадир кўнглим ўрнига тушиб, анча енгил тортидим.

Икки кун ўтгач, Кузьминдан откритка келди. У ўз ваъдасига амал қилмай конвертли хат билан эмас, балки откритка орқали жавоб қилибди.

Кузьмин ўз хатида ҳикояни ўқиб чиққанлигини ва журналнинг яқин сонларининг бирида босиб чиқаражанин ёзган эди.

Албатта, бувим ҳам бу откриткани ўқиган эди. У ҳатто бир оз кўз ёши ҳам қилиб олди.

— Отанг, Георгий Максимович,— деди у,— мени калақа қиларди. Лекин у самимий одам эди. Унинг шундай кунларга етолмаганига ачинапман.

Бувим мени чўқинтириб, юзимдан ўпди.

— Меҳнатдан қўрқма, чироғим, бахтли бўл. Худо

менга раҳм қилганга ўхшайди, умримнинг охирида қувончли кунга етказди.

Ҳикоянинг чиқиши ҳақидаги хабардан, айниқса, бувимнинг боши кўкка етганди. Шу муносабат билан у «мазурка» пишириб байрам столи тузатди.

Бувим стол ёнига қора шоҳи кўйлагига келиб ўтирди. Олдинлари у бу кўйлагини фақат пасха байрамларидагина киярди. Бувим кўкрагига қоғоздан ясалган гелиотроп гулдастаси қадаб олганди. Авваллари бу кўйлакни кийганда бувим яшариб кетарди, лекин бу гал ундай бўлмади. Фақат унинг чарос кўзлари кулиб турарди, холос.

Мураббо идишга боларилар келиб қўнарди. Гаттенбергер эса бизнинг қувончимизга шерик бўлгандай Венявскийнинг мазуркасини чалар ва оёғини музика оҳангига мос тебратиб ўтирарди.

## «КУҲНА ЛОТИН ТИЛИ»

Лотин тили ўқитувчиси Субоч мўйловлари ҳурпайиб менга думалоқ кўзларини тикиб турарди.

— Тагин бу киши саккизинчи синф ўқувчиси эмиш!— деди у.— Нималар қилаётганингизни бир худонинг ўзи билмаса, бандаси билмайди! Ахлоқингизга тўрт қўйиб берсам-ку, аҳволингизга маймунлар йиғларди-я!

Субочнинг койиганича бор эди. Лотин тили дарсида қилган бемаънилигимиз ёки бизнинг ибора билан айтганда «психологик тажриба»мизни «биргина худонинг ўзи биларди», холос.

Бир вақтлар синфимиз деворларида картиналар осиглиқ турарди. Уларни аллақачон олиб ташлашган, лекин олтита катта-катта миҳ қозиқ қолганди.

Ана шу миҳ қозиқлар бизда «ажойиб бир фикр» уйғотди. Синфимиз бу фикрни муваффақият ва эпчиллик билан амалга оширди.

Субоч шошқалоқ киши бўлганлигидан синфимизга метеордай учиб кирарди. Сюртугининг этаги икки ёнга ёзилиб юрар, пенсени ярақларди. Журнал шувиллаганча ҳавода ярим доира чизиб столга келиб тушарди. Лотин тили ўқитувчиси ўз орқасидан чанг-тўзон олиб кирарди. Синф парта ёпқичларини тарақлатганча сакраб туриб, яна тарақа-туруқ қилиб жойига ўтирарди.

Эшик деразалари зириллаб кетар, деразалар ортидаги теракларга қўниб олган чумчуқлар гув этиб боғ ичка-рисига учиб кириб кетишарди.

Субоч кириб келганда одатда доимо шундай бўларди.

У тўхтарди, чўнтагидан кичкинагина ён дафтарини чиқариб шабкўр кўзига яқинлаштириб, қўлида қалам ушлаганча жим туриб қоларди. Апил-тапил ҳаракат тиниб, нохуш бир сукунат чўкар, Субоч ён дафтаридан навбатдаги гуноҳкорини қидира бошларди.

Енгилроқ ва бўйи паст гимназистлардан олти кишини, шулар жумласидан мени ҳам камар билан маҳкам қилиб мих қозиққа осиб қўйишди. Мих қозиқлар орқамизга қаттиқ ботар, зўрға-зўрға нафас олардик.

Синфга Субоч учиб кирди. Шу пайт қолган ҳамма гимназистлар парталар оралиғида икки қўллари партига тираб оёқларини осмондан қилишганича «тик қотишди».

Субоч югуриб кира солиб, тўхтар-тўхтамас, журнални столга улоқтирди, синф дарҳол тапир-тупур кўтариб «аввалги ҳолига келди» ва оёққа туриб ўз жойига ўтирди.

Биз олти ўқувчи ҳам камарларни ечиб полга қулаб тушдик-да; партамизга ўтирдик.

Орага нохуш жимлик чўкди. Ҳамма нарса жой-жойида бўлиб, биз ҳеч нарса кўрмаган гуноҳсизлардек ўтирар эдик.

Субоч асабийлаша бошлади. Биз бўлсак бақрайиб туриб, ҳеч нарсани тан олмас, зўр бериб ҳеч нарса кўрмаганлигимиз, деворга ҳеч ким осилмаганлиги ва синф ҳеч қандай «тик қотиш» қилмаганлигини исботлай кетдик. Ҳатто Субочни галлюцинация касали бўлиб қолганлигига ишора қилишдан ҳам қайтмадик.

Ўқитувчи ўзини йўқотиб қўйди. У ёнига мих қозиқларга осилган олти гимназистни чақириб, бизларни бошдан-оёғимизгача ишонқирамай қараб чиқа бошлади. Қурткаларимиз орқасига деворнинг оқи юқмаган эди. Субоч елка қисиб қўйди. У мих қозиқларга, шувоқ уқаланиб тушмадимикан, деб полга қарай бошлади. Унинг юзидан хавотирланиш ифодаси сезила бошлади: Субоч табиатан васвас одам эди.

— Навбатчи,— деди у ниҳоят,— бу ерга Платон Федоровични чақиринг-чи.

Навбатчи чиқиб кетиб назоратчи Платон Федорович билан қайтиб келди.

— Сиз менинг дарсим олдидан ҳеч нарса сезмаган эдингизми?— сўради Субоч назоратчидан.

— Йўқ,— жавоб берди Платон Федорович.

— Ҳеч қандай шовқин, тақир-туқур ҳам-а?

— Синф ҳар доим бир оз тақир-туқур қилиб ўрнидан туриб ўтиради,— жавоб қилди ҳушёр тортиб Платон Федорович ва ҳеч нарсага тушунмаган қиёфада Субочга қаради.

— Ташаккур,— деди Субоч.— Менга синфда ғалати воқеалар бўлиб ўтгандай кўринди.

Платон Федорович гапнинг давомини кутиб Субочга бир оз қараб турди-да, кейин муғамбирлик билан:

— Яъни, масалан, қандай воқеалар демоқчисиз?— деб сўради.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ!— деди бирдан Субоч жаҳл аралаш чўрт кесиб.— Безовта қилганим учун узр.

Платон Федорович ажабланиб қўлини ёзиб қўйди-да, чиқиб кетди.

— Жим ўтиринглар,— деди Субоч бизга қараб ва журнални қўлига олди.— Мен ҳозир келаман.

У чиқиб кетди ва бир неча минутдан сўнг «Варсапонт» деб лақаб олган инспектор Варсонофий Николаевич билан қайтиб келди.

Варсапонт диққат билан бизни кузатиб чиққач, деворга яқинлашиб, парта устига чиқди ва мих қозиқни тортди. Мих қозиқ осонгина чиқди.

— Хэ-э-ш!— деди Варсапонт қандайдир сирли қилиб ва мих қозиқни жойига тиқиб қўйди.

Синф Варсапонтдан кўз узмай ўтирарди.

— Хэ-э-ш!— такрорлади Варсапонт.— Бу бемазагарчиликдан мақсад нима?

— Хэ-э-ш!— учинчи бор такрорлади у ва бош чайқаб қўйгач, чиқиб кетди.

Субоч стол ёнига ўтириб журналга тикилганча ўйланиб қолди. Сўнгра дик этиб ўрнидан турди-да, синфдан отилиб чиқиб кетди. Эшик деразалари зириллади, теракдаги чумчуқлар гув учиб кетишди. Парталар оралиғида дарслик саҳифаларини шилдиратиб шамол эсгандай бўлди.

Дарс охиригача чурқ этмай ўтирдик. «Психологик тажриба»миз муваффақиятли чиққанидан ҳаяжонланар ва айни вақтда бу воқеадан сўнг, Субоч ақлидан озиб қолмасайди деб қўрқардик.

Хайрият, охири бахайр бўлди. «Психологик тажриба» ҳақида хабар бутун гимназияга тарқалиб ҳамма бизга ҳавас билан қарай бошлади.

Гимназиянинг қуйи синф ўқувчилари ўз ўқитувчиларининг бири устидан бизга ўхшаш тажриба ўтказишмоқчи бўлишди. Лекин маълумки, ҳар қандай гениал нарса фақат бир мартагина муваффақиятли чиқади. Улар бу ишнинг уддасидан чиқишолмади.

Субоч бу ҳақда воқиф бўлиб қолиб, ғазаби кўзиб кетди. У фош қилувчи нутқ сўзлади. Унинг бу ваъзи Цицероннинг «Капиталина, қачонгача бардошимизни сунистеъмол қиласан!» деб бошланувчи машҳур нутқидан қолишмас эди.

Субоч ўз нутқини ҳеч ким кутмаган томонга буриб гапирди. У бизга таъна қилар экан, уни, яъни Субочни алдаганимиз учун эмас, балки дунёда энг улуг тил «кўҳна лотин тили» дарсида ноҳўя хатти-ҳаракат қилганлигимиз учун койий кетди.

— Лотин тили!— хитоб қилди у,— Овидий ва Гораций, Тит Ливий ва Лукреций, Марк Аврелий ҳамда Цезарлар тилидир! Бу тил қаршисида Пушкин ва Данте, Гёте ва Шекспирлар таъзим қилишган! Таъзим қилишгангина эмас, уни сизларга қараганда юз чандон аъло билишган. Кўҳна лотин тили! Унинг ҳар бир сўзини тилладан қуйса бўлади. Шундай қилинган тақдирда ҳам кишилар зарар кўришмайди, чунки лотин тилида бирорта ҳам чиқинди сўз тополмайсиз. У шундай қуйиб қўйилгандай. Сизлар-чи? Сизлар нима қилиясизлар? Уни ҳақорат қилиясизлар! Лотин тили дарсини майнабозчиликка айлантириб юборясизлар. Қаллангиз қаёқдаги кераксиз лаш-лушлар: латифалар, футбол, бильярд, кашандалик, бемаъни валақлаш, кинематограф билан банд бўлиб қолган! Уят, сизларга!

Субоч ҳамон ўшқирарди. Биз бўлсак унинг суяк-суягимиздан ўтказиб юбораётган сўзлари ва ўзимизнинг ноилж аҳволга тушиб қолганлигимиздан мулзам бўлиб ўтирдик. Айни вақтда бизни ноҳақ айтилаётган сўзлар ҳам ранжитарди. Чунки аксари кўпчилигимиз лотин тилини яхши билардик.



Кўп ўтмай бир битимга келдик ва орадан сал вақт ўтгач, «кўҳна лотин тили»нинг буюк тантанаси бошланди.

Субоч олдида ўз айбимизни ювиш учун зўр бериб лотин тилини мутолаа қилишга тушдик. Чунки биз унга ўрганиб, меҳр қўйиб қолгандик.

Ниҳоят, эсдан чиқмайдиган кун ҳам келди: Субоч доскага чиқарганларнинг ҳаммасига беш қўйиб чиқишга мажбур бўлди.

— Омадинлар келган кун экан!— деди Субоч ва мийиғида кулиб қўйди.

Кейинги дарсда ҳам Субоч, қанчалик тирғилмасин барибир, тагин ҳаммамизга ноилож беш қўйиб чиқишга мажбур бўлди.

Субоч хурсандчиликдан ўзини қўярга жой тополмай қолганди. Лекин бир нарса унинг қувончига рахна солиб ташвишлантириб қўйди, гимназистларда бундай пухта билимни у ўз тажрибасида биринчи бор кўриши эди. Узиям бир мўъжиза содир бўлмоқда эди.

Тагин ҳаммамиз беш олган учинчи дарсдан сўнг Субочнинг қош-қовоғи осилиб кетди. У хавфсирай бошлаганди. Лотин тилини бундай яхши билишимиз охири келиб жанжалга сабабчи бўлиши мумкин эди. Гимназия бўйлаб туҳматомуз миш-миш тарқалганди. Баъзи бир ғийбатчилар, Субоч лотин тилининг устаси деган ном чиқариш учун гимназистларга енгил-елпи сўраб баҳо қўяпти қабилида иғво тарқатишди.

Шунинг учун бўлса керак бир сафар Субоч ланж оҳангда:

— Уч-тўрттангизга тўрт баҳо қўйишга тўғри келади. Шунга нима дейсизлар?— деб қолди.

Биз ранжиб, индамай туравердик. Бизга энди агар бирортамизга икки қўйилгудай бўлса, Субоч хурсанд бўладигандай туюларди. Эҳтимол, у энди «кўҳна лотин тили» ҳақида баландпарвоз нутқ сўзлаганидан афсусланаётган бўлса ҳам ажаб эмас.

Лекин биз лотин тилини пухта эгаллаб олган бўлиб, ҳеч ким уни миямиздан чиқариб юборолмасди. Бирортамиз туҳматчилар оғзини юмиши эвазига лотин тилидан атайлаб бўлса ҳам йиқилишни истамасдик.

Биз бу ўйинга муккамиздан тушиб кетгандик. У бизга жуда маъқул келиб қолганди.

Бу машаа охири шу билан тугадики, Субоч кўп-

чиликнинг гумонсирашига бардош беролмай, биз учун очиқ имтиҳон ташкил қилди.

У дарслардан бирига округ маорифи нозирининг ўринбосари, директор, инспектор Варсапонт ва лотин тилининг билимдони ксендз Олендскийни таклиф қилди.

Субоч зўр бериб тирноқ ичидан кир ахтарар, бир илож қилиб бизни янглиштирмоқчи, талвасага солиб қўймоқчи бўларди. Лекин биз унинг зарбаларига эпчиллик билан чап бериб, имтиҳондан муваффақиятли ўтдик.

Директор хандон ташлаб кулар, қўлларини бир-бирига ишқаларди. Варсапонтнинг сочлари тик бўлиб кетган, нозир ёрдамчиси эса такаббурлик билан тиржарди. Ксендз Олендский нуроний бошини дам-бадам силкитиб қўярди.

— Оббо полиглот<sup>1</sup>лар-ей! Оббо лайдаклар-ей! Оббо шайтонлар-эй!

Имтиҳондан кейин каловлаб қолдик. Зўр бериб тиришиш мадоримизни қуришиб қўйганди. Яна уч, тўртлар пайдо бўлиб қолди.

Лекин энг яхши лотинист деган ном Субочда қолди ва бунга энди ҳеч ким шубҳа ҳам қилолмасди.

## ГУМАНИТАР ФАНЛАР МУАЛЛИМЛАРИ

Соқоли нуроний ва покиза, мовий кўзли, истараси иссиқ чол рус тили ўқитувчиси Шульгин алоҳида хислати билан ажралиб турарди, у маъносиз сўзларни ёмон кўрарди.

У бирортамиз нотўғри жавоб қилиб қолдик дегунча, қаҳру ғазаби қўзиб кетар, қип-қизариб дарсликларга ёпишар, уларни бурда-бурда қилиб йиртиб ташлар ёки қўлларини бирлаштириб олиб қўрқиб кетган гимназистлар олдида шундай силкитардики, дум-думалоқ манжетлари бир-бирига тегиб, қаттиқ овоз чиқарарди. Бунинг устига у овозининг борича бақирарди:

— Сизни! Худди сизни йўқолишингизни, кўзимга кўринмаслигингизни сўрайман! Қани!

Бундай тутқаноқлар ўқитувчининг тинка-мадори қуриб, дармонсизланиши билан тугарди. Бу касаллик-

<sup>1</sup> Полиглот—кўп тил билувчи. (Тарж.)

дан бўларди, албатта. Буни биз ҳам, ҳамма ўқитувчилар ҳам ҳатто назоратчи ҳам биларди. Агар тутқалоқ узоқ давом этса, синфга оёқ учида Платон Федорович кириб келар ва Шульгинни елкасидан суяб ўқитувчилар хонасига олиб чиқиб кетарди. У ерда унга валерьянка берарди.

Аслида Шульгин беозор, ювош чол эди. У рус адабиётини жўн ва беғубор тарзда талқин қилиб берарди. Баҳоларни ҳам у тусмоллаб, тахминан қўярди. Қуйи синфлардаги йиғлоқи ёпишқоқ гимназистлар Шульгиндан осонгина иккиларини уч, учларини тўрт қилдириб олардилар.

Бир куни биз Шульгиннинг дарсида «Тургенев асарларида хотин-қизлар типи» деган такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган мавзуда иншо ёзаётган эдик.

Ҳамма ёғи сиёҳ бўлиб кетган, қийшанғи ва сурбет Гудим исмли гимназист, кутилмаганда қичқириб юборди:

— Бульварга тўтилар учиб келишди!

Бу Шульгиннинг ғазабини қўзғайдиган бемаънигарликлардан бири эди. Дарҳол тутқаноқ бошланди.

Шульгин Гудимни елкасидан ушлаб олиб шундай силкитдики, унинг боши деворга гурсиллаб тега бошлади. Кейин Шульгин ўз сюртугининг ёқасини силтаб тортди. Олтин тугмачалар узилиб ерга сочилиб кетди.

Матусевич унинг қўлларидан ушлаб олди. Биттамит дик этиб туриб коридорга Платон Федоровични топиб келишга югурдик.

Шульгин партага ўтириб бошларини чангаллаганча бўғилиб, ҳўнграй бошлади.

Кўпларимиз бу тўс-тўполонга чидаб қараб туролмай, партамизнинг кўтарилиб турган қопқоғи панасига яшириндик.

Қўрқиб кетган инспектор билан Платон Федорович кириб Шульгинни олиб чиқиб кетишди.

Синфга сукунат чўкди. Рангида қон қолмаган Станишевский Гудимга яқинлашиб башарасига қараб бақирди:

— Итвачча! Ҳозирнинг ўзида синфимиздан йўқол! Жонингдан умидинг бўлса кўзимизга кўринма! Йўқол деяпман!

Гудим қийшанглаб кулиб қўйди-да, ўрнидан қимирламади. Станишевский уни кўкрагидан маҳкам ушлаб

Ўзига тортди ва силтаб ерга қулатди. Гудим сапчиб ўрнидан турди. Синф жим турарди.

— Қани, йўқол!— такорлади Станишевский.

Гудим гандираклаб эшик томонга кетди. Остона тагига етганда бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо қирқта ёвуз кўз унга еб ташлагудек тикилиб турганлигидан, бошини эгганча ташқарига чиқиб кетди.

Шу-шу у синфга ҳеч келмади. Келолмасди ҳам. Гимназия моралининг қонунлари аёвсиз бўлиб, уларга бўйсунмай илож йўқ эди.

Ота-оналари Гудимни бизнинг гимназиядан олиб Валькерни реалъ билим юртига безори ва нодонлар макон топган жойга беришди.

Бу воқеадан кейин Шульгин ётиб қолди. У шу ётганча узоқ ётди. Оёққа тургандан кейин ҳам қайтиб келмади. Чунки врачлар унга дарс беришни ман қилишган эди.

Баъзан биз уни Николаевский хиёбонида учратардик. У даҳани билан ҳассасига суянганча қуёш нурида исиниб ўтирарди. Оёқлари тагида болалар қум ўйнаб ўтиришарди. Биз эгилиб Шульгинга салом берардик, аммо у бизга қўрқув аралаш назар ташлар, саломимизга алик олмасди.

Аввалига рус адабиёти ўқитувчиларидан ишимиз юришмади. Шульгиндан кейин Тростянский — баланд бўйли, такаббур, рангсиз, бадқовоқ киши пайдо бўлди.

Унинг фикрича, рус ёзувчилари икки гуруҳга, яхши ниятли, ўрганишга арзийдиган ва исёнчи, йўлдан озган различинецларга бўлинарди. Кейингиларга у ачинар ва худди таланти сўнган кишилардек қарарди.

Тростянский бизни ўзига ўчакиштириб қўйганди. Синфда ёзиладиган иншоларда унинг худоларини чилпарчин қилар, обрўсини туширар, исёнчиларни эса кўкка кўтарардик. Тростянский мулойим жилмайиб паст овозда фикримиз хато эканини таъкидлар ва икки қўярди.

Тростянский ўрнига психология ва рус адабиётидан дарс бериш учун шоир Брюсовга ўхшашиб кетадиган Селиханович келди. У эгнига қора, томоғигача тугмаланадиган одми сюртук кийиб юрарди.

У табиатан юмшоқ ва талантли киши бўлиб, кўз олдимизда рус адабиётини худди моҳир қайта тикловчи усталар картиналарни қандай тозаласа шундай «тоза-

лаб» ташлади. У рус адабиётини барча чанг ва гардлардан холи баҳолар экан, хато ва бачкана фикрлаш, лоқайдликка, сийқа жумлаларга, кўр-кўрона мутоалага барҳам берди. Энди биз — аксари эр етган йигитлар кўз ўнгида рус адабиёти ўзининг ажиб ранго-ранглиги, фикран теранлиги, юксак ҳақиқати билан жамол кўрсатди, унга бир умр мафтун бўлиб қолгандик.

Селиханович билим доирамизни кенгайтириб юборди. У бизга фақат рус адабиётинигина ўргатиб қолмади. У туфайли биз уйғониш даври ва XIX аср Европа фалсафаси, Андреев эртаклари, «Игорь полки ҳақида қисса» поэзияси билан ҳам танишиб чиқдик. Шунгача қадим славян текстларини кўр-кўрона ёдлаб юраверган эканмиз.

Селиханович камдан-кам учрайдиган тасвирлаб гапириш қобилиятига эга эди. Мураккаб фалсафий назариялар ҳам у гапирганда тушунарли, равон бўлиб кетар, инсон тафаккурининг кенглиги яққол намоён бўларди.

Шу пайтгача номларини эсласак, хотирамизга «инсоният олдида қилган хизматлари»нинг муддати ва қуруқ рўйхати келувчи файласуфлар, ёзувчи, олим ва шоирлар энди буюк сиймолар сифатида гавдалана бошлади.

Селиханович уларни ҳеч қачон ўз даврларидан ажратган ҳолда гапирмасди.

Гоголь ҳақидаги дарсларда Селиханович Гоголь давридаги Римни — унинг манзаралари, тепалик ва харобаларини, рассомлари, карнавалларини, Рим иқлими ва ҳатто мовий Рим осмонини тасвирлаб гапирарди. Кўз ўнгимиздан табиат сеҳрли куч бахш этган Рим билан боғлиқ ажойиб кишилар турна қатор бўлиб ўтардилар.

Бу сеҳрли куч оддий, ҳамма учун тушунарли бўлиб, билим деб аталарди.

Биз бир даврдан иккинчисига, бир қизиқарли жойдан бошқаларига, яна ҳам қизиқарлироқларига ўтиб борардик. Адабиёт дарсида Селиханович билан кўп ерларда Тула милтиқсозлари орасида, Доғистон чеғарасидаги казак станицаларида, Диккенс Англиясининг етимхоналари, қарздорлар тушадиган турмаларда бўлдик, «болдин кузи»нинг этни жунжитувчи ёмғири таъсирини ҳис қилдик. Париж бозорларини кездик, Майорка оролидаги ташландиқ ибодатхонада Шопен касал

бўлиб ётган жойда, денгиз шамоли қуп-қуруқ макка-жўхори шохлари билан шивирлашаётган кимсасиз томонда сайр қилдик.

Биз ўз мамлакатимизни севишни ўргатган, қалбимизда ажиб ҳислар қўзғатган кишилар ҳаётини — Пушкин, Лермонтов, Толстой, Герцен, Рилеев, Чехов, Диккенс, Бальзак каби инсониятнинг энг яхши кишиларининг ҳаётини синчиклаб ўргандик. Бу нарса бизда инсон руҳи ва санъат кучини англаш туйғусини уйғотди.

Селиханович бизни одоб ва ҳатто хушмуомалаликка ҳам ўргатди. Баъзан у бизларни саволга ҳам тутиб қоларди.

— Айтайлик, хонада бир неча киши ўтирибди,— дерди у,— ҳамма ўриндиқлар банд. Аёл киши кириб келади. У нимадандир хафа, кўзлари қизарган. Одобли одам шунда нима қилиши керак?

— Фақат одоблигина эмас, хушмуомали одам-чи? У нима қилиши керак?— сўрарди Селиханович.

Биз нима деб жавоб беришни билмасдик.

— Унинг йиғидан қизарган кўзлари сезилмасин учун ёруғдан панароқ ердан жой бериш керак.

Селихановичнинг менинг ёзувчи бўлмоқ истагим ҳақида гап очиб туриб, берган саволи мени ҳайратга солди:

— Бардошингиз ета оладими?

Адабиёт билан шуғулланувчи киши учун бардош зарурлигига менда шубҳа йўқ эди. Селихановичнинг нақадар ҳақ эканини амалда кўрдим.

Бир куни у мени йўлакда тўхтатиб:

— Эртага Бальмонтнинг лекциясига келинг. Сиз прозаик бўлмоқчисиз, шундай экан, поэзияни яхши билишингиз керак,— деди.

Мен Бальмонтнинг лекциясига бордим. Лекция мавзуи «Поэзия — бу жозибадорлик» деб аталарди.

Кунечеек мажлислар зали дим ва тиқилинч эди. Зангори духоба солиғлиқ кичкина столда бронзадан қилинган иккита қандил ёқилғиқ турарди.

Бальмонт кириб келди. У ҳурпайган шоҳи галстукда ва сюртук кийиб олганди. Сийрак сарғиш сочлари ёқасига тушиб турар, кул ранг кўзлари кишиларнинг боши узра сирли, ҳатто кибр билан юқорига боқарди.

Бальмонт ёши анчага бориб қолган киши экан.

У чўзиқ овозда гап бошлади. Ҳар бир жумладан кейин у тўхтар, уни худди педаль олинганда рояль торларининг овозини тинглаётгандай диққат билан тингларди.

Танаффусдан кейин Бальмонт ўз шеърларидан ўқиб берди. Менинг назаримда, рус тилини бутун мусиқийлиги ана шу шеърларда мужассам бўлгандай эди.

Нола чекар ўрмонда какку,  
Қўшиғида соғинч ёшлари.  
Бу кўкламда кулгу ва қайғу —  
Бу баҳорда дунё яшнади.

У малла ранг даҳанини юқори кўтариб ўқирди. Шеърлар томоша зали бўйлаб тўлқин уриб оқарди.

Аста эшитилар оёқ товуши, деразам ёнида одам нолиши,  
Аста пичирлашни тушунганим йўқ,— бу ёмғир томчиси куйлаган  
қўшиқ.

Бальмонт шеърини тугатди. Қарсак товушидан люстрадаги шокилалар титраб кетди. У қўлларини кўтарди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Мен сизларга Эдгар Понинг «Қузғун»ини ўқиб бераман, лекин ундан олдин тақдирнинг ҳар ҳолда биз шоирларга қанчалик марҳаматли экани ҳақида гапириб бермоқчиман. Эдгар По ўлиб, Балтиморда кўмиш маросими ўтаётганда, шоирнинг қавму қариндошлари унинг қабрига ҳаддан ташқари оғир мармартош қўйишибди. Бу диндор квакерлар<sup>1</sup> шоирнинг исёнкор руҳи қабр тубидан ҳам ёриб чиқиб Америка печанларининг тинчлигини бузмасин, деб чўчиган бўлсалар керак. Шундай қилиб, мармартошни Эдгар қабри устига қўйишаётганда у ёрилиб кетибди. Ёриғ мармартош ҳанузгача қабр тепасида туради. Унинг ёриғларидан ҳар баҳорда уч қўшалоқ гул очилиб чиқади. Дарвоқе, Эдгар По ўзининг бевақт вафот этган гўзал хотини—Вирджинини она гул номи билан атар экан.

Бальмонт «Қузғун»ни ўқий бошлади. Зални мунгли ва гўзал поэзия нафаси қоплаб олди.

Дераза ортида энди ҳеч нарса кўринмас, на Киев,

<sup>1</sup> К в а к е р — XVII асрдаги Англияда пайдо бўлган ва Шимлий Америкада ҳам тарқалган христиан мазҳабидаги одам. (Ред.).

на Крещчатикдаги мовий тус занжир ҳосил қилиб осилиб турган чироғлар ҳам кўринмас, улар йўқ бўлиб кетгандай эди. Фақат қоп-қора, қор билан қопланган текислик устида ғамгин эсаётган шамолгина эшитилар ва «Невермор» деган оғир сўз қоронғи тун бўшлиғига худди минорага ўрнатилган соатнинг уришидай келиб уриларди. «Абадий!» Бу сўз билан киши онги сира ҳам келишолмайди. Наҳотки, энди абадий бўлса? Вирджини энди абадий кўз юмдими? Наҳотки, энди унинг шўхлик ва аҳтиёткорлик билан эшик чертишлари ҳам такрор бўлмаса? Ешлик, севги, бахт наҳот энди ҳеч қачон қайтиб келмаса? «Ҳа, ҳеч қачон!» деб қағиллайди қузғун ва эскириб кетган креслода ўтирган киши ёлғизликдан жунжикади, дардчил гўдак каби кўзларини совуқ бўшлиққа тикади. Мана шу кичкинагина, ҳамма унутиб юборган киши Эдгар По, Американинг буюк шоири эди.

« Мен бутун умрга Селихановичдан, менда поэзияга муҳаббат уйғотгани учун миннатдор бўлиб қолдим. Поэзия менга тил бойлигини кўрсатди. Шеърда сўзлар янгиланар, яна ҳам қудратлироқ куч касб этар эди. Онгимга шоирларнинг улкан образи, ҳаёти кириб келди, худди кимдир кўзларимни бойлаб турган рўмолни олиб ташлагандай бўлди.

Селиханович бизга адабиёт ва фалсафани, кекса Клячин эса Ғарбий Европа тарихини ўргатди.

Озгин, ҳамиша соқолини ўстириб, сюртук тугмаларини ечиб юрадиган, кекирдаги тагида катта қуштомоғи бор, ҳеч нарсани кўрмайдиган қисик кўзли Клячин бўғиқ овозда жумлаларни бўлиб-бўлиб, қаттиқ гапирарди.

У сўзларни худди кесак отаётгандай талаффуз этарди. У сўз ёрдамида Дантоннинг, Бабёфнинг, Марат, Бонапарт, Луи Филипп, Гамбетталарнинг тирик ҳайкалини гавдалантириб берарди.

Тўққизинчи Термидор ёки Тьернинг хоинлиги ҳақида гапирганда, нафратдан томоқлари хириллаб кетарди.

У шу қадар берилиб гапирардики, папирос тутатиб чека бошлаганини ҳам пайқамас, кейин яқиндаги паргаларнинг бирида эзгилаб ўчирарди.

Клячин француз революциясини яхши биладиганлардан эди. Уша пайтдаги гимназияда шундай киши-



нинг бўлиши жумбоқ эди. Баъзан унинг нутқи шу даражага бориб етардики, гўё у синфда эмас, концерт трибунасидан гапирётгандай бўларди.

У эски урф-одатларнинг тирик тимсоли ва айни вақтда ўқитувчиларимиз ичида энг илғорлардан бири эди.

Вақти-вақти билан Клячин бизга мўъжиза рўй бериб, юз йил умр кўрган ва Киевга келиб қолган сўнгги монтаньярлардан бири бўлиб туюларди. У гильотинада боши кесилмай қолган ва Гвиана ботқоқликларидан ҳам омон чиққандай, ғазабнок ғайрат-шижоатининг бир томчисини ҳам йўқотмагандай эди.

Баъзан Клячин чарчаб қоларди. Шунда у бизга революция кезларидаги Париж ҳақида — унинг кўчалари ва бинолари, майдонларда қандай фонуслар ёнгани, аёллар қандай кийинишгани, халқ қайси қўшиқларни куйлагани, газеталар қандай чиққани тўғрисида ҳикоя қиларди.

Клячиннинг дарсларидан сўнг дилимизда, муаллимимиз ҳикоя қилган буюк воқеаларнинг шоҳиди бўлмоқ учун бундан юз йил илгариги даврга тушиб қолиш истаги пайдо бўларди.

## ТЕАТРДА УЗИЛГАН УҚ

Мажлислар залининг паркети шу қадар тоза қилиб артилган эдики, унда тугмалари йилтироқ мундир кийган гимназистлар сафи ҳамда ёруғ кунда ёқиб қўйилган қандиллар худди кўлдагидай акс этиб турарди.

Залда билинар-билимас ғовур ҳоким эди. Бирдан у ҳам тинди. Залга шпорларини жаранглатиб, ўрта бўйли, мовий зағча кўз полковник кириб келди. У тўхтаб, бизга тик қаради. Мис карнайларнинг овозлари янграб кетди.

Полковник ва Николай Иккинчи кетидан бўйдор, хипча, эгнига ғижимланмайдиган оқ кўйлак, бошига каттакон шляпа кийган аёл бош силкиб кириб келди. Унинг шляпасининг четларидан туяқуш патлари осилиб турарди. Аёлнинг заҳар томиб турган чеҳраси заҳил, аммо чиройли кўринарди. Бу — императрица эди.

Унинг орқасидан лаблари юпқа қизчалар худди шунақа оқ кўйлак кийишиб, тизилишиб келишарди. Уларнинг кўйлаклари ғижимланмас, бурмаланмаган, шунинг учун бўлса керак, худди қиррали ва картондан тикилганга ўхшарди.

Қизчалар — улуғ княжналар ортидан қора тўрли ҳаво ранг кўйлакда тилла пенсне таққан, елкаси оша атлас лента ташланган, баҳайбат хоним — подшо қизларининг тарбиячиси Фрейлина Наришкина кийимларини шувиллатиб, товус юриш қилиб келарди. Лорсиллаган бадани шойи кўйлак тагидан бўртиб турарди. У юзини тўр рўмолчаси билан елпиб борарди.

Гимназиямиз юз йиллигини тантанали нишонлаш ана шундай бошланди.

Мулозимлар биздан Николайни тўсиб қўйганди. Биз фақат министрларнинг тепакалларида қолган, ихлос билан ҳўллаб ёпиштирилган яккам-дуккам толаларни, қизил ленталарни, зарҳал ҳошияли оқ шимларни, лакланган тасмали ботинкаларни, генералларнинг чалворлари, кумуш қайишларинигина кўрардик, холос.

Гимназиянинг энг яхши декламатори Недельский подшога қарата ўзи тўқиган табрик шеърини ўқиди. У сўзларни томоқ йиртгудай бўлиб қичқириб айтар, подшога «сен» деб мурожаат қиларди.

Кейин мулозимлар четланди-да, ўрта бўшаб, Николай биз томонга юрди. У тўхтаб, сариқ мўйловига қўл чўзди ва чучук тил билан оҳиста деди:

— Салом, жаноблар.

Биз худди ўргатганларидай — секин, аммо дона-дона қилиб жавоб бердик:

— Соғ бўлсинлар, император ҳазрат олийлари!

Битириб чиқувчилар синфида энг кичкинаси бўлганим учун сафнинг охирида турган эдим. Николай менга томон юриб келди. Чакаги билинар-билинемас пир-пир учиб турарди. У менга наришон қаради, одатича фақат кўзлари билангина жилмайди-да, сўради:

— Сизнинг фамилиянгиз нима?

Мен фамилиямни айтдим.

— Малоросларданмисиз?— сўради Николай.

— Шундай, олий ҳазратлари,— жавоб бердим мен.

Николай менга бошдан-оёқ нохуш кўз ташлаб чиқди-да, ёнимда турганга ўтди.

У ҳамманинг ёнига бирма-бир яқинлашди. Ҳамма-мизнинг фамилиямизни сўраб чиқди.

Кўриқдан сўнг концерт бошланди. Николай уни оёқда туриб эшитди. Шунинг учун бошқалар ҳам ўтиришмади.

Узининг бутун қиёфаси билан Николай тантаналардан зерикканлигини, вақтини гимназия концертларига сарф қилиш ниятида эмаслигини кўрсатмоқчидайга ўхшарди. У ўнг қўлидан ечиб олинган қўлқопини бетоқағ бўлиб ғижимларди.

Концертдан лутур кетди. Гимназия оркестри «Шараф сенга, шараф сенга, бизнинг рус шаҳаншоҳимиз»ни чалди. Кейин кимдир «Афсунгар Олег»ни ўқиди, хор кантата ижро қилди.

Буларнинг бари зерикарли ва кераксиз эди. Министрлар подшо орқасида туриб ҳомуза тортиб эснашар, концерт иштирокчилари аянчли аҳволга тушиб қолишганди — улар қўрққанларидан дир-дир қалтирашарди.

Концерт давом этар экан, биз министрлар ва подшо мулозимларидан кўз узмасдик.

Бизни подшо билан унинг мулозимлари ўртасидаги фарқ ҳайратга солди. Кўримсиз ва ҳатто бесўнақай Николай кўпдан-кўп мулозимлар орасида кўзга чалинмасди. Николайни қуршаганларнинг эғнидаги олтин ва кумушлари, қўнжи лакланган этиклари, ўқдонлари, аксельбантлари, қиличларининг попук тасмалари, яроғлари, шпорлари, елкага ташлаб олган кийимлари ва орденлари ярақлаб, жарангларди. Мулозимлар ҳатто қимирламай турганларида ҳам орден ва қурол-яроғлар бир-бирига тегиб билинар-билинмас жаранглаб қўярди.

Николай концертни тош қотиб эшитгач, гимназиядан жўнаб кетди. У аламзада эди. Гимназиядан норозилигининг сабаби ҳозирги ўтаётган тантанадан икки кун бурун собиқ гимназист Багров Опера театрида министр Столипинга ўқ узиб, уни ўлар даражада ярадор қилганди.

Гимназиянинг юз йиллиги муносабати билан уни лицейга айлантириш ниятида эдилар. Бу тўғрида қарор ҳам тахт қилиб қўйилган эди. Аммо театрда узилган ўқдан сўнг давлат жинойтчиларини етиштириб чиқарган гимназияга лицей ҳуқуқини бериш фикридан қайтдилар.

Шунинг учун ҳам гимназиянинг фақат номини ўзгартириб, унга Александр Биринчи шарафига «Император Александр гимназия»си деган ном берилди, гимназистларда эса оддий герб ўрнига жимжимадор «А» ҳарфи ва тож сурати ишланган герб пайдо бўлди.

Бу гербдаги янги «ИАГ» ҳарфлари Киевдаги бошқа гимназия талабаларининг пичинг ва қалака қилишларига яхшигина баҳона бўлган эди. Шу туфайли кўпгина ур-йиқитлар бўлиб турарди.

Гимназиянинг охирги синф ўқувчилари бўлган бизлар эски гербларимизни ташламасликка қарор қилдик. Бошлиқларнинг бундан фиғони чиқар, аммо биз янги герб ва тўқа сотиб олишга пулимиз йўқ, деб баҳона қилардик. Алоҳа бошлиқлар қўл силтаб қўя қолишди. Битириб чиқувчи синф билан жанжаллашиб юришдан маъни чиқмас эди.

Николайнинг Киевга ташриф буюриши муносабати билан турли-туман тантаналар бўлиб ўтди. Александр Иккинчига беўхшов бронза ҳайкал, муқаддас Ольга, Кирилл ва Мефодийга бундан ҳам беўхшовроқ ганч ҳайкаллар ўрнатилди. Киев атрофларида маневрлар бўлиб ўтди. Нималарнидир муборакбод қилишди, салб юришлари ўтказилди, тантанали спектакллар қўйилди. Бутун бир ҳафта уйларда байроқлар осилиб турди.

От чопиладиган майдонда йўртоқи от чопишлардан сўнг бутун Киев гимназияларининг паради бўлиб ўтди.

Биз Николай қаршисидан чанг-тўзон кўтариб саф тортиб ўтдик. Ботаётган офтоб кўзни қамаштирарди. Ҳеч нарса кўрмаганлигимиздан саф нотекис юриб борарди. Ҳарбий оркестрлар бор овозлари билан ўқирардилар.

Гимназиямиз шу билан ўзини кўрсатдики, у подшонинг табригига жавоб қайтармай ўтди. Бизнинг олдимизга тўладан келган генерал от чоптириб келди, узоқ койиди, камоли аччиқланганидан нуқул тизгинни тортқилар, жийрон оти эса қулогини чимириб, орқага тисарилар эди.

Опера театрида қўйиб берилган тантанали спектаклда Николай ҳам ҳозир бўлди. Бу спектаклга ҳамма гимназияларнинг юқори синф йигит-қиз гимназистларини олиб келишди.

Бизнинг синфимизни ҳам олиб боришган эди.

Қоронғи орқа зиналардан бизни галеркага етаклаб чиқишди. Галерка бекитиб қўйилганидан биз пастки бўлмаларга тушолмас эдик. Эшикларда хушмуомала, ammo сурбет жандарм офицерлари туришарди. Улар лўппи-лўппи гимназист қизларни ўтказишар экан, бир-бирларига кўз қисишиб қўярдилар.

Мен орқа қаторда ўтирганимдан, ҳеч нарсани кўролмас эдим. Ҳаво дим, театр залининг шифти бошимизга тегай-тегай деб турарди.

Антракт бўлгандагина мен ўрнимдан туриб, тўсиқ олдига келдим. Тўсиққа суяниб, томоша залига кўз югуртирдим. Зал енгил туман билан қопланган эди. Бу туман ичра брильянтларнинг анвойи ранг чўғлари ёниб кўринарди. Император ложаси бўм-бўш эди. Николай ўз хеш-ақрабоси билан олдинги ложага ўтган эди.

Томоша залини оркестрдан ажратиб турган тўсиқ олдида министрлар ва мулозимлар туришарди.

Говур-ғувур овозларга қулоқ солиб, зални томоша қилиб турардим. Қора фрак кийган оркестрантлар пюпитрлари олдида ўтиришар ва, одатга қарши, асбобларини созламас эдилар.

Бирдан қаттиқ қарсиллаган овоз чиқди. Оркестрантлар ўринларидан сапчиб туришди. Қарсиллаган овоз яна такрорланди. Бу овоз — ўқ овози эканлигини фаҳмамабман. Енимда турган гимназистка қиз қичқирди:

— Қаранглар! Ана қоқ полга ўтириб қолди!

— Ким?

— Столипин. Ҳув, ана! Оркестр тўсиғи ёнида!

Мен ўша ёққа қарадим. Театр сув қуйгандек жим бўлиб қолган эди. Тўсиқ олдида юмалоқ қора соқолли, елкаси оша лента ташлаган қоматдор одам полда ўтирарди. У худди ушлаб ўрнидан турмоқчидай тўсиқни қўллари билан пайпасларди.

Столипиннинг ён-верида ҳеч ким қолмаган эди.

Столипин томондан йўлка бўйлаб кўчага чиқиладиган эшикка қараб фрак кийган йигит келарди. Мен узоқда бўлганим учун юзини кўролмас эдим. Фақат унинг шошилмай, хотиржам бораётганинигина пайқадим, холос.

Кимдир овозини чўзиб бақирди. Нимадир гумбурлаб қулади. Иккинчи қават — бельэтаждан бир офицер пастга сакради ва йигитнинг қўлидан ушлади. Шу заҳоти уларни одамлар қуршаб олишди.

— Галерка тозалансин!— деди менинг орқамда турган жандарм офицери.

Бизни зум ичида коридорга қувиб чиқаришди. Томоша залига кириладиган эшикларни беркитиб қўйишди.

Биз гарансиб турардик. Томоша зали бузилган ари инитай ғувилларди. Кейин ғовур тиниб, оркестр «Худовандо, подшоҳни омон сақла»ни чалди.

— У Столипинни ўлдирди,— шивирлаб деди менга Фицовский.

— Овоз чиқарилмасин! Тез театрдан чиқиб кетинглар!— қичқирди жандарм офицери.

Бояги қоронғи зиналардан юриб, фонарлар ёритиб турган майдонга чиқдик.

Майдон бўм-бўш эди. Отлиқ городскойлар театр олдида турганларни ён кўчаларга қисиб қўйган, ҳали ҳам сур-сур қилардилар. Отлар тисарилиб, гижинглашарди. Бутун майдонни тақаларнинг тақир-туқури тутиб кетган эди.

Дудулаган овоз эшитилди. Театр олдида «тез ёрдам» каретаси келиб тўхтади. Унинг ичидан носилка кўтарган санитарлар сакраб тушиб, чопқиллаганча театр ичига кириб кетишди.

Майдондан истаб-истамай чиқиб кета бошладик. Биз бу ёғи нима бўлишини билишни истардик. Городскойлар бизни шоширишар, аммо ўзлари эсанкираб қолганларидан уларнинг гапига кўнмасдик.

Столипинни носилкада олиб чиққанларини кўрдик. Носилкани карета ичига суриб киритишганлари ҳамон у Владимир кўчаси бўйлаб елиб кетди. Каретанинг икки ёнида отлиқ жандармлар чошиб боришарди.

Мен уйга, Лукьяновкага қайтиб келиб, бувим билан Гаттенбергерга Столипинни ўлдирилганлигини айтиб бердим.

— Театрда ўқ узиш яхши эмас, бегуноҳ одамларга тегиб кетиши мумкин,— деди бувим. Гаттенбергер-ку, ҳаяжонидан ўзини қўярга жой тополмай қолди, сигара бурқситди, кейин бу муттаҳам Столипинни барибир эртами-кеч гумдон қилишлари керак эди, деганча, янгиликларни билиб келгани шаҳарга тушиб кетди.

У ярим кечадан ўтганда қайтиб келди ва Столипин ётган шифохона жойлашган Малая Валдимирская кўчасига хашак тўшалгани, қора гуруҳчилар эса яҳудий-

ларни қирғин қилишга даъват қилиб юрганларини айтиб берди.

— Бир ками шу эди!— деди фиғони чиқиб бувим.

— Аммо подшо Киевда экан ур-йиқит бўлмайди,— деди Гаттенбергер.

Эртасига эрталаб бувим мендан сўради:

— Сен яна шаҳарга тушасанми?

— Ҳа. Гимназияга бораман.

— Нимага?

— Подшони кутиб олиш маросимига тайёрланамиз.

— Яхшиси, касал бўлган бўла қол, борма,— деб насихат қилди бувим.— Топган аҳмоқчиликларини қара-я! Одамларга ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа иш подшога қуриб кетибдими?

Мен, шундайдир-да, дедим

— Борма, қўй!— деди бувим.— Битта шу Николайни деб ҳамма шаҳарда калавасининг учини йўқотиб, овораи жаҳон бўлиб юрибди. Арзимаган нарсаларга вақт кетказиб юрганлари-чи, кошки худо бунинг эвазига умрларини чўзиб берса, борма, қўй. Бошинг оғриб қолиши ҳам мумкин-ку, ахир! Боққа кир, ўтириб китоб ўқи, мен сенга струцель (бувим олма пирогни полякча қилиб ана шундай атарди) қилиб бераман. Ҳавои жаҳон мана бундоқ бўлиб турганда, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ вақтларини бекор кеткизганларига ҳайрон бўламан!

Бувимнинг айтганини қилиб, гимназияга бормадим.

Чиндан ҳам фаслнинг ажойиб кунлари эди. Олма япроқлари қизил тортиб, суви қоча бошлаган, баъзи япроқлар қовжираб, ўргимчак тўрига ўралиб қолганди. Йўлкаларнинг икки чети бўйлаб оқ ва қизил астра гуллар очилиб ётарди.

Дарахтлар оралаб сариқ капалаклар учиб юрарди. Улар айвоннинг тош зинапочаларигами, боғда унутиб қолдирилган лейкагами — хуллас, офтобда илиб турган нимаики бўлса, барига тўп-тўп бўлиб бориб қўнишарди.

Куз кирганидан кичрайиброқ қолганга ўхшабми, офтоб ёнғоқларнинг уч-учларига тегай-тегай деб бош устида узоқ йўл босарди.

Мен боғда бувимнинг кажава курсисига ўтириб олиб китоб ўқирдим. Уқтин-ўқтин шаҳар томонидан ғира-шира музика садоларини эшитиб қолардим. Кейин китобни қўйиб, йўлкани томоша қила бошладим. У қуюқ

кўкатлар орасида ётарди. Йўлканинг тик нишабларида яшил духоба сингари майда-майда йўсинлар қорамтир тортиб кўринарди. Йўсин ичида мурғаккина алланима оппоқ оқариб турарди. Бу боғимизда қаёқлардандир пайдо бўлиб, мана энди иккинчи марта очилаётган гул ўрмон анемонаси эди.

Ҳовлидан оқ ўрдак чиқиб келди. У мени кўриб тўхтаб қолди, норози қақиллади-да, лапанглаб орқасига қайтиб кетди. Афтидан, унга халақит бердим. Томда чумчуқлар ўтиришар, патларини тозалашар, донлашга тузукроқ бирон нарса йўқмикин, деб бошларини чўзиб, пастга қарашарди.

Бувим айвонга иссиқ рўмолда чиқиб, йўлкага бир ҳовуч нон увоқларини ташлади. Чумчуқлар томдан учиб тушишди-да, ерда худди кул ранг коптокчалар сингари сакрай бошлашди.

— Қостик,—чақирди бувим,—овқат тайёр бўлди, кела қол.

У айвон зинапочасида турарди. Ўрнимдан туриб, унга томон юрдим. Хонадан олма пирогнинг ҳиди анқирди.

— Мана буни шоҳона байрам деса арзийди!— деди бувим боққа қараб туриб.— Шу Николай Иккинчи деб ўлиб бўлишяпти одамлар!

Чиндан ҳам боғда сержило ёғдулару паром ҳавонинг байрами тантана қиларди.

## РАЗГУЛЯИ

Мен Москвага рождество каникулини ўтказиш учун борардим. Поезд Брянскдан ўтиб борар экан, қор шунчалик қалин ёғар эдики, ташқарида нима бўлаётганини кўриб бўлмасди. Мен фақат узоқда ёғиб турган қор ортида таниш шаҳарчани, унинг момиқ қор гилами билан қопланган кўчаларини ва Коля тоғамнинг ойна ровонли уйини тасаввур қилиб борардим.

Мен Москвага биринчи дафъа бораётган эдим. Ойим билан дийдор кўришиш иштиёқи ва жанубдаги, марказдан узоқ Киевдан шимолий пойтахтга бораётибман деган фикрдан ҳаяжонга келардим.

Поезд соат сайин оппоқ текисликларга ичкарилаб кириб борар, кўкимтир уфқ сари интиларди. У томонни қоронғилик қоплаган эди. Менга уфқда кун асрий қутб тунни билан қўшилиб кетаётганга ўхшаб туюларди.



Мен Москва қишидан қўрқиб борардим. Иссиқ шинелим йўқ, фақат қўлқоп билан қулоқчинимгина бор эди, холос.

Станцияларда қўнғироқлар жаранги барала эшитилиб турарди. Пиймалар қорда ғирчилларди. Қўшним мени айиқнинг пешноби билан меҳмон қилар, гўштдан қарағай смоласининг ҳиди келиб турарди.

Тунда Сухиничадан ўтилгандан сўнг поезд қор уюмларида юролмай қолди. Шамол тунука вентиляторларга урилиб чийилларди. Уст-бошлари қорга беланган, қор босган инидан туриб келаётган айиқдай кондукторлар қўлларида фонарь билан вагонма-вагон югуриб юришарди. Улар эшикни зич бўлсин учун қаттиқ ёпардилар. Мен ҳар сафар эшик ёпилганда чўчиб уйғониб кетардим.

Эрталаб майдончага чиқдим. Қирчиллама совуқ юзни чимдиб-чимдиб оларди. Оёқ остидаги саҳн тешиклари атрофида шамол майда қор уюмлари ҳосил қилган эди.

Эшикни базўр очдим. Бўрон босилибди. Вагонлар буферларигача роса қорга ботган эди. У бўй баравар келарди. Вагон томига қўниб олган миттигина қушча бошини лиқиллатиб чийиллаб қўяр эди. Оппоқ осмон кумуш уфқ билан қаерда қўшилиб кетганлигини ажратиб бўлмас эди. Шу қадар жимжит эдики, мен паровоздан оқиб тушаётган сувнинг шилдирашини ҳам эшитиб турардим.

Москвада Брянск вокзалида мени Дима кутиб олди. Лаби устида тиккайиб сабза урган мўйлови қорайиб турарди. Дима технология институтининг студентлари киядиган формада эди.

Дилдираб кетган эдим, чой ичгани буфетга бордик. Каттакон трактирни эслатувчи, ёғочдан ишланган, пастак Москва вокзали мени ажаблантирди.

Мелхиор қопланган пештахта, мовий пальмалар қўйилган столларни, чойнақлардан кўтарилаётган буғларни, дока пардаларини заррин офтоб ёритиб турарди. Ойналарга совуқ солиб кетган ажиб гуллар ортида извошчилар шовқин солишарди.

Биз майдаланган қанд билан чой ича бошладик. Олдимизга унга беланган курсилдоқ кулча келтириб қўйишди.

Чой ичиб бўлиб ташқарига чиқдик. Жунлари ҳурпайган отлардан ҳовур кўтариларди. Извошчиларнинг

қирқ ямоқ, ту누ка номер қадалган чакмонлари ялт-юлт қиларди. Кабутарлар от гўнг ташлаган қор устига келиб қўнардилар.

— Буюрсинлар, жаноб олийлари!—дея қичқиришарди извошчилар, лабларини чўччайтириб, тизгинларини силкитар эканлар.

Улардан бири ажралиб олдинга чиқди. У эски, бўри терисидан қилинган ёпқични кўтарди ва биз энсиз чанага ўтирдик. Оёқ қўйиладиган жойга хашак солиб қўйилганди. Мен атрофга ажабсиниб тикила бошладим. Наҳот шу Москва бўлса?

— Разгуляйга!—деди Дима извошчига.—Кремль орқали олиб юр.

— Кетдик-э-э!—қичқирди извошчи.—Бизга фарқи йўқ. Пўстинидан бўлак нарсаси йўқ биздай бандан бечораларга бу ер нима-ю, Кремль нима, барибир исмаймиз.

Бир зумда вокзалнинг ёнгинасидаги Дорогомиловда биз тўда-тўда япасқи чаналарга, безакдор улкан дўғаларга, қўнғироқларга, осмонга толпинган от тумшуқларидан юзга урган ҳовурларга, трактир вивескаларига, шоп мўйловлари яхлаб қолган городовойлар ва черков қўнғироқларининг ҳавони титратаётган даранг-дурунгига дуч келдик.

Бородино кўпригига чиқдик. Дарё нарёгида уйларнинг деразаларида тунд шафақ сўниб, ботаётган қуёш уларда акс этмоқда эди. Чорраҳадаги юмалоқ кўча соати эса кундузги иккини кўрсатиб турарди. Буларнинг бари ажиб кўринар, кишини гангитиб қўяр, кўнгилини кўтарар эди.

— Хўш, қалай,—сўради Дима,—Москва сенга ёқдими?

— Жудаям.

— Шошмай тур, ҳали ажойиб-ғаройиб нарсаларни кўп кўрасан.

Арбат майдонидан ўтгандан кейин торгина кўчага бурилдик. Бу кўчанинг этагида, тепаликда мен кўрғон деворлари ва қуббаларини, саройларнинг яшил тунукалари ҳамда тупроқ тусли баҳайбат ибодатхоналарни кўрдим. Буларнинг бари ботиб кетган қуёшнинг қизғимтир дудига чулганган эди.

— Нима бу?—сўрадим Димадан ҳеч нарса англай олмай.

— Наҳотки танимаётган бўлсанг? Бу Кремл-ку!

Мен энтикиб кетдим. Кремлни бу қадар тез кўраман деб ўйламагандим. У улкан шаҳар узра оқ тошлардан, кўҳна олтинлардан қурилган бир қалъага ўхшар ва виқор билан савлат тўкиб турарди.

Бу Россия, халқимнинг тарихи бўлмиш Кремль эди. «Уғлон, ким ахир, таъзим қилмас қутлуғ Кремль остоналарида...»

Кўзларимда ёш филтиллади.

Биз Кремлга Боровицкий дарвозаси томондан кирдик. Кўз ўнгимда подшо жомеси, подшо тўпи билан оқшомги осмонга бўй чўзган Иван Великийнинг занг минораси гавдаланди.

Извошчи бошидан телпагини олди. Дима билан мен фуражкамизни ечдик, чаналар Спасск минораси тагидан ўтиб кетди. Қоронғи йўлда исчиноқ ёниб турарди. Бош узра курантлар лоқайд ва улуғвор садо берди.

— Буниси нима?—деб сўрадим Спасск минорасидан ўтгач, Диманинг қўлини тутиб.

Дарёга тушаверишда худди қариқиз ўсимлигининг гулидай кошиндор гумбазлар қад кўтарган эди.

— Наҳотки танимаган бўлсанг?—деб жавоб берди Дима ва кулимсираб қўйди.—Василий Блаженный ибодатхонаси-ку!

Қизил майдонда гулханлар ёниб турарди. Уларда ўткинчилар ва извошчилар исинишарди. Майдон бағирлаб тутун сузиб юрарди. Ёнгинамиздаги деворга учиб кетаётган чағалай расми солинган Художественный театр афишалари ва «Эмиль Верхарн» деб йирик ҳарфлар билан ёзилган бошқа афишаларни кўрдим.

— Буниси нима?—деб сўрадим Димадан.

— Верхарн шу кунларда Москвага келган,—деб жавоб берди ва башарамга ўгирилиб қараб, кулиб юборди. Афтидан, ўзини йўқотиб қўйган одамга ўхшаб кўринган бўлсам керак.—Шошмай тур, ҳали ҳар хил ажойиботларни кўп кўрасан.

Разгуляйга етиб боргунимизча қоронғи тушиб қолди. Чаналар деворлари қалин икки қаватли уй олдига келиб тўхтади.

Тик зинадан юқори кўтарилдик, Дима қўнғироқ чалди ва шу заҳоти ойим эшикни очди. Ойимнинг орқасида қоронғи йўлакда мени кўришга интилган ҳолда бошини чўзиб Галя турарди.

Ойим мени қучоқлаб, йиғлаб юборди. Кўришмаганимиздан бери унинг сочлари оппоқ оқариб кетибди.

— Вой худойим-эй,— дерди ойим,— кап-катта бўлиб кетибсан-а! Турган-битганинг отангинг ўзи! Ё тавба, худди ўзи-я!

Галя деярли кўр бўлиб қолибди. У мени хонадаги чироққа олиб бориб, узоқ термилди. У, қара, ҳечам ўзгармабсан дейишига қарамай, тараддудланган юзидан мени бутунлай кўрмаётганини сезиш мумкин эди.

Уй ичи камжиҳоз ва бор нарсалар ҳам ўзгариб кетган эди. Шунга қарамай кичкиналигимдан таниш бўлган баъзи бир нарсалар — ойимнинг қутичаси, эски бронза будильник ва отамнинг ёшликда олдирган суратини дарров танидим. Сурат ойимнинг каравоти устида деворда осифлиқ турар эди.

Ойим шу пайтгача овқат гайёр бўлмаганлигидан безовталаниб, ошхонага кириб кетди. Галя ўз одати буйича арзимаган нарсаларни — Киевда об-ҳаво қандоғу, поезд нима сабабдан кечикди, бувим Викентия Ивановна ҳалиям эрталаб кофе ичадими-йўқми суриштира кетди. Дима жимгина ўтирарди.

Утган давр ичида ҳаётимизда шу қадар кўп оғир ва муҳим ҳодисалар рўй берганлигидан уларнинг қай бирини гапиришни ҳам билмасдим. Бирдан миямга, ҳозир, яхшиси, энг оғир ва муҳим воқеаларни сўзламаслик маъқулроқ деган фикр келиб қолди.

Утган икки йил ичида турмушимизда кўп баланд-паст воқеалар рўй берди. Москвада ўтадиган ўн куним ҳам буларни бошдан-оёқ гапириб беришимга етмаса керак. Шунинг учун мен сўзлаб бермоқчи бўлган дастлабки ҳикоям ҳақида оғиз ҳам очмадим. Мен буни ойимдан ҳам, Дима билан Галядан сир тутардим.

Соғиниш ҳисси чулғаб, бувимни, Лукьяновкадаги ўз бўлмагани эслаб кетдим. Назаримда, чинакам ҳаётим ўша ерда қолганга ўхшарди. Бу ерда эса ҳамма нарсаси—Диманинг институти ҳам, икки хонали қоронғи эски квартира ҳам, Галянинг кишини зериктирадиган саволлари ҳам қандайдир бегона туюларди. Фақат ойимнинг кўзлари ўша-ўша, олдингидай боқар эди. Аммо ойим энди авваллари парво ҳам қилмайдиган арзимас, майда-чуйда нарсалардан қаттиқ ҳаяжонга тушадиган бўлиб қолибди.

Мен ойим келажаким ҳақида гап очар деб ўйлаган

эдим, ammo у бу хусусда оғиз ҳам очмади. Фақат овқатланаётганимизда у шунчаки сўраб қўйди:

— Хўш, қани энди гимназиядан кейин қаерга кирмоқчисан?

— Университетга,— жавоб бердим мен.

Овқатдан кейин ойим қутичадан чағалай сурати солинган кул ранг театр билетларини олиб менга узатар экан:

— Бу сенга,—деди.

Булар Художественный театринг «Тирик мурда» ва «Уч опа-сингил» спектаклларига олинган билетлар эди.

Бу билетларни олиш учун ойим театр кассасида бутун бир совуқ қиш кечаси навбат кутиб турган экан. Мен қувониб кетганимдан ойимни ўпиб олдим, у бўлса, кулиб туриб бутун бир кеча студентлар ва курс қизлари қуршовида туришнинг ўз гашти борлиги ва кўп замонлардан бери вақтини бу қадар кўнгилли ўтказмаганлигини сўзлай кетди.

«Уч опа-сингил» мен келган куним қўйилаётганди. Таомдан кейиноқ биз Дима билан театрга отлана бошладик. Театральная майдонигача совуқ трамвайда бордик. Трамвай симларида кўкиш чақинлар чақнаб кетарди.

Театральная майдонини нозик қор пистонлари қоплаган эди. Қор парчалари ҳавода чир айланар, айниқса улар фонарь ёруғида кўзга яққолроқ чалинарди. Мюр ва Мерилиз магазини кўчага чўзала нур ташлаб турар, магазиннинг ойнасида чарақлаган арча кўринарди. Тилла ва кумуш ранг қоғозлардан қилинган занжирлар ергача осилиб тушганди.

Биз Театральная майдони орқали Камергерский кўчасига ўтиб, ундан четдан қараганда кўримсиз кўринувчи театрга кириб бордик.

Йўлақларга кул ранг мато тўшалган эди. Томошабинлар жимгина кириб келардилар. Ҳавони иситиш учун ўрнатилган калоферлар иссиқ ҳаво пуркарди. Чағалай сурати солинган жигар ранг парда билинар-билимас тебраниб турарди. Зал ичи ниҳоятда саришта ва тантанавор эди.

Ҳаяжондан икки юзим лоладай қизариб, кўзларим шу қадар чарақлардики, ёнимда ўтирганлар менга кулимсираб қараб қўйишарди. Буни сезган Дима менга қараб:

— Ўзингни тут. Бўлмаса ҳеч нарса кўрмайсан ва эшитолмай ҳам қоласан,—деди.

Чехов пьесасида азобланаётган одамларга ичим ачиди. Айни вақтда мени қандайдир гуркироқ ва кўтаринкилик ҳисси ҳам тарк этмаган эди. Бу гуркироқ ҳис ва кўтаринкилик бевосита санъат кучининг самарасини кўрсатарди.

Разгуляйда кўрганим барча ҳазин ва маҳзун нарсалар менга вақтинчалик ва аҳамият бериб ўтиришга арзимайдигандай бўлиб туюла бошлади. Майли, қашшоқлик, ситам, алам бўлсин, аммо ҳозир санъатнинг сеҳрли жозибаси менга бахш этган нурни ҳеч ким ўчиrolмас, ҳеч кимса бу хазинани мендан тортиб ололмасди. Қалбан неники ҳис қилган бўлсам, уни ўзим севиб, ўзим ардоқлардим.

Москвада яшаган ўн куним шу кайфиятда ўтди. Ойим менга зингил солар экан, туриш-турмушим худди отамникига ўхшаб кетганлигини қайта-қайта такрорларди.

— Менга энди,—деди бир сафар у,—сендан тузукроқ одам чиқмаслиги равшан бўлиб қолди.

У бир оз жим тургач, яна қўшиб қўйди:

— Йўқ, сен бу аҳволда турмуш тебратишга ноқобилсан. Ҳатто ўзингни-ўзинг ҳам эпллолмайсан. Сенинг қизиққан нарсаларинг, хомхаёллигинг, турмушга енгилелли қарашинг шуни кўрсатиб турибди!

Мён индамай турар эдим. Ойим мени бағрига тортиб, юзимдан ўпди.

— Хўп, майли, ишқилиб борингга шукур! Бирдан-бир истагим бахтли бўлгин дейман. Шундан бошқаси керак эмас менга.

— Шундоқ ҳам бахтлиман,—дедим мен.—Мен тўғримда кўпам қайғураверма. Бир ўзим икки йил яшай олдим-ку. Бундан буёқ ҳам яшайвераман.

Ойим ўша пайтда кўзойнак тутарди. Ойнак гардиши синиб қолган эди. Ойнак тасма билан боғлаб қўйиларди. Ойим тасмани узоқ айлантириб, кўзойнагини олди-да, юзимга тикилиб қаради.

— Оиламиздан самимият кетди!—деди хўрсиниб у.—Ҳаммамиз ичимдагини топ бўлиб қолганмиз. Йўқчиликдан бу. Шундан шунга келиб турибсану, ўзинг ҳақингда миқ этиб оғиз очганинг йўқ. Мен ҳам индамай келяпман, эрта гапиришарман, индин гапиришарман деб

чўзганим-чўзган. Мундоқ юрак очди ҳам қилиб олишимиз керак-да, ахир.

— Хўп, майли. Фақат сен ташвишланаверма.

— Галянинг бўлса кўзи кўр!—деди ойим ва бир оз жим тургач, гапида давом этди:— Шу кунларда қулоғи ҳам оғирлашиб боряпти. Менсиз бир ҳафта ҳам тиркичилик қилолмайди. Бунинг қанчалик оғирлигини сен билмайсан. Ҳозир менга Галянинг ташвиши ҳам ортиқча ташвиш бўлиб тушди. Сизларни — сени ҳам, Димани ҳам, Боряни ҳам қанчалик яхши кўришим ёлғиз худога аён, лекин менинг оёғим олти, қўлим еттита эмас.

— Мен ҳаммасига яхши тушуниб турибман, ҳадемай сен билан Галяга ёрдам бера бошлайман,— деб тушунтирдим.— Гимназияни битириб олай.

Энди илгаригидай ойимнинг бағрига ошиқиб қайтиб келиш фикрини миямдан чиқариб юборгандим. Аммо унга ачинар, уни севар ва мен ҳақимда ортиқча қайғурмаслигини истардим.

Мен унга тасалли бердим ва бир оз кўнглим ўрнига тушгач, Третьяковский галереясига отлана бошладим.

Ўзимни ўз оиламда вақтинча меҳмон бўлгани келган одамдек ҳис қилиб қолдим. Москванинг совуғи, ялтироқ қори ва қишки осмони, театрлари, музейлари, жом овозлари билан Разгуляйдаги совуқ, билқсиган икки хона ўртасидаги тафовут беқиёс катта эди.

Диманинг институт, танлаган соҳаси — ўз турмушидан мумнунлигини кўриб жиғибийрон бўлардим. Бу мен учун бутунлай бегона эди. Диманинг хонасида дарсликлар ва литография йўли билан босилган лекциялардан ўзга китоблар йўқлигига ҳам худди шундай диққатим ошиб қарардим.

Кўзи ожиз бўлиб қолганидан Галянинг бутун кунни тимирскиланиб майда-чуйда ишлар қилиш билан ўтарди. У ҳамма ишни пайпасланиб қиларди. Бундан уч йил аввал бошланган бу ожизлик уни ёруғ дунёни кўришдан маҳрум қилганди. Галя фақат хотиралар — ёдида сақланиб қолган майда-чуйда, зерикарли ҳодисалар билангина яшарди. Бу хотиралар борган сари камайиб борарди — Галя кўп нарсаларни унута бошлаганди.

Гоҳо у қўлларини тиззаларига қўйганча жимгина сукут сақлаб ўтирарди. Баъзи-баъзида ойим кечқурунлари вақт топиб, Галяга Гончаровданми ёки Тургенев-

данми, бирон нарса ўқиб берарди. Романлардаги ҳодисаларнинг икир-чикирларигача хотирада сақлаб қолиш учун Галя ойимдан ҳозиргина ўқилган китобни зўр бериб суриштиришга тушарди. Ойим сабр-тоқат билан бирма-бир унинг саволларига жавоб берарди.

Мен Третьяковский галереясига жўнадим. Ичкарида деярли ҳеч ким йўқ экан. Сокин қиш галереяни марказдан Подмосковьёга кўчиргандай эди — бу ерда шаҳарнинг шовқин-сурони эшитилмасди. Стулларда кампирлар — машҳур расмларнинг пойлоқчилари мудраб ўтиришарди.

Нестеровнинг «Ўсмир Варфоломейнинг одамларга кўриниши» расми олдида узоқ туриб қолдим. Позиккина оқ қайин-қизчалар шамдаийн оқариб кўринишарди. Ҳар бир майса ўт кўк сари умидвор бўй чўзиб турар эди. Таъсирли, табиий бу гўзаллик юракни ларзага соларди.

Расмнинг қаршисига қўйилган диванда тўладан келган, қора кийинган, сочлари оқарган хоним ўтирарди. У расмни лорнет тутиб томоша қиларди. У билан ёнмаёن сариқ соч қиз ҳам ўтирарди.

Расмни томоша қилишларига халал бермай деб, ён томонга келиб тўхтадим. Сочлари оқарган хоним менга ўгирилиб қаради-да сўради:

— Менга қара, Костик, булар Ревна парки орқасидаги тепаликларга ўхшайдими, йўқми?

Мен чўчиб тушдим ва уялиб кетдим. Сочлари оқарган хоним, менга жилмайиб қараб турарди.

— Ҳозирги ёшлар ҳардамхаёл бўлиб қолган!— деди у,— наҳотки сен Карелиналарни унутган бўлсанг? Ревнадаги-чи? Мени, Любани, Сашаниям-а? Тўғри, бунга анча йил бўлган.

Қип-қизариб кетиб, сўрашдим. Фақат эндигина сочлари оқарган хоним — Мария Трофимовна Карелина эканини таниган эдим. Аммо Любани анчаггина билолмай турдим. Унинг бўйи етибди, соч ўримларида энди аввалгидай қора лента йўқ эди.

— Қани, ўтир,— деди Мария Трофимовна.— Қап-катта йигитча бўлиб қолибсан-ку! Ҳатто «сан» дегани тилим бормаяпти. Олдин бу ерга қандоқ қилиб келиб қолганини айтиб бер. Кейин биргалашиб Ревнани эслаймиз. Қандай ажойиб жойлар эди-я, қандай жойлар-а! Бу йил ёзда, албатта, у ерга борамиз.



Мен ўзим ҳақимда сўзлаб бердим. Мария Трофимовна эса ҳамон Саша билан Орёлда туришлигини айтди. Люба бўлса гимназияни тугаллаб, Москва тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик билим юртига кирибди. Шу кунларда Мария Трофимовна Саша билан Москвага қишки каникул пайтида Любани кўриб кетгани келишибди.

— Сашанинг ўзи қани?—сўрадим мен.

— Меҳмонхонада қолди. Томоғи оғрияпти.

Люба бошини энгаштириб менга кўз қирини ташлаб ўтирарди. Ташқарига бирга чиқдик. Карелиналарни Лоскутная меҳмонхонасигача кузатиб бордим. Улар мени қўярда-қўймай исиниб олгани ва қаҳва ичгани ичкарига олиб кириб кетишди.

Икки кишилик каттакон хона гиламлар ва оғир дарпардалардан қоронғи эди.

Саша мени эски қадрдонларидай қарши олди-да, шу заҳоти Глеб Афанасьев ҳақида сўрай кетди. Билишимча, Глеб Брянск гимназиясида ўқирди.

Саша бўйини худди мушукларникидай капалак нусха қилиб бойлаб олган эди. У қўлимдан ушлаб:

— Юр, сенга Люба ишлаган расмларни кўрсатаман,—деди.

У мени ён хонага судрай бошлади. Аммо Люба иккинчи қўлимдан ушлаб олиб, тўхтатди.

— Бўлмаган гапни қўйсанг-чи!—деди у ва қизариб кетди.—Кейин кўрасиз. Биз яна кўришамиз-ку, яна, шундайми?

— Билмадим,—дедим мен иккиланиб.

— У биз билан Янги йил кутади!—қичқирди Саша.—Любаникида. Унинг Кисловкадаги ишхонасида. У ерда қанақанги нигорандалар йиғилишини кўрсайдинг, Костик! Бўёқ валломатлари деявер. Бир рассом хотин бор—худди француз романларидаги дейсан. Мана кўрасан, сен уни албатта яхши кўриб қоласан. У қора атлас кўйлак кияди. Шойисининг шилдирашини қаранг: шув-шув! Шув-шув! Атирлари-чи! Қанақа атирлар-а! «Табаргул соғинчи»!

— Вой, худойим-эй!—деди Люба.—Мунчаём қақилдоқ бўлмаса бу! Нимага ҳадеб томоғинг оғрийверишини энди тушундим.

— Менинг томоғим булбулнинг томоғидай нозик,—деди Саша сузилиб,—у рус қишини кўтаролмайди.

— Тўғриси янги айтинг, ростдан келасизми?— сўради мендан Люба.— Янги йилни бирга кутамиз-а?

— Мен уйда кутаман. Биз одатда онлавий кутамиз.

— Янги йилни уйингда кутгин-да,— деб астойдил маслаҳат берарди Мария Трофимовна,— кейин Любанинг олдига келгин. Улар эрталабгача ўтириб чиқишади.

Мен рози бўлдим. Кейин қаҳва ича бошладик. Саша менинг стаканимга шартта тўрт чақмоқ қанд ташлаб юборди. Бунақа қаҳвани ичиб бўлмасди, албатта. Мария Трофимовнанинг бундан жаҳли чиқди. Люба хижолатдан кўзларини ерга тикиб ўтирарди.

— Войбў, намунча, гўзал Василисадай сузилиб ўтирмасанг,— деб қўйди Саша Любага қараб.— Костик, рости билан Люба чиройли бўлиб кетган, а? Яхшилаб қарагин. Бурни пучуқ, ўрдак боласидай исқирт синглиси қаёқда-ю, у қаёқда.

Любанинг юзларига қон тепиб, ўрнидан туриб кетди, қаҳвасини олдидан суриб қўйди.

— Бас қиласанми, йўқми! Зағизгон!

Ялт этиб Любага қарадим. Унинг кўзларида ўт чақнарди. У чиндан ҳам жуда чиройли эди.

Хайрлашиб чиқиб кетдим. Уйга борганда ойимга Карелиналарни кўрганимни, улар мени Янги йил кечасига таклиф қилишганини айтдим. Ойим қувонди:

— Албатта бор! Бўлмаса, Москвада зерикиб қоладиганга ўхшайсан. Улар дилкаш ва ўзига яраша ўқимишли одамлар.

Ойим одамнинг биринчи белгиси унинг ўқимишлилиги деб биларди. Агар ойим бировни ҳурмат қилиб гапирса: «У ўзига яраша ўқимишли одам!»— дерди.

Янги йилгача икки кун қолганди. Бу кунлар — ҳамма ёқни булдуруқ ва қиров босган, оппоқ туманли кунлар бўлди.

Бир ўзим ҳайвонот боғидаги муз майдонига бориб, коньки отардим. Киевда ҳам муз бор деб юрган эканман, бу ернинг яхи метиндай мустаҳкам ва қорамтир эди. Фаррошлар майдонни каттакон супурги билан су-пуришарди.

Мен бошига қоракўл қалпоқ кийган серсоқол киши билан ким ўзарга чопдим. Уни қувиб ўтиб кетдим. Бу одам менга Надя хола билан Смела

қўрғонига борған чоғимизда учратган рассомни эсларди.

Ойим мен билан Надя холанинг Ваганькова мозорьдаги қабрини зиёрат қилиб келгани бормоқчи бўлар, лекин қўли бўшаб вақт ажратолмасди. У қабр устида ҳамон чиннидан ишланган гуллар ётганлигини, ранглари айнаб кетган бўлса ҳам, аммо бирортаси синмаганлигини айтиб берувди.

Мен Художественний театрда «Тирик мурда»ни кўрдим. «Тирик мурда» менга «Уч опа-сингил»га қараганда кўпроқ маъқул бўлди. Саҳнада мен росмана Москвани, судни кўрдим, лўли ашулаларини тингладим.

Декабрнинг қорли Москвасида мен нима учундир бир маҳаллари ўтиб кетган кунларни — Алуштани, Ленани ва унинг: «Бор! Буларнинг бари бўлмағур гаплар!»— деб қичқирганларини эсладим.

Шу ўтган йиллар ичида унга шунча хат ёзмоқчи бўлдим, лекин барибир ёзолганим йўқ. Ҳозир у мени унутиб юборган бўлиши керак.

Мен Ленани эсладим, бу дунёга қанчадан-қанча одамлар келиб кетганлари ва бошқа ҳеч қачон қайтиб келмасликларини ўйлаб, юрагим орзиқиб кетди. Эна ҳам, Надя хола ҳам, асаларичи бобом, отам, Юза амаки ҳам, яна бошқа кўплаб одамлар худди шундай абадий кетган эдилар.

Шуларни эслар эканман, кўнглим қандайдир ғаш тортиб, эндигина ўн саккизга чиққанимга қарамасдан бошимдан жуда кўп нарсаларни кечирганга ўхшардим. Мен бу одамларни севардим. Уларнинг ҳар бири кетар экан, ўзлари билан юрагимнинг бир бўлагини ҳам олиб кетишган эди. Ҳамгин бўлиб қолганлигимнинг боиси ҳам шундан бўлса керак.

Уша кезларда шундай деб ўйлаб юрардим, аммо бу кайфиятим йил сайин ҳаётга бўлган муҳаббатимнинг ортиб бориши олдида дарёдан томчи ҳам бўлолмай қолди.

Жуда кўп одамлардан бир умрга ёки узоқ муддатга жудо бўлганлигимдан, Қарелиналар билан учрашув — уларни бутунлай унутиб юборгандим — кутилмаган, ноёб бир учрашув бўлиб туюлди.

Янги йилни уйда кутдим. Ойим печенье пиширди. Дима закускалар, вино ва пирожний келтирди. Соат ўн

бирда Дима қаергадир кетди. Ойим, қаллиғиникига кетди, деди. У қизнинг исми Маргарита экан.

Ойим унинг ажойиб қиз эканлигини айтиб, Димага бундан ортиқ қаллиғ тиламайман, дерди.

Ойимни ранжитмаслик учун ўзимни бундан хурсанд экандай тутсам-да, лекин Дима қаллиғининг исми ва унинг амалдор оиладан эканлиги кўнглимга ўтиришмасди.

Ойимга дастурхон тузашга қарашдим. Уй ичини куйган соч ҳиди тутиб кетди: сочини пайпаслаб жингала қилаётган Галя узун кокилини куйдириб қўйибди. Шунга хафа бўлиб кетди. Айланиб-ўргилиб уни юпата бошладим.

Шамлар ёқилди. Ойим стол устига бронза будильник келтириб қўйди. Буровини ўн иккига тўғриладим.

Киевдан келтирган совғаларим: ойимга — кўйлаклик кул ранг мато, Галяга — туфли, Димага эса — катта готовальнаяларни чиқардим. Готовальнаяни Борядан сўраб олган эдим. Ўзиям ажойиби эди. Ойим совғалардан хурсанд бўлган бўлса керак, юзлари ял-ял ёнарди.

Янги йилга бир неча минут қолганда Дима баланд бўйли, рангпар бир қиз билан кириб келди. Қизнинг юзи чўзиқ, маъюс кўринарди. Сариқ боғичли оч бинафша ранг кўйлаги эгнига ёпишмай турарди. Кўкрагига тўр рўмолча қадаб қўйилган эди. У бўлар-бўлмасга қизариб кетар, вазага қўйилган пирожнийларни вилка билан оларди.

Галя апил-тапил бола тарбияси ҳақида гаплаша кетди. Қиз истар-истамас жавоб берар экан, Димага қараб қўяр, Дима сиполик билан жилмаяр эди.

Бронза соат шовқин солиб жиринглаб, Галянинг гапини бўлиб қўйди. Қадаҳ кўтариб, бир-биримизни Янги йил билан қутладик.

Ойим қандай бўлмасин бизники Маргаритага ёқсин деб ҳаракат қиларди. Аммо у Маргаританинг Димага боқишлари самимий севгиданми, йўқми, синаб кўриш мақсадида қиз нигоҳидан кўз узмай кузатиб ўтирарди.

Мен валақлашиб ўтирар, ҳар жиҳатдан хурсандлигимни билдиришга ҳаракат қилар, аммо киши билмас соатга қараб қўяр эдим.

Ойим виноичгач, очилиб кетди ва Маргаритага Черкассида бувимизникида пасхани қандай ўтказганлигимиз ва қачонлардир Киевда шод-хуррамлик билан кечирган турмушимиз ҳақида сўзлай кетди. Унинг ўзи буларнинг чиндан ҳам бўлиб ўтганлигига ишонмаётгандай гапирарди. Шунинг учун бўлса керак, у гап орасида: «Тўғрими, Костик?»— деб сўраб қўярди. Мен ҳар сафар, ҳа, тўғри, деб жавоб берардим.

Бир яримда кечирим сўраб, ўрнимдан турдим. Ойим мени кузатгани эшик тагига чиқди. У шипшиб, қалай, Маргарита ёқдими, деб сўради. Мен тўғриси айтиш фойдасиз эканлигини билардим. Ортиқча кўнгил ғашлик бўларди, холос. Шунинг учун Маргарита ажойиб қиз экан, Дима бахтли бўлсин, дедим.

— Айтганинг келсин, илойим, айтганинг келсин!— шивирлади ойим.— Менимча, Маргарита Галяга яхши муносабатда бўляпти.

Мен Басманнаяга чиқдим, тўхтадим ва ўпкамни тўлдириб совуқ ҳаво олдим. Уйларда чироқлар порларди. Извошчи ёллаб, Қисловкага жўнадим. Извошчи йўл бўйи отини сўкиб борди.

Қисловкада эшикни менга Саша очди. У бўйинини янгидан капалак нусха қилиб боғлаб олганди. Йўлакка чопиб чиққан қизлар билан студент тужуркаси кийган истараси иссиқ бир чол ҳам чиққан эди. Нимагадир Люба кўринмасди.

Қизлар хахолашганча қулоқчиним билан шинелимни еча бошладилар, чол эса ёшларга хос овоз билан қўшиқ айтарди:

Тоғ кўксида, оқшом тушганда  
- Уч маъбуда баҳс бошлар мана.

— Кўзини бекит! Кўзини!— қийқиришди қизлар.

Саша кўзларимни кафтлари билан беркитди. Мен қизларнинг сочлари таратган бўйдан, атир-упалар исидан, Сашанинг кўзларимни босиб турган кичкина, қаттиқ бармоқларидан нафасим тикилгудай бўлардим.

Мени қўлтиқлаб олишганча, бошлаб кетишди. Эшик очилгани ва юзимга гуп этиб иссиқ урилганини сездим. Шовқин-сурон тинди-ю, аёл кишининг амрона овози эшитилди:

— Онт ичинг!  
— Нимага?— сўрадим мен.  
— Бу кеча шодликдан бошқа ҳамма нарсани унутаман деб.

Саша кўзларимга бармоқларини қаттиқроқ босди.

— Онт ичаман!— жавоб бердим мен.

— Энди қасамёд қилинг!

— Кимга?

— Байрамимизнинг маликасига.

— Қасамёд қил!— шивирлади қулоғимга Саша.

Қитнгим келиб сакраб тушдим.

— Қасамёд қиламан.

— Қуллуқ билдириб маликанинг қўлларини ўпасиз.

Валломатлар ана шундай қиладилар,— деди ҳалиги овоз кулгидан базўр тийилиб.— Саша, қўлингни ол!

Саша кафтларини олди. Мен нурафшон, беҳисоб суратлар осилган хонани кўрдим. Роялда Врубелъ тасвирлаган иблис қиёфасидаги калта барқут камзул кийган озгин одам ётарди. Унинг қўллари боши узра букилган ва менга ҳасратли нигоҳ ташларди.

Пучуқ ўспирин рояль клавишларини босди. Қизлар четланишди ва мен Любани кўрдим. У доира стол устига қўйилган креслода ўтирарди. Эгнидаги енгил оқ ипак кўйлагининг этаклари ерга тегай-тегай деб турар эди. Яланғоч қўллари солинган, ўнг қўлида қора туяқуш патларидан қилинган елпиғич ушлаган эди.

Люба кулиб юбормасликка тиршиб, менга тикилиб турарди.

Мен бориб, Любанинг осилиб турган қўлидан олиб ўпдим. Студент тужуркаси кийган чол менга қадаҳда шампанское тутди. Шампанское муздек совуқ эди. Уни бир кўтаришда ичиб юбордим.

Люба ўрнидан турди. Столдан тушишига ёрдам бердим. У узун кўйлагининг этагидан тутиб, менга таъзим қилди-да, сўради:

— Сизни жиниликларимиз билан чўчитиб юбормадикми? Нимага энди у сизга муздак шампанский берди! Илиқроқ бирон нарса ичинг! Глинтвейндан қолувди, шекилли.

Мени столга судраб кетишди, меҳмон қилиша бошлашди-ю, шу заҳотиёқ буни унутиб, хандон ташлашганча, танцага жой бўшатгани мени столга қўшиб бир четга суриб қўйдилар. Успирин вальс чала бошлади.

Врубель тасвирлаган иблис қиёфасидаги йигит роялдан сакраб тушиб, Люба билан танца туша кетди. Люба ўзини орқага ташлаб, юзини елпигич билан тўсганча, хона айлана бошлади. Ҳар сафар ёнимдан ўтар экан, у елпигич билан юзини тўсиб, жилмайиб қўярди. У кўйлагининг судралиб бораётган этагини тутиб борарди.

Студент тужуркаси кийган чол Саша француз романининг қаҳрамони деб атаган аёл билан танца қиларди. Аёл овозининг борича қаҳ-қаҳ уриб куларди.

Саша мени столдан тортиб турғазди. Мен у билан танца туша бошладим. У шундайм нозик эдики, манамана синиб тушаман, деяётганга ўхшарди.

— Тушсанг ҳам Люба билан тушма танцани,— деди Саша.

— Нимага?

— Ўзига бино қўйганлардан у!

Танцадан кейин Врубель иблиси қиёфасидаги йигит барча шишаларда қолган виноларни ича бошлади ва охири маст бўлиб қолди.

— Мен ёзга муштоқман!— қичқирди у.— Йўқолсин сумалаклар! Менга ёмғир ёғдириб беринглар!

Унга ҳеч ким эътибор бермасди, кейин у ғойиб бўлиб қолди. Студент тужуркаси кийган чол роялга ўтириб, юракни эритувчи овозда ашула бошлади:

Йироқда қолган дўстим, тушун кўз ёшларимни!

У ашуласини тугатганда, ёмғир ёғаётганини эшитдик. У шундоққина ёнимизда, челақдан қуйгандай шарилларди. Ҳамма қўрқиб, жим бўлиб қолди, кейин йўлакка, ваннахонага югуришди. Врубель иблиси қиёфасидаги ванна ичида пальто ва калишда қора зонт ушлаб турар, шариллаб оқаётган сув зонтни шатирлатиб тушарди.

— Тилла! Осмондан тилла ёғяпти!— қичқирарди Врубель иблиси қиёфасидаги йигит.

Душни беркитишди, йигитни эса ваннадан судраб олиб чиқишди.

Мен алланималарнидир сўзладим, шеърхонлик қилдим, гангур-гунгурга қўшилиб, хохолаб кулдим. Люба люстрани ўчириб, хона оқараётган тонгнинг зумрад шуъласига тўлганда, мен ўзимга келдим.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Кўкнинг мовийлиги тунги чироқ ёруғига қўшилиб кетди. Чеҳралар ғира-ширада чиройли бўлиб кўринарди.

— Тўс-тўполон кечадан сўнг тонг энг лаззатли дам,— деди студент тужуркаси кийган чол.— Мана энди винони истаганча тортиб, кечмиш-кечирмишлар ҳақида гаплашиш ҳам мумкин. Тонгни яхши кўраман-да. У дилингни равшан қилади.

Маст йигит ҳалиям ўзига келмаган эди.

— Дил равшан тортишига бало борми?— қичқирди у.— Мен ким бўлмасин дилини равшан тортишини истамайман. Достоевскийчилик бу! Ёруғлик етти рангдан таркиб топган. Мен улар қаршисида таъзим қиламан. Қолганига тупураман!

Кейин уйқу босиб ҳамма жим бўлиб қолди. Люба ёнимда ўтирарди.

— Ҳамма нарса сузаётганга ўхшайди,— деди у.— Яна ҳаммаси бирам мовий... сираям ухлагим келмайпти.

— Қатарзис!— оғиз тўлдириб деди студент тужуркаси кийган чол.— Фожиадан сўнг дилнинг равшан тортиши.

— Қайдам,— деди Люба.

У хаёлга чўмди. Унинг кўзларида тонгнинг мовий шуъласи акс этар эди.

— Чарчадингиз шекилли,— дедим мен.

— Йўқ. Ҳозир жудаям маза қиляпман.

— Бу ёзда ростланам Ревнага борасизми?

— Ҳа,— жавоб берди Люба.— Сиз-чи, келасизми?

— Келаман. Агар у ерда Коля тоғам бўлса,

— «Агар»и нимаси?— ранжигандай сўради Люба.

Кўп ўтмай ҳамма ўрнидан турди, хайрлаша бошлашди. Мен ҳаммадан кейин кетдим. Лоскутная меҳмонхонасига Сашани кузатиб қўйишим керак эди, у бўлса қайноқ чой ичганидан томоғи совишини кутиб қолиб кетди.

Кўчада ясанган аёллар ва йигитлар, актерлар бўлсамикин, қорбўрон ўйнашарди. Қорда ранго-ранг конфетлар сочилиб ётарди. Уткир нурлари билан тонги ғира-шира бағрини тилиб, қуёш кўтарилиб келарди.

Сершавқ кечадан кейин Разгуляйга, керосин ҳиди анқиган қашшоқ уйимизга боришга истиҳола қилар-



дим. Аммо бу фикр миямга қандай тез келган бўлса, шундай тез чиқиб кетди. Кейин бирдан оппоқ қор ҳам, қуёш зиёси, мусаффо осмон ҳам, хайрлашаётганда қўлимни бир зумгина қўйиб юбормай турган Любанинг қўли ҳам гўё бутун борлиқ сокин оркестр куйига беихтиёр эш бўлиб кетгандай туюла бошлади.

Бир кундан сўнг Москвадан жўнаб кетдим. Қадди дол, иссиқ рўмол ўраган ойим мени вокзалга кузатиб чиқди. Уша кун кечқурун Дима Маргарита билан театрга кетган эди. Галя эса поездга кечикиб қолма, деб куйиб-лишарди.

Ойим перронга чиққанимизда деди:

— Сени даданга ўхшайсан деганимни кўнглингга олма. Менга қолса, сендан яхши одам йўқ.

Поезд жўнади. Кеч тушган эди. Анчагача Москва чироқларига қараб турдим. Шулардан бири Любанинг хонасини ёритаётган бўлса ажаб эмас.

## ИУҚ ГАПДАН ҲИКОЯ

Февраль кириб, эрувгарчилик бошланди. Киев туман қуршовида қолар, уни кўпинча илиқ шабада тарқатиб юборарди. Лукьяновкамиз эриган қор ва дарахт пўстлоқларининг ҳидига тўлганди — шамол бу ҳидни Днепр ортидан, баҳор олдидан уйғона бошлаган Чернигов ўрмонларидан олиб келарди.

Томлардан чакиллаб сув томар, сумалаклар узилиб тушар ва фақат аҳён-аҳёнда кечаларигина шамол булутларни тўзғитиб, кўлоблар музлар, кўкда юлдузлар чақнарди. Юлдузларни фақат бизнинг чет ёқдагина кўриш мумкин эди. Шаҳар уйларнинг чироқлари, кўча фонарлари ёруғидан шу қадар чароғон эдики, бу ерда бирор киши кўкда юлдузлар борлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

Рутубатли февраль оқшомлари бувимнинг бостирмаси иссиқ ва шинам бўлар эди. Электр чироқлари ёниб турарди. Гоҳо дераза қопқалари ортидан бўм-бўш боғда ув тортиб эсаётган шамол овози келиб қоларди. Мен Полесье ва «Могилев оқсоқоллари» ҳақида янги ҳикоя ёза бошлаган эдим. У кўп бошимни айлантирди, уринганим сайин ҳикоя «оёққа босмас» — борган сари бўшашиб, эпақага кела қолмасди. Шундай бўлса-да, уни бир

илож қилиб тугатиб, «Огни» журнали редакциясига олиб бордим.

Редакция Фундуклеев кўчасида, ҳовли ичидаги кичик бир хонада жойлашган эди. Қувноқ, дум-думалоқ киши чой ичман деб, бир уюм гранкалар устида колбаса тўғраб ўтирарди. Гимназистнинг қўлда ҳикоя билан редакцияда пайдо бўлиши уни сира ажаблантирмади.

У ҳикояни олди, шундоқ охирига бир қараб қўйди ва ҳикоя унга маъқул бўлганини, аммо редакторнинг келишини кутиш кераклигини айтди.

— Ҳикояга ҳақиқий фамилиянгизни қўйдингизми?— сўради думалоқ киши.

— Ҳа.

— Бекор қилибсиз! Журналимиз сўл журнал. Сиз эса гимназистсиз. Дил хиралик бўлиб қолиши мумкин. Тахаллус топинг.

Мен хўп деб, рози бўлдим. Фамилиямни ўчириб, ўрнига «Балагин» деб қўйдим.

— Бўлди,— маъқуллади думалоқ киши.

Хонага заҳил юзли, соқоли чигал, ич-ичига тушиб кетган кўзлари ўтқир, ориқ бир одам кириб келди. У йўтала-йўтала ичи чуқур калошини, узун шарфини ечар экан, тўхтовсиз сўкинарди.

— Мана редактор ҳам келди,— деди думалоқ киши, колбасанинг қобиғини шилишдан тўхтаб, қаламтароши билан кирган кишини кўрсатиб.

Редактор менга ҳатто қиё ҳам боқмай стол олдига бориб ўтирди-да, ҳавода қўлини кериб, бўғиқ йўғон овоз билан деди:

— Қани беринг!

Мен қўлёмани унинг қўлига тутқаздим.

— Сизга,— деб сўради редактор,— қабул қилинмаган қўлёмалар қайтарилмаслиги маълумми?

— Маълум.

— Жуда соз!— гўлдиради редактор.— Бир соатдан кейин келинг. Жавобини оласиз.

Думалоқ киши менга кўз қисиб, мийиғида кулиб қўйди.

Мен довдираб чиқиб кетдим, анчагача Крешчатикни айланиб юрдим, кутубхонага кириб, у ерда Фицовскийни учратиб қолдим. У эндигина Ибсеннинг бир томлигини қўлига олиб турган экан. У Ибсенни кам ўқийсан, деб

мени койиди, дунёда энг улуг асар — бу «Хаёлий шар-палар»дир деб айтди.

Кутубхонадан бирга чиқдик. Редакцияга боришга ҳали эрта эди. Қоронғи бир ҳовлига кириб чекишдик: кўчада биронта муаллимнинг ёки назоратчининг қўлига тушиб қолиш мумкин эди. Чекиш бизга ман этилганди.

Фицовский мени редакциягача кузатиб қўйиб, дар-воза тагида кутиб турмоқчи бўлди. Натижасини билиш-га қизиқарди. Аммо мен кетавер деб илтимос қилдим. Чунки қўрқардим. Ҳикояни олмасалар, Фицовский ол-дида ни́ма деган одам бўламан.

Редакцияга кирдим. Редактор бирпас менга зингил солиб тикилиб турди, индамайди. Мен ҳам индамай ту-рар, икки юзим ловилларди. Роса лавлагим чиққан бўл-са керак.

— Қўлёмани олсам дегандим,— дедим.

— Қўлёмма?— сўради редактор ва кулги аралаш йў-талди.— Марҳамат. Ола қолинг. Уни олиб, печкага таш-лашингиз мумкин. Аммо гап шундаки, мен бу ҳикояни босмоқчиман. У менга маъқул тушиб қолди.

— Ўзр, мен буни билмабман,— ғўлдирадим мен.

— Болаи нодон! Ёзувчиликка қўл урдингизми, мар-ҳамат қилиб, сабр-тоқат қилишга ўрганинг. Чоршанба — қалам ҳақи олгани келинг!— деди у овозини ўзгартиб, совуқ товуш билан.— Яна нимаики ёзсангиз, бизга олиб келинг.

Редакциядан отилиб чиқдим. Дарвоза олдида Фи-цовский турарди. У кетмабди.

— Нима бўлди?— қўрқиб сўради у.— Олишдимми?

— Олишди.

— Юр бизникига!— хитоб қилди Фицовский.— Бир шиша мускат билан тузланган олма бор. Ювамиз!

Фицовский икковимиз мускатни ичдик. Уйга жуда кеч қайтдим. Трамвайлар тўхтаб қолган эди.

Бўм-бўш кўчалардан борардим. Фонарлар ўчиб қол-ган. Агар шу тобда йўлимда тиланчи дуч келганда, мен, эҳтимол, унга шинелимни ечиб берган ёки шунга ўхшаш бирор нодонлик қилган бўлардим.

Йўқ, хайрият ҳеч ким учрамади. Фақат девор тагида шалаббо бўлиб кетган кучук оёқларини йиғиштириб ўти-рарди. Чўнтагимни ковлаштираман ҳеч нарса йўқ экан. Ноилож бориб унинг бошини силадим. Шу бўлди-ю, ит мендан орқада қолмай эргаша бошлади.

Йўл-йўлакай у билан гаплашиб бордим. Жавоб бериш ўрнига у дикирлаб сакрар, шинелимнинг енгидан тишлаб тортарди.

— Қулоқ солайлик-чи!— дедим мен тўхтаб.

Ит қулоғини динг қилди. Боғлардан гўё биров бултурги хазонларни ковлаштираётгандек шитирлаш эшитиларди.

— Бу ниманинг белгиси, биласанми?— сўрадим итдан.— Билиб қўй, баҳор келяпти. Кейин ёз бўлади. Ушанда бу ердан кетаман ва балки дунёда энг яхши қиз билан дийдор кўришаман.

Ит ўйноқлаб сакрар, енглариждан тишлаб тортқилар, кейин яна олға босардик.

Уйларнинг деразаларида биронта ёнган чироқ кўринмасди. Шаҳар пинакка кетган эди. Менга қолса, ҳамма ҳозир уйғониб, кўчага чиқса, тунд булутларнинг сузиб боришини, қорнинг эриб қисирлаётганини, чўккан қор уюмлари остида оҳиста жилдираётган сув овозини эшитишса дердим. Бунақанги ажойиб тунда ухламаган маъқул.

Уйга қандай етиб борганлигимни эслолмайман. Бувим ухлаб ётарди. Ит итоат билан орқамдан хонага кирди. Столда совиб қолган овқат турарди. Итга нон билан гўшт едирдим-да, бурчакка, печь ёнига жой қилиб бердим. Ит дарров уйқуга кетди. Ора-чора у уйқу аралаш, миннатдорчилик билдиргандай, думини ликиллашиб қўярди.

Бувим эрта билан туриб итни кўрди-ю, аммо жаҳли чиқмади. Унинг итга раҳми келди, Кадо деб ном бериб, у-бу билан боқа бошлади, шў-шу ит бувимникида қолиб кетди.

Баҳор кун сайин яқинлашиб келарди. Баҳор билан имтиҳонлар ҳам яқинлашарди. Имтиҳонлардан ўтиш учун бутун гимназия курси бўйича ўтилган фанларни такрорлаш керак эди.

Бу айниқса баҳор кезларида оғир эди.

Пасха ҳайити кирди. Пасха каникуллари тугашига яқин бувимни кўргани Брянскдан бир неча кунга Коля тоғам келди.

Коля тоғам бостирмадаги менинг хонамга жойлашди. Оиласи билан. Кўчага қараган каттакон уйда яшовчи Вера холам меникида тўхтагани учун Коля тоғамдан

хафа бўлди. Аммо Коля тоғам ҳазил-ҳузул қилиб қутулди.

Кечқурунлари биз Коля тоғам билан, ундан-бундан гаплашиб, кулишиб ётардик. Бизнинг лақиллашиб ётганимизни эшитиб, бувим ўрнидан туриб, кийиниб, олдимизга чиқар ва алламаҳалгача ўтириб қоларди.

Бир куни биз Вера холамнинг қистови билан, сиподан сипо зиёфат кечасига бордик. Бувимнинг гапига қараганда, Вера холамникида турли «монстра ва креатуралар»<sup>1</sup> тўпланган эди.

Булар ичида, айниқса, паст бўйли, чийиллаган овозли, жингалак соқол, қўнғироқ сариқ сочи қора суюртугининг ёқасига тушиб турган, Киевда ҳаммага яхши таниш кўз дўхтири Думитрашко қаттиқ ғашимни келтирди.

Думитрашко пайдо бўлиши билан ўтиришдан файз кетди. У гўштдор қўлларини ишқаб зиёлилар ҳақида куракда турмайдиган гапларни гапира бошларди. Вера холанинг эри, башарасини ҳуснбузар босиб кетган, молдаванга ўхшаш корчалон, унинг гапини маъқуллаб ўтирар эди.

Кейин ўзининг учта қари қизи билан истеъфодаги генерал Пиотух савлат тўкиб кириб келди. Генерал асосан ўтин нархлари устида гап юритди — у унча-мунча ўтин сотиш билан шуғулланар экан.

Вера холам киборларга хос суҳбат олиб боришга уринар, аммо бунга уддалай олмасди. У деярли ҳар бир жумлани: «Шуни ҳам назарда тутингки», — деб бошларди.

«Шуни ҳам назарда тутингки, — дерди у, — Башинская хоним фақат нопармон қўйлак кияди». «Шуни ҳам назарда тутингки, бу пирог ўз олмамиздан пиширилган».

Вера холам меҳмонларнинг вақтини хушлаш учун қизи Надяни пианино чалдириб ашула айттирди. Надя генералнинг қари қизларининг тешиб юборгудек қарашларидан ўзини қўярга жой тополмасди. У пианинони ўзига ишонқирамай чалар, ингичка, титроқ, ачинарли овоз билан ўша пайтда мода бўлган «Оқ қуш» ашуласини айтарди:

Уйқуда сокин дарё, шишадек сув сукутда...

---

<sup>1</sup> Креатура — обрўли кишилар соясида юриб, мартабага эришган оламлар маъносиди. (Ред.)

Музика муаллими — бундай кечаларнинг камгап иштирокчиси, немис аёл — Надядан икки кўзини узмай, кузатиб ўтирарди. Унинг бурни гўштдор ва юпқа эди, шу қадар юпқа эдики, қуёш нури тушса катакларидан кўриниб турарди. Ана шу бурун устида кунгира-кунгира соч тутами кўққайиб турар эди.

Кечадан сўнг Коля тоғам билан бувимнинг бостирмасига келдик.

— Уфф!— деди Коля тоғам пишиллаганча.— Шундаям сиқилдимки!

Бу кечани унутиш ва ғуборни тарқатиш учун Коля тоғам бувимнинг хонасига Гаттенбергерни чақирди-да, хонаки концерт уюштирди. У виолончелга жўр бўлиб, бувимга поляк деҳқонларининг қўшиқларидан айтиб берди:

О, сен мовий Висла  
Мисоли чечак.  
Ёт ерларга чопасан —  
Бўлиб кўп халак!

Бувим панжалари юмилган қўлларини тиззаларига қўйганча тингларди. Унинг боши секин-секин лиқиллар, кўзларидан сўлгин ёши дув тўкиларди. Польша энди йироқ-йироқларда эди! Бувим энди ҳеч қачон на Неман, на Висла, на Варшавани кўролмаслигини биларди. Унинг юриши ҳам оғирлашиб қолган ва ҳатто костелга ҳам бормаё қўйган эди.

Кетадиган куни Коля тоғам келаси ёз яна Ревнага боришлигини айтиб, сен ҳам бор, деб мендан сўз олди. Бу тўғрида мени қистамаса ҳам бўларди. Мен жон деб рози бўлдим.

Ревнага боришимни билган онимданоқ, кўз олдимда ҳамма нарса ўзгариб кетгандай бўлди. Ҳатто битириш имтиҳонларидан ҳам муваффақият билан ўтишимга амин бўлиб қолдим. Фақат кутишгина қолди, баъзан бахтиёр дамларга муштоқлик онлари шу онларнинг ўзига қараганда ҳам ширинроқ бўлади. Аммо мен буни кейинчалик билдим. Уша пайтларда инсон ҳаётининг қизиқ бу хислатини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

## ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ

Битириш имтиҳонлари майнинг охирида бошланиб, бир ойга чўзилиб кетди. Ҳамма синфлар ёзги таътилга чиқиб кетган эдилар. Ҳувиллаган, салқин гимназияга бизгина қатнардик. Гимназия қишки вағир-вуғурдан гўё нафас ростларди. Қадам товушларимиз барча қаватларда эшитилиб турарди.

Имтиҳонлар ўтаётган катта залда деразалар ланг очиб қўйилган эди. Оппоқ момақаймоқ попуклари залга тушган офтоб нурида ялтираб учиб юришарди.

Имтиҳонларга мундир кийиб келиш керак эди. Мундирнинг заррин уқали тахтакачдек ёқаси гарданимизга қаттиқ ботарди. Биз боғда каштанлар тагида мундирларимизнинг тугмаларини ечиб ташлаган ҳолда навбат кутиб ўтирардик.

Имтиҳонлардан қўрқар, шу билан бирга гимназияни ташлаб кетгимиз ҳам келмасди. Чунки унга ўрганиб қолгандик. Бир-биримиздан ажраб кетишимиз аниқ бўлганлигидан келажагимиз қоронғи ва машаққатли туюларди. Бир-бирига садоқатли ва хушчақчақ оиламиз тарқалиш олдида турарди.

Имтиҳонлар олдидан боғда йиғилиш ўтказилди. Бу йиғилишга синфимизнинг яҳудийлардан бошқа ҳамма гимназистлари чақирилган эди. Яҳудийлар бу йиғилишдан воқиф бўлмасликлари керак эди.

Йиғилишда энг пешқадам рус ва поляк ўқувчилар олтин медалга илинмаслик учун жуда бўлмаганда бирорта фандан тўрт баҳо олишлари зарурлиги келишиб олинди. Биз барча олтин медалларни яҳудийлар олсин деган қарорга келдик. Шу медалларсиз уларни университетга қабул қилишмасди.

Ўз аҳдимизни сир тутамиз деб, қасам ичдик. Синфимизнинг шунисига таҳсин ўқиш керакки, бу тўғрида биз на ўшанда ва на кейин, университетда ўқиб юрган чоғимизда ҳам миқ этиб оғиз очмадик. Ҳозирда гимназиядаги ўртоқларимнинг деярли кўпчилиги ҳаёт бўлмаганлиги учун мен бу қасамни буздим. Уларнинг кўпчилиги менинг авлодим бошдан кечирган катта урушларда ҳалок бўлиб кетди. Фақат бир нечтамизгина омон қолдик.

Бундан ташқари иккинчи бир йиғилиш ҳам ўтказганмиз. Бунда Маринский хотин-қизлар гимназиясининг айрим ўқувчиларига иншо ёзишда ким ёрдам беришини

белгилаб олдик. Билмадим, нима сабабдандир рус тили ёзма имтиҳонини улар биз билан бирга топширди.

Гимназист қизлар билан Станишевский музокара олиб борди. У ёрдамга муҳтож бўлган қизларнинг рўйхатини олиб келди. Рўйхатда олти киши кўрсатилган эди.

Менга Богушевич деган қизга ёрдам бериш топширилди. Мен уни билмас ва ҳеч қачон кўрмаган ҳам эдим.

Иншони катта залда ёздик. Ҳар биримиз алоҳида столда — эрлар чапда, қизлар эса ўнг томондаги столларда ўтирар эдик. Қизлар билан орамизда бўлган кенг йўлкада назоратчилар кезиб юришарди. Бир-бирларига ёзилган қоғозми, босмами, ё шунга ўхшаш шубҳали нарсаларни ошириб ўтирмасинлар дейишарди.

Станишевский рўйхатидаги олти қизнинг ҳаммаси йўлакка яқин ўтиришди. Уларнинг қай бири Богушевич эканлигини аниқлашга уринардим. «Богушевич» деганда кўз олдимга тўладан келган украин қизи келарди. Қизлардан бири бўлиқ, соч ўримлари йўғон эди. Богушевич шу бўлса керак деб ўйладим.

Директор кирди. Ўрнимиздан турдик. Директор қалин конвертни шатирлатиб йиртиб очди-да, ўқув округи юборган иншо мавзуи ёзилган қоғозни чиқарди, қўлига бўр олди ва дона-дона қилиб доскага ёзди: «Ҳақиқий маърифат ахлоқий юксалиш билан ақлий камолотни бир-бирига боғлаб туради».

Залда ҳаяжонли говур кўтарилди — мавзу ҳаддан ташқари оғир эди.

Вақтни қўлдан бой бермаслигим керак эди. Шу заҳотиёқ энсиз қоғоз парчасига Богушевич учун иншонинг конспектини ёзишга киришдим.

Битириш имтиҳонлари даврида бизга чекиш рухсат этиларди. Чекиб келиш учун биз битта-битта бўлиб коридорнинг охиридаги чекиш хонасига сўраб чиқиб келардик. У ерда мункайиб қолган қоровул Қазимир — ўша мени тайёрлов синфига олиб келган чол навбатчилик қиларди.

Чекиш хонасига бора туриб, конспектни ингичка найча қилиб ўрадим-да, уни папироснинг қувирига тиқиб қўйдим. Папиросни чекиб бўлиб, қолдиғини келишиб олганимиздек дераза токчасига қўйдим. Қазимир ҳеч нарсани пайқамади. У стулда ўтириб бутерброд кавшарди.



Мен ўз вазифамни адо этган эдим. Мендан кейин чекиш хонасига Литтауэр борди. У деразага ўзининг конспекти солинган папирос қолдиғини қўйиб, мен қўйиб келган шпаргалкани олди-да, ўрнига қайтиб кела туриб, уни Богушевич ўтирган столга ташлаб ўтди. Литтауэрдан сўнг Станишевский, Регаме ва яна икки гимназист ҳам шундай қилдилар. Уларнинг қилаётган иши ниҳоятда эҳтиёткорлик, эпчиллик талаб қиларди.

Литтауэр залга қайтиб келганда, мен ўз ёзма ишимни бошлаб юборгандим. Уни кузатиб турдим. Оширмани у кимга ва қандай қилиб ташлаб ўтди, шуни кўришни истардим. Аммо у бунини шундай чаққонлик билан бажардики, мен ҳатто сезмай ҳам қолдим. Фақат қизлардан бирининг зўр бериб ёзишга киришганидан мен иш ўринлагани ва Богушевич қутулажагини билдим.

Аммо соч ўрими йўғон қиз эмас, бутунлай бошқаси ёза бошлаган эди. Мен унинг фақат озғин елкаси-ю, тантаналарда кийиладиган оқ кўйлагининг йўл-йўл икки боғичи, бўйнига тушиб турган қизғиш кокилларинигина кўриб турардим, холос.

Иншога тўрт соат вақт берилганди. Кўпчилигимиз муддатидан илгари ёзиб қўйдик. Фақат қизларгина қийналиб ўтиришарди.

Боққа чиқдик. Боғда шу қадар кўп қушлар сайрашардики, гўё Киевнинг ҳамма қушлари шу ерга йиғилиб келгандай эди.

Боғда сал бўлмаса Литтауэр билан Станишевский ўртасида жанжал чиқай деди. Литтауэр, Станишевский қизларга ёрдам беришнинг бемаъни йўлини қўллади, деди. Станишевскийнинг жон-пони чиқиб кетди. У хўп қойил қилдим деб босар-тусарини билмай қолган, танбеҳ эмас, мақтов кутарди.

— Хўш, нега энди? — сўради у Литтауэрдан уришмоқчидай ўдағайлаб.

— Негаси шуки, ўзимиз иншо ёзиб берадиган қизларнинг фамилиясини билишимизнинг ҳеч кераги йўқ эди. Олти қизга — олти шпаргалка берилса тамом-вассалом бўларди. Исталган шпаргалкани истаган қиз оларди. Богушевичгами ёки Яворскаягами ёзаётганлигимни билишнинг менга нима қизиғи бор эди? Барибир эмасми! Толган макрнинг шпаргалка беришни қийинлаштирди, холос.

— Епирим-эй!— Станишевский ўртаниб бош лиқиллатди.— Қараб турсам қип-қизил тўқим табиат экантан-ку! Сенда ўзи фантазия деган нарса борми? Билиб қўй, мен буни жўрттага шундай қилдим.

— Сабаб?

— Бу қизии-ққ-роққ бўлади деб ўйладим,— кескин жавоб берди Станишевский.— Балким, шу баҳона бўлиб, халоскор билан халос этилган ўртасида самимий муҳаббат туғилар! Буни ўйлаб кўрдингми?

— Йўқ.

— Қовоқсан, қовоқ!— шарт кесди Станишевский.— Қани энди — Франсуага кетдик. Морожний еймиз.

Ҳар бир имтиҳондан кейин ўзимизнинг бир оз пулимизга маишат қилардик — Франсуа қандолатхонасига бориб, беш порциядан мороженое ердик.

Мен учун энг оғир имтиҳон тригонометрия бўлди. Лекин ҳар қалай ундан ўтдим. Имтиҳон кечгача чўзилиб кетди.

Имтиҳондан сўнг инспектор баҳоларни айтгунча кутиб турдик, кейин ҳеч кимнинг қуламаганидан кўнглимиз кўтарилиб, шовқин-сурон билан кўчага отилдик.

Станишевский титилиб кетган дарслигини бор кучи билан осмонга отди. Китоб варақлари тош кўчага сочилиб қетди. Бу бизга хуш келди. Ҳаммамиз дарсликларимизни баравар осмонга отдик. Бир дақиқадан сўнг тошкўча шатир-шутур оқ қоғозлар билан қопланди. Орқамиздан городскойнинг ҳуштаги эшитилди.

Биз Фундуклеевскийга, ундан кейин тор Нестеровский кўчасига бурилдик. Секин-секин ҳамма тарқаб, фақат беш киши, Станишевский, Фицовский, Шмуклер, Хорожевский ва мен қолдик.

Биз кичкина қовоқхоналари кўп бўлган Галицкий бозорига йўл олдик. Имтиҳонлар деярли тамом бўлгани учун ичмоқчи бўлдик. Фақат лотин тили қолган, бу имтиҳондан кўрқмаса ҳам бўларди.

Биз ҳазил-хузул қилиб, қаҳқаҳа урардик. Эскича қилиб айтганда, жин чалган одамларга ўхшардик. Ўт-кинчилар бизга қараб-қараб қўйишарди.

Галицкий бозорида пивохонага кирдик. Полдан гуп этиб пиво ҳиди уриб турарди. Девор бўйлаб пушти қоғоз қопланган тахталардан тўсиқлар қилинган эди. Булар «алоҳида кабинетлар» деб аталарди. Биз ана шун-

дай «кабинет»лардан бирини эгаллаб, ароқ ва бефстроган буюрдик.

Хўжайин олдини олиб ўнгиб кетган пардани тушириб қўйди. Аммо шу қадар шовқин солар эдикки, гоҳо-гоҳо бир-ярим шинаванда пардани қия очиб, «кабинет»имизга мўралаб қўярди. Мўралаганларнинг ҳаммасига ароқ қуйиб берардик. Улар жон деб ичиб, бизни «муваффақиятли тугаллаганимиз» билан табриклардилар.

Хўжайин «кабинет»имизга кириб, пардага ишора қилиб, шивирлаб:

— Хит эшик тагида турибди,— деганда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

— Хитинг ким?— сўради Станишевский.

— Айғоқчилардан. Ҳовлига орқа томондан шовқинсурон солмай чиқиб олинглар. Ҳовлидан Бульварно-Кудрявский кўчасига йўл бор.

Хўжайиннинг гапига унчалик аҳамият бермасак-да, ҳар қалай орқа эшикдан сассиқ қоронғи ҳовлига чиқдик. Ахлат яшиклари ва ўтинхоналар ёнидан кир ёйиш учун тортилган арқонларга бошни уриб олмайлик деб, букчайиб ўтиб, Бульварно-Кудрявскийга чиқдик. Орқамиздан ҳеч ким пойлаб келмас эди.

Дарвоза тагидаги тирқишдан ўтиб ғира-шира ёритилган йўлкага тушиб олдик. У ерда бизни елкаси чиққан, бошига декча шляпа кийган кимса пойлаб турарди.

— Хайрли кеч!— совуқ овоз билан пишқирди у ва декча шляпасини кўтариб қўйди.— Қалай, тўйиб хурсандчилик қилиб олдингизларми, жаноб гимназистлар?

Биз жавоб бермай, Бульварно-Кудрявскийдан юқори кўтарилдик. Декча шляпали орқамиздан келарди.

— Она сутлари оғизларидан кетмагану,— деди у пўнғиллаб,— орқа эшикларга ўзларини урганларига ўласанми!

Станишевский тўхтади. Декча шляпали кимса ҳам тўхтаб, қўлини узун пинжагининг чўнтагига солди.

— Сизга нима керак эди?— сўради Станишевский.— Қани, бир туёгингизни шиқиллатиб қолинг-чи!

— Қовоқхоналарда юрадиган бўлиб қолибсизлар,— гап бошлади декча шляпалик.— Яна император гимназиясида тарбия олишгаётган эмишлар! Қовоқхоналарга кирганлик учун бўри патта берилади. Бундан хабарингиз борми?

— Кетдик!— деди бизга Станишевский.— Аҳмоқ одамдан нима яхши гап чиқарди.

Кетдик. Декча шляпалик ҳам орқамиздан келарди.

— Мен-ку аҳмоқ эмасман-а,— деди у.— Аҳмоқ сизлар. Мен ҳам бир вақтлар гимназияда ўқиганман.

— Кўриниб турибди,— луқма ташлади Шмуклер.

— Нима кўриниб турибди?— асабий қичқирди ҳалиги.— Мени ичкилик деб бўри патта билан гимназиядан қувишди. Нима, сиз ичиб юрингу, мен бундан кўз юмиб кетайми? Йўқ! Кўрсатиб қўяман! Қўлларингизга биттадан бўри патта тутқазишмагунча қўймайман. Топширган имтиҳонларингиз ҳам сариқ чақага арзимаё қолади. Университетни тушларингизда ҳам кўрмайдиган бўласизлар. Қовоқхонада ҳукуматга қарши гапларни гапирдингларми? Гапирдинглар! Подшо оиласи устидан кулдиларингми? Кулдинглар! Сизларни қўлга олишдан осони йўқ. Мен билан ҳазиллашиш қандоқ бўлишини кўрсатиб қўяман. Ҳаммаларингни барибир охранкага тутиб бераман.

Хувиллаган кўчалардан Святовславский жарига бурилдик. Айғоқчи пастқам бу ерга кетимиздан боришга қўрқади деб ўйлаган эдик. Аммо у ҳамон кетимиздан қолмасди.

— Наҳотки беш кишилашиб унга бас келолмасак?— сўради секин Станишевский.

Тўхтадик. Айғоқчи чўнтагидан револьверини олди. Уни бизга кўрсатиб, ҳиринглади.

Городовойлар турган чорраҳаларга ўтмасдан кўчаларда уни алламаҳалгача сарсон қилиб юрдик. Фицовский якка-якка ғойиб бўлишни таклиф қилди. Бунда айғоқчи бир одамнинг кетидан эмас, аввал тўрт кишининг, кейин уч кишининг, кейин икки кишининг, ниҳоят бир кишининг кетидан тушади. Беш киши ўрнига у фақат бир кишинигина тутади.

Лекин ҳеч қайсимиз Фицовский таклифига қўшилмадик. Уртоқчиликдан бўлмасди, бу ишимиз.

Биз айғоқчини мазах қилардик. Ҳар биримиз унинг ўзимиз тўқиган биографиясини айтиб берардик. Биографиялар даҳшатли ва ҳақоратомуз эди. Айғоқчи ғазабдан хирқирарди. У, афтидан, чарчаган, аммо телбанамо ўжарлик билан ортдан қолмай келарди.

Шарқ томонда осмон оқара бошлади. Энди ҳаракатимизни қилиб қолишимиз керак эди. Бир қарорга кел-

дик-да, кўчаларда изғиб юриб, Станишевский турадиган уй олдидан чиқдик.

Бир ярим одам бўйи келадиган тош девор кўчага туртиб чиққан эди. Унинг пастки қисмида чиқиғи бор эди. Биз бараварига ана шу чиқиққа сакраб, девордан ошиб тушдик. Гимнастика дарслари жонимизга ора кирди.

Девор ортидаги боғчада яримта-юримта гишт парчалари уюлиб ётарди. Деворнинг нариги ёғида қолган айғоқчи ана шу гишт бўрони остида қолди. У қичқириб юборди, югуриб кўчанинг ўртасига ўтди ва ўқ узди. Ҳавода ўқ чийиллаб учди.

Биз югурганча боғчадан ўтиб дарвоза остидан иккинчи бир ҳовлига, ундан чопиб, тўртинчи қаватга, Станишевскийнинг квартирасига чиқдик, бир неча минутдан сўнг ҳаммамиз ечинган ҳолда диван ва катлар устида кўчада бўлаётган ҳангамага қулоқ солиб ётардик.

Станишевскийнинг сочлари оқарган, сержун адвокат отаси халат кийган ҳолда у хонадан-бу хонага юрарди. Унинг ҳам худди бизга ўхшаб жангарилиги тутган, аммо сизлар тек ётинглар, дераза олдига келманглар, деб ялиниб-ёлворарди.

Аввал кимнингдир дарвозани қутуриб тақиллатгани ва фаррош билан сўкишгани эшитилди. Кейин ҳовлида бояги хит билан городовойларнинг овозлари эшитилди. Бахтимизга, Станишевский турадиган уйнинг ҳовлиси-дан нариги ҳовлиларга ўтилар эди. Фаррош гимназистлар бу ҳовли орқали нариги томонга ўтиб кетган бўлсалар керак, деб ишонтирмоқчи бўларди. Айғоқчи ва городовойлар шовқин солиб жўнаб кетишди.

Биз донг қотиб ухлаб қолдик ва кун чошгоҳга келгандагина уйғондик. Кўчага разведкачилар—Станишевскийнинг сингилларини хабар олгани чиқардик. Ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини билгач, ҳаммамиз уй-уйимизга тарқалишдик.

Ҳозир бу қанчалик ғалати туюлмасин, аммо ўшанда биз катта хатардан: гимназияни тугатишга атиги икки кун қолганда ундан сўзсиз ҳайдалиш ва бўри патта олишдан қутулиб қолдик. Бу граждан сифатида фотиҳамиз ўқилган билан баробар бўларди.

Ниҳоят, ажойиб кун ҳам келди; мажлислар залидаги кўк мовут ёпилган каттакон стол олдида туриб, директор бизларга етуклик аттестатлари топширди ва

ҳар биримизни гимназияни тугатганлик билан табрик-лади.

Эртасига гимназияда анъанавий битириш бали бўлди. Балга биз билан бирга рус адабиётидан имтиҳон топширган гимназист қизларни ҳам таклиф қилишди.

Гимназия сутдек ёритилган эди. Боғда ҳар турли рангларга бўялган фонарчалар осилган, оркестр музика чаларди.

Бал олдидан Субоч нутқ сўзлади:

— Тўртинчи синфда сизлар билан чидаб мураса қилганман. Бецинчида чинакам одам бўлиб етишишларингизга ақл бовар қилмаса-да, тарбия қила бошладим. Олтинчида сизлар билан иноқ бўлиб қолдим. Еттинчида ҳаммангизни яхши кўриб қолдим, саккизга ўтганда эса, ҳатто сизлар билан фахрлана бошладим. Мен бахтсиз отаман. Менинг фарзандларим ниҳоятда кўп, қирқдан ошса ошарки, кам эмас. Бунинг устига орадан бир неча йил ўтиши билан болаларим ўзгариб туради. Бировлари кетиб бошқалари келишади. Натижада, мен оддий ота-оналарга қараганда, қирқ баравар кўп азоб чекаман. Яна қирқ баравар кўп югуриб-елишимни айтмайсизми. Шу боисдан балки ҳар доим ҳам барчага баробар бўлолмасман. Сизлар билан ажралиш менга оғир. Мен сизларнинг яхши одам бўлиб чиқишларингиз учун ҳаракат қилдим. Сизлар ҳам, ўз навбатида, ҳаётимни мазмунли қилиб турдинглар. Мен сизлар билан ёшардим. Шу ондан бошлаб, сизларнинг барча но-жўя қилиқларингиз ва ҳатто биринчи бўлим билан қилган уришларингизни ҳам кечирдим. Барини кечирдим! Бунда ҳеч қандай олижаноблик йўқ. Лекин мен сизларни олижаноб бўлишга даъват этаман. Гейне дунёда одамларга қараганда, аҳмоқлар кўпроқ деган эди. У маҳоват қилган, албатта. Аммо ҳар нечук бунинг маъноси нима? Маъноси шуки, биз ҳаётда на ўзларига ва на ўзгаларга қувонч ва наф келтирувчи кимсаларни учратамиз. Қуруқ савлат бўлишдан қочинг. Ким бўлишингиздан қатъий назар шуни қўлоғингизда тутинг: «Бир сатр бўлса-да, ёзмаган кунингни кун дема!» Меҳнат қилишдан чўчиманг! Қобилият деган нима? Уч карра, тўрт карра меҳнат бу. Меҳнатни севинг, ундан йироқлашиш сиз учун ўкинчли бўлсин. Оқ йўл! Сизлар билан жанг олиб бориб сочи оқарган мураббийларингизни тез-тез эслаб туринг!

Ҳаммамиз унга томон отилдик, у ҳар биримиз билан ўпишиб чиқди.

Сўнгра:

— Қани энди, — деди Субоч, — икки оғиз сўз лотинчадан, — у қўлини силкиб қўшиқ бошлади:

Gandeamus igitur juvenus dum sumus!

Биз толиблгимизнинг илк қўшиғига жўр бўла кетдик.

Кейин бал бошланди. Бошқарувчи Станишевский эди. У халоскор гимназистларга халос этилган гимназист қизларни вальсга олиб тушишни буюрди. У мени увоққина, кўзлари қувноқ қиз — Оля Богушевич билан таништирди. У оқ кўйлак кийган эди. Бошини қуйи эгиб, у ёрдам берганим учун менга раҳмат айтди ва уялганидан оқариб кетди. «Ҳечқиси йўқ, арзимаиди», дедим. У билан танца тушдик. Кейин унга буфетдан мороженое олиб келдим.

Балдан кейин қизларни уйларига кузатиб қўйдик. Оля Богушевич Липкада турар экан. Мен у билан тунда дарахтларнинг илиқ соясида борардим. Унинг ҳарир қўйлаги мана шу июнь кечасида ниҳоятда чиройли кўриниб кетди. У билан дўст бўлиб хайрлашдик.

Бизнинг тўғарак кечанинг қолган қисмини ўтказадиган Фицовскийнинг уйига йўл олдим. Биз ўртада қилинган бу зиёфатга Субоч, Селиханович ва Иогансонни ҳам таклиф этган эдик. Иогансон Шуберт қўшиқларидан ижро этар, Субоч шишаларни усталик билан жаранглатиб, унга жўр бўларди.

Биз хўп тўс-тўполон қилишдик ва қуёш чиққан бўлса-да, лекин ҳали кўчалардан чўзиқ совуқ соя кўтарилмаганда, уй-уйга тарқалишдик. Хайрлашарканмиз, бир-бирларимиз билан қаттиқ қучоқлашдик ва ҳар қайсимиз қандайдир ғалати бир маъюслик ҳамда хурсандчилик ҳисси билан ўз йўлимизга кетдик.

## ҚАСИРҒА ҲУКМРОН ТУН

Мана яна дераза ортидаги таниш ёнғоқнинг ўша-ўша япроқлари. Уларда ёмғир томчилари илиниб турибди. Яна ўша бошдан-оёқ ёмғирга бўккан паркка нур тўккан қуёш ва тўғонда сув шовқини. Яна ўша Ревна, аммо Люба йўқ.

Карелиналар чорбоғининг эшик-деразалари миҳлаб ташланган, бўм-бўш, ҳувиллаб ётарди. Унинг пешайвонида дайди ит макон қурибди. Ит агар биров яқинлашса вангиллаб қочиб, думини қисган ҳолда ўзини буталар ичига урарди. Қелган одам кетгунча ўша ерда писиб ётарди.

Саша бўғма билан оғриб қолибди, Карелиналар ёёзнинг охирига келишлари, ёки мутлақо келмасликлари ҳам мумкин эди. Буни ҳеч ким билмасди.

Ёз шиддатли ва қўнимсиз келди — Коля тоғамнинг гапига қараганда, бу қуёшда доғ кўпайганининг аломати эди.

Босим ёққан ёмғирдан сўнг қурғоқчилик бошлади. Лекин осуда кунларни тез-тез гармсел ўз забтига олар, атрофни қоронғилик босарди. Дарё суви қорайиб кетарди. Қарағайлар бошларини силкиб, нотинч шовқин сола бошларди.

Йўллар узра кўтарилган чанг-тўзон йўловчилар ортидан қолмай, узоқ-узоқларгача эргашиб борарди.

— Ёз қурғоқ келди, — дейишарди деҳқонлар.

Арғувон япроқлари қовжирай бошлади. Дарё суви кун сайин пасайиб борарди. Эрталаблари шабнам ҳам кам тушадиган бўлиб қолди. Кундуз кунлари эса ўтўланларнинг уруғли чаноқлари азбаройи қуриб кетганидан читирлаб ёрилгани қулоққа чалинарди.

Жийғиртоб даладар қариқизнинг тўзиган оқ попуқларига тўлган эди.

— Бунақа иссиқдан кейин роса момақалдироқ бўлади-да! — дейишарди одамлар.

Дарҳақиқат, момақалдироқ босиб кела бошлади. У оҳиста яқинлашиб келар, уни Глеб Афанасьев икковимиз эрталабдан бери кузатар эдик. Дарёнинг чўмиладиган ери шу қадар дим эдики, бундан кўз олдинг қоронғилашиб кетарди. Биз анчагача илиқ сувдан чиқмадик.

Осмон юзига қора парда тортилди. Наридан баҳайбат қора тўдалар худди пахта тойидай босиб келарди. Бу парда орасидан кўринган қора булут яшинли булут эди.

Атрофда тиқ этган товуш эшитилмасди. Қурбақалар овози тинган, қушлар сайрамас, балиқлар пана-панга уриб кетганди. Ҳатто япроқлар ҳам момақалдироқдан қўрқиб, тебранишдан тўхтаганди. Мордан иморат



тагига кириб кетганча оҳиста гингшир, у ердан чиққиси келмасди. Фақат одамлар говур-гувур қилишар, бир-бирларини чақиршар, аммо улар ҳам таҳликада эдилар.

Оқшом тушиб, парда тарқалгач, осмонни худди тун каби қора булут қоплаб олди. Уни дам сайин чақмоқ тиликлаб турарди. Момақалди роқ овози эшитилмасди. Шарқда хира ой кўтарилди. У булутга қарши танҳо ўзи сузарди. Унинг ортида биронта ҳам юлдуз кўринмасди. Ой ҳар чақмоқ чаққанда хира тортиб кетарди.

Сўнг, алоҳа, борлиқ енгил тортиб чуқур нафас олди. Биринчи гулдурак ўрмонлар бўйлаб узоқ жанубга шамолда шувиллаган буғдойлар сари таралиб кетди. У гулдураб узоқлашаркан, кетма-кет янгиси айюҳаннос солиб, унинг кетидан ўша жануб ёққа ерни ларзага келтириб ўтиб кетарди.

— Илёс пайғамбар осмони фалакда думалаяпти,— дерди Глеб Афанасьев.

Булут ичра сариқ уюрмалар қўзғала кетди. Булутнинг бир ёнбоши ерга томон осила бошлади. Чақинлар чатнаб кетар ва осмоннинг тим сиёҳ унгуриларида ярақлар эди.

Қишлоқ жомесида бир неча бор ошиқич қўша занг урилди. Бу уйлардаги печь оловларини ўчиринг деганлари эди.

Биз барча дераза, эшикларни, печка ва дераза қопқаларини ёпдик-да, ровонда ўтириб кута бошладик.

Паркдан анча олисда — ернинг у чеккасидан бу чеккасигача ваҳимали гулдурос кўтарилди. Маруся хола қўрқиб уйга кириб кетди. Гулдурос яқинлашар, гўё биз томон йўлида нимаики учраса, барини комига тортиб океандай босиб келарди. Бу шамол дағдағаси эди.

Кейин ҳамма ёқ увлаган ва чийиллаган овозларга тўлди. Юз йиллик арғувонлар ғирчиллай бошладилар. Ер бағирлаб сариқ чақин ўрмалади. Ойналар чил-чил бўлиб тушди. Ана шу сариқ чақин бағрини тилиб мислсиз чақмоқ чақнади ва шундай бир қасирлаган овоз чиқдики, гўё дача томига қадар ерга қоқиб ташлангандай бўлди. Дарахтларнинг алғов-далғов силкинаётган учлари бўйлаб сариқ оловли ғўла учиб ўтди. У чарсиллар ва дуд кўтарар экан, кейин худди олисга отиладиган снаряд сингари қарсиллаб портлади.

— Тезроқ ёмғир ёға қолса-чи!—деб такрорларди Маруся хола.— Тезроқ ёға қолса-чи!

Ниҳоят, жала бошланди. Энка-тенкаси чиқиб кетган паркка челақлаб ёмғир қуя кетди.

Жала гувиллар, борган сари кучаярди. Унинг аллаловчи овозидан тасалли топиб, ҳаммамиз хона-хонамизга тарқалдик ва қаттиқ уйқуга кетдик.

Кечаси мен пастда итнинг вовиллагани, отларнинг кишнагани, шошилиб ташланган оёқ товушлари, кулги, идиш-товоқнинг жарангидан уйғониб кетдим. Глеб ҳам бедор эди.

Жала босилибди, аммо тўхтовсиз чақмоқ чақарди.

— Костик,— деди Глеб,— менинг башоратгўй қалбим кимнингдир келганлигини сезяпти. Ким бўлсайкин? Кел, қулоқ солайлик-чи.

Бир неча минут жим ётдик. Глеб дик этиб турди-да, қоронғида кийина бошлади.

— Бўлди!— деди у.— Жимиб кетган Сашанинг ёқимли товушини эшитяпман. Булар Карелиналар! Тур!

Мен ҳам кийина бошладим. Мен Маруся холанинг пастда туриб айтган гапини эшитдим:

— Ҳа, Костик шу ерда. Анча бўлди. Глеб ҳам шу ерда. Уларни уйғотиш керак.

— Ухлайверишсин,— деб жавоб берди Мария Трофимовна.— Эртага лақиллашишар. Қандай қилиб етиб келганлигимизга ўзим ҳайронман. Рябчевкада момақалдироқдан қочиб икки соат туриб қолдик. Яхшиямки, йўлимиз қумлоқ йўл.

— Қани, юр!— деди Глеб.

— Сен аввал чиқ.

— Аҳа!— хитоб қилди Глеб.— Демак, ҳаяжонланяпман денг, йигитча!

— Нега ҳаяжонланар эканман?

— Ундоқ бўлса, бирга юр!

Пастга тушдик. Хонада чироқлар ёниб турарди. Маруся хола чой ҳозирларди. Деворлар тагида ҳўл чамадонлар турарди.

Мария Трофимовна стол ёнида ўтирарди. Саша югуриб келиб Глеб ва мен билан ўпишиб кўришди. У жудаям озиб кетган, аммо кўзлари аввалгидек чақнаб турарди.

Биз эҳтиром билан бориб Мария Трофимовнанинг қўлидан ўпдик.

— Қара-я, тоза қорайибсан-ку!— деди Мария Трофимовна ва эркалатиб юзимга шапатилаб қўйди.

Люба орқасини ўгириб, чўккалаганча корзинка титкилар, бизга қайрилиб ҳам қарамай ниманидир изларди.

— Люба,— чақирди Мария Трофимовна,— нима, кўрмаяпсанми? Костик билан Глеб тушишди.

— Ҳозир,— деди Люба ва оҳиста ўрнидан турди.— Лимонни тополмаяпман, ойи.

— Лимони қурсин, қўявер майли.

Люба айланиб қаради, сочларини тузатиб қўлчўзди. У менга юзакигина бир қараб қўйди-да, кўзини олиб қочди.

— Ўтиринглар,— деди Маруся хола.— Чой совиб қолади.

Стол ёнига ўтирдик. Коля тоғам хонада йўқ эди. Мен ровонда кимнингдир қўлига унинг сув қуйиб турганини, ювинаётган одамнинг эса ҳансираган, дудуқланиб гапирган сўзларини эшитдим:

— Худо ҳақи, овора бўлманг. Ташаккур.

— Ким у?— сўрадим Сашадан.

У елкамдан тутиб, қулоғимга шивирлади:

— Ленька Михельсон. Любанинг мактабдош ўртоғи. Рассом. Вундеркинд. Хачир!

— Ким?— қайта сўрадим мен.

— Ха-чир!— деди дона-дона қилиб Саша.— Ўз кўзинг билан кўрасан. Уни ёмон кўраман.

— Саша!— деб ўшқирди Мария Трофимовна.— Шивир-шивирни бас қил!

Люба Сашага хўмрайиб қаради-да, кўзини ерга тикди.

Ровондан Коля тоғам кириб келди. Унинг иетидан қўлларини артган ҳолда барваста бўйли, кўзойнак таққан, юзи узунчоқ, тишлари йирик-йирик йигит кириб келди. У юзимизга мулойим боққан ҳолда мен ва Глеб билан саломлашди. Шабкўрлиги ва бесўнақайлигига қарамасдан, у ойимнинг яхши кўрган гапи билан айтганда, «дуруст оила»дан эди. Бу йигит хушмуомала ва ўзини эркин тутса-да, қип-қизил вундеркинд ва шаҳар тарбиясини кўрганлиги сезилиб турарди.

У стол ёнига ўтириб, Маруся хола стаканда узатган чойни олди, миннатдорчилик билдирди-да, деди:

— Дала! Далачилик!

Глеб пиқирлаб юборди. Маруся хола хавотирланиб, мен билан Глебга қараб қўйди. Саша меҳмонни чалғитди:

— Леня, худо ҳақи, яхшиси мураббодан олинг. Ертутдан қилинган.

Коля тоғам ҳам Глебга яхши эмас; дегандай хўмрайиб қаради-ю, лекин ўзини тутолмай кулимсираб қўйди.

Чойдан кейин биз Карелиналарнинг юklarини дачаларига элтиб қўйишдик. Парк силкиниб ёмғир томчиларини ерга тўкар, шувиллар эди. Қишлоқда хўрозлар тинимсиз қичқиришарди. Дарахт учлари оқариб, тонг ота бошлаган эди.

Карелиналар шу заҳоти уйларини супуриб-сидириб, жойлаша бошладилар.

Қуёш чиқиб, ровон панжараларига тилла суви югуртди ва атрофга тонгги мусаффо ва сарин ёз нурларини сочди. Леня Михельсон Карелиналарнинг дачаси олдидаги йўлкага сепилган қумга таёқ билан нимадир чизарди.

— Қандай ажойиб тонг! Чўмилгани борамиз,— деди Глеб, биз сўнгги чамадонни келтириб қўйиб, Мария Трофимовна энди бошқа овора бўлмаслигимизни айтгач.

Паҳмоқ сочиқларимизни олиб, чўмилгани кетдик. Карелиналар дачаси олдидаги қум сепилган йўлкада Люба бошининг расми ён томондан чизилган, устида қуёш нур сочиб турибди ва остига «О, нурли офтоб!» деб ёзилган эди.

Глебнинг жаҳли чиқди:

— Декадент! Бачкана! Тантиқ!

Глеб сочиғини силкиб бораркан, менга қарамасдан гапириб кетарди:

— Менга қара, Костик, қўй, бошингни қотирма. Нима кераги бор! Шунини деб бутун ёзни заҳарламагин. Қани айт, ким чаққон, сенми ё менми?

У чопиб кетди. Мен ҳам унинг кетидан югурдим. Қурбақалар биздан қочиб, ўзларини ҳўл ўт ичига уришарди. Баркашдай қуёш кўтарилгандан кўтарилиб, шишадек мусаффо осмон тобора тиниқланиб борарди.

Чўмиладиган жойга чопиб боргунимча юрагимдаги алам ўтиб кетгандай бўлиб туюлди. Мен ҳарсиллаб, қизариб кетгандим. Юрагим гуп-гуп урар экан, шундай

ажойиб тонгда нафас олаётганим, олдимда ҳали узундан-узоқ ёз кунни турганлигини эслаб, қандайдир кибр-ҳаволи Люба туфайли беҳуда қийналиб юриш шартмикин деярдим.

Чўмилгани Коля тоғам ҳам келди. Биз сузишиб, калла ташлашиб, дарёни шу қадар чайқатиб юбордикки, ҳатто узоқдаги тўғон олдида майда долғалар мавжи нилуфар гулларини дам кўтариб, дам тушираётгани кўриниб турарди. Бошимга илк хиёнат тушганини ҳам унутиб юбордим. Фақат Любага хиёнатдан сира қайғурмаётганлигимни ва ҳаётим бунингсиз ҳам ажойиб нарсалар билан тўлиб-тошганлиги, бошқа бир йигит билан изҳори муҳаббат қилишу, уф тортишлар гашимни келтиради деб ўйлашнинг ўзи кулгили бир нарса эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлардим.

«Ахир тўғрисиям шундай эмасми?— деб ўйлардим ўзимча.— Нима, Любага бўлган ҳавасимнинг мана шу қуёшга бўлган ҳавасимдан ортиқ жойи борми?— Офтоб энди кўм-кўк япроқлар оралаб қорамтир сувга бота бошлаган эди.— Уриб олинмаган мана бу ўт-ўланларнинг хушбўй ҳидидан унинг нимаси афзал? Ҳатто чўмилиш хонасининг тахта деворида шоша-пиша ўрмалаб бораётган анови кўк қўнғизчадан ҳам яхшими у?»

Шу равишча ўзимни осонгина юпатардим. Қим билсин эҳтимол, теварак-атроф ҳаддан зиёда жозибалигидан шундай бўлгандир.

Глеб чўмилиш хонасининг томига чиқиб, қуёшга қўл чўзди ва манқаланиб: «О, нурли офтоб!»— деб қичқирганча ўзини сувга отди.

— Ҳой, шоввозлар!— деди Коля тоға.— Чиқинглар. Чой ичиб, кейин разведкага борамиз.

— Қаёққа?— сўрадим мен.

— Дарё этагига, Меловая горканинг нарёғига.

Мен сувдан чиқдим. Қуруқ, илиқ тахталар устидан юриб бориш ва уларда ҳўл қолдириш маза эди. Дам ўтмай излар қуриб қоларди. Пахмоқ сочиқдан шўр денгиз ҳиди келиб турарди. Қуёш кўкрак ва ҳўл бошимизни иситар, фақат қаҳ-қаҳ уриб, қизиқ-қизиқ гаплардан суҳбатлашгим ёки Глеб билан дачагача ким ўздига чопгим келарди.

Шундай қилдик ҳам. Мордан ва Четвертак кетимиздан жон-жаҳдлари билан вовиллаганча югуришар,

сакрашар ва қўлларимиздан сочиқларимизни тишлаб тортиб олмоқчи бўлишарди.

Биз хахолашиб, итларимиз вовиллаганча Қарелиналарнинг дачаси ёнидан ўтдик-да, Маруся холани чўчитиб юбориб, ўзимизнинг ровонга кириб бордик.

Чойдан кейин биз Коля тоғам билан дарё этагига жўнадик. Глеб икковимиз дарёнинг тирсаги, терс оқими-ю, ҳар хил жарлик ва хуштабиат жойларга ном топиб, қўлбола картамызга туширардик.

Бутоқчалар ва бўй баравар ўт-ўланлар баданимизни тирнаб юз-кўзимизга келиб уриларди. Қўйлақларимиз чечакларнинг ғуборидан сарғайиб кетганди. Дарё қирғоқларидан қизиган алаф ва қум ҳиди келарди. Глеб маънодор қилиб:

— Ҳазинликни жиним севмайди!— деди.

Ёз бўйи кунларимизни ана шундай ўтказдик.

Кўп ўтмай иссиқ кунлар орқада қолди. Парк узра бўрон қутурарди. У булутларни дарахт учларига келтириб ура бошлади. Булутлар дарахт чўққиларида ўралишиб, тарам-тарам нам қолдирар ва ваҳимада тум-тарақай бўлиб кетишарди.

Парк чайқалар ва инграрди. Дарёда нилуфарларнинг япроқлари типпа-тик бўлиб кетганди. Томда ёмғир тасирларди. Болохона шу қадар ҳам қасира-қусурга тўлган эдики, гўё ноғоранинг ичида ўтиргандек бўлардик.

Коля тоғам, Глеб ва мендан ўзга ҳамма ёғинлик кунларни лаънатлашарди. Биз плашларимизни кийиб, кеча қўйилган тўрқовоқларимизни кўриб қолиш баҳонасида тўғонга йўл олдик. Аслида, у ерга боришимиздан мақсад бу эмас, балки ёмғир аралаш эсаётган бўронда совуқ суяк-суягимизга ўтгунча нафас олиб келишдан иборат эди. Шамол шунақангги шиддат билан эсар эдики, дарахтдан узилган япроқ юзимизга чиппа ёпишиб қоларди. Плашларимиз тош қотиб музлаб қолди. Биз бир-бировимизни чақиришиб борардик.

Йўл-йўлақай бўрон гирдобига тушар, энтикар, шамолга қарши ўгирилиб олардик.

— Яхши!— қичқирарди Коля тоғам.— Жуда яхши! Кўзингга қара, учириб кетмасин.

— Дала! Далачилик!— қичқирарди Глеб дудуқланиб.

У ҳамон Леня Михельсонни майна қилишнинг пайдан бўларди. Мулкларимизни айлана бошладик. Қари толлар учи гуж бўлиб симоб ранг япроқлари тиккайган ҳолда гувилларди. Улар жонҳолатда шамол билан олишардилар. Чириган шохлар қарсиллаб синиб тушарди. Патлари тўзғиб кетган зағчалар шамолда чирпирак бўлиб учишарди. Улар чағ-чуғ қилишар, лекин товушларини эшитиб бўлмасди. Биз уларнинг очилган тумшукларини кўриб қолардик, холос.

Баланд тўғон ортида шамол кирмайдиган бир жой бор эди. Уша ерга бурганлар орасидан тушиб борардик. Қичитқи ўт юзга урилар, лекин ачиштирмасди. Шу ерда, хода орқасида Коля тоғамнинг қалмоқлари яшириб қўйилган эди. Қармоқларни ўғриларга ўхшаб тортиб олдик. Қўлларимиз дағ-дағ қалтирарди. Буни Маруся хола кўриб қолса борми! Шусиз ҳам у бизларни тентакка чиқариб қўйганди.

Қармоқларимизни сувга ташладик. Бўрон нақ бошимиз устида гувилларди. Лекин паст сокин эди.

— Улсаям илинмайди,— дерди Глеб.— Балиқ бизга ўхшаган аҳмоқ эмас!

У балиқни хотиржам қилиш учун атай шундай дерди. Ичида қани энди илина қолса деб турарди. Чиндан ҳам мўъжиза юз берди — пўкаклар оҳишта совуқ сувга шўнғий бошлади.

— Подуслар!— қичқирди Коля тоғам.

Биз қалай тусидаги бадани қаттиқ балиқларни тортиб ола бошладик. Бўрон қаҳрига минар, сув бўйлаб шитоб билан ёмғир шувиллаб ўтарди.

Лекин энди ҳеч нарсани пайқамасдик.

— Совқотмадингларми?— қичқирди Коля тоғам.

— Йўқ! Мазза!

— Демак, тутаверамиз-а?

— Албатта!

Бўрон беш кун давом этти. У кечаси тинди; ҳеч ким буни пайқамай қолди.

Эрталаб қушларнинг важир-вужуридан уйғондим. Парк туман қўйнида эди. Ундан қуёш нурлари ўтиб турарди. Юксакда осмон мусаффо бўлса керак, туман зангори тусда эди.

Коля тоғам ровон ёнида самовар қўярди, самоварнинг тутуни юқори ўрлар, болохонамизда ёнаётган қарагай сўтасининг ҳиди анқирди.

Урнимда деразага қараб ётардим. Кўҳна арғувоннинг шох-шаббалари орасида ажиб манзара ҳосил бўлганди. Қуёш ёғдуси япроқлардан ўтиб, арғувон тана-сида жилваланар, беҳисоб, яшил ва тилла ранг чўғлар ялт-юлт қиларди. Бу манзарани Ленька Михельсон у ёқда турсин, энг моҳир рассом ҳам тасвирлаб беролмасди.

Унинг расмларида осмон зарғалдоқ ранг, дарахтлар мовий, одамларнинг башаралари эса сапчага ўхшаш кўкимтир бўларди. Бундай тасвирлаш менинг Любага шунчаки енгил-елпи кўнгил қўйиб қолишимдай бир гап эди. Эндиликда, мен бундай кўнгил кўчаларига киришдан халос бўлгандим.

Менга бу борада ёзнинг эзма бўрони ҳаммадан кўп ёрдам берди чоғи.

Мен қуёш нурининг барглар бағрига тобора чуқурроқ кириб бораётганлигига қараб турардим. Ана у саргайган яккаш бир япроқни ёритди, кейин шохда ёнбўш ерга қараб қўниб турган читтакка, сўнгра ёмғир томчисига тушди. Томчи титраб, мана-мана тушаман деб турарди.

— Костик, Глеб эшитяпсизларми?— сўради пастдан туриб Коля тоғам.

— Нимайкан?

— Турналар!

Қулоқ сола бошладик. Мовий туман қўйнидан ғалати товушлар келар, гўё осмонда сув мавж ураётгандай бўларди.

## ҚИТТАК ЗАҲАР

Баъзан Коля тоғамникига қишлоқ аптекачиси меҳмон бўлиб келарди. Унинг исми Лазарь Борисович эди.

Бизнинг кўзимиз билан қараганда, бу табияти ғалати-роқ бир аптекачи эди. У студент тужуркаси кийиб юрарди. Япасқи бурнида қора тасмалик қийшиқ пенсне базўр турарди. Аптекачи зуваласи пишиқ, кўзининг атрофигача соқол босган, тили заҳар одам эди.

Лазарь Борисович витебсклик бўлиб, қачонлардир Харьков университетида ўқиган, аммо уни тугатмаган эди. Ҳозирда у қишлоқ аптекасида ўзининг букри синг-



лиси билан бирга турарди. Аптекачини революцион ҳаракатга алоқаси бор одам деб билардик.

У жуда кўп жойларининг тагига қизил ва зангори қалам билан чизилган, ҳошияларига ундов ва савол аломатлари қўйиб ташланган Плеханов китобчаларини кўтариб юрарди.

Дам олиш кунлари аптекачи китобларини кўтариб паркнинг ичкарасига кириб кетар, тагига тужуркасини тўшаб ётиб, оёғини чалиштирганча қўпол ботинкасини ликиллашиб, ўқишга тушарди.

Нима ҳам бўлиб, Маруся холага дори келтиргани Лазарь Борисовичнинг олдига, аптекага бордим. Маруся холанинг боши оғриб, кўнгли айниб қолганди.

Мен шолчалар тўшалган, яронгул ўсган тахта токчаларда чинни идишлар терилган, ўт ҳидига тўлган озодагина бу аптекани яхши кўрардим. Лазарь Борисович ўт-ўланларни ўзи терар, қуритар ва дори тайёрларди.

Мен ҳеч қачон аптекага ўхшаган ғичир-ғичир уйни учратмаганман. Ҳар бир пол тахтаси ўзича бир овоз чиқарарди. Бундан ташқари барча нарсалар: стуллар, тахта диван, токчалар ва Лазарь Борисович ўтириб рецепт ёзадиган конторка ҳам қисирлаб, ғирчиллаб эди. Аптекачи қимирлади дегунча шунақа ҳам аралаш-қуралаш товушлар чиқар эдики, гўё бир неча машшоқ аптекада ўтириб олиб, таранг, қуруқ торларга камонча тортаётгандай бўларди.

Лазарь Борисович бу ғачир-ғучурларнинг энг нозик жиҳатларигача яхши илғаб оларди.

— Маня!— қичқирарди у синглисига.— Нима, кар бўлиб қолганмисан? Васька ошхонага кириб кетди. У ерда балиқ бор-ку!

Васька аптекачининг қора, туллаган мушуги эди.

Баъзан биз келувчиларга аптекачи:

— Мана шу диванга ўтирманг, ўтинаман, йўқса, шунақангги нағмасини чалиб юборадик, эсингиз тескари бўлиб кетади,— дерди.

Ҳовончада дори янча туриб, Лазарь Борисович, худога шукур ҳаво намхуш кунлари аптека бошқа кунларга қараганда камроқ ғичирлайди, дерди. Ҳовонча тўсиндан чийиллаб юборарди. Келган одам чўчиб тушар, Лазарь Борисович бўлса, шодланиб кетиб:

— Ҳа-ҳа! Сизнинг ҳам асабларингиз жойида эмас кўринади. Қойил-а!— дерди.

Ҳозир эса Маруся холага дори янчаркан, Лазарь Борисович ҳисобсиз гачир-ғучур овозлар чиқариб дерди:

— Грек донишманди Сукрот сассиқ алафдан заҳарланган эди. Шунақа! Мана шу сассиқ алаф тегирмон ёнидаги ботқоқда тўлиб-тошиб ётибди! Огоҳлантириб қўяй — оқсоябон гулли! Заҳари илдизларида. Шунақа! Унинг озгинаси фойдали ҳам. Мен ҳар бир кимса сергак тортиши учун баъзан-баъзан овқатига ундан қиттак солиб еб турса ёмон бўлмасди деб ўйлайман.

— Сиз гомеопатияга<sup>1</sup> ишонасизми?— сўрадим мен.

— Психика соҳасида — ҳа!— қатъий деди Лазарь Борисович.— Тушунмай турибсизми? Келинг, яخشиси, сизнинг устингизда синаб кўрайлик. Тажриба учун.

Рози бўлдим. Бунинг қанақа тажриба эканлигини билишга қизиқдим.

— Мен ҳам,— деди Лазарь Борисович,— ёшликнинг, айниқса, ўсмир гимназияни тугатиб университетга кираётган бўлса, ўз ҳуқуқлари борлигини биламан. Бундай ёшда уларга айтилган гап у қулоқларидан кириб бу қулоқларидан чиқиб кетади. Аммо нима бўлганда ҳам ўйлаб иш тутиш керак!

— Нима ҳақида?

— Худди ўйлаб кўрадиган нарсаси йўқ одамдай гапирасиз-а!— зарда аралаш деди Лазарь Борисович.— Мана, сизлар ҳаётга энди қадам қўяяпсизлар. Шундайми? Қим бўлиб чиқмоқчисиз ўзи, билсак бўладими? Қай йўл билан яшамоқчисиз? Қачонгача шаталоқ отиб, майнабозчилик қилиб, мушкул жумбоқларга қўл силтаб юрамиз деб ўйлайсиз? Ҳаёт — таътил кунлари эмас, йигитча. Йўқ! Олдиндан айтиб қўяй: биз катта воқеалар арафасида турибмиз. Ҳа! Амин бўлинг. Николай Григорьевич мендан кулиб юради-ю, лекин ким ҳақ, ким ноҳақ, ҳали кўрамиз. Ҳай, қани айтинг-чи, ким бўлмоқчисиз ўзи?

— Мен хоҳлардимки...— гап бошладим мен.

— Қўйсангиз-чи!— қичқирди Лазарь Борисович,— нима ҳам дердингиз. Бунинг тариқча ҳам аҳамияти йўқ.

— Муҳими нима бўлмаса?

---

<sup>1</sup> Гомеопатия — соғлом кишига кўп миқдорда берилса, касал қиладиган дорини бемор одамга оз-оздан бериб бориб даволаш усули (ред.).

— А-до-ла-т!— қичқирди у.— Халқ билан бирга бўлиш керак. Халқим дейиш керак. Қим бўлмаңг, ҳатто тиш доктори бўлсангиз-да, лекин инсонларнинг яхши яшамоғи учун курашинг. Тушундингизми?

— Яхши-ку, аммо нега уни менга гапиряпсиз?

— Нега дейсизми? Умуман! Шунчаки! Сиз маъқулгина йигитчасизу, лекин фикр қилишни ёмон кўрасиз. Буни анчадан бири сезиб юраман. Айтмоқчиманки, бундан буёқ марҳамат қилиб фикрлашга одатланинг!

— Мен ёзувчи бўламаң,— дедим мен ва қизариб кетдим.

— Ёзувчи бўламан?— Лазарь Борисович пенснесини тўғрилаб қўйди-да, менга ҳайрат аралаш олайиб қаради.— Хоҳ-ҳо! Қимнинг ёзувчи бўлгиси келмайди! Балки, мен ҳам Лев Николаевич Толстой бўлишни истарман!

— Ёзганман-ку... босилиб ҳам чиққан.

— Унда,— деди қатъий қилиб Лазарь Борисович,— марҳамат қилиб, кутиб туринг! Мен дориларни тортаман-да, кейин сизни кузатиб қўяман ва бунинг қанчалик тўғрилигини аниқлаб оламиз.

Афтидан, у ҳаяжонланиб кетган, шунданмикин, дориларни тортиб бўлгунча, икки марта пенснеси тушиб кетди.

Биз чиқдик ва дала кесиб дарё бўйига, ундан паркка ўтдик. Қуёш дарёнинг нариги томонидаги ўрмон ортига ботиб борарди. Лазарь Борисович қўлидаги эрман ўтининг бошини эзиб димоғига тутаркан.

— Бу улкан иш, аммо у ҳаётни чуқур билишни талаб қилади. Тушундингизми? Сиз бўлса ҳаётни чуқурроқ эмас, бундоқроқ ҳам билмайсиз. Ёзувчи! У шу қадар кўп нарсани билиши керакки, ўйлаб қарасанг ваҳимага тушиб кетасан. У ҳамма нарсани фаҳмлаши керак! У эртаю кеч пешана тери тўкиши ва шуҳрат ортидан қувмаслиги керак! Ҳа! Шунақа! Сизга айтадиган гапим шуки, хонадонларга қўноқ бўлинг, ярмаркалар, фабрикалар, ётоқларда бўлинг. Ҳамма ерни, чор атрофни: театрлар, касалхоналар, шахталар, турмалар — барини кўринг. Тушундингизми? Ҳамма ерда валерьянка спирти шимгандай ҳаёт сизга сингиб кетсин! Чинакам дори шунда бунёдга келади. Ушандагина уни одамларга шифобахш малҳам деб тақдим қилсангиз арзийди. Лекин меъёрида. Ҳа!

Езувчилик лаёқати ҳақида у яна узоқ гапирди. Биз парк ёнида хайрлашдик.

— Жуда сиз ўйлаганча танбал эмасман,— дедим мен.

— Оҳ, йўқ!— хитоб қилди Лазарь Борисович ва қўлимни ушлаб олди.— Мен хурсандман! Кўриб турибсиз-ку. Аммо менга сиз ҳақ экансиз ва мен энди айрим нарсалар устида бош қотирмасам бўлмайди, деб айтинг. Бу сизнинг қиттак заҳарингиздан денг. А?

У қўлимни қўйиб юбормасдан кўзларимга тикиларди. Кейин у хўрсиниб қўйиб, кетди. У далалардан кичкинагина бўлиб, ҳурпайиб одим отар ва ўша-ўша эрманларнинг бошларини юлқиб борарди. Кейин у чўнтагидан каттакон қаламтарошини олди-да, чўнқайиб ўтириб, ердан аллақандай дори ўтни ковлаб ола бошлади.

Аптекачининг тажрибаси тўғри чиқди. Мен ўзимнинг ҳеч нарса билмаслигимни ва жуда кўп нарсалар устида ўйлаб кўрмаганлигимни тушундим. Мен бу қизиқ кишининг маслаҳатига кириб, кўп ўтмай одамлар орасига, яъни ҳеч қайси китоб ва бекорчи хомхаёллар ўрнини босолмайдиган ҳаёт мактабига қадам қўйдим.

Бу оғир ва тўғри йўл эди.

Ёшлик ёшлигини қиларди. Мен бу мактабни ўташга кучим етадими, йўқми ўйлаб кўрмасдим. Кучим етишига амин эдим.

Кечқурун ҳаммамиз Меловая горкага — дарё тепасидаги тик қарағайзор жарга бордик. Меловая горкада қаршимизда ястаниб ётган кузги илиқ тун намоеён бўлди.

Биз жар ёқасига ўтирдик. Тўғон томонда сув шовилларди. Қушлар шохдан-шохга сакрашиб, ухлашга ҳозирлик кўришарди. Ўрмон узра шафақ яллиғланди ва шундан кейингина тутун каби юпқа булутлар кўзга ташлана бошлади.

— Нимани ўйлаб қолдинг, Қостик?— сўради Глеб.

— Ўзим... шунчаки...

Мен ўйга толар эканман, хаёлимдан севги, ҳақиқат ва бахтга интилтирадиган, ажиб шафақлари, тунда олислардан эшитилувчи сув шовқинлари билан тўлган бу ҳаётимни кимда-ким маъносиз деса унга ҳеч қачон ишонмайман, деган фикр ўтар эди; ҳар биримиз ҳар ерда ва ҳар қачон ана шу ҳаётни барқарор қилмоқлик учун умрбод курашмоғимиз керак.

1947

## МУНДАРИЖА

Отамнинг ўлими . . . . .	3
Бобом Максим Григорьевич . . . . .	12
Товонбалиқлар . . . . .	20
Ченстоховга сафар . . . . .	26
Пушти толгуллар . . . . .	32
Қарақат соққачалар . . . . .	43
Святослав кўчаси . . . . .	52
Қишки томошалар . . . . .	59
Гардемарин . . . . .	64
Жаннатнинг кўриниши . . . . .	69
Брянск ўрмонлари . . . . .	75
Мушукчалар . . . . .	84
Лимпопо дарёсининг суви . . . . .	94
Муқаддас қоида . . . . .	104
Арғувон ранги . . . . .	114
Болакай эдим ўша кезлари . . . . .	124
Қизил фонусча . . . . .	136
Бўм-бўш Таврида . . . . .	143
Ҳалокат . . . . .	158
Тўпчилар . . . . .	165
Буюк трагик Кин . . . . .	172
Катта йўлда танҳо йўловчи . . . . .	178
Дикий тор кўчаси . . . . .	181
Кузги жанглар . . . . .	186
«Тирик тиллар» . . . . .	191
«Жаноб гимназистлар» . . . . .	199
Қирғий бурун қирол . . . . .	205
Бекорчи бемаънилиқлар . . . . .	210

Брагинкадаги қовоқхона	217
Бувим боғида кўрган тушим	236
«Кўҳна лотин тили»	245
Гуманитар фанлар муаллимлари	250
Театрда узилган ўқ	257
Разгуляй	264
Йўқ гапдан ҳикоя	281
Етуклик аттестати	287
Қасирға ҳукмрон тун	295
Қиттақ заҳар	304

*На узбекском языке*

*Паустовский Константин Георгиевич*

ДАЛЕКИЕ ГОДЫ

Повесть

Перевод с издания Гослитиздата, 1956 года

Редактор *Х. Эргашев*  
Рассом *И. Циганов*  
Расмлар редактори *Г. Бедарев*  
Техн. редактор *Л. Ильина*  
Корректор *Т. Алимов*

Босмахонага берилди 28/VI-65 й. Босишга  
рухсат этилди 1/XII-1965 й. Формати  
84×108/8. Босма л. 9,75. Шартли босма  
л. 15,99. Нашр. л. 16,77. Тиражи 15 000.  
«Тошкент» бадий адабиёт нашриёти.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома 79—64.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети  
матбуот Давлат Комитетининг 3-босмахо-  
насида босилди. Тошкент Ленинград кў-  
часи, 15. Заказ № 33 Баҳоси 65т.

Паустовский К.

Йироқ йиллар. Повесть. (Ҳасан Тўрабеков, Иброҳим Ғафуров,  
Жайрулла Эргашев тарж.) Т., «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти,  
1966. 312 бет. Тиражи 15 000.

Паустовский К. Далекие годы.

Р.2